

Шарҳ назарда

1998

3

67-ЙИЛ ЧИҚИШИ

АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ
ЖУРНАЛ

БОШИ МУХАРРАП

Ўткир ҲОШИМОВ

НАХРРИР ҲАМРАИИ

Омон МУХТОР,
Юсуф ФАЙЗУЛЛО,
Мурод МАНСУР,
Икром ОТАМУРОД,
Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,
Бахтиёр КАРИМ,
Асад ДИЛМУРОД

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊЪАТ
НАШРИЁТИ

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

Носир Хисрав. САФАРНОМА. Охири.

**Абдурауф Фитрат. ОИЛА ЁКИ ОИЛА
БОШҚАРИШ ТАРТИБЛАРИ.** Рисола.

Иброҳим Раҳим. Аҳмад ФАРҒОНИЙ.
Драма.

**Нажмиддин Мирмаҳмуд. ИМОМ
БУҲОРИЙ.** Бадиа.

**Асад Дилмурод. ФАНО ДАШТИДАГИ
ҚУШ.** Роман.

**Шойим Бутаев. ШҮРОДАН ҚОЛГАН
ОДАМЛАР.** Қисса.

Жура Фозил. БУҲОРО ЭЛЧИСИ.
Ҳужжатли қисса.



Матәқуб Қушжонов

*АДАБИЯТ МҲУМИЯТИ ВА
БАДИИЯТИ ҚУСМАТИ*

Энди маълум бўляптики, марксистик дунёқарашнинг баъзи принциплари бадий ижоднинг узига хос хусусиятларини, хусусан мазмун билан шакл бирлигини ҳисобга олмасдан зўрма-зўраки тарзда қўлланилди. Жумладан, партиявийлик, синфийлик масалалари хусусида гап борганда ижодкорнинг объектив ҳаёт қонуниятларини урганиб, аввалам бор ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни акс эттириши зарурат ҳисобланавермас эди. Аксарият ўринларда партиявийлик ва синфийликни ижодкор ишини назоратга олиш, тафтиш қилиш, деб тушунилар эди. Бу иш «мутасаддилари» ёзувчи ҳаётнинг қайси томонларига кўпроқ эътибор бериши керак ва уни қай йўсинда тасвирлаши керак, маъносида юқоридан туриб буйруқбозлик қилишар, ВКП(б) Марказий Комитетининг қирқинчи йиллардаги адабиёт ва санъат ҳақидаги қарорлари худди шу мақсадда қабул қилинган эди. Шу асосда уша йиллари қатор истеъдодли ижодкорлар қаттиқ танқид остига олинди, ижоддан узоқлаштириб қўйилди. Улардан бир қисми қамоққа олинди. Ижодкорлар устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Назорат усуллари ҳам галати бўларди. Масалани кўпроқ бир ёки бир неча шахслар ҳал қилиб қўяқоларди. Назоратчиларнинг бадий ижодга қай даражада дахли бор ё йўқлиги билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Баъзан масалани ҳал қилувчи арбоб дидига тўғри келадиган шахслардан иборат дабдабали комиссиялар хўжақўрсинга тузилар, уларнинг тайёрлаган маълумотлари асосида қарорлар қабул қилиниб, қонун сифатида ижодкорлар муҳокамаларига қўйилар, катта-кичик мажлислар бу ишга багишланиб, оммавий матбуот органлари бир хил андозадаги мақолаларни сон-

ма-сон эълон қилишаверар эди. Масала моҳиятига етишни ўйлаб кўрмаган «мутахассислар» бу хил тўқима қарорлардан чексиз кўчирмалар олиб, маълум бир ижодкорларни дўшласига киришар эди. Одатда ўзига хос, истеъдодли ижодкорлар бу буйруқбозликнинг қурбони бўларди. Буйруқбозликнинг энг даҳшатли жойи ҳам шунда эди.

Бу ноҳалол ишнинг назарий аспекти ҳам тайёр турар эди: «Ўтмишни қўмсаш, идеаллаштириш», «миллий масалани тушунмаслик», «майда буржуазия идеологиясига берилиш», «замонавий мавзуни назар-писанд қилмаслик», «ҳаётни бир томонлама тасвирлаш», «меҳнаткаш образига кам эътибор бериш», ҳоказо ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси йигилиб, ҳаёт воқеалигига синфий қарамаслик, партиявийлик ақидасида мустақкам турмаслик, деб аталар эди.

Шу орада марксизм классиклари етарли даражада урганилмабди, бинобарин уларга шак келтирилибди, деган навбатдаги хулоса ҳам айтиларди. Шу тарзда бадий шакл масалалари иккинчи планга туширилар, гоёнинг ҳоқимлиги, унинг ҳал қилувчи кучи таъминланарди.

Шу йўсинда қарийб 50 йил давомида ўзбек совет адабиётининг биринчи классиклари, ўзига хос истеъдод эгалари Чўлпон ва Фитрат янги тузумнинг ашадий душманлари, деб эълон қилинди. Шу талаблар асосида биринчи ўзбек романнависи Абдулла Қодирий «халқ душмани»га чиқарилиб, унинг романи китобхонлар қўлидан тортиб олинди. Қодирийчилар деб номланган айбномалар жорий қилинди. Шу асосда қанчадан-қанча истеъдодларнинг қаноти қайрилди. Адабиётимиз тараққиётига хизмати сингган М. Шайхзода, Шўҳрат, С. Аҳмад, Шукрулло советга ёт унсулар, деб эълон қилинди. Ойбекнинг «Навойий» романи «зарарли асар» қаторига чиқарилиди.

Бадий шакл масалаларини назар-писанд қилмаган, сунъий гоёларнинг ҳоқимлигига асосланган айбловлар яқин-яқин вақтларгача давом қилди. 20-йиллар охирида пайдо бўлган машъум «майда буржуазия мафкураси» айбномаси 30-йилларда ҳам жиддий равишда бош кутарди. Шу асосда ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг ишлари (1982 йил) мафкура жиҳатдан зарарли, деб топилди; кейинги йилларнинг жозибали романидан бири «Юлдузли тунлар» совет адабиёти учун ёт асар сифатида баҳоланди; Шўҳрат ва Шукрулло ҳаётдан орқда қолган

Фақат адабиётчилар, адабиётга яқин кишилар эмас, барча ихлосмандлар, китоб муҳлислари улкан олим Матқуб Қўшжонов номини яхши билишди. Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа қўлаб адибларнинг асарларини теран илмий таҳлил қилиш билан бирга, Қўшжоновни адабиётдаги узгаришлар, янгиликлар доим қизиқтириб келади. Олим ўз эмишларида бадий маҳорат, сўзчининг санъаткорлигини диққат марказида тутди.

Матқуб Қўшжонов туғилган кунга 80 йил туляпти. Шу муносабат билан, таниқли адабиётшуосни журналхонларимиз ва журнал таҳририяти номидан кутлаб, у киши таклиф этган янги бир назарий мақолани эътиборингизга ҳавола қилишимиз.

ТАҲРИРИЯТ

ижодкорлар, деб эълон қилинди; адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов қора рўйхатга тушди. Булар ҳаммаси партия номи билан, партиявийлик, синфийлик шиори, фақат мазмун, гўё мазмунини соф сақлаш мақсадида қилинди.

Масалага яна ҳам аниқроқ қарасак, қуйидаги манзара куз олдимизда намоён бўлади: адабиёт ишига догматик қарашни одат қилганларнинг асосий ақидаси ёзувчи ҳаётнинг қайси томонини кўрди, нимага эътибор берди, деган масала бўлди. Улар назарида бу бош масала эди. Уларни асосий масала — ҳаёт тасвиридан келиб чиқадиган маъно қизиқтиравермасди. Улар «Ўтган кунлар»нинг асосий қаҳрамонлари ҳоким синф вакиллари эканликларини ҳазм қила олмасдилар. Ҳоким синф вакиллари ҳам жамият ҳаётидаги тенгсизлик, феодал урф-одатлар курбони бўлиб, фожейи ҳолатга тушиб қолишлари мушкилиги уларнинг ҳаёлига ҳам келмас эди. Синфий қарашни догмага айлантирганлар «Навоий» романида Алишер Навоийни улуғ гуманист сифатида эмас, балки «йирик феодал» сифатида кўришни истардилар. Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари»даги инглиз истилочиларига қарши курашган ишчи комитетларининг фаолиятдан улар эгри хулосалар чиқардилар, яъни ҳиндларнинг инглизларга қарши курашини адибларни ўзбекларнинг русларга қарши муносабатига ишораси, деб тушундилар. Мазмунга биринчи даражали аҳамият бериш, бадииятни назар-писанд қилмаслик бу хулосалар замирида турган омил эди.

Бунинг устига, бадий жиҳатдан анча баркамол, халқ муҳаббатини қозонган қатор классик асарларимизни партиявийлик, синфийлик жиҳатидан чиқитга чиқармоқчи бўлган «билагонлар» синфий курашни чекланган, маълум бир схемага солган ҳолда тушундилар. Улар синфий курашнинг классик шаклини, унда ҳам бир хил кўринишини — йўқсиларнинг ҳоким синфга қарши очиқ курашинигина тушундилар. Улар назарида бу ҳаракатлар туфайли ҳоким синф вакиллари орасида тугиладиган турли зиддиятлар, бу зиддиятлар натижасида пайдо бўладиган «Кеча ва кундуз»да тасвирлангандек емирилишлар, ахлоқий бузилишлар; «Ўтган кунлар»дагидек кескин фожиавий ечимлар, «Навоий» романидагидек гуманизм билан қора кучлар ўртасидаги олишувлар, «Юлдузли тунлар»дагидек ҳокимлик мавқеи ва тахт талашин, халқ бошига ёғдирилган оғир кулфатларининг гўё синфий курашга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. «Зарбдор» мунаққидлар бу ҳолатдаги воқеалар хусусида жиддийроқ ўйлаб ҳам кўрмасдилар. Ҳолбуки, мазкур зиддиятлар, емирилишлар, фожиалар, қиргинлар синфий курашнинг халқчиллик, гуманизм, одамийлик шаклида намоён бўлган кўринишлари эмасми?! Нега биз яқиндагини кўриб, узоқдагини назарга илмаслигимиз, ялтироқ ташқи кўринишга эътибор бериб воқелик моҳиятини очиб берадиган чигалликларни кўрмаслигимиз керак? Бордию бадиият сирлари, бу жиҳатдан қўлга киритган ютуқлар етарли урганилса, уларга суяниб иш тутилса, тўғри хулосага келиш қийин бўлмас эди-ку! Афсус, шундай қилинмади.

Бадий ижодга догматик қарашнинг принциплари, бир хил ижодкорга нимани танлашни ва уни қандай тасвирлашни «кўрсатиб» бериш ҳам даврларга, жанрларга қараб ҳар хил йўсинда намоён бўлар эди. Маълум бир вақтлар «асарда партия раҳбари роли тўғри кўрсатилмаган»; «рус кишиси образи заиф», «салбий қаҳрамонлар тула очилгану, ижобий қаҳрамонлар ёрқин эмас», «совет кишиси табиат устидан галаба қозонавермайди», «диний руҳдаги сўзларни ишлатади», «огир вазиятдан чиқиб кета олмайди», «курашчи эмас» ва ҳоказо айбномлар тўғиб ташланаверарди.

Бу соф мазмунга тегишли айбномалар фақат мажлислару матбуот саҳифаларида айтиб қўйилақолса ҳам майли эди. Энг даҳшатлиси шунда булар эдики, улардан сиёсий хулосалар чиқарилар, бу айбномлар асосида муаллифларга ҳар хил йўсиндаги таъқиқлар утказиларди.

Бундай пайтларда асар қаҳрамони қандай вазиятда яшайди, ҳаракат қилади, ёзувчи нияти қандай, унинг услуби нима билан характерли, материал мантиқи нимани тақозо этади — бу билан кўрсатма берувчиларнинг ишлари булмасди.

Яна бир масалага эътибор қилинг: бугун биз табиат мувозанатининг бузилиши хусусида ташвишга тушиб қолдик. Кейинги 50—60 йил давомида адабиётимиз бошқа соҳалар қатори «ўжар табиат»ни тула равишда инсон измига бўйсундириш йўналишида ривожланди. Адабиёт ишларида ҳам Мичуриннинг «Биз табиатдан марҳамат кутмаймиз!» деган сўзлари ҳадеб такрорланаверарди.

Адабиёт табиат устидан зувронлик қиладиган қаҳрамонга мадҳиялар ўқиди, уни улуглади. «Ўжар табиатни» инсонга бўйсундирувчи қаҳрамонлар галереяси пайдо бўлди. Улар бу ишда ҳеч қандай тўсиқ билишмасди. Энди маълум бўляптики, улар табиатни пайҳон қилувчилар, унинг умр илдизига болта урувчилар экан. Адабиётни шу тарзда «ривожлантириш»да ушбу сатрлар муаллифи ҳам четда турмаганлигини бутун афсуслар билан қайд этишга тўғри келади.

Ҳаётда учраб турадиган сон-саноксиз жожеий ҳолатлар, комик ва сатирик воқеалар бадий ижод майдонидан четлатилди. Матбуот саҳифалари-ю катта анжуманларда, ҳатто партия қурултойларида барча камчиликларни сатира ути билан куйдириш керак, деган шиорлар ўртага ташланарди. Бироқ амалда бу шиорларга зид ишлар қилинарди. Бу ўринда сўз билан амалиёт орасида осмон билан ерча фарқ бўларди. Тарғибот ва ташвиқот шу даражада қудратли эдики, биз бу фарқни ўз вақтида англайвермас, борди-ю англаб қолгудек бўлсак, осонгина халқ душмани сафига қўшиб қўйилардик.

Бу ҳолатдаги шиорларнинг кучини қайтарадиган омиллар ҳам мавжуд эди. Сатирик асар яратмоқчи бўлган муаллифлар олдига ҳаётнинг салбий томонларини акс эттириш учун биринчи планда унинг ижобий томонларини кўрсатиш керак, деган қатъий талаб қўйилар эди. Шундай қилиб, адабиётда текис, силлиқ, фақат «яратувчилик» билан баъд қаҳрамонлар ҳукм-

ронлиги пайдо бўлди, адабий жараёнда асосий омил шулар бўлиб қолди. Кимдир фожейей ёки ҳажвий ҳолатлар тасвирига мурожаат қилиб қолса, «Бизнинг илгор жамиятимизда, фаровон ҳаётимизда бу хилдаги воқеалар бўлиши мумкин эмас, бу социалистик тузумга тўхмат», деган овозлар янграйдиган бўлди. Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам бўлар эдики, «Бизга гоголлар керак, шчедринлар керак», деб катта ва обрўли минбарлардан бонг урилар эдию Гоголь ва Шчедринчасига ҳақиқатни айтишга интилган ижодкорлар катта зарбага учрар ва иш бу хилдаги ижодкорни социалистик реализм ижодкори сафидан чиқариб қўйишгача бориб етар эди.

Баъзи уриналарда гап шунга бориб етар эдики, адабий асарларда яратилган типларнинг салбий хислатлари бироз қабартирилиб, ижобий белгилари камроқ таъкидланиб қоладиган бўлса ҳам ҳаёт бузиб кўрсатилган, социалистик тузум камситилаётган ҳисобланарди. Адабиётда совет кишиси бир хилда — ўта ишчан, ўта илгор, ўта етук бўлиши керак. Шундай бўлмаса, бу капитализмга ён босган, индивидуализмга йўл очиб берган, социалистик ҳаётга хос бўёқларни топа олмаган ҳисобланарди. Қизиги шунда булар эдики, ҳеч ким ҳажвий асар яратиш керак эмас, дея олмас эди. Бироқ ҳажвий типлар социалистик тузум талаблари доирасидан чиқмаслиги керак, энг муҳими, адашган нобон ҳолга тушиб қолган кимса «қайта тарбияланиши» талаб қилинарди. Қайта тарбиялаш вазифасини ижобий қаҳрамон бажариши муқаррар ҳисобланарди. Бунинг учун ижобий қаҳрамон ҳеч қандай камчиликка йўл қўймайдиган, кам-кўсти йўқ шахс бўлиши зарур эди. Шундай қилиб, ҳажвий баркамолликка эриша олмас, яратиладиган ҳажвий типлар чала тутилган болаларни эслатарди. Ижобий қаҳрамон масаласи ҳам тўғри талқин қилинавермасди. Асосан, у бекамукўст, ўта мукамал, коммунистик идеал ақидаларига тўла мос одам бўлиши керак эди. Ҳатто ижобий қаҳрамон қиёфасида маълум камчиликларни кўрсатишга интилишлар сезилиб қолгудек бўлса «зарбдор адабиётчилар» «огоҳ бўлинг», адабиётимизда «дегероизация» оқими бошланди, деб бонг урадиган бўлишди. Шундай қилиб, адабиётнинг ҳажвий жанри бошқа жанрларга нисбатан кўпроқ зарар кўрди. Жанр сифатида тараққиётдан маҳрум бўлди.

Лекин шу билан бирга ҳаёт шуни кўрсатдики, адабиёт йўлини тўсиб қўйишдан кўра азим даража тўғон босиш осонроқ. Бир томони тўсилса, адабиёт иккинчи томондан узига йўл очди. Баъзан қабих низомлар даврасидан йўл топиб, баъзан четта чиқиб бўлса ҳам, ҳақиқатни айтадиган асарлар яратилар, давр ҳаётини тўғри акс эттирадиган типлар пайдо бўлиб қолар эди. Баъзи асарларда шахсга сизгиниш даврларини характерлайдиган, рағбату эътибордан боши айланган ўзбошимча раҳбарлар типи чизилса («Синчалак» қиссасида Қаландаров), баъзи асарларда бошқа хўжаликлар ҳисобига мавқеини яна ҳам юқорилашга ҳаракат қиладиган раҳбарлар образи яратилди («Диёнат» романида Отақузи). Баъзи асарларда эса узини илм даҳо

си ҳисоблаб, бошқалар йулини тусиб қуяётган қолоқ ва амал-параст олимлар образи яратилди («Гирдоб» романи). Бир хил асарларда камчиликлардан куз юма олмаган журналист образи яратилса («Нур борки, соя бор»), бошқа бирида дунёда ўзини яхшилиқдан узоқда тутган олчоқ, фирибгар, аммо фахрталаб худбинлар («Жаннатга йўл»), ҳаромдан ҳазар қилмайдиган порахурлар («Сунгги нусхалар») фош қилинди. Қанчадан-қанча қийинчиликлар билан Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» ҳажвий достони ёруғ дунёни кўрди. Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достони ўтмиш орқали замонавий фожиаларга нур сочди.

Бугун айтиш керакки, мазкур асарларнинг муаллифлари ўша кезлари бу асарларни юрак ҳовучлаб, минг андишаю-андиқлар билан ёзиб, китобхонга етказган эдилар. Бу ҳолни биз ижодкорларга хос жасорат, деб баҳолашимиз керак. Кейинги пайтларда даврнинг қанчадан-қанча машаққатларини бошидан ўтказган адибларимиз ижодини баъзан йўққа чиқарадиган овозлар ҳам эшитилаётгир. Бунга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Бу ижодкорлар ижоди, меросида, ҳар бирида ўзига яраша давр тамғаси борлигини тан олган ҳолда, уларнинг адабиёт олдидаги хизматлари қатта эканини унутмаслик керак. Шу маънода шакл ва мазмун бирлиги хусусида гап борганда, у давр асарлари фойдали манба сифатида ҳам иш беришига ишончимиз комилдир.





Исмоил Тухтамишев

Ноеб бўлди мен учун шафқат

*Сен мени унутдинг. Унутдинг—йўқдай,
Бефарқ термуламан юлдузли кукка,
Куксим нишон эмас маломат — уққа,
Қайтиб бер, дил ёққан армонларимни!*

*Энди боқмагайман йўлларга хумор,
Дунё ҳам келмагай, асло менга тор,
Дилим қитиқламас шивирлаб баҳор,
Қайтиб бер, дил ёққан армонларимни!*

*Бахтдан сўйламагай, гуллар тебраниб,
Масъум бўйламагай, гуллар тебраниб,
Қушиқ куйламагай, гуллар тебраниб,
Қайтиб бер, дил ёққан армонларимни!*

*Рашк, алам вужудим утларга ёқсин,
Хайллар сён томон сёл булиб оқсин,
Майли, ғанимларим кулишиб боқсин,
Қайтиб бер, дил ёққан армонларимни!*

*Кузлари жон талаб шамшодга қайтай,
Оғуши аллалар ўй, ёдга қайтай,
Юракни лов ёққан ижодга қайтай,
Қайтиб бер, дил ёққан армонларимни!*

* * *

Ҳад билмаган, эй кўҳна жаҳон,
Тунлар ёнган юлдуз чароғон,
Ўғирлаган хаёлим жонон,
Сенга айтар гапларим бордир.

Дилларимни ёндирган ҳавас,
Интилишдан толмам бир нафас,
Саждагоҳим Ватан — муқаддас,
Сенга айтар гапларим бордир.

Ноёб бўлди мен учун шафқат,
Армон қотди кўксимда қат-қат,
Дилим ёққан оташ муҳаббат,
Сенга айтар гапларим бордир.

Нималарни кўрмади бошим,
Юзларимни ювар күзёшим,
Тарк этмаган сабрим, бардошим,
Сенга айтар гапларим бордир.

Сийму зардан қилма каромат,
Бойлик шудир бўлсанг саломат,
Ҳозирча юз ўғирган омад,
Сенга айтар гапларим бордир.

* * *

Кўргуликнинг кўпдир турлари,
Санаб бўлмас уларни бир-бир.
Жонинг қийнар вақт утган сари,
Баъзан ошкор, баъзан мубҳам сир.
Дил тубида бир армон ётар,
Қаддинг тутиб юролмассан тик.
Ўйлаб-ўйлаб бошларинг қотар,
Ноқобил фарзанд ҳам кўргулик.

Орзулар кўп, ҳеч бўлмас тугал,
Бу дунёда камчилик-кустинг.
Силжимаин қолса ишинг сал,
Панд беради баъзан жон дўстинг.
Кеча эдинг, у ила сирдош,
Ўзни шу он ўтга ургулик.
Сенга отар турли-туман тош,
Сотқин дўст ҳам, ахир, кўргулик.

Интиласан олдинга тинмай,
Шундай ўтар ёзинг, баҳоринг.
Ҳамма учун сен ёрдамга шай,
Лекин, сенга ишонмас ёринг.
Ерга тенгдир гоҳида шаънинг,
Бу дунёдан юзни бургулик.

*Қолмагандай яшашдан маъни,
Ишончсиз ёр, бу ҳам кўргулик.*

*Яшагайсан гоҳо басма-бас,
Дилга эшдир қаноат, сабот.
Жўш уради орзую ҳавас,
Мангудайин туюлар ҳаёт.
Яшаш — тарих олдида асли,
Лаҳзагина ҳаёл сургулик.
Айни баҳор гуллаган фасли,
Бевақт улим — даҳшат, кўргулик.*

*Тайёрдирман ҳар хил синовга,
Не кунларни кўрмади бошим.
Қад эгмадим лекин бировга,
Етарлидир сабрим, бардошим.
Поймол бўлма, токи танда жон,
Виждону ор, номус ила шаън.
Ҳар бир лаҳза ҳаёт — Онажон,
Ўзинг асра кўргуликлардан.*

* * *

*Тунлари кутасан ойнинг тўлишин,
Кундузи кўешнинг порлаб кулишин.
Фақат яхшиликни соғиниб яша,
Билмассан эртага бўлишин.*

* * *

*Қўлимда шамчироқ тутиб яшайман.
Айби-гуноҳингдан утиб яшайман.
Яхшиликни раво кўрмаслар, лекин,
Бир умр мен уни кутиб яшайман.*

Дадахон Ҳасан

Ўзингдирсан жанци Дунёда борци...

Омон бўл, Ватаним...

*Бизлар шу Ватанга жонни тикканмиз,
Баҳорда лоладек, қонни тикканмиз.
Ҳар баҳор барқ уриб жамол очувчи, —*

*Абадий барҳаёт шонни тикканмиз.
Омон бўл, Ватаним, абадул-абад!*

*Фақат сен, сен учун имконлар фидо,
Умрлар, лаҳзалар, ҳар онлар фидо.
Муътабар аждодлар ўтмиши бўйи —
Ўтмаган, сўнмаган армонлар фидо.
Омон бўл, Ватаним, абадул-абад!*

*Сенингсиз менга ҳеч жон ҳам керакмас,
Фароғат на шараф-шон ҳам керакмас.
Сенсиз бахт-саодат нафақат умр,
Умрдан ҳатто бир он ҳам керакмас.
Омон бўл, Ватаним, абадул-абад!*

*Сени ор-номус деб билганим шудир,
Сени деб бағримни тилганим шудир.
Эмган оқ сутларим ҳаққи-ҳурмати,
Байъату қасамёд қилганим шудир.
Омон бўл, Ватаним, абадул-абад!*

Умр-саодат

*Кулундай ҳайқириб қилурман нола,
Қоврилсам, рашк-алам алангасида.
Кукларга термулиб минг илтижо-ла,
Қоврилсам рашк-алам алангасида.*

*Саҳродай ловуллаб боғим-чаманим,
Деворга айлангай руҳ ила таним,
Ҳеч кимим қолмайин дунёда маним,
Қоврилсам рашк-алам алангасида.*

*Мени тарк этма, эй журъат, жасорат,
Асло насиб этма менга фароғат,
Шул эрур мен учун умр-саодат,
Қоврилсам, рашк-алам алангасида.*

Қадр кечаси

*Мени қадр этмади «Лайлат-ул қадр»,
Ҳатто мен томонга қиё боқмади.
Боқса булар эди мен томонга бир,
Билолмадим унга недир ёқмади?!*

*Боқса нетар эди мен томонга ул,
Руҳимни бир бора шодумон айлаб.
Дунёда заррача бўлса-да масъул,
Мурувват борлигин намоён айлаб.*

*Афсус, у мен томон боқмади қиё,
Ўтиб кетаверди ҳамма қатори.*

— Аслида, шунақа, тескари дунё,
Шу эрур, — дегандай, — дунёнинг кори.

Мустар қолавердим тонггача бедор,
Безовта сабримни ичимга ютиб.
Хайрият дунёда кун ўтказмоқ бор,
Чинакам қадри ўзидан кутиб.

Она юрт

Менга идрок бердинг, фаросат бердинг,
Янгроқ созу санъат, саодат бердинг,
Имон, эътиқодим саломат бердинг,
Сенинг фарзандингман, алҳамдулиллоҳ!

Сенга ёниб-ёниб қўшиқлар битдим,
Фақат сени куйлаб, ғамни унутдим,
Истиқлолинг ўйлаб, руҳим бойитдим,
Сенинг фарзандингман, алҳамдулиллоҳ!

Сенда туғилдимки, йўқдир армоним,
Сенга омад тилаб бўғзимда жоним,
Сен, эй тонглари оқ қутлуғ маконим,
Сенинг фарзандингман, алҳамдулиллоҳ!

Сенингиз мен учун дунёлар абас,
Юрагим қаърида қотиб қолган сас:
Милён-милён йиллар омон бўлсанг, бас,
Сенинг фарзандингман, алҳамдулиллоҳ!

Онажон

Шафтоли шохлари гуллаган чоғи,
Бағримни бурдалар бир ҳижрон доғи,
Алам ва армоннинг йўқми адоғи,
Соғиниб кетдим-ку сизни, онажон!

Дунё деганлари мунчалар тахир,
Борми мен каби бир ғарибу сағир,
Куйиб-куйиб кулга айландим, ахир,
Соғиниб кетдим-ку сизни, онажон!

Соғиниб кетдим-ку сўзларингизни,
Меҳрга тўла ул кўзларингизни,
Наҳот, тополмасман мен энди сизни,
Соғиниб кетдим-ку сизни, онажон!

Сизни бир кўрмоққа зор-зор бўлдим,
Дунё кўзларимга тангу тор бўлдим,
Дўстга зор, душманга энди хор бўлдим,
Соғиниб кетдим-ку сизни, онажон!

Мен қайга интилсам етмайдир қўлим,
Саҳрога менгзайдир меним унг сўлим,

Менга даб этмоқда гоҳида ўлим,
Соғиниб кетдим-ку сизни, онажон!

Дарду аламларга тўлдимо-тўлдим,
Кузги барг мисоли сўлдимо-сўлдим,
Балки-да, мен энди ўлдимо-ўлдим,
Соғиниб кетдим-ку сизни, онажон!

Қора кийган жонона

Кўп йиғлама қора кийган, жонона,
Мен ҳам сенга бир умрли ошиқман.
Мен ҳам ишқинг билан куйган мастона,
Мен ҳам сенга бир умрли ошиқман.

Ундан ортиқ севар эрдим мен сени,
Оро йўлда ташлаб кетгандинг мени,
Нетай шундай экан тақдир дегани,
Мен ҳам сенга бир умрли ошиқман.

Гулшанингда бир тикан унган билан,
Гунча лўбларга гўбор кунган билан,
Бахтинг сўнмас, бир гулинг сунган билан,
Мен ҳам сенга бир умрли ошиқман.

Агар билсанг, ўзингсан номус-орим,
Ўзингдирсан маним дунёда борим,
Чечаксан, гул ўзоримсан, баҳорим,
Мен ҳам сенга бир умрли ошиқман.

Барно Эшпулатов

Бағридан сирғасган нозик хаёс гул

* * *

Хушбўй соғинч йироқларга чорлаган тонгда,
бағримда улғайган ният рангларин топдим.
Қуёшнинг тафтини тўйдим қутлуг армонда,
ёғдулар изидан бордим. Умидвор чопдим.

Саҳрони тарк этган баҳор. Жизганак олис.
Ўзингдан ўзингча чучиб кетасан ногоҳ,
Қумга сингиб кетган кечмиш. Ажабтовур ҳис.
Изларинг ўзликдан этар барибир огоҳ.

Денгизсиймо кунлар жўшар долғама-долға,
қушларнинг қаноти юксак юлдузлар мисол.
Гуё бунда нималардир сен учун қолган,
гуё йитиб кетгай агар бунда келмасанг.

Муаззам хотира мисол ястанган кенглик,
қум, қум, қум... Тегрангни тўлғар қисматлар тарҳи.
Замин юрагига илдиз отган шувқоқдек,
ушоқдир дамларинг ушоқ айланган Тарих.

Бу осмондан қушлар кечди жануб, шимолга,
кенглигида юлдузларнинг тақдири битди.
Қумлар эса хотирадек абадий қолган,
ўзгалар-чи келди, кетди, келмакка кетди.

Ўлтирибман бир ўзгинам — ақлим ҳайратда,
нима ўзи келмагимнинг маъноси асли?
Йўллар ва бармоқлар аро ажаб шиддатда
тўкилар баҳор, ёз, куз, киш — тақдирқум фасли.

...Мен сени қумсайман, Телба соғинч лиммо-лим.
Ортимга қайтолмам. Сирли истиқбол ҳам йўқ.
Елғиздирман. Кечмишимни йўқламас ҳеч ким,
дунё эса ўдагайлар, ажал урар дўқ.

Қайдасан, нофармон тунлар ёлғизи, гулим,
қутқаргил сенсизин кечмас ўйдан, хаёлдан?!
Қуёш симиргандек дунё дегичнинг йўлин,
ёнингга чорлагин, майли, шафқатсиз алда.

Таъналаринг айтақолгин, қизганма гинанг,
уялмақдан қумга дўнай, пойингда ётай.
Мурувват эт, саховатли бекам, озгина
қорачинг уммонига сочилиб ботай.

Мен саҳродан қайтиб келдим. Билмам, неча йил
адашиблар кездим дунё. Ювдим гуноҳим.
Адашган шувқоқ исидай, ютоққанман, бил,
саҳродан сўрагин, қумлар менинг гувоҳим.

* * *

Кўнгулнинг эси пасайиб қолгандек анча,
барчасини ҳушлайвермас, қизганар ўзин.
Авваллари кечмишларга чорларди мудом,
энди эса ўз-ўзига тилайди тўзим.

Дунё кўрмоқ саодатин уни билмоққа
алишарди иккиланмай деҳқондек танти.
Далалари торлик қилар барин сифдирса,
гоҳо ўзин билдирганда аёвсиз мантиқ.

Мақбаралар, битиктошлар... Меъморий дoston.
У ўзича ниманидир топди энгашиб.

Отасига номуносиб фарзанд ёнма-ён
ётар бунда, бобосига гуё тенглашиб.

Дастурхонга интилади қўллар бемалол,
қорин тўяр, ёлчиб нафас олар иштаҳа.
Эси паст кўнгул ненидир сиғдиролмайди,
билганини ўз-ўзига сўзлайди фақат.

Ҳаёт тарзи ўзгаришин истамас жисм,
меҳнат, ҳордиқ, рости ёлгон... Инсон кўнади.
Олисларга кетиб қолар ўзлигин излаб,
ўзи билар у иқлимдан қачон дўнади?

Ачинади, манов очкўз бандога қараб,
анов тўнка сарварликка даъвогар кезар.
Ҳар ким еса ўзидан ер дейсан, йўқ, фақат
кўнгул гуноҳсизлар ҳаққин ўзининг сезар.

Хоин зотлар сўзигамас юзига боқиб,
бир нималар пайқаб қолар... Англатолмас шаън.
Ҳам кечмишлар силсиласи эзган танага
қайсарларча макон бермас, у энди — ватан.

Хотирани турткилайди. Қадим бодадай
борлигини кўзгатмоққа шайланади шод.
Жунбушлари изларидан эргашар рағбат,
изларининг жунбушидан юксалар фарёд.

Саҳроларга, қояларга олиб кетар бош,
насибасин қузатади зийрак буридай.
Изғий-изғий қайтиб келар кўнлардан бир кўн;
кимнинг шодлиги-ю, кимнинг қадар, шўридай?!

Бахт исини пайқамайди мавжуд сезимлар,
олтинчи сезимдай ундар гоҳо амалга,
Қоч, бу ердан, дўстим, бўлақол, биз туйган иснинг
фитратида бахтсизлигинг тарҳи қамалган.

Бўйсунасан. Тавсияси гарчанд ғалати,
заковатдан, ҳақиқатдан йироқдай гуё.
Унутасан борлигини ҳаёт шаштида,
у-чи қайтиб келар мисли раҳмоний рўё.

Бу оламда бахтиёрлик бордир мунаввар,
билолмайсан қайси аждод мулкидан ўзи?!
Кўнгулдир у, юксак-юксак маъводан келган
дунё сарвари бўлгулик илоҳий тўзим.

Кўнгулнинг эси пасайиб қолгандек анча...

* * *

Бағримдан сиргалган нозик хаёл гул,
хушнуд дийдорингдан тутмагил дариг.

Ўзимча йўлингни пойлайман нуқул,
ўзимча ўзимдан кетаман нари.

Бу хотир, хавотир соясида кун
силкиниб йиғлайдир, аримоқ истар.
Тонг эмас, бошимга ёприлган тутун
бесама манзиллар сарига қистар.

Теграмда улғайиб бораётган дашт
сахро мақомига етгунга қадар,
негадир баридан бўлаяпман гаш,
изимдан юргандай таъқибкор қадар.

Мунтазам сўзлар йўқ, ҳикмат кўнимсиз,
эврилётган кўнгул — ягона паноҳ.
Кимса юкунмайди: Аслида кимсиз?
Биров-да кечмишдан этолмас огоҳ.

Елғизлик бўрондек ё аччиқ қордай,
кулбалар кунжигга ҳайдар бошларни.
Адашиб юраман нелардир бордай,
сезмасдан қоламан сизган ёшларим.

Увушиб борадир замин жуссаси.
Ойдинлик. Бағримда кенгликлар бунёд.
Ачомлаб оламан боғларнинг сасин,
танамга сингишар бир бурда дунё.

Оёғим тагида қарсиллайди муз,
элас-элас дарё ҳидин туяман.
Собит жароҳатга сепганимча туз,
бахтли гуноҳларни атай суяман.

Баҳона излайман. Топмасман сабаб,
ўзимча барига шарҳлар тўқийман.
Қор бағрида боғлар — тиниққан асаб,
барини уларга айтиб ўқийман.

Беш кунми, тўрт кунми, балки олти кун,
фарқи йўқ, қанчадир, қари очунда
билсинлар, қолган бир энг сўнгги мафтун
эркинлик туярмиш шомларда, тунда.

Йўлга термулади — манзил ўшадир,
дарахтлар гувранар, чайқалар сукут.
Қумрилар тарк этиб кетган гўшада
инсон ўз-ўзини қилмоқчи унут.

*Манов гул қарибди. Буниси сўлгин,
манови капалак қишда нетади?
Тўлқинлар изидан келмаскан тўлқин,
маним ниятларим қайн кетади?*

*Гурбат ҳам, ҳасрат ҳам, ҳикмат ҳам энди
изламоқ бекордир — изламоқ гуноҳ.
Ва чинга етишдим... Кузларим тинди,
қўққайиб турарди ул бадбахт гувоҳ.*

*...Танам музлаганча ортга қайтаман,
тонггача қор ёғар, қор эрир нуқул.
Бу сирни ўзингга қандай айтаман,
бағримдан сирғалган нозик хаёл гул!*

«Тафаккур гулшани»дан

Севги барча туйғулар ичидаги энг қудратлиси-
дир, шунинг учун ҳам у ақлу хаёлни, қалб ва вужуд-
ни эгаллаб олади.

Ф. ВОЛЬТЕР

Чин муҳаббат меъёр ва чегарани билмайди.

ПРОПЕРЦИЙ

Чинакам севиш — ўзи ҳақида уйлашни унутиш-
дир.

Ж. Ж. РУССО

Фақат севган кишигина инсон деган номга му-
носибдир.

А. А. БЛОК

Кимки севгини билмаса, демак, у яшамабди.

Ж. МОЛЬЕР

Пиримкул Қодиров



Ҷулдузи Тунҷар

Шуро даврининг мустабид мафкуриси Амир Темури ва Бобур мирзо ҳақидаги асарлар йулига қанақа говлар қуйгани кўпчилиқка маълум. Қуйидаги лавҳалар уша даврда «Юлдузли тунлар» романига нсга кирмай қолганини журналхонлар уларнинг мавзуси ва мазмунидан фаҳмлаб оларлар, дсган умиддаман.

Муаллиф

Хўжанд, Марғилон, Андижон Элдаги оқибат

Бобур Мирзо ун етти яшарлик пайтида ота юрти Андижондан айрилиб, Хўжанд ва унинг атрофларида ломакон бўлиб юрган кунларда жойнамоз устида ўлтириб, Парвардигордан, аввало, адолат илтижо қилади. Чунки Аҳмад Танбалдай хиёнатчи бекнинг давлат тўнтариши ясаб, Андижонга ҳукмрон бўлиб олгани, Хўжа Абдуллодай мард, довюрақ одамларни ваҳшиёна қатл этдиргани, минглаб беку навкарларни алдамчилик ва зўравонлик билан ўзига буйсундириб юргани ёш Бобурга тақдирнинг аччиқ бир адолатсизлиги бўлиб туюлади. Кечагина Бобурга садоқат изҳор қилган қанча-қанча одамлар наҳотки бугун ундан юз ўгирган? Беш йилдан бери шу элга бутун меҳрини берган Бобур энди оқибатни қаердан топади?

У атрофидаги ҳаётдан оқибат кўрмагач, адолатни китоблардан излайди. Унинг қайта-қайта ўқийдиган китоблари орасида Соҳибқирон бобокалонининг кўрган-кечирганлари битилган хотиралари бор. Бобур шу хотираларни ўқиганда кўнгли хиёл таскин топгандай бўлади. Чунки йигит ёшида Темурбек ҳам замоннинг зайли билан хонумонидан айрилгани, тўғилган юртининг тўрт томонидан наҳот излаб, йиллар давомида сабр-бардош билан куч йиққани Бобурнинг ҳозирги аҳволини эслатади.

Тўғри, Темурбекка тажовуз қилган Илёсхўжа ва Амир Бекчиқлар Аҳмад Танбалдан кўдратлироқ ва хатарлироқ бўлганлар. Улим хавфи йиллар давомида Темурбек билан изма-из юргани унинг хотираларида муфассал битилган.

Бобур ҳали бундай даҳшатли қувғинларга учрамагани учун тангрига шўкур қилади.

Фақат ота юртидан айрилиб, ломакон бўлиб юргани ва Аҳмад Танбалга бас кела оладиган кучли қўшин йиғиш ниҳоятда мушкул бўлаётгани уни қийнайди. Бобурнинг ишонган одамлари яшириқча Андижону, Ахсига, Марғилон ва Ушга бориб келмоқда. Ҳайрихоҳлар кўп, аммо юрак ютиб майдонга чиқадиганлар кам. Бобурнинг ўзи ҳам бу ёғи Исфара ва Конибодомга, у ёғи Зомин ва Жиззахгача, жанубда Уратепа, шимолда Тошкентгача ҳамма жойга бир неча марта бориб келди. Бир ярим йилдан бери қишни-қиш, ёзни-ёз демай йўл босди, Сирдарёдан қайта-қайта сузиб ўтди. Қишда музни тешиб чўмилган пайтлари бўлди. Унинг ўзига ўхшаб чиниққан йигитлари Темурбекнинг Ҳисор тоғларида, афсонавий ғорларда яшаб тобланган йигитларини эслатади.

Бироқ навқару сардорлари билан бир жойда узоқ вақт меҳмон бўлиб туришга юзи чидамайди. Чунки ҳафталар, ойлар давомида юзлаб одамларга овқат, отларга емиш топиб бериш мезбонларга жуда оғир тушишини сезади. Шунинг учун онаси ва эгачисини Хўжанддан Уратепага, холаси Хўб Нигор хонимнинг уйларига келтириб қўйди. Узи уч юзга яқин беку навкарлари билан жанубдаги

тоғларга чиқиб кетди. Овчи деб аталадиган бир қишлоқ яқинига чодир ва ўтовлар тикишиб, анча вақт ов ўлжалари билан рўзгор тебратишди.

Овчи қишлоғига тор бир дарадан ўтиб борилади. Даранинг тубидан одамни оқизадиган катта сув ҳайқириб оқади. Сув буйида беш қаватлик уйдаи бир баҳайбат қоятош осмонга буй чўзиб туради.

Бобур шу қоятошнинг устини текислатиб, чодир ўрнатдирган. Овдан бушаган пайтларида чодирда ўлтириб китоб ўқийди, хотира дафтарига кўрган-кечирганларини ёзади, шеър машқ қилади.

Бир кун шу чодирда Бобур Мирзо Улугбекнинг «Тарихи арбаа улус»¹ китобини ўқиб ўтирганда даранинг нариги четидан бир отлиқ одам жадаллаб келаётганига кўзи тушди.

Оти терга ботган бу отлиқ Маргилондан келган чопар йигит эди. У Бобур қаршисида тиз чўкиб арзини айтди:

— Амирзодам, мени Маргилон доругаси Али Дўстбек тағойингиз юбордилар.

— Бизга хиёнат қилиб, Андижонни Танбалга яшириқча топширган тағойимизми?

— Ҳа, тағойингиз бу қилган ишларидан ҳозир минг пушаймонлар. Аҳмад Танбал унинг уйларига бостириб келиб, яхши кўрган қизларини зўравонлик билан ҳарамига олиб кетибдилар. Мол-мулкени талатибдир!

— Қасос қайтар экан-да! — деди Қосимбек. — Дўстбекнинг ўзи Андижонда бизнинг мол-мулкимизни талатган эди.

— Жаноб амирал умаро, Танбалнинг амалдору солиқчилари ҳам жабр-зулмни ҳаддидан ошириб юборди. Эл-юрт уларга қарши исён кўтарадиган бўлиб турибдир. Айниқса маргилонликлар ҳозир жўшу хурушга келган. «Бобур мирзо келсалар кўргон дарвозаларини очиб бергаймиз!» деб, тағойингиз мени ҳузурингизга юбордилар.

— Тағойимиз Танбал билан тил бириктириб, бизни унга тутиб берсалар-чи?!

— Тепамизда Худо турибдир, амирзодам! — деб чопар қасам ичди. — Ҳазрат момонгиз Эсон Давлат бегим Али Дўстбекка яқин қариндош эканлар. Момонгиз яқинда Маргилонга борибдилар.

— Сиз момонни ўша ерда кўрдингизми?

— Ҳа, маслаҳатларини ҳам олдим. «Али Дўстбек билан Танбалнинг ёвлашгани рост!» дедилар. Момонгиз сизга салом айтдилар. «Тезроқ етиб келсинлар!» деб тайинладилар.

Бобур энди ҳаяжон билан ўрнидан кўтарилди:

— Жаноб Қосимбек, таваккал қилайлик! Одамларга буюринг. Дарҳол куч йиғиштирсинлар!

Уша куни қоронғи тушгунча барча ўтовлар қатори Бобурнинг қоятош² устидаги чодирни ҳам йиғиштириб олинди. Туни билан йўл юриб, сахар палла Хўжанддан берида бир-икки соат дам олдиларда, яна йўлга тушдилар. Тўрт кунлик йўлни бир ярим кунда шитоб билан босиб ўтдилар. Маргилондан берида Исфайрамсой шовул-лаб оқмоқда. Сахар палла эди. Сои буйида бирпас тўхтадилар. Бобур сои сувидан таҳорат олиб, икки ракаат намоз ўқиди. Жойна-моз устида ўлтириб, Соҳибқирон бобокалонига бағишлаб тиловат

¹ «Тарихи арбаа улус» — «Тўрт улус тарихи» китоби.

² Овчи қишлоғи ва ундан пастроқдаги қоятош ҳозир ҳам бор. Уша жойнинг туркийзабон аҳолиси бу қоятошни «Бобуртош» дейди, тожикзабон аҳолиси эса уни «Санги Бобурхон» деб атайд.

қилди, улуғ аждодлар руҳидан мадад сўраб, юзига фотиҳа тортди. Сўнг тонг қоронғусида Марғилон кўрғонининг ёпиқ дарвозаси олдига келдилар.

Али Дўстбек дарвоза қоровулхонасида уларни кутиб ўлтирган экан. Дарвозани тўрт энлик очиб, кўрқа-писа Бобурга мурожаат қилди:

— Амирзодам, Андижонда қилган гуноҳларим учун афв сўраймен! Танбал ҳаммамизни алдаган экан!

— Минъбаъд садоқат сақлай олурмисиз?! — шиддат билан сўради Бобур.

— Қуръони карим олдида сўз берурмен, умрбод содиқ қулингиз бўлурмен, амирзодам! Фақат мени иноятларингиздан маҳрум қилмасангиз бас!

— Иноятлар истаганингиздан ҳам зиёда бўлгусидир. Очинг дарвозани!

Бу буйруқни Али Дўстбек дарҳол адо этди. Бобур фонус ёруғи тушиб турган дарвозахонага кирганда Али Дўстбек ўзини унинг оёғи тагига ташлаб юкунди. Бобур уни қўлтигидан олиб тургизди:

— Маъзурсиз! Танбалнинг содиқ одамлари бўлса ҳозир уйқуда тутдирмоқ керак!

— Унинг талончилари ухлаб ётган жойларини билурмен!

— Жаноб Қосимбек, бизнинг навкарларимизга сиз бош бўлинг!

* * *

Тонг ёришганда Марғилон кучаларида отлиқ жарчилар Бобур мирзонинг қайтиб келганини эълон қилдилар. Танбалнинг кўпчилик одамлари қуролсизлангани ҳам шаҳарликларга маълум бўлди. Бутун Марғилон аҳли оёққа қалқди. Шаҳар аъёнлари Бобур келиб тушган кўшкка бориб, уни ғалаба билан қутладилар. Бозорларда Танбал солиқчилари учраб қолса, одамлар уларни таёқ билан уриб, шаҳардан қувдилар. Маҳаллаларда нақоралар, карнай-сурнайлар янгради.

Қосимбек Бобур мирзо номидан дошқозонларда палов дамлатиб, минглаб одамларга улашди.

Кечагина Танбал зулмидан мотамсаро аҳволга тушган Марғилон бугун Бобур мирзо қайтгани туфайли байрам тусини олди. Бу ҳодиса кўп ўтмай Андижон, Аҳси ва Ушга ҳам маълум бўлди. Бобур мирзонинг пинжига кириб олган Али Дўстбек Қосимбекнинг ўрнига соҳибхитиёр эшик оға бўлиш ниятида эди. У Бобурни ҳоли топиб, гапнинг учини чиқарди:

— Амирзодам, кутганимдан ҳам ортиқ иноятлар қилмоқчи эдингиз...

— Марғилон доруғалиги сизга етарлик эмасми?

— Доруғаликни менга Танбал берган эди. Энди бундан каттароқ иноятни сиздан кутмоқдамен.

— Қани, Андижону Уш ҳам бизга қайта насиб қилса. Кейин ўйлаб кўрурмиз.

— Иттифоқо, Ушдан Қамбарбек келди. Ушлиқлар ҳам сизга мунтазир эмишлар.

— Аммо ҳозир Андижондан ёмон хабар олдик. Аҳмад Танбал катта қўшин тўплаб Марғилон томонга бостириб келмоқда.

— Ундай бўлса, Ушга Қосимбек сиздан вакил бўлиб борсин. Ўзганга ҳам ўтиб, тарафдорларингизни ишга солсин!

Айёр Али Дўстбек шундай нозик пайтда Қосимбекни Бобурдан узоқлаштириб, соҳибхитиёр эшик оға вазифасини ўзи бошқармоқ-

чи эди. Лекин Бобур барча машаққатларни бирга бошдан кечирган кадрдони Қосимбекдан ажрашгиси келмади.

— Жаноб Дўстбек, Танбалдай ёғий бостириб келаётган пайтда кўпни кўрган Қосимбек ёнимизда бўлмоғи керак. Ушга бошқа беку навкарларни юборгаймиз.

Сўзи ерда қолган Али Дўстбек қовоғини солиб, тўмтайиб қолди.

Қосимбекнинг ўз одамлари билан Марғилонда қолгани яхши бўлган экан. Танбал Андижондан катта қўшин билан Марғилонга ҳужум қилиб келганда барча кучлар бирлашиб ҳимояга чиқдилар. Марғилондаги беку навкарлар кўргондан ташқаридаги маҳаллалар ва қишлоқлардан йиғилган минглаб ботир йигитлар ёрдамида Танбал қўшинини улоқтириб ташладилар. Бу орада қуваликлар Танбалга орқадан зарба бердилар.

Уш ва Узган халқи ҳам Танбалга қарши исён кўтариб, Бобурга кўмак юборди.

Тўрт томонидан ўт кетган Танбал тезроқ Андижон кўргонига қайтиб бориб жон сақламоқчи бўлди.

— У Андижонга Носирбек деган кишини доруға тайинлаб келган эди. Бу Носирбек тарозининг палласига қараб турадиган, қайси томоннинг тоши оғир келса ўшанга қараб огадиган беклардан эди. Аҳмад Танбал Марғилонда Бобурдан енгилиб талвасага тушиб келаётганини эшитган андижонликлар Носирбекнинг қароргоҳини ўраб олдилар. Тўрт тарафдан ҳайқириқ ва хитоблар эшитила бошлади:

— Аҳмад Танбал даф бўлсин!

— Дарвозадан киритилмасин бу золим!

— Бобур мирзога одам юборинг, туғилган юртига тезроқ қайтсин!

— Туйдик чингизийлардан! Бобур келсин!

— Агар доруға яна Танбалга ён босса, кўргон дарвозаларини биз ўзимиз Бобур мирзога очиб бергаймиз!

Тошган дарёдай тўлқинланаётган бир неча минг кишилиқ издиҳом Носирбекни кўрқитиб юборди:

— Халойиқ! Тинчланинг! Халойиқ! Менга қулоқ солинг! Ораларингизда мўсафидлар бор! Мана, менинг ёнимда Шайхулислом жаноблари турибдилар. Мўсафидлар жомеъ масжидига борсинлар! Қуролланган йигитлар бизга ёрдамга келсинлар. Дарвозаларни дарҳол бекитгаймиз. Танбални Андижонга киритмагаймиз. Жумъа намозида Бобур мирзонинг номини хутбага кўшиб ўқи-гаймиз! Кейин бунинг хабарини мўътабар одамлар орқали Бобур мирзога етказгаймиз. Токи ул зоти олий Андижонга иззат-икром билан қайтиб келсинлар!

Бу режа амалга ошди-ю, эртаси куни андижонликлар Бобур мирзони кўргон дарвозаси олдида карнай ва ногоралар чалиб кўтиб олдилар. У миниб келаётган гулибодом отнинг оёғи тагига гилам поёндозлар тўшадилар. Бобур шодликдан кўзлари ёшланиб, ёнида келаётган Қосимбекка сўз қотди:

— Эл-юртда адолат бор экан-а!

— Ҳа, меҳру оқибат ҳам кучли экан. Фақат юзага чиқиши осон бўлмас экан!

— Шукур, маъсуд кунларга етишдик!

* * *

Шу тарзда Андижондан қувилган Аҳмад Танбал қолган-қутган одамлари ва кўч-кўрони билан Ахсига йўл олди. Бироқ Ахсида ҳам

Танбалга қарши исён кўтарилган, Бобур тарафдорлари қўрғон дарвозаларини эгаллашган, Танбалга садоқат сақлаб турган Аҳси до-руғаси Узун Ҳасан арқа кириб бекинган эди.

Бобур ва Қосимбекнинг қўшини сўнги вақтларда беш мингдан ҳам ошиб кетди. Улар Андижонда кўп тўхтамай, Банди Солор йули билан Аҳсига етиб бордилар ва арқадаги Узун Ҳасанни асир олдилар.

Бу хабарни эшитган Аҳмад Танбал мустақкам қўрғонлардан бири бўлган Попга қараб чекинди. Аммо у етиб боргунича Бобур тарафдорлари Поп қўрғонини ҳам беркитиб, Аҳмад Танбални дарвозадан киргизмай қувдилар.

Аҳмад Танбал Гова орқали Чотқол тоғларига қараб чекинди. Унинг сўнги умиди — катта акаси Тилба Султондан ва Тошкент хони Маҳмудхондан эди. Тилба Султон хон саройида сўзи ўтадиган эшик оға эканини Бобур биларди. Аҳмад Танбал Фаргона водийсини талон-тарож қилиб ордирган бойликларидан катта бир қисмини Оҳангарон орқали Тошкентга, Маҳмудхонга совға қилиб юборгани ҳам ҳуфялар маълумотидан маълум эди. Лекин Маҳмудхон — Қутлуг Нигор хонимнинг акаси бўлатуриб, жияни Бобурнинг ашаддий душ-мани Аҳмад Танбалга ён босиши мумкин эмасдай туюларди.

Шунинг учун Бобур қўшини Аҳмад Танбални Чотқол тоғи этаги-гача таъқиб этиб борди.

Кун совуқ, йўллар тойғоқ. Кечки пайт Танбал беш юзтача аска-ри билан Архиён деган жойдаги қўрғонга кириб бекинди. Бу қўрғон деворларига шоти қўйиб ошиб ўтиш мумкин эди.

— Кеч киряпти, қоронғи тушмасдан тезроқ ҳаракат қилайлик! — деди Бобур. Аммо шотиларни ўн чақиримча беридаги Ғазнайн Намангандан келтиргунларича ғира-шира қоронғи тушди. Кечки изғи-ринда оғиздан чиққан ҳовур узоқдан кўзга ташланади, навкарлар-нинг қўли қовушга келмайди, гапирганда лаблари ҳам қийинлик билан ҳаракатланади.

— Амирзодам, — деб Али Дўстбек Бобурга арз қилди: — Қорон-ғи тушиб қолди, ёвни ўзимизникилардан ажратиш қийин бўлғай. Қамални эрталабдан бошлайлик.

— Унғача Танбал қочиб кетса-чи? — сўради Бобур.

— Қочиб қаёққа боргай? Нарёғи тоғ, доvon бекилган!

— Танбалнинг акаси Тилба Султон Арчакент доvonи орқали инисининг олдига келиб кетибди-ку! — деди Қосимбек.

— Не бўлганда ҳам, энди Танбал иликка тушмоғи керак! — деди Бобур. — Архиён қўрғони атрофига чодирлар тикдилинг! Минг ки-ши туни билан қоровуллик қилсин! Эртадан беш минг киши билан деворга шотиларни қўйиб ҳамла қилурмиз!

— Бош устига! — деб Али Дўстбек бу фармонни бажаришга киришди.

Қосимбек Бобур учун шу атрофнинг энг обод ва кўркем жойи бўлган Ғазнайн Наманганда қароргоҳ тайёрлата бошлади.

Тошкент, Наманган, Андижон чингизийлар яна ҳукмрон бўлмоқчи

Қирчиллама қишда самур¹ пўстин ва қундуз телпак кийган Маҳ-мудхон хонаи хосда эшик оға Тилба Султон билан яккама якка

¹ Самур — собол.

сухбатлашмоқда. Осмонни қуюқ булут қоплаган. Кундуз куни бўлишига қарамай хонайи хосдаги қандилларда шаъмлар липиллаб ёнмоқда.

Маҳмудхон шаъм ёруғида Тилба Султоннинг юзига тикилиб қаради-ю, унинг озиб кетганини пайқади.

Одоб билан чўкка тушиб ултирган Тилба Султон хонга томон қаддини букиб, қўлини кўксига қўйиб сўзламоқда:

— Шу совуқ кунларда довон ошиб Фаргона водийсига икки марта бориб келдим, хон ҳазратлари. Арчакент довони пастроқ экан, ундан ошиб ўтиб, Косонсойга қишда ҳам борса бўлар экан.

Қорли довонлардан қайта-қайта ошиб утиш осон бўлмагани Тилба Султоннинг совуқда қорайиб кетган кўсанамо юзидан, қалин лабларининг у ер, бу ерини изғирин ёриб юборганидан билиниб турарди:

— Иним Аҳмадбек бутун нажотни сиздан кутмоқда, хон ҳазратлари! Ахир сиз бугунги Чигатой улусининг энг қудратли ҳукмдорисиз. Бизнинг етти пуштимиз Чингизхон наслига содиқ хизмат қилиб келмоқда. Узимиз ҳам аслан ҳазрати Чигатойхоннинг қиз авлодларидан туғулганимиз сизга маълумдир.

— Рост, сиз билан бизнинг узоқ қариндошчилигимиз бор.

— Шунинг учун иним Аҳмадбек Фаргона водийсини Бобурга эмас, сизга топширмоқчи!

— Аммо Бобур ҳам бизга жиян-да.

— Хон ҳазратлари, бу жияннинг сизга бирон фойдаси теккани йўқ! Отаси Умаршайх мирзо сиздан Тошкентни тортиб олмоқчи бўлиб қанча урушлар қилди? Пайтини топса Бобур ҳам сизга қарши қилич яланғочлағай!

— Унчалик эмасдир, жаноб вазир. Бобур Тошкентга келганда жуда одоблик, меҳру-оқибатлик кўринган эди.

— Ташқи кўринишда шундайдир. Аммо қилаётган ишлари батамом сизга қарши! Мен буни ўзим бориб кўрдим, эл-юрт орасида айтган гапларини ўз қулоғим билан эшитдим, хон ҳазратлари!

Тилба Султон ёлгонни ҳам ростдай қилиб гапиришга уста эди. У Бобур айтмаган сўзларни ичидан тўқиб чиқара бошлади:

— Бобурнинг ўзи ҳам, тарафдорлари ҳам чингизийларни «жете»¹ деб камситади. «Йуқолсин чингизийлар! Фаргона водийси теурийлар мулкидир! Жетеларни қир!» деган бақиряқларни Фаргона водийсининг кўп жойларида мен ўзим эшитдим!

— Наҳотки Бобур бизга жиян бўлатуриб шундай гапларни айтса?!

— Айтиш ҳам гапми?! Бобур Амир Темурнинг қиличини тақиб олган. Бу қилични Тўхтамишхон тор-мор бўлган пайтларда Темурбек ўғли Мироншоҳга инъом қилган экан. Энди Бобур бошқа чингизийларни ҳам худди Тўхтамишга ўхшатиб шу қилич билан тор-мор қилмоқчи эмиш!

Маҳмудхон аччиқ истеҳзо билан кулди:

— Бу ҳаммаси бекорчи хомхаёл! Темурийлар Чигатой улусида юз йилдан ортиқ ҳукм сургани етар! Энди уларнинг даври тугади! Бир йилда катта ёшлик, тажрибалик теурийлардан учтаси кетмакет оламдан ўтди. Яна Бойсунқур мирзо деганини Ҳисорда Ҳисравшоҳ ўлдириб, тахтини эгаллади. Бухорода Султон Али мирзо деган бўш-боёв бир ўсмир ҳукмрон эди. Шайбонийхон Бухорони осонгина ундан тортиб олди.

¹ Жете — босқинчи, талончи демақдир.

— Шайбонийхонга сиз ёрдам бердингиз-да, хон ҳазратлари! Бу одам аввал темурийзода Султон Аҳмад мирзо хизматида уч юзтагина навқари билан понсот даражасида хизмат қилиб юрган эди.

— Ёрдам бердик, чунки Шайбонийхон билан илдизимиз бир. Биз соҳибқирони аъзам, ҳоқони муаззам Чингизхоннинг уртанча ўғли Чигатойхондан тарқаган хонлармиз. Шайбонийхон Чингизхонни катта ўғли Жужихондан тарқаган хонлар авлодидандир. Буни билурмисиз?

— Яхши билурмен, хон ҳазратлари. Аммо Жужихоннинг ўғли Ботухон Чигатой улусини Олтин Ўрдага буйсундирмоқчи бўлиб, сизнинг боболарингизга кўп жабру-ситамлр ўтказган! Қанча-қанча чигатойиларни Ботухон бегуноҳ ясоққа етказган!

— Лекин Шайбонийхон — Ботухон авлодидан эмас, Шайбон улусидандир, шуни унутманг, жаноб вазир! Шайбон — Жужихоннинг бешинчи ўғли бўлган, Ботухонга қарши турган.

— Бунисини билурмен, хон ҳазратлари. Шайбон улуси Ёйиқ билан Иртиш дарёлари орасидаги яйловларда кўчиб юрган. Шайбонхоннинг неварачевараларидан бири Абулхайрхон номи билан шўҳрат қозонган. Ҳозирги Муҳаммад Шайбонийхон ана ўша Абулхайрхоннинг невараси экан. Отаси Шоҳбудоқ султон хонлик маснадига етишолмай ўлиб кетган.

— Ҳа, рост, Шайбонийхоннинг асли оти — Шоҳбахт экан. Уни болалигида Абулхайрхон ўзи тарбиялаган экан. Бобоси ўлгандан кейин алғов-далғов бошланиб, Шоҳбахтхон кўп азоб тортади. Ахийри Даштиқипчоқдан Бухорога кўчиб келиб, жон сақлайди.

— Тасанно, хон ҳазратлари! Бухорода темурийлар хизматида бир бек бўлиб юрган Шоҳбахтхон сизнинг кўмагингизда қаддини тиклаб, кимсан Шайбонийхон бўлди-я!

— Лекин Шайбонийнинг ўзи ҳам калласи яхши ишлайдиган, пишиқ, доворак одам экан-да. Чирчиқ дарёси буйидаги жангда жонини гаровга қўйиб бизга қандай кўмак бергани ёдингиздами?

— Нега ёдимда бўлмасин, хон ҳазратлари? Ўзим кечаси дарё бўйларига бориб воситалик қилган эдим-ку.

* * *

Хон билан вазир икковлари учун ҳам ёқимли бўлган ўша воқеаларнинг тафсилотларини эслаб кетдилар.

Бу воқеаларнинг орасида қуда-андачиликнинг алоҳида ўрни бор эди. Маҳмудхоннинг отаси Юнусхон бир эмас уч қизини ака-ука темурийларга узатган эди. Улардан энг каттаси Аҳмад мирзо — Самарқанд подшоси, иккинчи куёв Маҳмуд мирзо — Ҳисор ҳукмдори, учинчи куёв — Умаршайх мирзо — Фаргона тождори. Хонлар удумига биноан, Юнусхон ҳар бир қизига мингдан ортиқ мўғул беклари, навқарлари, каниз ва хизматкорларидан кўшиб юборган эди. Улар куёвнинг даргоҳига ўрнашиб, келиннинг хизматини қилишар, айни вақтда, темурийларнинг ички ишларига аралашиб, уларнинг ораларида низо-чиқишига сабаб булар эдилар.

Ана шу тарзда чиққан низолар туфайли Аҳмад ва Умаршайх мирзолар бир-бирлари билан Тошкентни талашиб кўп урушдилар. Қайноталари Юнусхон уларни яраштириш баҳонаси билан Мўғулистондан Тошкентга келиб-кейтиб юрди, ахийри бу шаҳарга ўрнашиб олди.

Юнусхоннинг вафотидан сўнг унинг катта ўғли Маҳмудхон Тошкентни бутунлай мўғул хонларининг қароргоҳига айлантирди.

Чингизийлар ҳукмронлигининг қайта тикланиши кўпчилик туронликларни норози қилмоқда эди. Самарқанд подшоҳи Аҳмад мирзо шу норозилар орасидан олтмиш минг кўшин тўплаб, Тошкент бусағасида, Чирчиқ дарёси бўйида ҳал қилувчи жангга тайёрлана бошлади.

Жанг арафасида Шайбонийхоннинг уч юз кишилик навкарлари-га Бухоро ҳокими Абдуали Тархон бошчилигида жуда маъсулиятли вазифа юкланди. Уларга кўшин марказида бўлиш ва Аҳмад мирзонинг туғларини, байроқдорини қуриқлаш топширилди.

Уттиз олти ёшлик Шайбонийхон жанг пайтида байроқ ва туғлар қанчалик улкан аҳамият кашф этишини яхши биларди. Унинг дили — ўзи мансуб бўлган сулоланинг вакили Маҳмудхон томонида эди. Жанг арафасида Шайбонийхон ишончли бир хуфясини Маҳмудхон қароргоҳига яшириқча жўнатди. Бу хуфяга қуйидаги гапни айтиб юборди:

«Мен ҳам Чингизхон наслиданмен, темурийларнинг ички сирларини билурмен, агар Маҳмудхон ҳазратлари лозим кўрсалар, кечаси яшириқча Чирчиқ бўйига келсинлар, мен бу томондан ўтиб борурмен, эртанги жангда хонга галаба келтирадиган бир режанинг маслаҳатини қилурмиз».

Бу хуфянинг гапи таъйинлик эканини тафтиш қилиб билган эшик оға Тилба Султон уни Маҳмудхон билан учраштирди. Сўнг Тилба Султон билан Маҳмудхон ярим тунда дарё бўйига Шайбонийхон таъйин этган жойга бордилар. Шайбонийхон дадил йигит экан, отни ҳам оқизадиган Чирчиқ дарёсидан кечаси сузиб ўтиб келди.

— Аҳмад мирзо ношуд саркарда, — деди Маҳмудхонга. — Унинг ишонган амири Абдуали Тархон эртага бўладиган жангда марказга — гулга таъйин бўлди. Подшо ҳам, унинг туғлари, байроқдори ҳам гулда бўлур. Сиз кўшинингизни дарё қирғоғидан орқароққа олиб, гўё чекингандай бўлсангиз. Улар дарёдан ўтгунча ҳаммалари ҳўл бўлиб сафлари анча-мунча тўзгидир. Шунда мен уч юз навкарим билан уларнинг байроқдорларини уриб, йиқитиб, сиз томонга қочиб ўтгаймен. Байроқ ерга тушиб оёқ-ости бўлдим, кўшин енгилган ҳисоблангай! Шунда сиз ҳужумни кучайтирурсиз. Мен ҳам навкарларим билан сизлар томонга ўтиб, Аҳмад мирзога қарши жанг қилгаймен. Ёғийнинг орқасида тошқин дарё. Қочганларининг аллақанчаси сувга чўкиб ҳалок бўлур.

Шайбонийхоннинг бу режаси Маҳмудхонга маъқул тушди. Эртаси кўни жангда ўша режага амал қилган Маҳмудхон Аҳмад мирзо ўстидан галаба қозонди. Шундан кейин Маҳмудхон дадилланиб, Уратепани ҳам Аҳмад мирзодан тортиб олди-да, у ерга ўзининг қадрдони бўлган мўғул-дуғлат амири Муҳаммад Ҳусайнни ҳоким қилиб қўйди.

Чирчиқ бўйидаги жангда катта хизмат кўрсатган Шоҳбахт — Шайбонийхон Маҳмудхондан мукофот кутмоқда- эди. Маҳмудхон уни ўз ҳузурига қақриб шундай деди:

— Туркистон шаҳри ҳамон темурийлар илкида. Ҳолбуки биз, чингизийлар, бу жойларни Чигатойхондан мерос олган эдик!

— Хон ҳазратлари, менинг бобом Абулхайрхон ҳам Туркистон шаҳрини ўзига мулк қилган эди.

— Чунки пулат вараққа битилган аҳдномага биноан хонлик маснадига фақат Чингизхон авлодлари муносиб кўрилган. Темурнинг бобокалони Қорачор нуён бу аҳдномага имзо чеккан, илохий тангри олдида хонлик даъвосидан воз кечган. Доим хонлар хизматида

лашкарбоши амир бўлиб хизмат қилишга сўз берган. Амир Темур ҳам ўзини хон деб атамаган-ку!

— Узини хон деб атамаган-у, лекин хонларни қўғирчоқ қилиб ўйнатган! — деди Шайбонийхон алам билан. — Чингизхон наслидан бўлган Суюргатмишхон, Маҳмудхон деганларни хўжакўрсинга оқ кийгизга солиб хон кўтарган. Аслида бу хонлар унинг хизматини қилган. Фақат Тўхтамишхон Темур билан дадил олишган, аммо омади келмай енгилган. Олтин Урда ер билан яқсон қилинган. Темур Мўғулистон хонларига қарши бир эмас етти марта юриш қилиб, Чингизхон авлодларини Чигатоё улусидан бутунлай сиқиб чиқарди. Унинг ўғли Шоҳруҳ билан невараси Улуғбек чингизийларни Туронга йўлатмай қўйди. Мана энди, орадан юз йил ўтгандан кейин темурийлар давлати парчаланиб, ўзаро урушлардан батамом заифлашди-ю, сизу бизга омад келди.

— Гапингиз тўғри, жаноб Шоҳбахтхон, Чигатоё улусидан темурийларни сиқиб чиқариб, чингизийлар ҳукмронлигини қайта тиклаш сиз билан бизнинг зиммамизга тушадир. Сайраму Туркистон ҳам икки юз йил давомида чингизийлар тасарруфида бўлган. Кейин Амир Темур Яссавий мақбарасини қуриб, бу ерларга эга бўлиб олди. Ҳозир ҳам Туркистон темурийларга садоқат сақлаб турибдир. Мен сизга уч минг кишилик сара кўшин берай. Бобонгиз Абулхайрхоннинг мулкани темурийлардан қайтариб олинг!

— Миннатдормен, хон ҳазратлари! Туркистонни темурийлардан тортиб олиб, сизнинг давлатингиз таркибига кўшиш — менинг орзуйимдир! Сиз барча чингизийларга раҳнамо бўлгaysиз! Менинг эзгу ниятим — сизнинг йўлбошчилигингизда чингизийларнинг улус салтанатини қайта тикламоқдир!

— Мана бу ният — таҳсинга сазовор, жаноб Шоҳбахтхон. Аммо замонлар ўзгарди. Сиз билан биз ҳам Чингизхон даври мўғуллари эмасмиз. Ислонни қабул қилдик. Туркий тил — она тилимизга айланди. Мана, сиз мадрасада ўқидингиз. Биз ҳам форсча, арабча ургандик. Кийим-кечак, озиқ-овқат, уй тутиш, ҳаёт тарзи — ҳаммаси ўтроқ туркий аҳолиниқидан фарқ қилмагани яхши бўлди. Чунки бу ҳаммаси бизнинг Туронзаминга отган янги илдиэларимизга айланди.

— Аммо ўқ илдиэимиз — Чингизхон наслидан эканлигимиздир! — гап қўшди Шоҳибекхон.

— Ҳа, ана шу ўқ илдиэни маҳкам тутинг, аммо Туронзаминга отган янги илдиэларингиздан ҳам озиқланинг!

— Менинг дилимдаги гапни айтдингиз, хон ҳазратлари. Мен ўз атрофимга Турондан ҳам, Даштиқипчоқдан ҳам барча турк-мўғул қавмларни йиғмоқдамен. Буларнинг бири қипчоқ, бири найман, бири кўнгирот, бири жалойир, аммо ҳаммаларини «ўзига-ўзи бек — ўзбек» деган чиройли ном билан атасам, кўпчилигига маъқул тушди. Ораларида Қуръонни менчалик яхши қироат қиладиган имомлари йўқ. Шунинг учун ҳаммалари мени «Имоми замон!» деб тан олурлар!

— Кўпчиликнинг бошини қовуштириш учун нимаики зарур бўлса ҳаммасини қилинг. Энг муҳими аҳилликдadir. Узаро урушлар темурийларнинг бошига етмоқда. Сиз билан биз бир ёқадан бош чиқарсак, Ислон байроғини темурийлардан кўра баландроқ кўтарсак, барча мусулмонлар бизга эргашгай!

— Тўғри айтдингиз, ҳазратим! Ҳозир бобокалонимиз Чингизхоннинг мафкураси билан иш юрутиб бўлмагай! Энди фақат ислоннинг сунний мазҳаби бизга мос келур.

Маҳмудхон Шайбонийхоннинг бу фикрини ҳам маъқул кўрди. Уларнинг маслакдош эканликлари, айниқса, Шайбонийхонга қўл келди. Маҳмудхоннинг ёрдами билан Шайбонийхон аввал Туркистонни, сўнг Бухорони ношуд темурийзода Султон Али мирзодан тортиб олди. Вазият етилиши билан Шайбонийхон Самарқандни ҳам эгаллайди. Унинг ҳомийси Маҳмудхон бундан мамнун.

Шайбонийхонга раҳнамо бўлиб бутун Туронда, ундан сўнг Хуросону Эронларда ҳам Чингизхон авлодларининг шону шуҳратини, давлату ҳокимиятини қайта тиклаш Маҳмудхоннинг энг улкан орзусидир. Буни яхши биладиган Тилба Султон:

— Илоҳим, ана шу орзуйингиз тезроқ рўёбга чиқсин, хон ҳазратлари! — деб тилегламалик қила бошлади. — Сиз Соҳибқирони аъзам Чингизхоннинг даҳосини мерос олгансиз. Она томондан Искандар Зулқарнайн авлодларидан экансиз! Муҳтарама волидангиз Шохбегим менга сўзлаб бердилар.

— Ҳа, она томондан бобомиз Шох Муҳаммад ҳазратлари буюк юнон подшоси Искандар Зулқарнайннинг Помирда қолиб кетган авлодларидан эканлар. Раҳматлик отамиз Юнусхон Шох Муҳаммад ҳазратлари билан Бадахшонда танишган эканлар.

— Қаранг, хон ҳазратлари, Худо суйган бандасига қўша-қўша қилиб берар экан-да! Ҳали келажақда Бадахшон ҳам сизга мерос бўлиб қолгай. Тошкенту, Андижону, Фаргона сизга буюк Чингизхондан меросдир. Иним Аҳмадбек Фаргона водийсида ортдирган бойлигини тўққиз туяга юклаб, сизга инъом қилиб юборгани шу боисдандир. Олтину, жавоҳир, кимхобу атлас...

— Кўрдим! Аҳмадбекнинг саховати дуруст. Лекин у ҳалигача норасида бир темурийзода Жаҳонгир мирзо хизматида юргани галати.

— Бу ҳаммаси ноиложликдан, хон ҳазратлари. Қани эди, сиз катта ўғлингиз Хоникахонни иним Аҳмадбекка ёрдамга юборсангиз. Биргалашиб темурийзодаларни дафъ қилсак. Ана унда Фаргона водийси сизнинг ўғлингизга тобеъ бўлгай. Аҳмадбек то ўлгунча сизга-ю, ўғлингизга содиқ хизмат қилгай.

— Мана бу режа ҳақида уйлаб кўрсак бўлади, — деди Маҳмудхон. — Бобурга авом халқ тарафдор бўлиб исён кутаргани, бизнинг одамларни водийнинг шаҳару қишлоқларидан қувиб чиқаргани менга жуда ёқмайди!

— Сиз минг бора ҳақсиз, хон ҳазратлари! Менинг иним Аҳмадбек ўша авомларнинг йулини тўсиб турибдир. Агар Аҳмадбек мағлуб бўлса, бу исёнлар шундай тоғдан ошиб, Тошкентга етиб келиши муқаррар! Бу ерда ҳам темурийлар даврини қўмсаб юрган аламзодалар оз эмас. Буни ҳуфялар ахборотидан ҳам билурсиз. Худо кўрсатмасин, агар ичкарида пусиб ётган ганимларингиз бош кўтарса, нарёқдан Бобур Амир Темурнинг қиличини яланғочлаб келса...

— Йўқ, йўқ, бунга мутлақо йўл қўймаслигимиз керак! Айтинг-чи, Аҳмадбек Фаргона водийсини бизнинг давлатимиз таркибига қўшмоқчи экани — шунчаки гапми, ёки асоси борми?

— Асоси бор! Мана, Аҳмадбек ўз илки билан сизга мактуб ёзган! Агар уни ҳозирги хавф-хатардан сақлаб қолсангиз, иним умрбод сизнинг хизматингизни қилгусидир. Андижону Ахсини темурийлар номидан эмас, сизнинг номингиздан идора этишга сўз берган!

Маҳмудхон Аҳмад Танбалнинг имзоси қўйилган ва муҳри бо-

силган мактубни ўқиб кўрди-да, ўзининг махсус қоғозлари сақланадиган жуздонга солиб қўйди.

Хоннинг ён бераётганини сезган Тилба Султон қўлини кўксига қўйиб илтижо қилди:

— Хон ҳазратлари, ўн беш минг лашкарингиз купдан бери куч йиғиб ётибдир. Катта ўғлингиз Хоникахон ҳам йиғит бўлиб қолди. Улкан галабаларга эришгилари келур...

— Қиш кунисида ўн беш минг қўшинни бошқариш осон эмас. Фармон ҳозирланг, Хоникахон олти минг лашкар билан ҳарбий юришга отлансин. Аммо бу юришнинг бутун маъсулияти сизнинг зиммангизга тушадир, жаноб эшик оға!

— Бошим билан жавоб берурмен, хон ҳазратлари!

— Ана шу сўзларингизни аҳднома тарзида ёзиб, имзо чекинг!

— Бош устига!

Мазкур аҳдномага биноан Маҳмудхоннинг олти минг кишилиқ қўшини Аҳмад Танбални кутқариш учун Арчакент довоидан ошиб, Косонсой атрофларига бостириб келди.

* * *

Архиён кўргонини қамал қилаётган Бобур энди асосий кучларини Косонсой томонга буришга мажбур бўлди. У Аҳмад Танбалга келадиган ҳар қандай кумакнинг йўлини тўсмоқчи, керак бўлса, тоғасининг ўгли Хоникахон билан ҳам олишмоқчи эди.

Бу хабар Ахсида турган Қутлуг Нигор хонимга ва унинг кекса онаси Эсон Давлат бегимга ҳам етиб борди. Оналар тоға-жиян орасида уруш бошланса жуда кўп бегуноҳ қонлар тўкилишидан изтиробга тушиб, аввал Ахсидан Косонсойга бордилар, Тилба Султон билан Хоникахонни яхшилиқча Тошкентга қайтишга ундаб кўрдилар. Бироқ олти минг қўшиннинг кучига ишонган Тилба Султон Маҳмудхоннинг номидан бир қанча оғир шартларни ўртага қўйди:

— Бобур мирзо қўшинини Андижон томонга олиб кетсинлар. Ахси билан Сирдарёнинг унғ қиргоғидаги ҳамма жойлар аввалгидай Жаҳонгир мирзо ихтиёрида қолсин. Ана ундан сўнғ биз қўшинни Тошкентга олиб қайтгаймиз.

Қутлуг Нигор хоним онаси билан Косонсойдан Наманганга, Бобур қароргоҳига келдилар.

Саккиз бурчакли катта оқ утовда Бобур унғ ёнига онаси ва бувисини эъозлаб ўтқизди. Унинг чап ёнидан Қосимбек ва Али Дўстбек ўрин олдилар. Оналар келтирган нохуш хабардан оташин бўлган Бобур кўюниб сўз бошлади:

— Биз Танбал туфайли шунча жабр кўрдик, икки йил саргардон бўлдик, хон тоғамиз бизга биронта ҳам навкарини ёрдамга юбормади. Танбал ўз қилмишига яраша ҳамма жойдан қувилиб тор-мор бўлаётган пайтда хоннинг олти минг қўшини уни кутқариш учун тоғ ошиб етиб келибди! Буни қандай тушунмоқ керак, ҳазрат моможон? Қани бу ерда адолат?!

Қутлуг Нигор хоним хоҳ оғасининг қилмишидан хижолат бўлиб ерга қаради.

Эсон Давлат бегим томоқ қириб қийналиб гапирди:

— Амирзодам, адолат сиз томонда. Лекин Маҳмудхоннинг эшик оғаси Тилба Султон ўта муғомбир одам-да. Хонни шу одам қўшин юборишга кўндирган. Биз Косонсойда улар билан сўзлашдик. Мақсадлари урушиш эмас. Инингиз Жаҳонгир мирзо билан сизни яраштириб қўйишмоқчи.

— Мен Жаҳонгир билан эмас, Танбал билан олишмоқдамен. Майли, Жаҳонгир ҳали бола, узр сўраб келса у билан ярашайлик. Аммо Танбални қамалдан бушатмагаймиз! Бу қотил уз қилмишлари учун жавоб бермоғи керак!

— Бироқ Танбал Жаҳонгирнинг оталиги-ку! Бири билан ярашсангиз, иккинчиси билан ҳам ярашмогингиз керак бўлур, — деди Али Дўстбек. — Бундан ташқари, Аҳмад Танбал ҳам Чигатойхон авлодларидандир. Хон тағойингиз шунинг учун унинг ҳимоясига катта кўшин юбормишдир!

— Ҳа, ана, коса тағидаги нимкоса энди қуринди! — деди Қосимбек. — Маҳмудхон ҳазратлари темурийларга ўғай кўз билан қарайдирлар. Амирзодам, мен буни кўпдан бери кузатиб юрибмен. Тошкентда, Бухорода, Туркистонда сизнинг тарафдорларингиз — бизга ҳақиқатни етказиб турувчи ҳуфяларимиз бор. Улар Маҳмудхоннинг Шайбонийхонга ён босаётганлиги бежиз эмаслигини маълум қилмоқдалар. Асли Чингизхон наслидан бўлган бу хонлар ҳозир темурийларга қарши тил бириктирганлар. Улар нафақат Тошкенту Фарғонада, балки бутун Туронда Чингизхон авлодларининг ҳукмронлигини қайта тикламоқчилар!

Бу гаплардан Кутлуғ Нигор хонимнинг юзи қизариб, кузлари чақнаб кетди:

— Мен ҳам Чингизхон наслиданмен! Сиз бизни Маҳмудхонга қўшиб ўғлимиз Бобур мирзодан бегона қилмоқчимисиз?!

— Мени афу этинг, хоним ҳазратлари! Сиз Бобур мирзога Амир Темур қиличини, унинг руҳий мададини етказиб бериб, олижаноб ишлар қилдингиз!.. Сал кам икки йил барча саргардонликлар азобини сиз амирзодам билан бирга тортдингиз. Шунчалик қийналган пайтларингизда Маҳмудхон оғангиз сизга ҳам ён босмади-ку!

— Бу рост! — деди Эсон Давлат бегим. — Маҳмудхон бошқа онадан туғилган. Унинг онаси Шоҳбегим Бадахши менга кундошлик қилур, бизни кўрарга кўзи йўқ. Ана шунинг таъсирида Маҳмудхон бизга ўғайлик қилиши мумкин. Аммо бунинг учун барча чингизийларни темурийларга душман қилиб кўрсатишингиз нотўғри, жаноб Қосимбек!

— Мени маъзур тутинг, «барча хонлар» деганим йўқ. Фақат Маҳмудхон билан Шайбонийхонни, яна Аҳмад Танбални назарда тутдим!

— Булар ҳам сизу биз каби туркий тиллик мусулмонлар-ку! — деб гап қўшди Али Дўстбек. — Айирмачилик қилиш кимга керак?

— Айирмачиликни биз эмас, улар қилишмоқда! — деди Бобур. — Мен тарих китобларида ўқидим. Энг қадимий бобокалонимиз Ўғизхоннинг Кунхон, Ойхон, Тоғхон деган ўғиллари бўлган экан. Шулардан бўлган фарзандлардан бири Юлдузхон деб аталган экан. Қаранг, ҳаммаси туркий номлар! Ана шу Юлдузхоннинг невараси — афсонавий аёл Аланқува қурлас уруғидан экан. Қурлос барлосга қон-қариндош. Номи ҳам уйқаш. Мен буни Мирзо Улугбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ўқидим. Илоҳий руҳдан ҳомиладор бўлиб ўғил туққан Аланқува туркий қавмларнинг афсонавий онаси саналаркан.

— Ҳа, рост, — деб бу гапни Эсон Давлат бегим маъқуллади, — оталари мўғул қавмидан бўлган Чингизхон ҳам Аланқувани ўзининг момокалони деб билган. Шундай бўлгач, чингизийларни темурийларга ашаддий душман деб таърифлаш адолатдан эмас-да, жаноб Қосимбек!

— Аммо бу икки сулола тарихда бир-бири билан озмунча ёғийлашганми, ҳазрат бегим? Ҳокимият учун курашда оға-инини, қариндош-уруғ бир-бирини аямаганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку!

— Бобур мирзо уз аждодларининг ёғийлашган даврларидан эмас, иноқ бўлган даврларидан ибрат олмоқлари керак! — деди Эсон Давлат бегим. — Ҳазрати Амир Темурнинг бобокалонлари Қочувли баҳодир билан ҳазрати Чингизхоннинг бобокалонлари Қобулхон иноқ бўлиш ҳақида аҳду-паймон қилишиб, пўлот китобга буни уйиб ёздирган эканлар.

— Хўп, бу аҳдномани кимлар мудом бузиб келмоқда, ҳазрат момо? Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур Жўжихон авлодидан бўлган Тўхтамишхонга қанча яхшиликлар қилганини билурмисиз?

— Билурмиз — аммо...

— Энди шошманг! Тўхтамишхон нечун бу яхшиликларга ёмонлик билан жавоб берди? Нечун Амир Темур давлатига қарши тажовузлар қилди? Чунки Тўхтамишхон Олтин Ўрдага хон бўлгандан кейин атрофидаги хушомадгўйлари уни ҳовлиқтирди, «Сиз Чингизхон наслидансиз, сизнинг мартабангиз Темурбекниқидан баланд, давлатни фақат сиз бошқаришингиз керак. Темурбек лашкарбоши бўлиб, сизга хизмат қилиши керак!» деган ақидага уни ишонтиришди!..

— Ахийри бу ақида Тўхтамишхоннинг бошига етди, буни биз яхши билурмиз, — деди Эсон Давлат бегим.

— Аммо сиз бу ақиданинг ҳали ҳам тирик эканини билмасангиз керак, ҳазрат бегим! — деб Қосимбек Бобурга ён боса бошлади: — Бизга келган махфий ахборотлар бор. Тилба Султон ҳазрати Маҳмудхонга хушомадлар қилиб, Аҳмад Танбалнинг совғаларини бериб, худди шу ақида асосида бизга қарши қўшин юборишга хонни кўндирибдур!

— Айгоқчиларнинг ахборотига мунча инонманг, жаноб эшик оға, — деб эътироз қилди Али Дўстбек. — Ҳазрати Маҳмудхон Тилба Султоннинг ақли билан иш қиладиган заиф тождор эмаслар. Ул зот бугунги Чигатой улусининг энг қудратли султони дурлар!

— Бугунги Чигатой улуси? — ҳайрон бўлиб сўради Бобур. — Тўғри, она томондан биз ҳам Чигатойхонга авлодмиз. Мен ҳазрат онамни ардоқлаб, бошимга кўтарурмен. Аммо Чигатойхондан минг йиллар олдин Турон, Туркистон деб номланган муаззам заминни ҳанузгача Чигатойхон улуси деб аташга ҳеч бир асос кўрмаймен! Ахир Чигатойхон Туронда бирон йил яшамаган, биронта тарихий обида қурдирмаган, бирон жойни обод қилмаган! Аксинча, обод жойларни харобага айлантирган, тўғонларни буздириб, шаҳару қишлоқларни сувга босдирган!

— Тўғонлар ҳазрат Чингизхоннинг фармони билан буздирилган, шекилли, — деб гап қўшди Эсон Давлат бегим.

— Ҳар қалай, барча қиргинлар, бузгунчиликларга Чигатойхон ҳам катта улуш қўшган, — давом этди Бобур. — Тарих китобларидан ўқидимки, Чингизхон ўзига ҳам биронта ёдгорлик қурдирмаган экан. «Ўлсам, текис ерга дафн қилинглар, қабрим устидан мингта от юриб ўтсин, токи кўмилган жойимни ҳеч ким тополмасин» деган экан. Вафот этганидан кейин худди унинг айтганини қилишибди. Мингта от унинг қабрини топтаб ўтибди. Ҳалигача унинг қабрини ҳеч ким тополмас эмиш.

— Эътиқоди шундай бўлган экан-да, — деди Эсон Давлат бе-

гим. — Доим ўтовда ёки отда табиат бағрида бўлишни, истаркан. Шаҳарларни, қўрғонларни ёмон кўраркан.

— Бегуноҳ шаҳарликларни-чи? — сўради Бобур. — Табиат билан ҳамкорлик қилиб чўлларга сув чиқарган, боғ-роғлар бунёд қилган бутун ўтроқ аҳолини нечун аёвсиз қирган? Турон халқининг доди парвардигорга етган эканки, Амир Темурдек бир нажоткорни юборибди. «Биз Чингизхон наслиданмиз!» деб кўкракларига уриб мақтаниб юрганлар билсинлар! Насл-насаб билан мақтаниш заифлик белгисидир! Узининг илқидан яхши иш келмайдиганлар мудом насл-насаблари билан керилурлар. Аммо одамнинг кимлигини қилган иши-ю, авлодларга қолдирган мероси кўрсатгай. Чингизхондан, Чигатойхондан, Тўхтамишхондан қандай мерос қолди-ю, Амир Темурдан, Шохруҳдан, Улугбекдан қандай мерос қолди? Бир қиёслаб кўринг! Адолат ким томонда экани шунда дарҳол билинур!

Баҳсга аралашмай бошини эгиб жим ўлтирган Қутлуг Нигор хоним ўғлига меҳр тўла кўзлар билан қаради-да:

— Сиз ҳақсиз, Бобуржон! — деди. — Бугун бўлмаса эртага ҳақ жойида қарор топгай. Мен шундай паҳлавон, ҳақгўй, баҳодир ўғлим борлиги билан ифтихор қилурмен. Сиз ўз номингизга муносиб шер йигитсиз. Аммо Аҳмад Танбал билан унинг оғаси чиябўрига ўхшайдирлар. Сиз ўшалар билан тенг бўлманг, улар туфайли хон тағойингиз билан орани бузманг, сулҳ таклиф қилишса, яраша қолинг, болам!

— Қайси шарт билан ярашайлик? — сўради Бобур.

— Аҳси Жаҳонгир мирзода қолсин, майли денг. Сахий бўлинг!

— Ие, икки йил жон чекиб олишганларимиз бекор кетгайми? — норози бўлиб сўради Қосимбек Бобурдан. — Отангиздан қолган яхлит давлат яна парчалансинми?!

— Агар бунга кўнмасангиз Маҳмудхон юборган қўшин билан жанг қилурмисиз?! — таҳдид қилиб сўради Али Дўстбек.

Қосимбек ҳам унга тик жавоб берди:

— Агар амирзодам буюрсалар жангга тайёрмиз!

— Олдинда Маҳмудхон! Орқада Танбал! Сиз амирзодамни икки ўт орасига ташламоқчимисиз?! — сўради Эсон Давлат бегим ҳам қизишиб. — Сиз Бобур мирзога нуқул хонларни ёмонлаб икки орани бузмоқдасиз-ку, жаноб Қосимбек!

— Мен ҳақиқатни айтдим, холос, ҳазрат бегим!

— Сиз ҳақиқат деган нарса айғоқчиларнинг ёлгон-яшиқ иғволаридир!

Али Дўстбек бу даъвони яна бир парда баланд кўтарди:

— Жаноб Қосимбек шу иғволарга таяниб хонларга тўхмат қилмоқдалар!

Бобур орага тушди:

— Жаноб Дўстбек! Ҳазрат момо! Қизишмангизлар!

«Тўхмат!» деган гап Қосимбекка жуда оғир ботди. У Бобурдан ҳимоя истарди. Аммо Бобур момоси билан Дўстбекни янада асабийлаштирмаслик учун Қосимбекни очиқчасига ёқлай олмади:

— Жаноб Қосимбек, ўйлаб кўрайлик, — деди. — Балки бирон муроса йўли топилар!

Қосимбек ўзини босолмади:

— Мен Танбал билан муроса қилолмагаймен! Амирзодам, менга ижозат беринг, бу ердан кетай! Сизга қачон керак бўлсам, чақиртирсангиз яна келгаймен! Аммо ҳозир... тўхмат балосидан худо асрасин! Ҳазрат бегим, хоним ҳазратлари, узр сўраймен!

Қосимбек боргоҳдан чўгдай қизарган асабий бир алпозда чиқиб кетди.

Яна Қутлуғ Нигор хоним ўглига мулойимлик билан гап қотди:

— Уйлаб кўринг, Бобуржон! Косонсойда хон тағойингизнинг олти минг қўшини турибдир. Агар сиз бу қўшин билан жанг қилиб, уни енгсангиз... тағойингиз жим қараб турмагай... Орқадан яна ўн минг, балки йигирма минг қўшин билан ўзи етиб келгай!.. Унда не қилурсиз?..

— Мен тағойим билан жанг қилмоқчи эмасмен... Фақат Танбалнинг қандай хоин эканини хонлар ҳам билсалар эди!..

— Вақт ўтиши билан билиб қоларлар, — деди Қутлуғ Нигор хоним. — Сизга хиёнат қилган Танбал хонга ҳам хиёнат қилмай туролмагай. Хўжа Абдуллодай пирни осиб ўлдирган қотилга қасос қайтмай қолмас!

Бобур уйланиб жим қолганидан фойдаланган Али Дўстбек гапни кутулмаган томонга бурди:

— Икки йилдан буён сиз кўп азоб тортдингиз, амирзодам! Энди бу дунёнинг роҳатини ҳам кўришингиз керак. Ёшингиз ўн саккизда, алпқомат йигитсиз. Айни уйланадиган пайтингиз. Қаллигингиз Ойша бегим ҳам ўн олтига тўлиб, сеп йигмоқда эмишлар.

Мавзу ўзгарганидан жонланган Эсон Давлат бегим Ойша бегимни таърифлай кетди:

— Бориб кўрганлар маҳлиё бўлиб гапирганларини мен ўзим эшитдим! Эгачилари Қоракўз бегимнинг гўзаллиги таърифга сизмас эди. Ойша бегим эгачисидан ҳам кўхлироқ бўлиб етилибдур!

Бобурнинг уруш-жанжаллар қаҳратонидан жунжиккан қалбига бирдан баҳорнинг илиқ шабадаси теккандай бўлди. Ўзи ёзган ғазалнинг сатрлари — «Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен? Не кун бўлгай висолингга мени дилхаста етгаймен?» деган саволлар дилида гуё най навосига қўшилиб эшитилди. Агар тоғаси Маҳмудхон билан ёвлашса, Тошкентдаги Ойша бегимнинг тақдири нима бўлади? Яна Самарқанддаги каби асоратга тушади-ми?*

— Худо сақласин! — деди Эсон Давлат бегим. — Уруш бошланса қаллигингизни гаровга олиб азоб бергайлар! Лекин сулҳ тузилса хон тоғангиз келинимиз Ойша бегимни сеплари билан Андижонга хушу хурсанд жўнатмоқчи эканлар!

— Оҳ, қани, ёлғиз ўғлимнинг туйларини кўрсам! — деб орзиқиб хитоб қилди Қутлуғ Нигор хоним.

Бобур шунча вақтдан бери бир кўришга муштоқ бўлиб юрган қаллигига етишадиган кунларни кўз олдига келтирди-ю, мулойим бўлиб қолди. Оналар Андижонда бўладиган туй шодиёнасидан эл-юрт ҳам тинчиб бир яйраб олишини айтишди ва ниҳоят Бобурни Аҳмад Танбал билан сулҳ тузишга кўндиришди.



Мадамин Қучқор

Умидлар жаранглаб кетди ҳарёна

Алвон куйлагида ёнди лолалар,
бот ёндилар кун назарида,
Олов қаҳқаҳалар учдилар ҳарён,
сакрашди сел оққан ариқчалардан.

Лолалар осмонга ўтлиг ҳаяжон
солдилар, чиқиб қир, тепа-юксакка.
Гумбурлади осмон, тўлғанди дарё,
чақнамоқ ўргатди чақмоқ юракка.

Яшил боғлар билан туташиб кетди,
қадрдон анғизлар афти-ангори.
Гуё менинг қанотларим бор энди,
бири осмон, бири ердай зангори.

Гуё сув ичгандек кўнгулдан,
қирда лола жомин ичдим — оташдир.
Ватан, деб жон берган аждодларимнинг
юраклари ёниб менга туташди.

Умидлар жаранглаб кетди ҳарёна,
осмонни тоғлардай ўғди ҳаёллар.
Спитамен, Торобий ва Жалолиддин
тулпори шаҳиддан бу ҳур шамоллар.

* * *

Чехрасида кўрмайсан губор,
ойнангдан мўралаган тонгни.
Ошуфта ҳол кузатсанг хумор
кунни кутаётган осмонни.

Митти майса бобоси гужум
теграсида қулф уриб турар.
Тукмайин, деб шамшод инжусин,
сабо оёқ учида юрар.

Чақнаб кетди, боғ тонги — кўзгу
мусаффолик неки бор-йўғи.
Япроқ — варақ, ҳар дарахт — китоб,
бу беадоқ покликнинг уқи.

* * *

Утган яхшиларнинг юракларидан
яралган бу қадим дунё юраги.
Дунё ўзагида янграб турмаса,
юрагим булғайми менинг ўзбаки?!

Қуёшга қўл чўзиб яшайди одам,
хаёли изидан унган гул мушки.
Шамол этагида ортар дамо-дам,
демак, яшайгман дейишим мумкин.

Қулогимга етди олисдан мужда,
дарду оғриқларга малҳам жаранги.
Созимни шу йўлда чалмоқни удда
қилурман, муждаки — бахтнинг дараги.

Вафо Файзулло

Офтоб Чақгин Зангор Кўнғирок

Арафа

Бугун сенинг никонг,
Сочларингни чўқтирасан сунбулга.
Ҳасадлари ҳавасланган янгалар
Чимилдиқни созлайдилар кўнғулунга.

Бугун сенинг никонг,
Маъшалани кўтаради букри ор.
Юраккинанг қўша қарисин хўйбали,
Оқ саллага термулади ўн хундор.

Бугун сенинг никонг,
Лабларингга ўтиради шафақлар.
Кўёш чиқиб келар чехрангдан,
Кул ичида чўғлар бўлса алаҳлар.

Бугун сенинг никонг,
Орзуларни чавақлайди ошиқлар.
Зим-зиё тун, узилади симлар танг,
Кўр тақдирни етаклайди бебошлик.

Бугун сенинг никонг,
Ғам нигоҳи тишламаган дудоғинг.
Бизнинг бўлса ўлган кунлар беписанд,
Вақти маълум қиёматнинг сўроғи.

Бугун сенинг никонг,
Оқ чорсига ўрайдилар ҳали замон.
Хуснингдан хўп дакки еган акаларинг
Хурсандлиги теграсида минг хафақон.

Бугун сенинг никонг,
Момоларнинг тилаклари гулдор, аброр.
Кайвонининг сўзи ҳукм,
Юракларнинг қаъри эса қатл майдони,
Чоп жаллодинг сари нигор.

Бугун сенинг никонг,
Хаёлида йиллаб угган умид ғофил.
Таваллолар рақсга тушар диконг-диконг,
Мушук янглиғ яланасан эрта бедил.

Бугун сенинг никонг,
Хўрсинади онам сассиз.
Дардларининг куртаги бор.
Чўлғонади:
эх, қандай зўр,
ваҳ, қандай шўр,
Бахтта ғубор, сутта баҳор.

Бугун сенинг никонг,
Тинмас рубоб, тинмас ёмғир.
Далаларга йўли ёпиқ
Булут кўнган дилим сағир,
Қумли куча қуппа-қуруқ.

Бугун сенинг никонг,
Севинади қалби бўшаб қолган онанг,

*Кимларнингдир нигоҳидан нигоҳлари
йиқилса-да ерга дилтанг,
Барибир у мағлуб эмас, голиб эрур,
Йигирма йил нариёғидаги тўлгоғидан
Ҳаяжонда
Қабри яқин қолган наҳанг...*

*Бугун сенинг никонг,
Ош пичоғин қайраб келган қассоб маъни —
Ҳам ейланган учоқларнинг елкалари.
Қасовлардек четда маҳзун
Қиймаланган мактубларнинг укалари.
Тонглар оша дили қонаб судралган куй.
Эсладингми бир бор мани?*

*Бугун сенинг никонг,
Маили, эсла, эсламагин нурга овсин,
Қучоғингда мусаффо дард — эрта кулсин,
Қарзларингни айланиб ич, армон билсин.
Юрагимда отмаган тонг отгин, энди,
Бир агёрнинг қучоғига ботгин, энди!..
Бугун сенинг никонг...*

Дарахтларга айланган болалик ёхуд Жумагул холамнинг шеъри

*Қашқа тойчаларда йўллар айланма,
Яланг оёқ куйларнинг оҳи ёлғончи.
Қасоскор улусда шаъма, айланма,
Қуппаклар йулида учта тиланчи:*

*— Садақа, армоннинг нурига садақа,
Шафақлар кумилган гўрига садақа...
Кенгликлар ҳақида ўзидан-ўзи
Барака тилайди, осмон барака.*

*Қари ўриқларда йиглоқ довуча
Зардоли бўлмасдан ташланар кийиб.
Маҳмадана, ёвқур қаргалган кеча
Ғулдур елкаларнинг пайини қийиб.*

*Кунлар тўқийдилар куёшни, сувни,
Асос дардисарлик гарди куюнчак.
Овозлар тамбурида оққан сулувни,
Хур бўрининг белбоқлари айлар келинчак.*

*Булоқлар кўзимнинг ичига жойланди.
Йиллар томчи-томчи, охир, сойланди.
Менинг ошигимнинг ошиги олчи,
Менинг ошигимнинг бели бойланди.*

Ишққа ҳавасланган тўлмаган иллик
Оҳангги йул олар кўкарган наҳор.
Саҳролар куйлайди, дўмбира чиллик,
Музларни синдириб, пишқирган анҳор.

Бир бодича келар, тўнғич паҳлавон,
Туйгулари дарё, юраги осмон.
Қушлар қушигини тинглар камони,
Тилаклар варрагини ҳаволатган нон.

Чопқилаган йиллар ортида қишлоқ,
Хайр деёлмайди, хайрга шўрлик.
Туғли туморларга тутади пишлоқ,
Пешонаси дўнглик, қариган шўхлик.

Мирзо Бедил қийноғига чўлғонган шомлар —
Тантига иргитилган дайди шупалак.
Дарёси-огилхона, қамалган ғамлар
Тупроқнинг қучоғида айтади эртак:

— Булоқлар кўзимнинг ичига жойланди,
Йиллар узанларни бузиб, сойланди.
Менинг ошигимнинг ошиғи олчи,
Менинг ошигимнинг дили ёйланди...

* * *

Шамол, шопир, орзуларимни,
Кўзи кўм-кўк дарёда оқсин.
Ишонгани қишнинг майсаси,
Бир кўнгулнинг чироғин ёқсин.

Офтоб чалгин зангор кўнғироқ,
Зангламаган ҳислар сочилди.
Субҳидамда қоқиғул машшоқ,
Димоғимда куйлар очилди.

Шамол, шопир, орзуларингни...





Бобомурод Даминов

ОНА ТУШРОК

Қисса

Беморни шифохонага ётқизишмади. Зулфизарнинг хоҳиш-иродаси шундай эди.

Хонада оёқ учгинаси билан юришади. Охириги кунлари «тез ёрдам»ни ҳам чақирмай қуйишган. Оқ халат кийган ўрта яшар аёл дераза олдидаги диванда гамгин утирибди. Ойгул исмли озгин, камгапгина бу аёл — хонадон враччи.

Зулфизар охираги яқинлигини англаган. Тақдир экан, бу соатда тугилган ватанидан узоқда, эртаксимон мамлакат — Америкада, сер-шовқин Нью-Йорк шаҳрида эшикка термилиб ётибди.

Нью-Йоркнинг юлдузлар билан бахшлашаётган, ярақлаган, осойишта тунни. Атлантика шабадаси ҳур-ҳур эсиб, Озодлик ҳайкали, Вашингтон аркини силаб-сийпалайди. Гудзон дарёсининг Атлантикага қуюлишида гүё дельфинлар уйини. Бродвей кучаси буйлаб сирли бир дарё жилоланиб оқиб тургандай. Манхаттан оролидаги осмонўпар уйлар, ҳаммага таниш Эмпайир Стейн-билдинг сон-саноксиз чироқлар шуъласидан гүё аланга ичида...

Ўзбеклар жамоаси яшайдиган Бруклиндаги хонадонларнинг бирида огир сукунат ҳукмрон...

Зулфизар гарчи умр сарҳисоби яқинлигини сезаётган бўлса ҳам ваҳимага тушмаган. Неча-неча бор ўлим билан юзма-юз келган аёл умри охирида ҳам ўзлигича қолган. Утмишдаги жуда жиддий ва хатарли соатлар эса шу топда бирин-кетин күз ўнгидан тизилиб ўтади, лекин бундан мулзам эмас. Аксинча, бағрида аллақандай сеҳрли нур учқунланаётгандай туюлади.

Эслашга арзийдиган хотиралар эса етарли...

Уттинчи йилнинг бошланиши. Мирза Шермат ҳам, Зулфизар ҳам сукутда. Бошлари эгилган. Бутун мамлакат бўйлаб таралган коллективлаштириш вабоси Қашқа соҳилидаги кўркам ва гўзал қишлоқ Пайгачига ҳам етиб келди. «Қулоқ», «синфий душман» деган сўзлар тез-тез такрорланадиган бўлиб қолган. Ура-урасига «қулоқларни синф сифатида тугатиш» компанияси кетяпти.

Урмонга ўт кетса хўл-қуруқ баравар ёнади деганларидай, фақат бойлар эмас, баъзан ўртаҳол деҳқонлар ҳам бу мавсумдан четда қолмаган. Ёппасига мол-мулкни талаш, мусодара қилиш, қамаш, сургун қилиш, зорланиш, йиғи, чинқирик... Хуллас, Пайгачи оғдар-тўнтар.

Ярим кеча. Пайгачи осмони кузнинг ойдин, аёзли тунидан ярақлаб туради. Ногоҳ, қишлоқ бўйлаб от туёқларининг гумбур-гумбури таралди. Кўп ўтмай, уларга қишлоқ итларининг ақиллаши қўшилди. Ором оғушида мизгиётган Пайгачи бир зумда тўс-тўполон бўлиб қолди. Отлиқ отряд (бешотар ёки наган билан қуролланган эди) тўғри Бойтуралар хонадонига йўл олди. Отряд изидан йигирма чоғли пиёдалар ҳансираб, энтикиб, чопиб келишарди. Улар Пайгачи батраклар кўмитасининг фаоллари эди.

Отлиқлардан бири қамчи дастаси билан дарвозани ура бошлади. Остонада кўпкак ҳозир бўлди.

— Таргил жим ёт, — дея ёғоч дарвозани хонадон эгаси — Бойтуранинг ўзи очди.

Отлиқлар, улар изидан етиб келишга улгурган пиёдалар ёпирилиб, ҳовлига киришди. Кейинги вақтлар Пайгачининг алғов-далгов бўлиб қолганидан Бойтура оғоҳ эди. Шундай бўлса ҳам ярим тунда ҳовлисига бир гала одамнинг бостириб киришидан таажжубга тушди. Уларнинг аксарияти ўзининг ҳамқишлоқлари эди. Тўғри, қуролланган отлиқлар ичида таниш бўлмаган бегона кишилар ҳам бор эди. Улар райондан келишганди.

— Қўлга олинсин! — отлиқлардан бири Бойтурага қарата чапаничасига қўл силтади. Бу Бойтуралар хонадонининг собиқ отбоқари Бахтберди Тошнйёзов эди. Отряд бўлиғи ҳам уша.

Пайгачиликлар уни «Берди аталахўр» ҳам дейишарди. Бир утиришда бир қарсон товоқ аталани ичиб-ялаб қўйиши туфайли шундай лақаб беришган. Ҳозир Тошнйёзовнинг эғнида — тери фуфайка, бошида сталинча фурашка, оёғида хиром этик. Фуфайка тагидан қайиш камарга осилган нагани биқинида эмас, нақ киндиги устида турарди. Бойтураларнинг собиқ отбоқарини ҳозир таниш қийин эди.

Қуролланган отлиқлар Бойтура атрофига гиз бўлиб туришса-да, яқинига йўлай олишмади. Хонадон эгасининг ҳар нарсадан чўчийверадиганлар хилдан эмаслигини билишарди. Бунинг учун асослари кўп. Мана, бири. Бухоро Амири тахтни тарк этганининг иккинчи йили. Аллақандай безорилар тунда Пайгачига бостириб кириб келишганида қишлоқнинг чираниб юрадиган зурлари ҳам нафаслари чиқмай ин-инига кириб кетишган. Шундай қалтис вазиятда «Ҳой, халойик, бормисан?» — деб майдонда отини ўйноқлатиб, ойболтасини ярақлатиб Бойтура ҳозир бўлган. Бундай жасоратни кутмаган босқинчилар бирин-кетин жўнаб кетишади.

Бойтура ҳаётига доир яна бир воқеани ҳали-ҳали эслаб юришади. Қайси бир йили баҳор тошқинидан буқирган Қашқа етти-саккиз ёшдаги болани қоптоқ қилиб учуриб келадиганида дарё нафасига яқин борадиган бирон шоввоз топилмади. Шу пайт Бойтура шартта ечиниби, ўзини тўлқинга ташлади ва ҳалғи болани қўтқариб қолди. Ушанда Бойтура ўн беш-ун олти яшар ўсмир эди. Боланинг тувғонлари Бойтурага бедов от, сарпо беришди. Жасорати тилларда юрган Бойтура ҳозир жим эди. Бойтура жасурлигидан ташқари, ақлли ҳам эди. Замон зайлини англаб қўйганди.

— Бошланглар! — Тошнйёзов дубулга сопли қамчисини тепасида ўйнатди.

Отлиқлар, пиёдалар тўрт-беш киши Бойтура сари ёпирилишди ва икки қўлини орқасига қайириб, аллақандай темир занжирлар билан боғлашди. Бойтура эса ҳамон жим эди.

— Қани; ўзи нима гап? — Мирза Шермат уйдан ўқдай отилиб чиқди ва отасининг занжирбандлигини кўриб, унга ташланди.

— Чаён боласи ҳам чаён! — Тошниеъов овозидан Пайгачи осмони зирилаб кетди. — Бу ҳам кўлга олинсин.

— Нима учун? — Мирза Шермат ўдагайлади. — Кимнинг шолисини хом урибмиз?

Батрақлар кўмитасининг фаолларидан бир тўдаси Мирза Шерматга ташланди. Мирза Шермат қайси бирини силтаб ташлаб қўлатди.

Шу пайт нимадир тарақлаб кетди-я. Бойтура «эм-м...» дея ингранди. Мирза Шермат бошига келиб тушган (қамчими, калтакми ёки наганми) зарбадан гандирақлаб бориб, тут дарахти танасига суяниб қолди.

Мирза Шерматни ҳам, кўлларини орқасига қайириб, чилвир билан боғлаб олишди.

Аёллар, болалар чинқириғи кўтарилди. Бойтуралар ҳовлиси қўшнилар, бола-чақа билан тўла. Қандай хабар топишган — иккала қизи, болалари, қариндошларигача етиб келишган.

Киши табиати қизиқ — Бойтуралар хўрланиб-тахқирланиб, қон ютарди, кимлардир уларни томоша қилиш учун шошиларди.

— Эҳим-м, қани энди... — Тошниеъов маъноли томоқ қирди.

Оғилдан айғирнинг кишнаши эшитилди. Кўп ўтмай, кимдир Бойтуранинг Қоражол бўзини отхонадан ётақлаб чиқди. Айғир ҳовлида бегона оломонни кўриб, ётсирадими, пишқириб-ўшқириб, ер тепиниб, газаб, балким нафрат билан яна кишнади.

Аслида айғир кишнаётгани ёки кўллари боғланган эгалари ҳолига ачиниб йиғлаётгани — билиш қийин эди. Айғир ётсираб, ўзини четга олмоқчи булди. Йўқ, чап беролмади. Аллақердан айғирнинг эгари ва бошқа анжомларини топиб келишди ва бир зумда эгарланган Қоражол буз ёнида Пайгачи батрақлар кўмитаси раиси Тошниеъов ҳозир бўлди.

От таниш кишинини ёнида кўриб, аллақандай мамнуният билан «хи-хи»лаб ҳўйди. Тошниеъов чап қўлига юганини олди, унғ қўли билан айил ва тасмани тортиб кўрди ва оёғини узангига қўйиб, бир сакрашда отга минди. Атрофига виқор билан боқаркан, оёқларини узангига тираб:

— Ҳай, бахти чопган батрақлар! — дея қўлини дўлғади. — Замон кимники — бизники. Мана бу, — қўлини Бойтурага бигиз қилиб, нутқида давом этди, — бизнинг синфий душманамиз, қонимизни зулук бўлиб шимган ёт унсур. Биз уни ҳозир синф сифатида тугатишимиз керак. Қани, бошланглар!

Оломон Бойтуралар хонадонига ёпирилди.

— Оббо, бадбахт-эй, оббо бадбахт-эй! — дея кўллари занжирбанд Бойтура нуқул бош чайқарди.

— Вой, сен ўзимизнинг Бахтибердижон эмасмисан? Вой, болагинам, узинг раҳм қил, — Бойтуранинг хотини Гулбуви Тошниеъовга ҳадеб ёлворарди.

Кўзёшини кафти билан арта-арта Зулфизар деди:

— Э, о, бу ўзимизнинг Бахтибердижон акамиз-ку. Вой, садага, ҳовлимизда нималар бўляпти ўзи? Отамизнинг, Мирзо акамнинг гуноҳи нима?

— Э, нодонлар, кимдан шафқат сўраясанлар? Асли, ҳаммасини бошлаб келган шу арзанда итваччаларинг-ку! — елкасига чопон ташлаган аёл баралла чинқирди.

Тошниеъов эса кўр ва кар эди.

Бойтуралар хонадони тўс-тўполон — мусодара маросими... Кимлар гилам, кўрпаларни, кимлар бўғжом, сандиқларни аравалар, отларга юклар, кимлар эса аллақандай тугунчаларни қўлтиқлаб, елкалаб жунашарди.

— Бойтура кўлоқ, Бойтура золим. Синфий душманларга шафқат бўлиши мумкин эмас! — Тошниеъов ҳадеб зорланиб кишнаётган Қоражол буз устида туриб, ҳамон нутқ сўзларди.

— Оббо бадбахт-эй, оббо бадбахт-эй! — Бойтура эса фақат шу сўзларни такрорлаганича ҳамон бош чайқарди.

III

Бойтура афсусланича бор... Бир кеча у мачитда таровەҳ намозини ўқиб уйига қайтарди. Қишнинг чирсиллаган аёз туни. Ажабо, йўлнинг бир четида кимдир ингранарди. Ёнига борди: тўққиз-ўн ёшлар чамаси бир бола ҳансираб-энтикиб ингранар, гоҳ-гоҳда арағ қимирларди. Очиқдан сулайиб

улаётганлар тез-тез учраб турарди. Бола ҳолини кўриб, Бойтўранинг бағри зирқираб кетди. Уни кўтариб олиб, уйига келди. Устидаги битга тула жандани енди, ўчоққа ёқиб юбориб, бошқа кийимлар кийинтирди. Бола на чой ичди, на овқат еди.

— Отинг нима?

— ...

— Кимнинг боласисан?

— ...

Бола бирон саволга жавоб қайтармади, карахт эди. Мана-мана тугай деб турарди.

— Отингни айт, — Мирза Шермат боланинг бошини силади.

Яна жавоб бўлмади.

Зурлаб пивэдоғ ичиришгач, тагига қалин қилиб пўстак-кўрпача тўшаб, кигиз билан ўраб ташлашди. Нафас олиши учун фақат юзини очиб қўйишди. Тунда бошида, лабига чой томиздириб, гоҳ Гулбуви, гоҳ Бойтўранинг ўзи навбати билан ўтириб чиқди. Улиб қоладими, деб гумон қилишганди. Йўқ, улмади. Аранг очиладиган кўзларида жилмайишга ухшаш нималардир бор эди.

Эрталаб суриштириб билишди — Бердиқул номли тўққиз яшар бу бола пайгачилик Тошнйёз битхўр деганнинг ўғли экан. Ҳали қишгача Бердиқулнинг икки ўқаси, изидан ота-онаси очликдан кўз юмишганди. Сўққабош бўлиб қолган Бердиқул бадбахт уйини тарк этиб, бошини олиб қочган — йўлда қулаб тушиб, жони узилай-узилай деб турганида, Бойтўра устига келиб қолган.

— Бунинг номи Бахтберди була қолсин, — деди Бойтўра. — Мирза Шерматим энди ёлғиз бўлмайди.

Бойтўра сақланди ўғлини уйли-жойли қилди, ўз хонадони бир четини ундан аямади. Бахтбердининг зиммасидаги ташвиши — кўпқаритоз айғирга қараш (аслида, бу ташвиш Мирза Шерматнинг ўзидан ҳам ортмас эди) ва бошқа хизматчилар устидан назорат қилиш эди. Назорат қилишни қотирар, баъзан керакли-кераксиз жойда ҳам қамчини ишга соларди. Шу арзанда мана энди Бойтўранинг ўзини «синф сифатида» тугатишга киришганди.

Мусодара қилинган нарсалар юкланган аравалар, от-уловлар, юк кўтарган батрақлар кўмитасининг фаоллари, бўкираётган сигир-бузоқлар очик дарвозадан бирин-кетин Бойтўралар ҳовлисидан олиб чиқилмоқда эди. Қаердандир товўқларнинг қақоғлаши эшитиларди. Урганган жойларидан айрилишни истамаган жониворлар зорли нола билан арз-дод қиларди...

Қоражол бўз эса ер тепиниб, ҳамон газаб-ачиниш билан кишнарди. Ҳовлидаги аёллар, бола-чақалар чинқириғи, таргил бўрибосарининг «вий-й» деб зорланиши билан қўшилиб, суяк-суякни қақшатиб юборадиган оғир бир афғон осмон сари ўрламоқда эди.

— Қани, олдимга туш, — наганли кишилар олдин Бойтўрага, кейин Мирза Шерматга дағдага қилишди. Қўллари боғланган Бойтўра ва Мирза Шермат дарвоза томон равона бўлишди.

Ҳовлидаги даҳшатли йиғи-сиғи ва чинқириқлар энди шундай даражага бориб етдики, Пайгачи осмони дош беролмай, ана-мана портлаб кетгудай эди...

— Шу бадбахтлардан шафқат сўраяпсанми? — деди Бойтўра хотинига, дарвозадан бардам одимлар билан чиқаркан. — Қуй, йиғлама, бағримни қон қилма. Бу номардлар сатқай сенинг кўзёшларинг кетсин. Мани бу итлар пишириб ея қолсин. Фақат йиғлаб бағримни қон қилма!

Пайгачининг ит эгасини танимайдиган кунлари. Кимлар бошини олиб, тўрт томонга қочнишган, қочишга улгурмаганлар эса ГПУ камераларига тушган. Бойтўра ҳам ҳибсда...

Мирза Шермат отасини сўроқлаб неча бор ГПУ идорасига бош уриб борди. Кўзёшлари билан бегуноҳ отасини озод этишларини, ҳеч бўлмаса кўрсатишларини сўради.

Бирок ҳар гал рад жавобини олди. Шундай бўлса ҳам ҳар икки-уч кунда турмага қатнашини қўймади. Кунлардан бирида маъмурлардан «отанг қалди бўлиб ўлди», деган жавоб олди. Мирза Шермат ҳолсизланиб ўтириб қолди. Ёши эндигина эллиқдан сал ошган ирғайдек соғ-саломат отаси қийноқлардан кўз юмганди.

Бойтўранинг ўлигини ҳам беришмади. Қўл-оёқлари синиб, моматалоқ бўлиб кетган танани кўрсатишга райлари йўқ эди. Мирза Шерматнинг онаси Гулбуви бошидан кечган азобларнинг ҳаммасига кўр бўлиб чидаб юрган эди. Бирок, бу фожиага дош беролмади. Шум хабарнинг эртасиеқ Мирза Шермат: «Онажоним, онагинам!» — деб зор қақшаши Пайгачини оёққа тургизди. Мирза Шермат ҳам отасидан, ҳам онасидан жудо бўлганди.

Бойтўра ва Гулбувиларнинг уч фарзандидан ўртанчаси — Мирза Шермат ягона ўғил эди. Қизлари аллақачон уйли-жойли булган. Хувиллаган ҳовлида эндигина қовушган Мирза Шермат ва Зулфизар қолди.

Тинчлик, уйку қайда. Мушук сакраб утса ҳам хавфсираб тахликага тушишади. Ҳатто чироқ ҳам ёқишмайди. Уларникига бегоналар нари турсин, қариндошлар ҳам «қулоқ думи» бўлишдан қўрқиб, киришмайди.

Пайгачи тунлари ҳам тинч эмас. Итларнинг вакиллаши, от туёқларининг гусур-гусури тонггача тўхтамайди. Олдин «синфий душманлар»ни қамашган бўлса, энди навбат «дум»ларга келган.

Ярим тун. Мирза Шермат ота-оналари қирқини бир амаллаб утказган. Ногаҳонда эшик секингина «тиқ-тиқ» бўлиб қолди.

Мирза Шерматнинг елкасидан алланималар ажина оёқлари билан ўрмалагандай бўлиб кетди-ю, барибир тикка бориб эшикни очди — рўпарасида янги тузилган «Большевик» колхозининг идора қоровули Нурмамат турарди. У Мирза Шерматга она жиҳатдан қариндош эди. Улар бир-бирини «була» деб қақришарди.

— Була, иш чатоқ, — деди ҳансираб Нурмамат. — Ҳозир батрақлар кўмитасида қамоққа олинадиган «дум»ларнинг рўйхатини тузишди. Рўйхатга сизни ҳам ёзишди. Сиз Бухоро амирига «дум» экансиз. Батрақлар кўмитаси раиси Тошниеёзов шундай деди. Булажон, жонингизни кўтқазинг.

Даҳшатли хабарни етказган Нурмамат зумда қоронғилиқда гойиб бўлди.

Мирза Шермат, тиришма теккандай, бир лаҳза жойида туриб қолди. «Дум» деганларида қисман жон бор эди.

Фрунзе бошчилигида шуро армияси Бухорога бостириб кирганида Мирза Шермат Мир Араб мадрасасида таҳсил оларди. Дадаси ёлғиз ўғлининг билимдон киши бўлишини орзу қиларди. «Мирза» сифати ҳам унга мадрасада ўқиб юрган йиллари берилганди.

Хужум жуда ваҳимали бўлишига қарамай, бир тўда талаба амир пойтахтини ҳимоя қилиш учун бош кўтариб чиқди. Улар ичида ўн саккиз яшар Мирза Шермат ҳам бор эди. Улар бомбардимончи учарлару тўпларга яланғоч муштлари билан қарши туришди. Кўпчилик жангдан қайтмади. Қирғиндан омон қолган Мирза Шермат эса Бухорони тарк этиб, Пайгачи қишлоғига қайтиб келди, мадрасада таҳсил олиши ҳам шу билан тугади.

Мирза Шермат Бухородан Пайгачига қайтган кезлари Бухородаги ваҳшийликларни — бола-чақалар, оналар, кексалар бомба, тўп ўқлари остида қирилганини, узини Худо асраб қолганини қишлоқдошларига сўйлаб берганди. Ушандан бери орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам унинг амир пойтахти учун бўлган жангларда қатнашганини эслайдиганлар топиларди. Энди уни ҳам «дум» сифатида тугатишлари керак эди.

Нурмамат тун қоронғисида гойиб бўлгач, Мирза Шермат эшикни ёпиб, уйга кирди.

— Ким у? — сўради Зулфизар.

Мирза Шерматдан садо чиқмади. Йигит уз уйлари билан банд эди.

— Ҳозирлигингни кўр, — деб қолди тўсатдан эр. — Кетамиз. Бу юртнинг тузи энди биз учун ҳаром. Бошимизни олиб чиқиб кетишимизни ота-онангга айт, ҳозир бориб айт, — давом этди Мирза Шермат. — Бошқа бирон киши билмасин. Билиб қолса тамом, батрақлар кўмитаси раиси Тошниеёзов бизни ГПУга топширади.

— Қаерга борамиз? — сўради Зулфизар.

— Буни ҳозир мендан сўрама. Шу дўзахдан бошимизни олиб чиқайлик, қолганини Худо билади.

Зулфизарнинг тўққанлари бир қақиримча нарида туришарди. Бир вақтлар бу оила Бойтўралар билан куда тутинганидан фахрланиб-қувонган бўлса, энди — пушаймон...

Зулфизар чопқилаб бориб ниятларини ота-онасига билдирди ва уларнинг розилигини олиб қайтди. Зор қақшаб йиғлашди-ю, рози бўлишди. Ҳозир жон кутқазиш ганимат эди.

Ёш оила ўзи билан оладиган бирон ортикча нарса ҳам йўқ эди. Фақат қарсга тугиб нон олишди. Ногаҳонда Мирза Шермат чаққон одимлар билан тезахонага кириб кетди ва у ердан барча тинтувлардан омон қолган пичоғини олиб, қини билан этиги кўнжига тикди ва уй ўртасида тиззалади (Зулфизар ҳам) ва Қуръони Каримдан оят ўқиди. Ниҳоят, улар азиз қишлоқлари билан хайрлашдилар.

Бу фақат Пайғачи эмас, Ватан билан ҳам видолашув эканлигини ҳали билишмасди.

Ажабо, назарларида дўзах бўлиб кўринган бу элда (дарвоқе, фақат бир Пайғачи эмас, бутун мамлакат дўзахга айланиб қолганлигини улар дарбадар санқиб юрган кунлари яна ҳам аниқроқ ҳис этишди) йул-йўлакай тунагани жой ва егани таом берадиган беғараз сахий кишилар ҳам топилди. Шулар ёрдамида, — илоҳим, Оллоҳ таолонинг ўзи асрасин уларни, — учинчи ҳафта охирида пишиқриб ётган улуг дарё устидан чиқишди.

Мана, эр-хотин (ушанда Мирза Шермат йигирма саккиз, Зулфизар ун саккиз ёшда эди) нариги қиргоғи кўринмай пишиқраётган ўжар Амуга гамгин тикилиб утиришибди...

IV

Мирза Шермат икки букилганича хаёлга толганди. Болалиги Қашқа соҳилида утган, сузишни билади. Бироқ, Аму Қашқа эмас эди-да. Амуда сузиш — номаълумлик, эсон-омон чиқишини Худо билади. Аммо у ҳозир ўзи эмас, Зулфизар ташвишида эди.

«Ўзим гарқ бўлсам гўрга, лекин Зулфизарни асраш керак, қандай бўлмасин яшаши керак!»

— Нега жим бўлиб қолдингиз? — Зулфизар сабрсизлик билан эрига сўз қотди.

— Бунга қара, — Амуга қўл дўлгади эри. — Нафасига ёндошиб бўлмайди. Бирон жойда ёзгача сабр қилиб турганимиз маъқулмиди?

— Яна уша дўзахни тусаб қолдингизми? — Зулфизарнинг овози титраб кетди. Мирза Шермат сукутда. Унинг ҳам дўзахга қайтгиси йўқ, лекин мана бу пишиқриб ётган даҳшат...

У тагин хаёлга берилди. Хотинини кучиб олиб, сузолмаслигини билади. Зулфизарни ўз холига кўйиб сузиш... Омон чиқишига ишончи йўқ. Зулфизар дарёга гарқ бўлиб, ўзи ёлғиз чиқса... Яшаш унга татийдими? Бундан кўра большевиклар кўлида ўлгани яхши эмасми? Ягона чора — тошқин қайтишини кутиш.

— Нималарни ўйлаяпсиз? — Зулфизар жаҳл билан яна сўради. — Шер ака, шердай булинг. Қўрқманг, бизни Худонинг ўзи асрайди.

Мирза Шермат оғир тин олди.

«Сузидан кўрқаяпти, майли, мен гарқ бўлиб ўла қолай», — Зулфизар аллақандай шиддат билан қирқ кокил қилиб урилган бир кучоқ сочини икки марта айлантриб бошига тугди (сузишни яхшигина биларди), кейин оқ шоҳи рўмолини белига боғлаб, болдирини беркитгач, эғнидаги ҳамма кийимларини шартта ечди, тугунча қилиб, бирдан ўзини Амуга ташлади.

Зулфизар, сутга чайғандай оппоқ танаси гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, эркин сузиб борарди.

Мирза Шермат оғзи ланг очилганича, бир лаҳза жойида қотди. Хотинининг бунақа жасоратга бориши хаёлига ҳам келмаганди. Ҳали болалигида, Қашқа маст нордай бўкириб ётган кўзларида (ҳа, бир вақтлар Қашқа ҳам шундай ваҳший дарё эди) у қиргоқдан-бу қиргоққа итбалиқдай сузиб утишларидан хабарсиз эди.

Мирза Шермат учун иккиланишга ҳожат қолмади. Зудлик билан ечиниб, кийимларини бошига чашиб боғлаб, пичоғини маҳкам тишлаганича хотини изидан тушди.

Савр охирлари, ҳаво исиган, Аму суви эса ҳамон совуқ эди. Зулфизар жунжикиб, вужудини аллақандай ваҳима эғаллади. Аму қаърига чўкиб кетиш хавфи беихтиёр хаёлидан ўтди. Ногаҳон бағрига кириб келган бу заифлик

қанчага чўзилганини ўзи ҳам билмайди. Лекин, «Қашқадан қандай сузиб ўтган булсам сендан ҳам шундай сузиб ўтаман», деб аҳд қилгани эсида. Бунинг устига, эрининг қулочкашлаб изидан сузиб келиши ҳам унга катта қувват бўлганди. Заифлиги узоққа чўзилмади, ўзини қўлга олишга улгурди. У энди яна кучли эди. Гоҳо, эрига ўгирилиб боқаркан, илиқ жилмайиб қўяр ва бу жилмайишлар билан «буш келманг, бардам бўлинг, Шер ака», деб тургандай эди. Бундай қараганда, Зулфизар ўзини гўё бутунлай дарё оқими ихтиёрига қўйиб бериб сузаётгандай эди. Аслида ҳеч ҳам шундай эмасди. Дарё оқимига қарши ортиқча куч ишлатмай, оёқ-қўлларини енгил силтаб, қиялаб сузганича олға талпинарди.

Мирза Шермат хотинининг маҳоратига қойил қолиб, ич-ичидан қувонди. У ҳам Зулфизар изидан бардам сузмоқда эди.

Улар Аму оқими бўйлаб, бир ярим чақиримлар қиялаб сузишди ва бирин-кетин афгон қиргоғидан чиқиб келишди...

V

Намозгар бўлиб қолганда эр-хотин тақдирларини Оллоҳ таоло ихтиёрига топшириб, бегона элда номаълумлик сари одимлашарди. Офтоб ботиб, қоронгу тушганида, ногоҳон ит ҳуриши эшитилди. Зулфизар жайрондай сакраб тушди. Улимни писанд қилмайдиган ёшгина келинчак итдан жуда-жуда қўрқарди. Болалигида ит талаб, юрагини олдириб қўйганди. Заиф томонини эри ҳам билгани боис қўлидан маҳкам ушлаб етаклаб борар, ит ҳар «вов» деганида Зулфизар ҳаққириб кетарди.

Итлар яқинлашиб қолганди.

— Шер ака, Шер ака, тўхтанг, тўхтанг, орқага қайтамиз, — деди Зулфизар титраб-қақшаб.

— Ўзим бор, қўрма!..

— Қоплон, жим ёт! — дўриллаган эркак овози янгради.

— Вой-й! — Зулфизар қувончидан чинқираб юборди.

— Ким? — яна жаранглади ўша дағал овоз.

Қаршиларида ёши қирқлардан сал ошган қора соқол барзанги лўли турарди. Орқасида боши худмай қора кўппак.

— Ассалому алайкум! — деди Мирза Шермат жадал одимлар билан илгарилаб.

— Ваалайкум ассалом!

Улар самимий қўл бериб қўришдилар.

Зулфизар титраб-қақшаб атрофига алангларди. Ҳадиксираган кўзлари эса қора кўппакда эди. Катта-кичик, ҳар хил рангли чодирлар чакалак бўлиб кетган юлгинлар ичида сочилиб ётарди. Улар лўлилар қўналғасига дуч келишганди.

— Э-э, келинг-да, меҳмон, — барзанги лўлининг қўли кўкрагида, — қани, — мана бу ёққа ўтинг.

Кутилмаган меҳмонлар ортиқча манзиратни кутадиган ҳолда ҳам эмасди. Очлик, ҳўл кийимлар ўз ишини қилган, лаблари лабларига тегмай титраб туришарди. Айниқас, Зулфизарнинг ҳоли танг эди.

Мирза Шермат ва Зулфизар чодирга кириб, дуо қилишди, ҳол-аҳвол сўрашди. Мезбонлар «кимсиз, қаердансиз», деб ортиқча қизиқиб ётишмади.

Бир зумда меҳмонларга мос либослар топишиб, уст-бошларини янгилашди. Ҳўл кийимларини эса қуритиш учун юлгинларга илишди. Тағларига янгигина кўрпачалар солишиб, дастурхон ёзишди. Нон, мева-чева, чай беришди. Танишиб олишди. Барзангининг номи Қиличбек, уй бекасининг номи эса Марго экан.

Қулоқлари чиноқ Қиличбек жамоа бошлиғи экан. Мирза Шермат таҳорат олиб, уй эгаси билан хуфтон намозини бирга ўқиди.

Кўп ўтмай, катта лаган кўтариб, уй бекаси Марго кирди. Бугланиб турган лаган қовурилган лаққа балиқча тўла эди. Меҳмонлар неча бор Қашқа лаққасини ейишган. Бироқ Марго келтирган лаққа сингаран хайбатли, ширин лаққани биринчи учратишлари. Уятни йиғиштириб қўйиб, роса балиқхўрлик қилишди. Титрашлари ҳам тўхтади.

Бегараз ва марҳаматли кишиларга дуч келишганини пайқашган меҳмонлар сир сақлаб ўтиришмади.

Уларнинг саргузаштларини тинглаб, юзларида чечак изи қолган Маргонинг кўзларидан тирқираб ёш отилди.

Қиличбек хумдай бошини эгиб ғамгин тинглади. Мезбонлар ҳам ўз саргузаштларидан бир шингли эслатиб, уч йил бурун Қаршига етмай Қашқа бўйидаги тўқайда қишлаганларини айтишди; Андижон қовунию Бухоро қаймогини, Қарши ҳусайнисию Самарқанд соякисини «дунёда тенги йўқ» деб роса таърифлашди.

Суҳбат чоғида яна шу нарса маълум бўлдики, Қиличбек ва Маргонинг икки қизларидан кейин биринчи ўғиллари Яҳё айнан Қашқа бўйидаги тўқайда туғилган экан. Шундай қилиб, улар қарийб ҳамшаҳар чиқиб қолишди.

Бироқ лўли мардумининг тўрт томони қибла — қаерга боши оғса ўша ёққа кетаверади. Лули бир жойда муқим яшаёлмайди, доим элларни кезиб, товонлари ултон бўлиб кетади. Бугун Қаршида бўлса, ҳафта ўтгач кўрибсизки, Наманганда, Урганч ёки Нукусда чодирини тикиб ўтирибди-да.

Насибани қарангки, Мирза Шермат ва Зулфизар шундай дайди лўлиларнинг меҳмони бўлиб, чодирларнинг тўрида ўтиришарди.

Шуниси таажубки, улар умрида кўрмаган лўлилар чодирда ўз уйларида (ўз уйлари охириги йиллари қанақа бўлиб қолганлигини яна тақрор эслатиб ўтирмаймиз) ётгандай бемалол ухлашди.

Мирза Шермат тонг отмай чодирдан ташқарига чиққанида мезбонлар аллақачон оёқда эди. Қиличбек кўзлари юлдузни кўзлаётган саман айғирнинг сагрисини силаб эркаларди. Марго қозон бошида жиз-лиз билан банд эди. Мирза Шермат Қиличбек билан бондод намозини бирга ўқиди. Зулфизарнинг назари бир четда ўз майлига оёқларини ялаётган кўппакда эди.

Намоздан кейин меҳмон ва мезбонлар биргаликда чой ичишди. Дастурхонда нон, новвот, сояки майизлар бор эди. Ногаҳон ташқарида шовур эшитилди. Кўп ўтмай, бусағада оппоқ соқоли кўкрагини тўсган чол, изидан ўрта ёшли эркак кўринди.

Улар Қиличбекнинг қариндошлари эди.

Мирза Шермат туриб кўришди, кейин кўрпачаларда ўтиришгач, одатдагидай кўлларини юзларига олиб боришиб, Яратганининг шаънига дуо қилишди.

— Хуш келибсизлар, — кекса киши илиқ жилмайди. — Сизларни Қиличбек зериктириб қўймадимми?

— Раҳмат, яхши гурунглашиб ўтирибмиз, — Мирза Шермат қулини кўкрагига олиб борди. Зулфизар эса дундиққина лабларини қимтиб, сукут сақларди. У эркаклар даврасида ўзини унгайсиз сезарди. Эшиқда Марго кўринди. Кўлидаги чинни товоқда палов.

Меҳмонлар товоққа зимдан боқишди. Қанча-қанча мол-мулкка эга бўлиб (энди улар аллақачон батрақлар кўмитаси қўлига ўтганди), мартабаси баланд даргоҳлар тузини еб, бунақанги гузал товоқни учратишмаган. Ичи ва сиртидаги нақшлар... ўзаро уйғунлашиб, жаранглаб садо берай-берай деб турган товоқ ҳар қанақанги шоҳона дастурхонни безашга қодир эди.

Овқатланиб бўлишгач, Мирза Шермат уй эгаларига ташаккур билдириб, кетишга рухсат суради. Мезбонларнинг эса жавоб бергилари йўқ эди. Энди Қиличбекнинг оғайнилари уйларига таклиф этишарди. Мирза Шермат узр айтиб, қолишга рози бўлмади.

Қиличбек бирдан ўрнидан туриб, чодирнинг нариги қисмига ўтди, сатин тўн ва қизил бахмал камзул олиб чиқди, бирини Мирза Шерматга, иккинчисини эса Зулфизарнинг елкасига ташлади. Кейин жойига ўтираркан, «Оллоҳнинг ўзи асрасин», деганича бир чангал афғони тангани Мирза Шерматга тутди.

Мирза Шермат қанчалки эътироз билдирмасин, ҳеч иш чиқмади. Қиличбек «фақат дуо қилсангиз бўлди», деб ўз сузида туриб олди.

Меҳмонларнинг кийимлари қарийб қуриган эди. Уларни оқ чилвирга боғлаб, тўртта нон, икки қадоқ чамаси новвотни қарсга тугиб беришди. Тугун ёнида сувга тўла сопол кўзача ҳам бор эди.

— Мусофир доим ўзи билан сув олиб юриши керак, — уқтирди Қиличбек. — Сув бўлмаган жойда новвот иш беради.

— Раҳмат, раҳмат, — Мирза Шермат бош ирғади.

Меҳмонлар мутлақо нотаниш лўлиларнинг бу қадар бегараз марҳаматларидан ҳайратга тушиб, айтадиган бирон дурустроқ сўз ҳам тополмай туришарди.

— Мусофир учун қишлоқдан шаҳар маъқул, — Қиличбек соқолини силаб қуйди. — Яхшиси, Кобулга боринг, у ерда доим иш топилади.

Уй эгалари меҳмонларни самимий кузатиб қўйишди.

Таажжубки, шунчалар ҳурмат-иззат, инъомлар қилишиб, ҳатто исмларини ҳам сўрашмади. Нимаики беришган бўлса, ҳаммасини Худо йўлига сочиб юборишди.

Кейинчалик шу томони Мирза Шерматга дард қилди.

— Биз дарбадар мусофир кишилармиз. Қўлимиздан нима келарди, — Зулфизар эрини тинчитишга уринди. — Яхшиликлари илоҳим, Худодан қайтсин.

Зулфизар ҳам ҳаяжонда эди. Ахир, мутлақо нотаниш ва элқезар лули зотидан шунчалар одамгарчилик, ҳотамтойлик чиқиши қачон ҳаёлига келибди...

VI

Куни бўйи йўл босишди, неча-неча қишлоқлар, бекатлар, карвонсаройларни ортда қолдиришди.

Ниятлари Қиличбек тилга олган Кобулга тезроқ етиб олиш эди. Қарийб хуфтон бўлганда йўл ёқасида бир неча аравалар турган катта карвонсарой устидан чиқиб қолишди.

Кичикроқ хонага жойлашишди. Кўрпа-тўшак, нон-чой, кечроқ шўрва беришди. Лўли Қиличбек берган тангаларни ишга солди. Тонг азондан тагин йўл, номаълумлик.

Пешин чоғида осмонга ўрлаган тераклари ариқ бўйлаб тизилиб кетган, аҳолиси зич бекатда тўхташди. Ариқ ёқалаб тизилган катта-кичик дўконлар назарга чалинарди. Офтоб тиғида куйиб-қорайган темирчи шалпангқулоқ малла чўбирга нағал қоқарди. Устахонада ҳайбатли киши энгларини шимариб, учкунлаб турган лағча чўг парча темирни ҳадеб болга билан урарди.

Бу жой на шаҳар, на қишлоққа ўхшар, эҳтимол, бирон туман маркази эди. Мусофирлар бу манзилда тўхташмади.

Ниҳоят, офтоб ботай деганда йўл ёқасидаги унча катта бўлмаган карвонсаройга бурилишди ва сада қайрағоч тағидаги тахта сўрига бориб утиришди. Энди кеч бўлган, бегона юрда таваққалига йўл юриш ақлдан эмасди.

Мирза Шермат салом бериб келган саройбон билан омонлашиб, қўл бериб қўришди. Саройбон мусофирлар олдига бир парчагина эски, кир дастурхон ёзиб, нон-чой берди.

Орадан кўп ўтмай, кўк салласининг пеши кўтарилган, рангида қони йўқ озгингина бигиз мўйлов ҳозир бўлди. Тахта сўри қаршисида тўшалган кўрпачага келиб ўтирди. Улган қўйниқига ўхшаш маъносиз кўзлари гоҳ Мирза Шерматга, гоҳ эса Зулфизарга зимдан тикиларди.

Ногаҳон бигиз мўйлов ўрнидан турди ва карвонсарой олдидан оқаятган ариқ ёқасига бориб ёнбошлади.

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, бигиз мўйлов ёнига девдай кузама соқолли киши келди ва у ҳам ерга чўкди. Улар алланималар деб пичирлашар, назарлари мусофирларда эди.

Мирза Шермат елкасида нималардир ажина оёқлари билан ўрмалаб кетгандай бўлди. Хотинига зимдан боқаятган бу кимсалардан яхшилик кутиб бўлмасди. Бу ерда тунаш хатарли эди.

Мирза Шермат узоқ уйлади. Алқисса, бу манзилни тарк этиб, йўлга чиқишга қарор қилди. Яқою ягона суюнчиғи — Оллоҳ таоло. Тақдирини Унга топшириб, пешонасида борини кўради.

Мирза Шермат саройбонга кумуш танга берди. Саройбон тангани майдалашга кетиб, анча ҳаяллади. Суви яримлаб қолган кўзани қайтадан тўлдириб, саройбонни кутишди.

Тоқати тоқ бўлиб турганида саройбон кўринди ва Мирза Шерматга, «энди кеч бўлди, шу ерда тунаб қўя қолингизлар», деб марҳамат кўрсатди.

— Раҳмат, — деди Мирза Шермат сир бергиси келмай.

Афғони тангаларни олиб, эр-хотин оёққа туришди ва яна катта йўлга чиқишди.

Бу йул Мозори Шарифга олиб боради. Мозори Шарифдан эса Кобулга жўнашмоқчи. Лўлилар жамоаси бошлиғи Қиличбекнинг маслаҳатини эслади.

Қоронғи тушган — на бирон зот, на бирон шовур. Ёш муҳожирлар тақдирларини ягона Оллоҳга топшириб, номаълумликлар сари одимлашарди.

Карвонсаройдан икки чақиримлар узоқлашганларида орқадан ноғохонда от туюқлари дупури эшитилди. Аввало Зулфизар, кейин Мирза Шермат орқага ўгирилиб қарашди — бор-йўғи бир отлик.

Орадан кўп ўтмай, у отини гижинглайтиб, муҳожирлар ёнида пайдо бўлди. Ажабо, у ҳалиги озгин, бигиз мўйловнинг айнаи ўзгинаси эди.

— Мусофир кўринасизлар, — отлик Мирза Шерматга сўз қотди. — Тунда тентираб юрмай, меҳмон бўлинглар.

Мирза Шермат бир лаҳза сукут сақлади. Сўнгра:

— Раҳмат, — деди йулида давом этаркан. — Борадиган манзилимизга шошиляпмиз.

Мусофирлар шошилишар, бигиз мўйлов эса гижинглаётган отининг жиловини тортиб, ёнма-ён борарди.

— Меҳмон бўлинг, — отлик яна Мирза Шерматга сўз қотди. — Бошимизга кўтарамиз.

— Раҳмат! — деди Мирза Шермат аллақандай кескин тарзда.

Орқада кимлардир томоқ қириб йўталди.

Мирза Шермат ўгирилиб орқага қаради — иккита яёв киши ҳансираб чопиб келишарди.

— Шер ака, булардан яхшилик чиқмайди, — деди Зулфизар ташвишланиб.

Мирза Шермат эса жим эди. Ўз майлича шошилмай одимларкан, хаёл сурарди: «Эҳтимол, иш яхшиликча тугамайди. Саваш бўлиши аниқ. Мен ўлсам Зулфизар нима қилади, кимларнинг қўлида қолади?!»

— Сизларни меҳмонликка таклиф этамиз!

Ниҳоят, бигиз мўйлов удагайлаб, отини кўндаланг қўйиб, йўлини тўсишга уринди, от эса бирон кўнгилисиз воқеа бўлишини олдиндан сезаётгандай, пишқириб бир жойда турмасди.

— Йўлимизни тўсманг, — деди ўзиб Мирза Шермат.

Орқадан келаётган пиёдалардан бири — калта-бақалоқ, бошида кичиккина салла. Иккинчиси — алвастидай барзанги. Бошини аллақандай қарс билан боғлаб олган.

— Булар яхшиликча меҳмон бўлишни истамаяпти, — бигиз мўйлов шерикларига сўз қотаркан, айғирини гижинглайтиб тўғри Мирза Шерматнинг тепасига бостириб борди ва тун қоронғилигида яшиндай ялтираган тиг билан ўқталди. Тиг пичоқми, ханжарми, Мирза Шермат учун аҳамиятсиз эди. Саваш бошланганди.

Мирза Шерматни Худо асраб, тиг уни четлаб ўтганди. Айғир бегона киши устига тик боришдан ҳадиксираб, забт билан чап бергани ўз ишини қилганди.

Бигиз мўйлов газаб билан жиловни силтаб, изига қайтди ва қамчи босиб, яна Мирза Шерматнинг устига от солди.

Мирза Шермат энгашиб, этиги кўнжидан пичоғини олди.

Зулфизар йўл чеккасида тик турганича йиғлаб, нималарнидир пичирларди.

— Кекирдагидан сол, — деди барзанги ҳансираб.

Отлик қамчини аямай, яна ганими устидан бостириб борди — айғир Мирза Шерматга етган жойда пишқириб-уйноқлаб, тагин чап берди. Зийрак ҳайвон Мирза Шермат қўлида ялтираган пичоқни аллақачон кўрган эди.

— Миясидан, қоқ миясидан! — аламини отдан оларкан, бигиз мўйлов шерикларига чинқирди.

— Мана, сенга, — дея, бақалоқ Мирза Шерматнинг бошига калтак билан туширди.

Мирза Шермат тисарилиб кетиб, чалқанчасига қулади.

— Вой, акамни урма! — Зулфизар чинқиригидан тун зириллаб кетди.

— Жим бўл, мочағар! — бошига қарс боғлаган барзанги Зулфизарни бир тепиб, умбалоқ ошириб юборди.

Барзанги қулай фурсатни бой бергиси йўқ эди.

У Зулфизарга бошқа эътибор ҳам бермай ҳали жойидан туришга улгурмаган Мирза Шерматга пичоқ билан ўқталди.

Мирза Шермат ҳам имилламади — тура-солиб барзангини кўкрагига тепаиб қулатди ва ўзини ўнглаб олишга улгурмай, унга пичоқ санчди.

Барзанги оёқ-қўллари титраб, ётган жойида пихилларди.

Бигиз мўйлов даргазаб. У, бошинг-кўзинг демай, отини қамчилаб, ганими устига бостириб боришга уринар, айғир эса кекиртагидан қон сачраб, пихиллаб-титраб, жон бераётган барзангига тикилганча жойидан жилмасди.

Ортиқча ўйланиб турадиган вақт эмасди. Тишлари бир товур гижирлаб кетган Мирза Шермат қоплондай бир сакрашда отлиқ ёнида ҳозир бўлди ва забт билан биқинига пичоқ санчди. Санчди-ю, шу зумда қайтариб олди.

Айғир ҳурқиб, чайқалиб кетди, суворий қўлидаги ханжари билан қулади.

Айғир, уст-устига қақшаб кишнарган, тасур-тусур ўйноқлаб, қирдан ошиб кетди...

Мирза Шермат қон юки пичоғини маҳкам ушлаганча учинчи ганими қаршисига турарди. Қалта-бақалоқ қўлида — қалтак. Зулфизар титраб, қақшаб йиғламоқда.

Орадан кўп ўтмай, қалта-бақалоқ тун қоронғилигида гойиб бўлди.

Барзанги ва бигиз мўйлов катта йўлда қузилиб ётарди. Бу оғир фожиа тунда, Мозори Шариф йўлида содир бўлди.

— Ё Оллоҳ, ўзинг кечир, — Мирза Шермат ўликлар ёнида тиз чўқди. — Гуноҳларимни ўзинг кечир!

Мирза Шермат, оғир тин оларкан, кўзачага қўл қўзди ва бир кўтаришда сувнинг ярмини ичиб қўйди...

VII

Саваш шу ҳолича тугашига ишонч йўқ эди. Тирик қолган қароқчи бошқа биродарларини оёққа турғизса, иш яна ҳам даҳшатлироқ тус олиши мумкин эди.

— Кетдик!

Мирза Шермат хотинини катта йўлдан эмас, яланг дашт бўйлаб бошлаб кетди.

Яна тақдирларини Тангрига топшириб, тавақкалига иш кўришди. Нотаниш тақир дашт бўйлаб тун бўйи шундай жадал юришдики, товонларидан ўт чақнаб кетди. Жон ширин, ганимлар қўлига тушмаслик учун бу даҳшатли жойдан узоқлашиб кетишлари керак эди.

Яхшики, мусофирликда, бегона юртларда кезавериш ҳаётнинг кўп сирларини билган жаҳонгашта Қиличбек улар кўп оғир кўргиликларга дуч келишини олдиндан билгандай нон, новвот ва кузачада сув берган экан...

Сувни энди ичмай фақат томоқларини намлашарди.

Мозори Шарифга борадиган йўлни мўлжаллаб, фақат тунлари юришди. Кундузлари эса яланг дашт, қир-адирлар, дараларда, ёввойи бутазорлар, ташландиқ қаваклар, харсанг тошлар тагида бош кўтармай ётиб, жон асрашди.

Афгон жазирама кунлари бошланиб кетган. Туни бўйи йўл босиб, мана энди оққуврай соясига тиқилиб олишган. Оққуврайнинг миттигина барглари эса соябонликка ярамаёттир.

Мирза Шермат кузачага қанчадан бўён боқмай қўйган. Унда бор-йўғи бир қўлтумгина сув қолган. У ҳам Зулфизар гоҳ-гоҳда томоғини ҳўллаб туриши учун зўрга етади.

— Шер ака, ҳеч қурмаса тилингизни намлаб олинг, — деди Зулфизар ҳансираб-энтикиб.

— Йўқ, жоним, ичгим келмаяпти, — деб жавоб берди эри.

Ичгиси келмаяпти-ю, офтобданми, чанқашданми, тутоқиб-қорайиб кетган. Зулфизарнинг момиқ яноқлари, ақиқ дудоқларигача қорайиб, дағаллашиб қолган.

Атрофни жизиллавуқлар жизиллаши босиб кетган. Улар ҳам офтобдан жон сақлаш учун оққуврайларга ёпишиб олган.

Қимирлашга ҳоллари йўқ. Зулфизар ётган жойида кузачани оғзига олиб борди — кўз ёшичалик ҳам сув қолмаганди. Нон ва новвотлар ҳам тугаган.

— Шер ака, томоғимдан нимадир бўғаяпти...

— Чида! — деди эри узиб. — Қоронги тушиши билан кўзгаламиз. Сезиб турибман, энди сув устидан чиқамиз.

Нима бўлиб Зулфизар ёнидаги яшил янтоқдан бир шоҳчасини узиб олди-да, оғзига солиб чайнай бошлади. Ажабо, оғзида аллақандай сулакай пайдо бўлди. Янтоқ ачимтил, тахир, лекин намхуш эди. У ачимтил суюқликни ютишга уринар, суюқлик эса томоғидан нарига ўтмай туриб қолганди. Ниҳоят ютинди ва энтикиб, қувониб деди:

— Шер ака, янтоқ, янтоқ!..

Мирза Шермат тушунди ва у ҳам янтоқни оғзига олиб чайнай бошлади ва бирдан:

— Зулфизар! — деб юборди. Овози зўрга чиқарди. — Энди чулладан улмаймиз.

Янтоқнинг ачимтил шарбати улар учун улуг кашфиёт билан тенг эди. Ўзлари билан бир чангалдан яшил янтоқ олишиб, қоронғу тушиши билан оёққа туришди.

Улар бир-бирига эш, бир-бирига қувват эди.

Мирза Шермат олдинда йўл бошлаб борарди. Миясида бир-бирига эид, бир-бирини рад этадиган хаёллар аралаш-қуралаш. Узини эмас, Зулфизарни қийнаб қўйганига ачинарди.

Охириги бир йил ичида ҳаётларида оғир воқеалар кўп бўлди. Мехрибон туққанларидан жудо бўлишди, дадалари раҳматлининг қанча-қанча мол-мулки, икки сурув қўйи, минг таноб ери, яйловлари, кўпкаритоз отлари — ҳамма-ҳаммаси большевиклар, батрақлар кўмитаси ихтиёрига ўтиб кетди. Энди унинг Зулфизардан бошқа қанақанги бойлиги қолди? Дузахга айланган ватанидан қутқариб олиб чиқишга улгурган ягона ва энг қимматли бойлиги — Зулфизар. Шунини деб қотиллик қилишгача борди, шунини деб ҳар сонияда ўлимга тайёр.

Тун. Эр-хотин тақир адирда ўтиришди. Зулфизар ўша зумда уйқуга кетди. Кўп ўтмай, Мирза Шермат ҳам мудрай бошлади. Мудраятми-ю, хаёл тўлкини ичида сузиб юрибди. Ҳушими, тушими, ўзи ҳам ажратолмайди.

Бегона юртда дарбадар тентираб юришлари, оғир қотиллика боргани ногаҳонда дард қилиб: «Бундай юришдан ўз ватанимда ўлганим аъло эмасмиди?» — деб афсусланди. «Большевиклар қўлидами?» — деган суровдан, балиқ деб чангаллагани илон бўлиб чиққандай эти жунжиқди.

Зулфизар ҳамон ширингина нафас олиб бемалол мириқиб ухларди. Ёнида Шер акаси турганида нимадан ҳам чўчирди?!

Мирза Шерматни тагин хаёл жонажон Пайгачига олиб қочди. Шу топда отаси раҳматлини ГПУ кишилари уйдан қамоққа олиб кетишайтганида зор қақшаб йиғлаган шўрлик онаси кўз ўнгидан ўтди.

«Шу номерд бадбахтлардан шафқат сўраяпсанми? Қўй, йиғлама, йиғлаб бағримни қон қилма. Бу номердлар сатқан сенинг кўз ёшинг кетсин. Мени бу итлар қамаш тугул, пишириб ея қолсин. Фақат йиғлаб бағримни қон қилма!» Бойтуранинг охириги сўзлари... Ҳаммасини эсларкан, Мирза Шермат большевиклар бошлаб келган дўзахдан жонларини олиб қочишайтганидан ўзида йўқ севинди.

Эркинг ўзингда бўлмаса, бол есанг ҳам татимайди. Бу неъмат учун Олоҳ таолога шукроналар айтиб, Зулфизарни авайлабгина уйғотди ва эр-хотин иккаласи яна оёққа туришди. Улар бир-бирига эш, бир-бирига қувват эди. Йўлда бир-бирига сўяниб боришарди.

Ит ҳуриди. Зулфизар учиб тушди. Ит овозини эшитиши билан унга бирдан жон кирганди.

Ёришиб келаётган тонг шуъласида кичик, пастаккина уйлар ва торгина йўллар назарга чалинарди.

Ярми очик, ярми аллақандай хашаклар билан ёпилган ташландиқ қавакка кириб, кун буйи ётишди. Гоҳ янтоқ чайнашди, гоҳ мудрашди. Очлик, сувсизлик оғир кулфат — уйку ҳам келмайди.

Қоронги тушиши билан эр-хотин яна кўзгалиб, тонгда оқариб кўринган йўлакка бурилишди. Ҳозир улар қасосчилар қўлига тушишдан ҳам ҳайқмай қўйишганди. Оч киши ҳеч нарсадан қўрқмайди. Юришар, тўхташар, юришар, тўхташарди. Бир чақирим чамаси йўл босишгач, шитоб билан оқайтган ариқ устидан чиқишди. Роса қониб сув ичишди-ю, жойларида қолишди. Уринларидан туришолмади. Тонггача ариқ бўйида чўзилиб ётишди.

Ҳали улар қишлоқдан чиқиб кетишмаганди. Тонг шуъласида бир-бирига ухшаш уйлар назарга чалинди. Тортиниб ўтирмай, биринчи дуч келган хонадондан нон сўрашди. Оч киши уятни биладимми? Деворлари зўрга қалашиб турган бу кулда чол ва кампир, ўн ёшлар чамаси ўғил бола туришарди. Эҳтимол, невараларидир.

Кутилмаган меҳмонларни уйга таклиф этишди ва олдиларига дастурхон ёзишиб, уч-тўрт тандирда пишган нон, бир товоқ қатиқ қуйишди. Меҳмонлар бир зумда дастурхонни ялаб қуйишди. Бегона уйда ортиқча қолиш ҳам ноўнағай, ҳам хатарли эди. Бироқ овқатлангач, жойларидан жилишмади. Ажабо, қоринлари тўқ-у, қимирлашга ҳушлари йўқ.

Эртаси куни, қоронғи тушганида уй эгалари билан хайрлашиб, секин-аста жунашди. Чолдан билиб олишди — Мозори Шарифга борадиган катта йул қишлоқ этагидан ўтаркан...

Йул бўйлаб эмас, йўлни қоралаб одимлашарди. Тунда юра-юра, дам олиш учун бир ялангликни танлашди.

Адирлар, даралар оша қанот қоқиб, қаерларга шошаётган шабада игна санчади. Олисдан итлар ҳуриши эшитилади. Афғон осмонида юлдузлар бодраган. Фақат бир тўда қора булут Саланг тоғлари томондан тошни ёриб чиқаётгандай секин бўй чўзмоқда. Шу наъвали чоғда Мирза Шермат эрка мушукдайгина бўлиб ётган Зулфизар бағрига талпинар эди.

— Шер ака, Шер ака, тагин феълингиз айнимасин-а. Узи қимирлайдиган жоним йўқ.

— Фақат қучаман. Қучиб-қучиб, сенга жон киритаман. Ўзиям роса музлаб кетибсан.

— Қучиб-қучиб... Йўқ, сиз мени яна алдайсиз. Сизга ишонмайман, нарироқ ётинг.

— Афғон итлари жуда қопогон бўлади, деб эшитаман. Нарироқ ётсам, келиб сени қолиб олишади.

— Ёлғончи! — Мирза Шерматнинг чеккасига ёқимтойгина шаппати келиб тушди.

VIII

Хуллас, қарийб уч ҳафта деганда азим шаҳарга кириб боришди. Мозори Шариф шу эди. «Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!» Шаҳар бусағасидаёқ ҳассасини судраб юрган қаландарга дуч келишди.

Мирза Шермат эсон-омон Мозори Шарифга етиб олишганидан қувонибми ёки қаландар дуосини олиш учунми, афғон тангасидан икитасини ҳада этди. Қаландар узоқ дуо қилди.

Темирчилар растасидан утишди.

Эр-хотин секин одимларди. Кўп ўтмай, ноннинг ширин ҳиди димоққа урди. Бу ҳид шунчалар қудратли кучга эга эдики, нонвойхонага кириб борганларини узлари ҳам билмай қолишди. Мирза Шермат хўжага учрашиб, уз хизматларини таклиф этди. Нонвой эр-хотинга зимдан боқиб, ишга олишга рози бўлди ва уларга бир четдаги дуд-қурум босган ғарибгина бир хонали кулбани ажратди.

Эр-хотин нонвойхонада ишлаб бошлади. Тақдирки, гўзал аёли бор эркак бошида доим бахтсизлик сояси юради. Гарчи Зулфизар ғарибгина кийинган бўлса-да, ун гардидан кўз-киприклари зўрга очилса ҳам хўжа назарини ундан олмай атрофида капалақдай айланадиган, баҳоналар топиб ис босган кулбага тез-тез бош суқадиган бўлиб қолди.

Кунлардан бирида Зулфизар эрига «Бу, ердан тезроқ кетайлик», деган гапни айтди.

Зулфизар таклифи Мирза Шерматга ёқиб тушди. Хўжайин бетайин киши эканлигини у ҳам аллақачон англаган ва баъзан тунлари «бора-бора бу билан ҳам иш бирон касофатга бориб тақалмасмикин», деган хаёлларга берилиб, уйқуси қочарди.

Йўқ, касофат содир бўлмади. Бир ой ишлаб, Мирза Шермат жавоб сўради ва иш ҳақини олган куни рўй-рост хўжайини кўз ўнгида нонвойхонани тарк этишди.

Қурки-малоҳати бошига бало бўлаётганини Зулфизар биларди.

Лули Қиличбек берган тўн-камзулни асрашиб, эски кийимларида юри-

шар эди. Зулфизар бошига ранги уникқан эски румолини чашиб олиб, юзига ҳам алланималарни суркаб куйганди. У қанчалик ёмон кийинмасин, гуё кул тагида ялтираётган олтиндай жилоланиб турарди. Эски кийимлар ҳам Яратганнинг ўзи ҳада этган гўзалликни яширолмаётганди.

Хуллас, улар Кобулга борадиган бўлишди.

IX

Кобулда ҳам нонвойхонага ишга киришди. Йил охирида Мирза Шермат Кобулдаги эътиборли қандолатчилардан бири билан танишди ва унинг хизматига ўтди. Зулфизар кўз ёриб, тўнғичлари Эрмадат тарбияси билан банд эди. Мирза Шермат кеча-кундуз тиним билмади. Кейинчалик Зулфизар ҳам бу ишга астойдил киришди ва бора-бора моҳир қандолатчи бўлиб етишди.

Орадан беш йил ўтгач, Мирза Шермат кичкина дўконча очиб олди. Бу Маккаю Мадинага биринчи марта ҳажга борган йилига тўғри келди.

Пайшанба кuni Мирза Шермат «Боғи Бобур»га кириб, ҳазрати Бобур Мирзо қабрини зиёрат қилди. Эртасига Макка ва Мадинага борувчилар қаторига қўшилиб, шаҳарлараро автобус бекатига йўл олишганда, афгон офтоби эндигина атрофга зар тараб, илиқ жилмаймоқда эди. Минг-минг харсанг тошларга урилиб, ҳаёл билан олдинга ўқталаётган Кобул дарёси ҳали шаштидан тушмаган эди.

Йўл ёқасидаги хонадонларнинг биридан Алишер Навоийнинг баланд пардаларда таралаётган «Э, сабо» кўшиги қалбларни эзгилаб-эркалади.

Мирза Шермат жойида тик қолганича кўшиқни тинглади, тугагач, «оҳ-ҳ», дея бош чайқади ва тин олди. Бу энтиқишида ҳайрат ҳам, фахрланиш ҳисси ҳам бор эди. У шу топда ўзини Кобулдаги аллақандай келгинди-муҳожир эмас, бошқалар қатори тенглар ичида тенг эканлигини туйди.

Шундай ифтихор ҳислари билан у ҳажга йўл олди. Мирза Шермат Каъбатуллоҳга оёқ кўяр экан: «Ла илоҳа иллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ», дея пичирлаб, тавҳид калимасини қайта-қайта такрорларди. Икки ракат намоз ўқигач, ҳажга келган мўминлар суронига қўшилиб кетди.

«Оллоҳим, мўминингни Ўзинг кеңир!» — Мирза Шермат ҳадеб пичирлар, кўз унгида Мозори Шариф йўлида, мудҳиш тунда содир бўлган қонли фожиа жилмасди.

Табиатан арслон сифат Мирза Шерматда дев кучи бор эди. У Каъбага сизинишга келган мўминлар уммонида ўзини тутиб олиб, Яратган инъоми бўлган сеҳрли Ҳожар-ул Асвад тошини Каъба дарчасидан бош эгиб упишга муяссар бўлди.

У Арафат тоғида Расулуллоҳнинг табаррук излари теккан азиз жойларни зиёрат қилди.

Қубо масжиди мусулмонларнинг Мадинадаги энг азиз саждагоҳларидан бири эканлигини Мирза Шермат ҳали Бухородаги Мир араб мадрасасида таҳсил олиб юрган йиллари биларди. Қубо мусулмон дунёсида нафақат биринчи масжид бўлгани, илк гиштига бевосита ҳазрати Расулуллоҳнинг табаррук қўллари текканлиги учун ҳам азиз эди. Қубо неча-неча бузилиб тикланишидан ҳам у огоҳ эди. Ҳожилар билан бирга, у ҳам Қубо масжидида икки ракат намоз ўқиди. Яратгандан гуноҳларини кечирини сўраб, қайта-қайта сизинди. Масжиди Набавияда икки ракат намоз ўқиди. Мирза Шермат Жаннатул Бакияга — Ҳазрати Муҳаммад Расулуллоҳ ва унинг ўзи билан ёнма-ён ётган Чориёрларидан ҳазрати Абу Бакр Сиддик, ҳазрати Умар қабрига ётиб борганида унда айнан Каъбада бўлган ҳолат такрорланиб, гуё бутун коинот чапа-роста бўлиб айланаётгандай туюларди.

Мирза Шермат ҳаждан аллақандай ёшариб, қанот боғлагандек енгил тортиб қайтди. У ўзини чексиз бахтиёр сезарди. У ўз ишига ҳар қачонгидан ҳам завқ-шавқ ва катта масъулият билан киришиб кетди.

Қандолатлари хилини кўпайтирди. Кечалари тинмай парварда, новвот, ҳолва пиширди, кундузлари сотишди. Кимлар уни Мирза Шермат, кимлар Шермат Қандолатчи дейишарди.

Шермат Қандолатчи қўли очик ва мард эди. Баъзан танимаган харидорга ҳам насиёга ул-бул бериб юбораверарди. Ҳеч кимни алдамасди. Павардигор олдида, Расулуллоҳ олдида лабзи ҳалол инсон бўлишга сўз берган. Бунинг устига, савдо ишида мижозларини алдаш — ўз-ўзини алдаш, энг муҳими,

Оллоҳ таолонинг мўминларини алдаш айнаи чоғда Яратганнинг ўзини ҳам алдаш эканлигини яхши биларди.

Шундай қилиб, Мирза Шерматнинг ишлари юришиб кетди. Бурунги миттигина дуконлари ўрнида кенг, баланд дўконлар, уйлар қад кўтарди. Ишловчилари сони ҳам ортиб борди. Энди унинг корхонаси қандолатларига нафақат Кобулда, бора-бора Қандаҳор, Ҳирот, Мозори Шариф, Жалолобод ва бошқа шаҳар ва туманларда ҳам талабгорлар кўп эди.

Мирза Шермат янги-янги ниятлар билан яшаётганида Гитлер армияси жаҳон урушини бошлади. «Оллоҳим, Оллоҳим, бу балодан ўзинг асра!» Гитлер гуё унинг устига бостириб келаётгандай эди. Уруш қаерларда кетяпти-ю, даҳшатли нафаси уни ҳам ташвишга солиб қўйди. Тинчлиги йўқолди, кечалари ухлолмайдиган бўлиб қолди.

Мирза Шермат ҳаёллар гирдобиди сузиб юрарди. Гуё сирли портлашдан қараётган эди. У файласуф эмасди. Бироқ унинг ўз ҳаёти фалсафаси бор эди. Буки, елиб-югуриб, куйиб-пишиб пул топишнинг ўзи оз, айнаи чоғда жамғармани жойини топиб ишлата билмоқ ҳам керак. Энг муҳими — ҳаётнинг узидек тўхтовсиз ҳаракат, сармоянинг бир жойда туриб қолишидан сақланиш, нарх-наво оқимининг қайси томонга турланишини синчковлик билан кузатиб бориш ва уни кечикмай илғаб олиш... Ҳамма-ҳаммаси тижорат ишида зарурат эди. Шунини била туриб у қараётган эди. Қарийб синиш арафасида турарди.

Ажабо, вақти-соати келиб фронтлардаги вазият қизиллар фойдасига ўзгаргач, Мирза Шерматда қайтадан шўро вазвасаси бошланди. Ҳаёлида шўро армияси бир сакрашда Амуни сузиб ўтиб, мана-мана Кобулга кириб келаётгандай эди.

Мирза Шерматнинг кўз унгидан Пайғачининг ўша ярақлаган аёз тунни, онаси раҳматли, Зулфизар ва қариндошларининг зор қақшаб йиғлашлари, сақланди ўгли — собиқ отбоқари Бахтберди Тошниеъовнинг Қоражол бўзда чираниб нутқ сўзлашлари... ҳамма-ҳаммаси тизилиб ўтарди.

Бир вақтлари Бухоро тагида Фрунзе бошлиқ армияга қарши кўкрагини уққа бериб берил турган Мирза Шермат тунда ҳовлиларига бостириб кириб келган Пайғачи батраклар кўмитасининг қуролли отряди олдида қандай сукутда бўлса, ҳозир ҳам шундай оғир сукутда эди. Гуё аллақандай даҳшатли зарбадан қараётган эди. Бироқ бу шунчаки ҳаётдан умидини узган чорасиз, нотаъон киши сукути эмасди. Бағрида «Хўш, энди нима қилдим?» — деган савол жавоб кутарди...

Қандолатчиликдан воз кечмай, бир неча йил давомида пахта тозалаш ва қайта ишлаш корхоналари билан ҳамкорлик қилиб юрди ва ниҳоят, бор-йўғини сарфлаб, кичикроқ корхонага эга бўлди.

Бора-бора Мирза Шермат қандолатчиликдан бутунлай воз кечди ва бор сармоясини пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноатига сарфлади.

Кейинчалик иш кулами кенгайиб, Эрон, Туркия, Араб мамлакатларида, Оврупо, Америкада бўлди. Атоқли бизнесменлар билан танишиб, яқин мулоқотга киришди.

Зулфизар Эрмаматдан кейин Шерали ва Юлдузга она бўлиб, рўзгор ташвишлари билан ўралашиб қолди. Бироқ бу, уйда тинчгина ўтириб қолди, дегани эмасди. Қўшнилари, Кобул дорилфунуни кутубхонаси ходими Меҳрибону билан танишиш Зулфизар учун қутилмаганда янги оламни кашф этиш билан тенг бўлди. Камгап, чехрасидан доим аллақандай илиқ нур учқунлаб турадиган бу аёл тўфайли нафақат шарқ назми, айнаи чоғда талайгина фалсафий-ижтимоий асарларга меҳр боғлади.

Мирза Шермат қатта кўламда иш юритиш салоҳиятига эга киши бўлиб танилди. Кобулнинг кўзга кўринган ишбилармонлари қаторидан жой олди. Унинг хонадониди Бухоро Амири Саид Олимхон ва бошқа эътиборли ерли афгон ўзбекларидан ташқари, баъзан Гулхона Саройининг номдор кишилари ҳам тез-тез кўриниб турадиган бўлиб қолишди.

X

Кобул дарёси қирғоқларига забт билан урилади. Офтоб эса илиқ жилмаярди. Қир юваётган аёллар, қий-чўв кўтарган болалар қирғоқни босиб кетган. Кобул шаҳри гуё дарё бўйига кўчиб чиққандай.

Мирза Шермат Американинг Гарвард дорилфунунини битирган ўгли Эр-мамат билан бирга Кобулнинг Жоддайи Майванд кучасида икки от қўшилган извошда сайр қиларди. Мирза Шермат ҳашаматли машиналардан кўра извошда кезишни яхши кўрарди. Улар «Боғи Бобур»га яқинлашганда қўтилмаган манзарага дуч келишди. Кобул миршаблари қўллари занжирбанд, баланд бўйли, кекса лўлини олдиларига солиб ҳайдаб боришарди. Тутқун бўйнида арқон. Соқоли оппоқ, ўзи қоп-қора, девдай. Нуқул: «Э-э, биродарлар, менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ. Худо ҳаққи гуноҳим йўқ», деганча секин одимларди. Озгингина кампир эса занжирбанд лўлини ҳайдаб бораётган миршаблар кетидан: «Худо ўзларингга инсоф берсин, бегуноҳ чолимга шафқат қилинглар, чолимни дорга османглар», дея ёлбориб, йиглаб борарди.

Мирза Шермат извошда чол ёнидан ўтайтиб, угирилиб боқаркан, лўлининг катта гавдасига мос келмаган чиноқ қўлогига назари тушди.

— Тўхта! — Мирза Шермат лўлини извошчига шоп қилди, сакраб извошдан тушиб, бўйнида арқон, қўллари занжир билан боғланган кекса лўли ёнига етиб борди. — Сиз Қиличбек эмасми?

— Э-э, биродар, сиз менинг исмимни қандай билдингиз? — деди кекса лўли ҳайрат билан.

Мирза Шермат бошқа ҳеч нарса сўрамай, забт билан занжирбанд чолга ташланди ва уни маҳкам қўчганча ўпа бошлади.

Миршаблар анграйиб туришарди.

Ҳа, чол Мирза Шермат ва Зулфизар ҳаётида ўла-ўлғунларича унутилмас из қолдирган уша Қиличбек, кичкинагина кампир эса — Маргонинг ўзгинаси эди.

Миршаблар эса ҳамон гоҳ Кобулнинг атоқли ишбилармони Мирза Шерматга, гоҳ занжирбанд кекса лўлига ҳайрат билан боқишарди.

— Бу одамнинг увол-саवоби учун мен жавоб бераман. Даъволарингни менга қиласизлар. Мана, менинг адресим, — Мирза Шермат манзилномасини катта миршабга топшириб, Қиличбек билан Маргони ва катта миршабнинг ўзини извошга утиргизиб, уйига бошлаб кетди.

Воқеа тафсилоти кейин маълум бўлди.

Кобулнинг номдор савдогарларидан Насим Насруллонинг дўконига ўғри тушиб, пули ва бор молини ўмариб кетишганди. Гумонлари кўп эди. Шу жумладан, Кобул кўчаларида уша кўнлари изғиб юрган дайди лўлилар бу ишга дахлдор эканлигини башорат қилаётганлар ҳам оз эмасди. Айнан уша кўнлари Кобулга кўчиб келиб, шаҳар четида ўз чодирини тиклаган Қиличбек бошлиқ жамоа гумонга тушиб, эътиборли тергов органлари «Бу шуларнинг иши», деган хулосага келишганди. Жамоа бошлиғи Қиличбек бош гуноҳкор сифатида ўлимга ҳукм қилинганида рўпарасидан Мирза Шермат чиқмайди-ми?!

Мана, орадан қанча йиллар ўтиб, Мирза Шермат билан Қиличбекни тақдир шундай қўтилмаган вазиятда бир-бирига йўлиқтирди.

Марго ва Зулфизар учрашуви ҳам жуда-жуда ҳароратли бўлди. Улар бир-бирларини кўчиб, талай вақтгача эс-ҳўшларини йўқотишди.

Мирза Шермат меҳмонларни катта ўгли Эрзаматнинг ихтиёрига топшириб, ўзи катта миршаб билан қаергадир жўнади. Орадан қарийб тўрт соат ўтгач, ўзида йўқ қувониб, меҳмонхонада гамгин сукут сақлаб ўтирган меҳмонлари ҳузурини ҳозир бўлди. Мирза Шермат мудҳиш жазони Кобулнинг тегишли кишилари билан келишиб бекор қилдирган ва бу хайрли ишидан ўзида йўқ мамнун эди.

Уша кечаси Мирза Шермат меҳмонхонасида қарийб тун бўйи чироқ учмади. Гаплари тугамасди. Аму соҳилидаги учрашувга чорак асрдан ошган ва ўтган йиллар ҳар бири ҳаётида ўз изини қолдирган эди.

Эрталаб нонуштадан кейин, Қиличбек ўз жамоасини тезроқ тинчйтиш кераклигини ваҳ қилиб, кетишга жавоб сўради.

Мирза Шермат билан Зулфизар ҳам меҳмонлардан совға-саломларни аяшмади.

Кекса лўли тортиниб-уялиб Мирза Шермат инъомларини қабул қиларкан, «Э, биродар, бу қандок бўлди?» — деганча хижолат чекарди. Ҳовлидаги Қорабайир эса чирпиниб қозиқ айланарди. Бу кўпкаритозни Мирза Шермат жонидан ортиқ кўрса-да, уни азиз меҳмонига ҳада қилиб юборганини билмай қолди. Қиличбек ҳаммасини кутган бўлса ҳам бунисини кутмаганди.

Бир вақтлар Қиличбек ва Марго ҳотамтойлиги Мирза Шермат ва Зулфизар учун қанчалик фавқуллода воқеа бўлган бўлса, Мирза Шермат хонадони дайди лўлиларга кўрсатган ҳурмат ва эҳтиром ҳам бошқалар учун шунчалик тушуниш қийин жумбоқ эди.

Энг муҳими, ҳозир эр-хотин йиллар давомида бағирларида армон бўлиб келган хасталиқдан қутулиб, алланечук яйраб, ёшариб кетишган эди...

XI

Мирза Шермат меҳмонларни кузатиб қўйгач, ўз ташвишлари билан банд бўлди. Нью-Йоркдан Кобулга Эрмамат ёлғиз эмас, университетда бирга ўқишган анқаралик турк гузали Семрани ҳам ўзи билан олиб келганди. Семра Эрмаматнинг туққанларига маъқул бўлди. Мирза Шермат ўзи совчиларга бош бўлиб, Анқарага йўл олди.

Семранинг отаси Ёилмазбий номдор миллионерлардан бири эди. Бу оила Анқаранинг Чанқая майдонидаги уч қаватли кўркам уйда турарди. Кутилмаган меҳмонлар ниятини билган Ёилмазбий бир даража ташвишга тушди. Бироқ кўп ўтмай ўзини кўлга олиб жилмайди. Зимдан боқаятган кўзлари: «Мен билан куда бўлишни сenga ким қўйибди?!» — деб турарди.

Мирза Шермат Ёилмазбийнинг синчков боқишларини хотиржам қаршилади. Ахир, у ҳам Кобулнинг унча-мунча эътиборли кишиларидан. Бунинг устига, Семра ўғлининг қўлидан чиқиб кетмаслигига ҳам ишонади. Энг муҳими, ўглини турк гузалига муносиб кувв деб билди.

Дарвоқе, Ёилмазбий эшигини қоқиб турганлар етарли. Улар ичида мансабдору миллионерларгача бор эди. Гарчи, Мирза Шермат ўзига тўқ ва тинч хонадон соҳиби эканлигига шубҳаланмаса ҳам муҳожирдан кўра ўз юртдоши билан куда тутиниш унга маъқулроқ эди.

Бунинг яна бир сабаби бор. Семра ёлғиз фарзанд. Оллоҳ таоло бойлик важидан Ёилмазбийга сочган, фарзанд важидан эса сал қисган эди.

Қарийб ярим тунгача бўлажак қудалар суҳбат қуришди. Бироқ бу суҳбат Ёилмазбийнинг аҳдига бирон ўзгариш киритмади.

Ёилмазбий хотини Айдан парининг: «Ўзбек ҳам турк-ку. Зора бинойидек йигит бўлиб чиқса!» — дея маъноли қош чимиришидан сал юмшаб, ёшлар Кобулдан Анқарага етиб келишларига розилик билдирди.

Ёшлар эртасигаёқ шундай қилишди. Ёилмазбий хонадониди пичир-пичир бошланди. Гап Эрмаматнинг «бинойидек йигит» эканлиги ҳақида кетарди.

«Муҳожирлик айб эмас. Юрагининг ёли борлар муҳожирликда ҳам турк-лигича қолади. Турк, ўзбек ҳаммамиз асли бир илдизданмиз». Эрмаматни кўриб, Ёилмазбий ҳам шундай фикрга келди. Бироқ тўйга розилик билдиришдан ўзини тийиб, қудачилик жуда масъулиятли иш, ўйлаб кўрайлик, деб сиполик қилди.

Мирза Шермат ўглини олиб, Кобулга қайтадиган бўлди.

— Мен ҳам кетаман! — Семра кўз ёшлари билан онасига ёлворди.

Семрани Кобулга юбормай уйда олиб қолиш сал кўнгилсизроқ тус олди. Бироқ барибир олиб қолишди.

Ёилмазбийнинг розилиги кўпга чўзилмади. Орадан уч ҳафта ўтгач, Анқарада тўй ҳаракати бошланиб кетди.

Ёилмазбий ёлғиз қизи ҳаётидаги энг унутилмас кунни тантанали тарзда ўтказадиган бўлди.

Тўй Чанқая майдонидаги «Ота кули» ресторанида ўтди. *Дид билан безатилган турк столида энг тансиқ миллий таомлар, мевалар, минерал сувлар тизилиб кетганди. Фақат спиртли ичимликлар йўқ эди.

Тўй тантаналари бораётганда Чанқая майдонидаги Президент саройи, Мол Тепадаги Мустафо Камол ота Турк оромгоҳи, Ант Қабрдан таралаётган чиқроқлар шуъласи, Қизил Ой, Ёшлар боғи, Анқара қальаси-ю, улус майдони Анқаранинг чарогон тунида яна ҳам кўркамроқ ва жозибалироқ манзара касб этганди. Сухийё кўприги тагидан эса гўё сирли нурга ўхшаш нималардир тўхтовсиз оқиб тургандай...

Кобулда утган тўй маросимлари ҳам Анқарадагидан қолишмади. Жоддайи Майвандга чиқадиган Кобул дарёси қиргоғига туташ Мирза Шерматнинг уч қаватли уйида ярим тунгача ўзбек мумтоз куйлари жаранглаб турди.

Ёшлар Кобулда яшай бошладилар.

Туйдан кейин уч ой ўтгач, Ёилмазбий хотини билан Кобулга, қудалариникига қидириб келди.

Мирза Шермат ва Зулфизар қудаларини кўриб, қувониб-яйраб кетишди. Қудалари тўрт кун меҳмон бўлишиб, ўзларига муносиб кишиларга қўл ташлашганидан мамнун ҳолда Анқарага қайтишди.

Охириги йиллари Ёилмазбий тунлари ухлаёлмай типирчилаб чиқиши узидан қоладиган мол-мулкка муносиб меросхўр йўқлиги сабабли эди. Уғил неварани уни оғир ўйлардан қутқазди.

Чақалоққа катта бобоси Бойтўра номини беришди.

Ёилмазбий ва Айдар пари тўлиб-тошиб невараларини кўргани келишди. Уларнинг бир оёғи энди Кобулда эди.

XII

Ота-она кўнгли катта ўғилдан тинчиди. У аллақачон Кобулнинг дунё бозори миқёсида иш кўрадиган эпчиллари ичига шўнгиб кетганди. Бойтўралар мардлиги ва жасуриликдан ташқари толмас тadbиркорлар ҳам эди. Эрмамат зотига тортган эди.

Қизлари Юлдуз Кобул сиёсий доираларида уралашиб юрадиган Қувондиққа тушган. У туб афгон ўзбек аслзодаларидан эди. Бобокалонлари Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида ҳам Кобулни бошқариб турганлардан бўлган.

Бир ўғил, икки қизнинг отаси Мирза Қувондиқ Гулхона саройининг мартабаси улуг кишиларидан бўлиб, афгон ижтимоий ҳаёти билан банд эди.

Эрмамат ва Юлдуз кўзлари унгида, бу — яхши, лекин Шералидан сал ташвиш чекишарди. У Жорж Вашингтон университетини битиргач, Нью-Йоркда ишлай бошлади. Орадан икки йил ўтди ҳамки, ҳар хил вазлар топиб Кобулга — ота-онаси ёнига қайтиш учун шошилмаётир.

Кечроқ билишди — сабаби бор экан. Нью-Йорклик Акбарали исмли ўзбек бизнесмени корхонасида иқтисодчи бўлиб ишларкану асли гап ишда ҳам эмаскан. Шерали унинг «Э-ҳо-о» деб шахло кўзларини галати қисиб эркаланадиган кизи Гуллола атрофида гирдикапалак бўлиб юраркан.

Асли таги андижонлик бўлган Акбарали фақат ўзбек қавмидан чиққан йигитни куёв қилиш ниятида эди. Ниҳоятда гўзал қизини ҳатто куёвдан ҳам қизганарди.

Шу орада Гуллола аллақандай ёш йигит билан учрашиб туришини пайқаб қолишди. Бу кобуллик ўзбек ўғлони Шерали эди.

Йигит Акбаралига маъқул бўлди.

Шерали Гуллолага уйланиш учун туққанлари розилигини олиши керак эди. Кобулга йўл олди.

Мирза Шермат бир гуруҳ яқинлари билан Нью-Йоркка учигига тўғри келди. Совчиликка. Кенжаларининг азми қарори шунақа эди.

Бироқ иш совчиликдан ўтиб, бир йўласига никоҳ тўйига айланиб кетди. Ўртадаги узоқ масофани назарда тутишган эди.

Акбарали маърака утказишда ота-боболари сингари ўзбекчасига чираниб бор-йўғини сочиб юборишдан тийилган, қанчалик бой бўлмасин, аҳмоқона исрофгарчиликни тан олмасди. У америкачасига яшаш ва тежашга урганганди.

Атлантика шабадаси илиқ эсиб турган жозибали оқшомда Нью-Йоркнинг Бруклиндаги хонадонларидан бирида ўзбекона мусиқа жаранглади.

Тўйнинг иккинчи йили ёшлар ўғил кўришди. Шундай қилиб, Бойтўралар уруғи Америка тупроғида ҳам илдиз отди. Хушхабарни эшитиб, Мирза Шермат ва Зулфизар Кобулдан Нью-Йоркка учиди.

Кечки таом чоғида янги туғилган ўзбек наслидан бўлган Америка фуқаросига исм қўйиш ҳақида сўз кетди.

Даврада Акбаралининг америкалик ишбилармон дўстлари ҳам бор эди. Чақалоққа кимдир Франклин, кимлар Жон деб ном беришни таклиф эттишди.

Мирза Шермат ва Зулфизар кенжа фарзандларидан туғилган невараларига алоҳида меҳр қўйишган ва унга ўзбекона яхши исм берилишини исташарди. Таклифларни унсиз тинглашарди.

— Франклин, Жон америкача сеvimли исmlар эканлигини биламан, — деди Мирза Шермат илиқ кулимсираб. — Лекин биз ўзбекларнинг ҳам машҳур кишилар важдан бошқа халқдан қолишадиган жойимиз йўқ. Биз истар-

дикки, фарзандимизнинг исми-шарифи ҳам «мен узбекман» деб турсин. Асл турк исмлари жуда гузал ва уларда катта маъно бор. Менга қолса неварамизга улуг соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари номини берсак дегандим.

— Яхши таклиф, — Акбарали қудасини маъқуллади.

— Тилагимиз, — дея давом этди Мирза Шермат, — неварамиз ҳам Темур бобосидай уз халқини, элини жон-дилдан севсин, керак бўлганида Темур бобосидай тикка ўлимга борадиган мард ва жасур бўлсин.

Мирза Шермат ва Зулфизар Нью-Йоркда бир ҳафта бўлишиб. Кобулга қайтишди...

XIII

Йиллар ўтди. Бора-бора Мирза Шермат ва Зулфизар Нью-Йоркдаги фарзандларини тез-тез эслайдиган бўлишди. Ҳар йили икки-уч марта қатнаб туришди. Уғиллари мавқеидан улар мамнун эдилар. Шерали қайнотасининг ёрдами туйфайли дурустгина ишбилармон бўлиб етишган, уз корхонасига эга эди.

Тақдир тақозоси билан дунё кенглигини улуг ватандоши Абу Райҳон Бериунидан кейин ўзи учун қайтадан кашф этган ва у энди Осиё, Европа, Америка эшикларидан бемалол кириб борадиган жаҳонгашта бизнесменга айланганди.

Куз кунларининг бирида Шерали Нью-Йорк — Тель-Авив — Техрон қатнови билан учди ва фирмаси ташвишлари билан Техронда икки кун, Бағдодда эса уч кун ҳаяллади. Кейин Кобулга йул олди. Кобулда ҳам фирмасига алоқадор ишлари бор эди. Туққанлари кенжаларини кўриб ўзларида йўқ қувонишди.

Онаси илтимоси билан Шерали икки кун уйдан ҳеч қаерга жилмади. Туққанлари уни жуда соғиниб қолишганди.

Туртинчи куни Шерали йул ҳозирлигини кўра бошлади. Қандаҳор, Жидда, Карочида бўлиши керак эди. Жиддага кўнганида Макка ва Мадинани зиёрат қилиш нияти ҳам бор эди.

— Болам, нега бунча шошиляпсан? — онаси безовталаниб сўради.

— Ойижон, ишларим кўп, — Шерали узр билдирди. — Мен ҳадеб Кобулга қатнаб юравераманми, энди узларингиз ҳам Нью-Йоркка борингизлар, Невараларингиз сизларни тез-тез эслаб, мени гаранг қилишади.

— Нон-насиба тортган куни борамиз, — деди отаси соқолини силаб.

Мирза Шермат билан Зулфизар кузда бир ҳафта Анқарада қудалариникида бўлишди, сўнг Истамбул бўйлаб сайр қилишди. Мирза Шермат хонадонининг ташвишлари энди тўнгич ўгли Эрмадат зиммасида эди. Куёвлари Мирза Қувондиқ эса Кобулнинг Гулхона саройи атрофида кетаётган кескин сиёсий курашлар тўлқини ичига шўнғиб кетган эди.

Анқара сафарининг иккинчи йили Кобул офтоби кулиб турганида Мирза Шермат Жиддага учди. Қарийб бир ой деганда толиб-озиб ҳаж сафаридан қайтгач, бор-йўғи бир ҳафта уйда бўлди ва хотинини олиб Нью-Йоркка учди.

Мирза Шермат Нью-Йоркка борган куни тунда ваража қилиб чиқди. Томоғи шишиб, ҳеч нарса утмай қолди. Кейинроқ жигари ва ўпкаси оғир яллиғлангани маълум бўлди. Шерали ва қудаси Акбарали Нью-Йоркнинг атоқли профессорларини оёққа турғазилди. Кексаликми, ҳаво алмашгани таъсирими, касаллик борган сари кучаймоқда эди.

Беморнинг аҳволи оғирлашганини англашиб, Кобул ва Анқарага кўнги-роқ қилишди.

Мирза Шерматнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бир ҳафта давомида қўлларидан келган ҳамма тадбирларни кўришди. Афсуски, сақлаб қолишолмади.

Улар маслаҳатлашиб, Мирза Шерматни Нью-Йоркда дафн этадиган бўлишди.

Эрмадат ва Юлдуз, куёвлари Мирза Қувондиқ олдин бу таклифга қаттиқ эътироз билдиришди. Иш сал чўзилиб, кейин улар ҳам рози бўлишди. Улиқни океан, денгизлар оша олиб юришни маъқул топилмади.

Мирза Шерматни ҳурмат-иззат билан Бруклиндаги узбеклар қабристониди ерга беришди.

Зулфизарга эридан бой мерос қолди.

Мирза Шерматнинг маъракаларини катта ҳурмат билан ўтказишди. Шундай маросимлар Кобулда ҳам бўлди. Бу кунлари Нью-Йорк — Кобул ўртасида тез-тез қатнаб туришди.

Марҳумнинг қирқини беришгач, Зулфизар Кобулга йўл олди ва бор-йўғи икки ҳафта туриб, яна қайтди.

Йил ошини беришга бир ой қолганда Зулфизар тагин Кобулга шошилди ва бор-йўғи беш кун яшаб, яна Нью-Йоркка қайтди. У бир жойда муқим туrolмайдиган бўлиб қолганди.

Мирза Шерматнинг йил ошини беришгач, орадан бир ой ўтгач, она ва Шерали олдин Анқарага, кейин Кобулга учиди. Уч кундан кейин Шерали фирмаси ташвишлари билан Техрон ва Карочига жўнаб кетди. Бир ҳафтадан кейин қайтганида онаси тоқатсизлик билан эшикка термулиб ўтирганини курди.

Эрмамат ва Юлдуз оналари келгусида Шерали укалариникида муқим яшаб қолиш ниятида эканлигини пайқаб қолишди.

— Ойижон, ойижон биз сизни ранжитдикми? — деди Юлдуз, кузешлари билан онаси бағрига ташланиб.

Эрмамат эса икки букилганча сукутда эди.

— Дадаларинг раҳматли Нью-Йоркда ётибди, — она ҳам кузешларини тиелмади. — Мен уни қандай ёлғиз қолдираман?

Эрмамат ва Юлдуз ерга тикилганча қолишди. Эртаси кuni она Шерали билан Нью-Йоркка жўнаб кетди. Шу-шу Зулфизар Нью-Йоркда туриб қолди. Кобулдаги болалари, бошқа қариндошлари уни кўриш учун энди ўзлари Нью-Йоркка қатнайдиغان бўлишди.

Она ва болалар ўртасида Кобулда бўлган ўша гапдан бери орадан қарийб ўн йил ўтди. Бу саксонинчи йил бошлари эди. Мана, энди Зулфизар ҳаёти ҳам қил устида...

XIV

...Ҳамон оғир сукунат. Ёши ётмишни қоралаган Зулфизар охириги соатларини яшамокда. Гарчи Зулфизар машҳур врачлар қаровини рад этган бўлса ҳам улар мунтазам қатнаб туришибди.

Таҳликали тун эсон-омон ўтди. Пешинга бориб бемор бирдан ўзини енгил сезганидан ўй врачи Ойгул ташвишлана бошлади. У беморни зўрга кўндириб, у-бу нарсалар ичирди, томиридан устма-уст суюқ дори юборди.

— Мени тинч қўйинглар, — деди бемор хуфтонга яқин ногаҳон. — Профессорларингни ҳам бошқа чақирманглар, мени тинч ўлишга қўйиб беринглар.

— Ойижон, ойижон, ундай деманг! — Эрмамат тиз чўкиб, бирдан кузига ёш олди. — Ҳали Кобулга бориб, кенжа набираларингизнинг тўйига ҳам ўзингиз бош бўласиз.

Она ҳеч нарса демади, ингичка қошлари билинар-билимас тебранди.

Жимлик. Оғиз очишга ҳеч ким журъат этмасди. Шералининг уйқусизликдан қизариб кетган кўзлари бир товуз киртайиб қолган. Юлдуз, Гуллолалар бемор атрофида парвона. Қудаси Акбарали бир четда хомуш ўтирибди. Боши эгилган, нимадир деб пичирлайди. Акбаралининг хотини Назирабегим этакда ўтириб, ҳадеб бемор оёқларини силарди.

— Болаларим, — оғир тин оларкан, она ногаҳон сукунатни бузди, — сизлардай фарзандларим, қавм-қариндошларим борки, бахтлиман. Худога минг қатла шукр, бахтлиман. Бошимдан ўтган оғир кунларимдан ҳам нолимайман. Оталаринг раҳматли билан яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам куп кўрдик. Оғир дамларда икки ёрти бир бутун бўлдик. Сизлар ҳам яхши-ёмон кунларингизда бир-бирларингизга эш ва қувват бўлинглар.

Зулфизар кўзларини юмиб, жим қолди. Тез-тез нафас оларди. Жимлик қарийб бир дақиқа чўзилди.

— Ўзбегим ўлмасин, десаларинг, дунёнинг энг гузал, энг салобатли, энг жарангли ва қудратли тилларидан бири — жонажон тилимизни кўз қорачигидай асранглар!..

Она лабини ялаб ютинди, кўзларини юмиб, яна очди.

— Бир армонимки, она тупроғимни ўн саккиз ёшимда тарк этгандим...

Кўролмай кетяпман. Оталаринг раҳматли ҳам шундай кўз юмди. Эҳ, ҳозир мени бағрига жойлайдиган икки газгина она ерим учун бутун мол-мулкимни бермасмидим? Афсус, у узоқда. Мен уни кучолмайман, ўпиб кўзларимга суртолмайман.

— Ойижон! — Шералининг кўзларидан шитоб билан ёш тирқиради. У бир лаҳза гапиролмай жим қолди. Кейин узини тутиб олиб, сўзида давом этди. — Ҳали тузалиб кетасиз. Ватанимиздан хушхабарлар келяпти. Сизни узим Ўзбекистонга олиб бораман.

• Хонага пашша учса эшитиладиган жимлик чўкди.

— Менга «Муножот»ни қўйиб беринглар, — деди она ногоҳ.

Магнитофон ишга тушди. Она қалбларни титратиб юборадиган вазмин, гамгин ўзбек куйини берилиб тинглади. Кўзларидан тизилиб ёш оқиб турарди.

«Муножот» тугади.

— Энди «Чўли Ироқ»ни қўйинглар!

Она хоҳиши яна бажарилди.

«Чўли Ироқ»ни тингларкан, она киприклари алланечук титрай бошлади. Кўзларидан оқиб турган ёш эса бурун катаклари ва лабларини четлаб ўтиб, иягидан пастга сирғаларди.

— Бўлди-я! — деди она тоқатсизланиб. — Бошқа тинглаёлмайман! Бутун вужудим, бағрим идраб кетди. Идратиб юборди-я!

Она кўзёшлари ҳамон сирғалиб оқиб турарди. Хонада оғир сукунат ҳукмон...

— Оҳ, она Ўзбекистоним, — жимликни яна она бузди. Кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш. — Тупроғингни кучиб, ўпиб, таъзим қилиш бизга nasib этмади. Болаларим, жигарларим, охириги тилагим шуки, бирон кун ўша заминга оёқ қўйишдек бахт сизларга nasib этса бир ҳовуч, бир ҳовуч тупроғидан келтириб олдин оталаринг раҳматлининг қабрига, кейин меникига сочинглар!

Она бирдан жим қолди. Бор-йўғи бир дақиқага чўзилган бу жимлик абадийлик қадар узоқ туюлди.

— Сочинглар! — такрорлади она яна ва бирдан нафас олиши ўзгариб, кўзлари ола-қула бўла бошлади...

* * *

Сокин тун. Бемор ётган хона деразаларидан Нью-Йоркнинг осмонупар уйлари, кошоналари ярақлаб кўриниб турибди. Атлантика шабадаси тинимсиз эсади. Вужудни титратиб юборадиган аллақандай ҳазин ўзбек куйи Бруклиндаги хонадонларнинг биридан фазо сари ўрлаб; Атлантика тўлқинларида учиб юрарди.

Шундай маъсум тунда дунёнинг сирли, афсонавий мамлакати — Америкада, унинг бош қон томири Нью-Йоркда бир ўзбек онаси ҳаёт билан видолашарди...



Фируза

Нафиса дунг бўшиб куйдайди юрак...

*Бир оқшом юракнинг куйлари тинди,
Фалакнинг моғорлаб кетган бағрида.
Менинг қотиб қолган кўз ёшим сингди,
Кўзларинг кўмилган кўнглум қаърига.*

*Тўхта, бир бор қара, ортингда қолган,
Ишончининг гулламай қолган гулига.
Куйсанг, минг боралаб олдинроқ куйган,
Ёниқ тақдирларнинг ёниқ кулига.*

*О, сароб симирган алдамчи дунё,
Ҳали узоқ эди етар манзилим.
Мен чўкиб кетганим осмонмиди ё,
Ё кўксимдаги қалб эдимми тилим?!*

*Билмадим, менингни, гуноҳ сенингни,
Билмам, бахтмидир ё охиратми кун?!
Мен сенга афсона айтган эдимми,
Ё сен муҳаббатдан эдингми маҳрум?!*

Қалбимнинг рангини кўрмасдан кетма...

*Дилгир шамолларнинг товони кесик,
Кўзлар бир-бирига оғир термулар.
Суйиб, ардоқлаган муҳаббатимнинг*

*Юзлари тескари бурилар...
Сен — мендан, мен — сендан кечган кун.*

*Кечасан гуноҳсиз гуноҳкорингдан,
Ишонч кўприклари охир бузилар.
Дилгинам титрайди қийноқларингдан,
Танамда бир томир узилар...
Сен — мендан, мен — сендан кечган кун.*

*Орамизда қолар йиғлоқи эртак,
Йиғлоқи ўтмишдан беради бир сас.
Қачондир эртакни суйлаётиб, сен,
Кўзингга бир томчи кўз ёш олсанг, бас!..
Сен — мендан, мен — дунёдан кечган кун...*

* * *

*Она, бу шаҳарда яшашим қийин,
Йўлимни тўсади қалбдаги армон.
Аламлар юракни кемирар секин,
Сиқилиб кетаман бунда, онажон.*

*Бугун меҳрингиздан йироқдаман, оҳ.
Кузатиб қўясиз олис сафарга.
Онажон, бардошим етмайди энди,
Қизингиз юборманг бу тош шаҳарга!..*

* * *

*Кетдинг, йўлларингга йиқилди кўзлар,
Юракда бир мискин хотира қолди.
Самода милтиллаб учди юлдузлар,
Недир бу дунёда абад йўқолди?!*

*Кафтларингдан гуллар термоқчи эдим,
Дил моҳ эди, сенга тутмоқчи эдим,
Биргина кулгингни кўрмоқчи эдим,
Сен учун фаришта бўлмоқчи эдим.*

*Кетдинг, кундузларим тун бўб йиғладим,
Кўнглум хумор эди, хун бўб йиғладим,
Ҳеч ким эшитолмас ун бўб йиғладим,
Йиғладим, қай томон йўлинг билмадим?!*

*Сен кетдинг, сиғинар меҳробим кетди,
Нурсиз кўзларимдан офтобим кетди,
Оромим тарк этди ҳам хобим кетди,
Сен кетган йўлларда изларинг ўтдим.*

Кетдинг, йўлларингга йиқилди кўзлар...

* * *

*Ғарибдил, ғарибтар дилингда кезса,
Соҳирий тушингни ютганда кўзим.*

*Бир маҳзун оҳимнинг ҳидини сезсанг,
Гулгами, кўнгулга тилагин тузим.*

*Қалби моҳ эдим-ку, оҳ бўлдим фалак,
Бориб гуллатмадим само уйини.
Нафиса мунг бўлиб куйлайди юрак,
Ялдо кечасининг бахтсиз куйини.*

*Азоб, меҳр тутиб олганим — азоб.
Епиб қуй муҳаббат харитасини.
Энди қаландарлар асрайди сендан,
Кўнглумнинг кўз теккан даричасини.*

*Мен эса, бир манзил истаيمان кўкдан,
Юлдуз дарёсида бир умр оқсам.
Муқаддас нигоҳдан тушган оловга,
Хиёнатдан куйган бағримни ёқсам.*

*Ғарибдил, ғарибтар дилингда кезса,
Қалбингга ўқ бўлиб қадалса сўзим.
Куйган бир япроқнинг бўйини сезсанг,
Гулгами, қулгами тилагин тузим...*

* * *

*Ойнинг нигоҳидан сачраса согинч,
Шамол овутмаса, мудраса ҳаёл.
Осмонлар қасамхўр, осмон... Овутсин.
Онанг ҳаёда этган оппоқ даструмом.*

*Рухингда ўт чақнаб тунлар йигласа,
Булбул қон гуркаса, булбул бенаво.
Юлдузлар алдоқчи, юлдуз... Юпатсин.
Онанг ҳаёда этган шу буюк ҳаё.*

*Юрак тошиб кетса, билмаса дунё,
Сирлар тўкилишиб кетса бирма-бир.
Дарахтлар бевафо кўнгул... Сақласин.
Кўкракда потирлаб турган шу тумор.*

*Согинчимнинг ўзи сени асрасин,
Агар асрамаса кўлайса гуноҳ.
Бегона кўзлардан доим асрасин,
Онанг тақиб қуйган бир жуфт кўзмунчоқ...*

Фирюза — Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика куллиетини битирган. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистон радиосида хизмат қилади. Шеърлари талабалик йилларидан бунён матбуотда чоп этиб келинмоқда. Ҳуқуқнингизга ҳавола этилаётган ушбу шеърлар ёш шоирнинг журналистикада алоҳида ҳолда биринчи чиқишидир.

Гуллар қолсин изимиздан Терзилиб...

Орзуларим

*Йул солайлик само узра интилиб,
Учайлик-эй, турналарга илиниб,
Гуллар қолсин изимиздан термилиб,
Орзуларим, сафроз-сафроз орзулар.*

*Бойчечагим, мени кечир, укинма,
Бир кун қайтгум, аламлардан сўкинма,
Ишқсизларга бошинг эгма, чўкинма,
Туйгуларим, сафроз-сафроз туйгулар.*

*Бир зумгина мени қўйинг ҳолима,
Қолдирмангиз куним агёр, золима,
Тарк айлангиз, қани тушинг олдиما,
Қайгуларим, сафроз-сафроз қайгулар.*

*Бир ҳис борар юрагимни кемириб,
Кўзим ёгин ейди кунда семириб,
Кўзларимга боқолмаган термилиб,
Қутқуларим, сафроз-сафроз қутқулар.*

*Ўзингдандур, балки, андух, можаро,
Имон бергил, товфиқ бергил, ё Худо,*

Муҳаммад Умар фарғоналик. Бешариқ туманида туғилган. Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий графика куллиётини битирган. Ўз соҳаси сирасида ялпий кузатувлар олиб бормоқда. Табиатан тортинчоқ. Шу боис, шеърларини анча маҳал узидан бошқа кўрмаган. Эндл-эндл аён этмоқда бу сирини. Муҳаммад Умарнинг шеърларида табиий бир жозиба бор. Қалбдан оқиб келаётган табиий бир оҳанг бор. Бу оҳанг унинг битикларини қалбга тез сингдиради. дилга тез эш айлайди. Халқона қочирим, халқона пўтф сифатларига йўтирилган бундай тавз туйғуларини тўлдирди. Туйғулар тўлуви, фикр тўлуви қалб имконларини кенгайтиради.

Муҳаммад Умар битикларида шу жиҳат усиб бораверлишини истайман.

Икром Отамурод.

*Гафлат босган уйқуларим, алвидо,
Уйқуларим, сафроз-сафроз уйқулар.*

*Узинг сақла, сақла узинг кинлардан,
Азоб бердим, азоб чеқдим кимлардан,
Аразламанг сиз Мухаммад Умардан,
Охуларим, сафроз-сафроз охулар.*

*Йул солайлик само узра интилиб,
Учайлик-эй, турналарга илиниб,
Гуллар қолсин изимиздан термилиб,
Орзуларим, сафроз-сафроз орзулар.*

Келинг энди

*Кучангиздан ўтдим яна юрак ютиб,
Чиқмадингиз сув баҳона кўза тутиб,
Яна дардми, жароҳатми кетмас битиб,
Жонга ситам ёттирмайин келинг энди!*

*Деразангиз чертолмайман, ётлар кўрмиш,
Яхши эмас уйингизга яқин юриш,
Ё итлар ҳам ҳуримайди, бари таниш,
Бевафойим куттирмайин келинг энди!*

*Ишқингизни юрагимга солган Худо,
Дилингизга солган экан нозу ибо,
Ишқингиздан, нозингиздан айланай, оҳ,
Ётларга қўл туттирмайин келинг энди!*

*Кучангиздан ўтмагум, бас, куйиб-куйиб,
Кузингизга қаролмадим туйиб-туйиб,
Қўлингизни сўратаман совчи куйиб,
Жондан алам ўттирмайин келинг энди!*

Армони бор

*Осмондаги юлдузлар,
Юлдузимсиз нетайин?!
Юлдузимни берингиз,
Висолига етайин!*

*Орангизда суйганим,
Йўлларимни ёритар.
Юлдузимни эсласам
Юрак-бағрим огритар.*

*Армони бор дилимда,
Ёди ёмон қийнайди.*

*Юрагимни шаббода
Япроқ қилиб уйнайди.*

*Осмонлардан сўрасам,
Юлдузимни бермади.
Ёр ҳам чиқди бевафо,
Суйганимни билмади.*

*Оҳ, юлдузлар, юлдузлар,
Сизда қолди илинжим.
Юлдузимни эсласам
Ёниб кетади ичим.*

Кўзларингдан ҳайдама

Қошларингиз қилич-эй,
юрак-бағрим қиймалар,
Кокилингиз қамчидай
вужудимни тилкалар.
Тутиб бердим куксимни,
қуйгил дедим ўксинма,
Йиглаб-йиглаб қон дилим
яна кимдан ўпкалар?
Бошида ёлгон дедим,
сиздан неча панд едим,
Суйдим жигар хун бўлиб,
бир жилмайиб утсалар.
Олгил жонон дардимни,
лабимдаги гардимни,
Кипригинг-ла супиргил
зора малҳам топсалар.
Кўзинг қорачигиман,
гавҳариман, чўғиман,
Кўзларингдин ҳайдама,
қабогларинг ёпсинлар.
Жисму жоним эзилди,
ким билмади, ким билди,
Муҳаммадни, қуй, қотил
лабинг излаб топсинлар.

Ул не дилни ўртаюр?

Соҳил буйида бир қиз,
сочин еллар уйнайди,
Юрагимда исмсиз,
недир мени қийнайди?
Қизғонаман еллардан,
рашк қиламан сулувни,
Нима ишинг бор десам,
юрак қурғур қўймайди.
Моҳим менга бепарво,
назар кўзин ташламас,
Шул туришинг бир дунё,
кўзим боқиб тўймайди.
Юрсам овқ буйсунмас,
кўзим тандан бегона,
Уйлаб уйларим тинмас,
сизсиз бахтим кулмайди.
Во дариго, Муҳаммад,
ул не дилни ўртаюр,
Ҳаёт борки, муҳаббат
паймонаси тўлмайди.



Аҳмад Лутфий

Кунботлар арафалари

Нуруллоҳ МУҲАММАД
РАУФХОН таржимаси

Худайбиадан Макка фатҳи қадар

Қушинга юриш амри берилди. Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туяларини чуқтириб, завжалари Ҳазрати Сафиййани миндирдилар, олдига ўзлари миндилар. Йўлга тушилади.

Бу орада қушин ичида бир мавзу — Ҳазрати Сафиййа чури сифатида қоладими ёки «Уммул муъминин» (мўминларнинг онаси) тоифасига қабул қилинадими, деган масала муҳокама қилина бошлаган эди. Охири шунга келишиди: «Курамит, агар юзини ёпса, демак, мўминларнинг оналаридан бири бўлади, ёпмаса, чури сифатида қолган бўлади», дейишди. Бу борада пайгамбаримизнинг нима қилишларини кутишга қарор беришди.

Султони Анбиё вал Мурсагин афандимиз туяга минган заҳотлари завжаларининг юзини ёпдилар. Асҳобнинг қизиқишини уйғотган масала шу тариқа ҳал бўлди.¹

Водиъил Қуро деган жойда кўнишга дам берилди. Ҳамма ўз иши билан машғул бўла бошлади. Хизматларини қилиб юрадиган Мидъам исми қул Расули Акрамнинг (с. а. в.) ашёларини энди тушираётган эди, бирдан чайқалиб кетди, аччиқ бир

¹ Бухорий, 5/77.

фарёд кўтариб, ерга қулади. Чопиб тепасига келганлар уни бугзига бир уқ санчилган ҳолда кўрдилар. Мидъам жойида типирчилар, жон талашиб ётар эди. Сал ўтмай, охирги нафасини чиқариб, тинчиб қолди. Мидъам шаҳид бўлган эди.

Албатта, ҳаёт ўлим билан ниҳоя топади, аммо қани энди ҳамма ҳам Мидъамдек шараф топиб ўлса!

Муминлардан бир қисми ичларида жўш урган бу туйгуларини яшириб тура олмадилар:

— Муборак бўлсин Мидъамга... Шаҳидлик ва жаннат муборак бўлсин... — деб юбордилар.

— Бахтиёр бир ўлим деб буни айтадилар...

— Расули Муҳтарам жанобимизга хизмат қилиб турган пайтда ўлишнинг ўзгача бир тоти бўлса керак...

Аммо бу масалани улардан кўра яхши биладиган, Моликул Мулк булмиш Буюк Мавлодан ҳар бир ишнинг ич тарафи ҳақида ҳам хабар оладиган Расули Акрам саҳобаларининг бу ҳайратларига эътироз билдирдилар:

— Йўқ, ундай деманглар. Ҳайбар ганимати ҳали тақсимланмай туриб ўтирлаб олинган жубба ҳозир унинг устида лов-лов ёняпти... — дедилар.

Бу сўзлар ҳазил эмасди. Бу сўзлар одамларни ўлиб кетган бир қул ҳақида ёмон тушунчаларга йўллаш учун айтилмаган эди. Бу сўзларни сўзлаган зотнинг олдига тушиб: «Бу масалани мен сендан яхши биламан», дея оладиган бошқа бир инсон яратилмаган эди, яратилмаяжак ҳам.

Бу сўзларга бепарво бўлиб бўлмасди. Кузларга бир сўниклик, қалбларга бир даҳшат чўқди. Ҳозиргина унга ҳавас билан боқиб турганларда энди шиддатли бир алам пайдо бўлди. Демак, Расулуллоҳнинг хизматчилари бўлиш билан ҳам иш битмас экан.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Саййидул Башар жанобимизнинг ҳузурларига бир киши келди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, буларни ганимат тақсимоти қилинмасдан аввал олган эдим... — деди ва қаршиларига бир жуфт шиппак қайишини ташлади.

Ҳабиби Акрам (с. а. в.):

— Оловдан ясалган қайишлар... — деб қўйдилар.

Мидъамни ўлдирган уқни Водигил Қуронинг яҳудийлари отган эди. Жаноби Пайгамбар (с. а. в.) найзаларини Саъд ибн Убодага бердилар. Биродарларини сафга туздилар.

Яҳудийлардан бири майдонга чиқди. Жангта бир эр истади. Мусулмонлардан Зубайр ибн Аввом пешвоз чиқди. Яккама-якка олишув бошланди. Бир-бирларига зарбалар беришди, ҳам-лалар қилишди. Оқибатда яҳудий жонсиз ҳолда ерга думалади. Унинг кетидан отилиб чиққан иккинчи яҳудий ҳам Зубайрнинг зарбасидан ўлим топди.

Учинчисини Ҳазрати Али (р. а.) қаршилади. Қисқа вақт ичида у яҳудий ҳам ер тишлади. Ўзини кўрсатаман, деб ўртага отилиб чиққан ва ҳаётини бой берганларнинг сони шу тариқа ун биттага етди. Пайгамбарлар Имоми жанобимиз ҳар гал

уларни Ислом динига даъват қилардилар, аммо улар урушни афзал кўришди.

Вақти кирса, мусулмонлар орада намозларини ўқиб олишарди. Уша кун оқшомга қадар урушилди. Эртаси кун яхудийлар урушни ташлашди. Ҳайбарликлар сингари улар ҳам ҳосилининг ярмини бериб туриш эвазига сулҳга рози бўлишди. Шундай қилиб, яхудийлар ўз йўлида кетиб бораётган Ислом лашкарига қўл кўтаришнинг оғир жазосини олишган эди. Пайгамбар афандимиз у ерда тўрт кун туриб, сўнгра йўлга чиқдилар.

Йўлда Таймо қабилалари сулҳ ишташди. Уртада битим имзоланди. Яна юришда давом этилди.

Салама ибн Ақвоъ хаёлга ботган, гамгин эди. Чунки амакиси Амир ибн Ақвоъ муҳорабада қиличининг қайтишидан оёғи кесилиб, ўлган эди. Халқ бу ҳодисани ўз жонига суиқасд деб баҳолаб, охиратга қўли бўш ва амаллари ботил ҳолда кетди, дея гап қиларди.

Салама шуларни уйлаб маҳзун эди. Амакисининг самимий бир мусулмон каби яшаганига ишончи комил эканидан бундай бир натижага асло рози эмас эди. Агар ҳақиқатан шундай натижа ила қайтиш қилган бўлса, унда амакисини абадийдан йўқотган буларди.

Шундай оғир хаёллар оғушида бораркан, бир пайт қўлидан кимдир тутганини ҳис этди. Ўгирилиб қаради: Расулуллоҳ жанобимиз эканлар.

— Нимага бундай ҳолдасан, эй Салама, сенга нималар бўляпти? — деб сўрадилар.

Масалани арз қилишнинг айна вақти эди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, одамлар амакимнинг амаллари беҳуда кетганини гапиряптилар. Урушда у ўз қиличининг қайтишидан шаҳид бўлган эди, — деди.

Сўйларкан, хавотирли нигоҳлари Набийлар Сарварининг юзларида кезинарди. Нега деганда, амакиси ҳақида энг тўғри ҳукм мана шу Зотнинг муборак оғизларидан чиқажак эди. Оллоҳнинг Севгилиси жанобимиз кулимсирадилар:

— Бундай деяётганлар хато сўзляяптилар. Боз устига, амакинга икки мукофот бордир, — дея икки бармоқларини ишора қилдилар. Ва сўзларида шундай давом этдилар: — У ҳам нафсига, ҳам душманга қарши жиҳод қилган инсон эди. Уники каби юк билан ва унингдек ҳозирлик кўрган ҳолда охиратга сафар қила олган араб жуда оз топилади.¹

Салама бир онда қўшдай енгил тортганини ҳис этди.

— Ташаккурлар қиламан, эй Оллоҳнинг расули! — деди.

...

Роса узоқ йўл юрилгандан сўнг бир кечқурун қўшин яна дамга тўхтади.

¹ Бухорий, 5/77.

— Ким пойлоқчилик қилади бу гал? — деб сўрадилар Жанобимиз (с. а. в.)

Ҳазрати Билол хоҳиш билдирди:

— Мен пойлаб чиқаман, эй Оллоҳнинг расули!..

Йўлчилар юкларини тушириб, дарҳол оёқларини узатишди. Қисқа вақт ичида ухламаган яғона зот фақат Билол қолди. Бир муддат аскарлар орасида кезинди, бир миқдор намозлар ўқиди. Вужудини зўр бир чарчоқ, ҳоргинлик босиб келаверди. Юра-юра оёқлари ҳам толди, ўзига бўйсунмай қўя бошлади. Бир неча дақиқа утириб дам олса, нима бўларкин?

Туяга суяниб, ерга утирди. Утиргани шу бўлди. Кузларига чуқаетган ва борган сари устига ёпирилиб бостириб келаётган уйқуни енга олмади: ўзини унинг теран оғушига ташлади...

Қуёшнинг илк нурлари юзларга урилганида, биринчи бўлиб Ҳазрати Умар (р. а.) уйғонди. Баланд овозда такбир айтиб, халқни уйғотди. Ҳамма донг қотганидан намоз вақти ҳам ўтиб кетганини англаб, даҳшатга тушган эди. (Бошқа бир ривоятга кўра, биринчи бўлиб Расули Акрам афандимиз уйғонадилар.)

Бу орада Ҳазрати Билол ҳам уйғониб, келди.

— Бу нима қилганинг, эй Билол?! — дедилар Расулуллоҳ (с. а. в.).

— Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Оллоҳнинг расули, сизни ёқалаган уйқу мени ҳам ёқалабди.

Ҳа, бу ухлаб қолиш ҳодисаси Буюк Мавлонинг тақдири эди. Келажақда бомдод намозига вақтида тура олмай қолган мўминлар у намозни қандай қилажакларини жаноби Пайгамбаримиз биззот кўрсатиб беришлари учун махсус қилинган бир тадбирнинг натижаси эди.

Жаноби Пайгамбар (с. а. в.) дарҳол йўлга тушиш амрини бердилар. Бу водийдан чиқиб олингач, дам берилди. Таҳорат олинди. Аввал бомдод намозининг суннати, сунгра Пайгамбар афандимизнинг имомликларида бомдоднинг фарзи ўқилди...

Жанобимиз намоздан кейин шундай марҳамат қилдилар:

— Эй инсонлар, Оллоҳ таоло руҳларингизни тутди, қўйиб юбормади. Истаса, янаям бошқа бир вақтда қўйиб юборар эди ва биз ўша замон уйғонар эдик. Қай бирларингиз намоз вақти ухлаб қолса ёхуд унутса, уни ўз вақтида қандай ўқиса, ўшандай ўқисин.

Кейин йўлда давом этилди. Бир тепаликка чиқа бошлашди. Пешоналаридан тер қуйила бошлади. Айни чоқда, кўнгиллар фараҳ ила тўла эди. Хайбардек бир қалъанинг фатҳидан мўл ўлжа билан қайтишарди. Тепаликка чиқиб олгач, «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар!» ҳайқириқлари билан бу туйгуларини изҳор этишди. Жаноби Пайгамбаримиз сўз қотдилар:

— Секинроқ айтинглар. Сизлар эшиттирмоқчи бўлаётган зот кар ҳам эмас, узоқда ҳам эмас. Сизлар ҳар нарсани эшитиб турувчи, қуларига гоятда яқин, доимо сизлар билан бирга бўлган Оллоҳга мурожаат қилмоқдасизлар.

Шу онда ортдан кимнингдир «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» (Оллоҳсиз ҳеч қандай куч ва қувват йўқ) деганини эшитиб қолдилар. Ғиририлиб қарадилар:

— Эй Абдуллоҳ ибн Қайс! — дедилар.

— Буюринг, ё Набийаллоҳ! — деб жавоб қилди Абдуллоҳ ибн Қайс.

— Жаннат хазиналаридан ҳисобланадиган қиёматдаги бир калимани сенга ургатсам, нима дейсан?

— Бошим осмонга етади, эй Оллоҳнинг расули!

— У калима «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ»дир.¹

Абдуллоҳ ибн Қайс (Абу Мусо ал-Ашъарий) хурсанд бўлиб кетди. Ҳазрати Сафийя онамиз мувозанатларини йўқотиб, ерга думалаб кетишди. Абу Талҳа:

Йўлда кутилмаган бир ҳодиса рўй берди. Жаноби Расули Акрам (с. а. в.) минган туя оёғи нимагадир туртиниб, тиззасига чўкиб қолди. Воқеа тез рўй бергани учун Пайгамбар афандимиз билан аёллари Сафийя онамиз мувозанатларини йўқотиб, ерга думалаб кетишди. Абу Талҳа:

— Қурбонингиз булай, ё Набийаллоҳ! — дея туясидан сакраб тушди. — Ҳеч нарса қилмадимми? — деб сўради хавотирланиб.

— Йўқ, сен хотинимга қара... — дедилар Расули Кибрийе.

Абу Талҳа ўрнидан турди, юзини енги билан тўсиб, Ҳазрати Сафийя сари шошилди. Қўлагини ечиб, устига ташлади. Ҳазрати Сафийя онамиз ҳам ўрнидан турди. Бу орада Жаноби Пайгамбар (с. а. в.) ҳам уринларидан турган эдилар. Абу Талҳа туянинг эгар-жабдуқларини тузатди. Пайгамбаримиз хотинлари билан бирга қайтиб яна туяларига миндилар ва йўлчилик тагин давом этди.

Расули Зишон афандимиз ҳар галги сафардан қайтишда булгани каби:

— Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!.. Қайтпимиз, тавба қиламиз, қуллимизда давомлимиз. Фақат Роббимизга ҳамд айтамиз. Оллоҳ ваъдасида содиқдир. Қулига ердан берди ва душманларни пароканда қилди... — дер эдилар.

Пайгамбарлар Имоми бу муборак сўзларни то Мадинага

¹ Бухорий, 5/75.

етгунга қадар ора-сира айтиб бордилар.¹ Атрофларидаги биродарлари ҳам у Зот билан бирликда айни ифодаларни такрорлаб боришарди.

Узоқдан Мадина кўринди. Роббул Олабийнинг ҳабиби бўлган Жанобимиз (с. а. в.) Уҳуд тоғига боқарканлар:

— Бу тоғнинг бизга севгиси бор. Биз ҳам уни севамиз, — деб марҳамат қилдилар.

Бу тоққа қаратилган севги эҳтимолки у тоғ этакларида Олоҳ учун жонларини фидо қилган севгили биродарларининг кўмилгани боисидандир. Ахир, уларнинг ҳар бири ҳақида кўнгилларда бебаҳо, азиз хотиралар қолган.

Шаҳарга киргач, Ҳабиби Акрам афандимиз Ҳазрати Сафиййани Ҳориса ибн Нуъмоннинг уйларида бирига жойлаштирдилар. Масжидга бориб, икки ракат намоз ўқидилар. Сўнгра уйга қайтиб, истироҳатга чекидилар.

Набийи Муҳтарам жанобимизнинг сафардан янги бир хотин олиб келганларини эшитган мусулмон аёллар ҳам уни бир кўриш, ҳам хуш келибсан дейиш учун зиёратига кела бошлашди. Янги келинни кўришга келганлар орасида таниб бўлмас даражада ўраниб олган бир хотин ҳам бор эди. Расули Акрам (с. а. в.) у хотиннинг изидан бориб, йўлда тўхтатдилар:

— Сафиййа қандай экан? — деб сўроқладилар.

Уранган хотин ортиқ ўзини яшириши бефойда эканини билди. Хаёлига келган гапни айтди:

— Қандай бўларди, бир яҳудийнинг қизи...

Бу аёл Ҳазрати Ойиша (р. а.) эди. Жавоби унча яхши эмасди. Жаноби Расулуллоҳнинг (с. а. в.) кўнгилларига ёқадиган сўзни топиб айтса бўларди. Чунки Ҳазрати Сафиййанинг бутун хусусияти «бир яҳудий қизи» эканидангина иборат эмасди. Масалан, «Жуда гўзал аёл экан», дейилса бўларди ва бу таъриф ҳақиқатнинг том ўзгинаси бўларди. Худди шунинг учун ҳам Расули Акмал унга жавоб ўлароқ:

— Ундай дема, эй Ойиша, мен унга Исломни таклиф этганимда, ўша заҳоти қабул этди ва самимият-ла мусулмон бўлди, — дедилар.

Албатта, Ҳазрати Ойиша ўзига бир шерик чиққани сабабидан бундай деган эди. Устига устак, бу шерик дарҳақиқат кўрсиз даражада гўзал эди.

Қотил шоир

Араб шоирларидан Абдуллоҳ ибн Ҳатал Ислом динига кирган ва Мадинага ҳижрат қилган эди. Унинг бу қарори мўминларни шодлантириб юборди. Қурайш орасида эътиборли бир шоирнинг Исломни қабул қилиши албатта мамнуният уйғотарди-да.

¹ Бухорий, 4/40.

Жаноби Пайгамбар (с. а. в.) бир куни уни закот туплаш вазифаси ила Мадинадан йўлга чиқардилар. Ибн Ҳатал ҳаётидан хурсанд эди. Ҳузоа қабиласидан бир одам ёнига хизматчи қилиб берилади, борган қабилаларида ҳам ҳурмат ва эътибор кўришди.

Закот ва садақа ўлароқ тупланган сурувни оддиларига солиб, бир куни Мадинага қараб йўлга тушишди. Юра-юра бир ерга етиб, дам олишга тўхташди. Ибн Ҳатал шеригини чақирди:

— Ҳов анов семиз қўйни кўряпсанми? — деди.

— Кўряпман.

— Тез уни сўйиб, кабоб ҳозирла. Мен пича ётиб дамимни оламан. Уйгонганимда емагим тайёр бўлиши керак.

Шунча қўйнинг ичидан ҳеч бўлмаса биттасида менинг ҳаққим бўлиши керак, дерди. Асалга қўли теккан одам бармогини ялайди, дейишади-ку ахир.

Ибн Ҳатал узаниб ётди. Уйқуга толиши учун узоқ вақт керак бўлмади. Бу чарчоқнинг ниҳояси шундай тотли бир уйқу билангина тўхтамаслиги, ортидан мис каби қизартириб пиширилган кабобни ҳам талаб қилиши керак эди.

Орадан ҳийла вақт ўтди. Уйқуга тўйиб уйгонган Ибн Ҳатал бир-икки чуқур нафас олиб, ҳавони искади. Юзи буришди. Урнидан турди. Кўзи унгидаги манзара қонини қайнатиб юборди. Бўладиган ишми шу: у одам ҳам узала тушиб ухлаб ётибди-я.

— Ҳой ҳузоалик, қани, ўрнингдан тур-чи! — деб бақирди.

Қаёқда? Уйгонмади. Ибн Ҳатал унинг устига бориб, оёғи билан туртди: ўликмисан ё тирикмисан, сендан сўраяпман, деди гўё.

Бу дафъа ҳузоалик ўрнидан сапчиб турди. Уйқу гаранглиги ичида нима бўлганини англамай қолган эди.

— Нима гап, нима бўляпти бизга?! — деди довдираб.

Ибн Ҳатал ҳали ҳам асабий ҳолатда эди.

— Мен сенга битта қўйни сўйгин, деб айтмаганми эдим? Кабоб ҳозирлашни буюрмаганмидим?

— Ҳа, шундай деган эдинг, лекин сенга келган уйқу мени ҳам элтибди, — деб жавоб қилди ҳузоалик.

Ибн Ҳатал бу жавобдан баттар туюқди. Замбарак ўқи каби шиддат билан ҳузоаликнинг устига ташланди. Огир бир мушт туширди. Кетидан иккинчи, учинчи муштларни солар экан, «Тушундим, сенинг тарбиянингни бериб қўйиш лозим экан!» дерди ҳадеб.

Ҳузоалик кетма-кет ёгилаётган бу зарбалардан ўзини қурмоқчи бўлгани билан эплаёлмади, ниҳоят ерга чўзилиб қолди. Орадан икки-уч дақиқа кечар-кечмас, нафаси тинди. Шурлик ҳузоалик охири ўлим билан тугайдиган сафарга чиққанини қаердан ҳам биларди?!

Яна қиёл муддат ўтиб, Ибн Ҳаталнинг асаблари ўз ҳолига қайтиб, қилиб қўйган ишини уйлай бошлади. Бир одамни айб-сиз ўлдиришнинг жазоси нима эканини у биларди. Тез бир

қарорга келди. Подани олдига солиб, қайдасан, Макка, дея йулга тушди. У шошиларди. Ҳузоаликнинг жасади топилиб, то Мадинага хабар етиб боргунча таҳликани аритиши керак эдида.

Энди унинг Ислом динига боғлиқлиги қолмайди, ҳатто Жаноби Пайгамбаримизни нишонга олган ҳақорат тула шеърлар айтади, мушрикларни мамнун қилади. Узи ўлдирган у ҳузоаликнинг интиқомини олишга бел боғлаган тақдирда ҳам мусулмонлар уни қулга олишолмасди. Ахир, ортида Макка халқи булган бир шоирнинг бундай бир ишдан қўрқуви булармиди?!

Абдуллоҳ ибн Абу Сарх

Абдуллоҳ ибн Абу Сарх Пайгамбар афандимизнинг (с. а. в.) икки марта кўёвлари бўлиш саодатига яришган Усмон ибн Аффоннинг эмақдош биродари эди. Бир куни Мадинага келди. Жанобимизнинг ҳузурларида тиз чўқди:

— Мен шаҳодат бераманки, Оллоҳдан узга ҳеч бир илоҳ ва маъбуд йўқдир. Яна шаҳодат бераманки, сиз Оллоҳнинг қули ва пайгамбарисиз! — деди.

Абдуллоҳ ўқиш-ёзишни биладиган одам эди. Бу жиҳати унга мусулмонлар орасида алоҳида бир мавқе ҳам қозонтирди: ваҳий котиби вазифаси юклатилди унга. Набийлар Султони (с. а. в.) асҳоб орасидан ўқиш-ёзишни биладиганларга котиблик вазифасини берардилар. Баъзан бошқа қабилаларга мактуб ёздирар, баъзан Мавлои Зулжалол туширган оятларни, ёнларида котиблардан қай бири бўлса, ушанга ёздириб қўяр эдилар. Котиб қанча кўпайса, бу жиҳатдан аҳамиятли эди.

Бир муддат Абдуллоҳ мўминлар орасида юрди. Расули Акрам афандимизга ваҳий келганида у зотнинг тиззалари тегиб турган ҳолда оғизларидан ёзиб олиш бахтини ютум-ютум тотди. Ваҳий нурлари ила нурланган муборак юзга боққан кўзлари бошқалар кўрмаган, кўра олмайдиган гўзалликни кўрди.

Аммо қулга киритилган мавқе катталашган сари одоб ва фазилати ҳам ортиб бориши лозимлигини идрок қилолмади. Бир куни икки-уч яҳудий билан гаплашиб утираркан, уларга:

— Муҳаммад нима деяётганини фарқламайди. Мен нима истасам, ваҳий деб уни ёза оламан, — дейиш даражасида бабахтлиқ қилди.

Бошқа бир жойда:

— Мен ҳам у айтаётган гапларни айта олиш имконига эгаман, — деганини эшитганлар бўлди.

Абдуллоҳ атрофини тобора севги қучоқлари қуршаб бораётганини ҳис этди. Бошқалар таллинадиган, суҳбати соғиналадиган бир инсон бўлаётган эди. Аммо бу янги дўстлари хос-сатан мунофиқлар ва яҳудийлар эканлигини ҳеч ўйламасди. Зотан, мунофиқларнинг пешоналарига: «Бу одам узини мусулмон қилиб курсатиб юрган кофирдир», деб ёзиб қўйилмаган ки...

Хилватда Ёлғиз қолганида аҳволини жиддий бир кўздан кечириб чиқди ва... кўзларини парда босди, оғзи қурий бошлади. Ичига қилич қўрқуви тушди. Бундан буён Мадинада қолиш бўйинини қиличга тутиб бериш демак эди. Ақлли инсон калласи учтирилмасдан бурун қутулиш йўлларини ахтаради, билиб туриб ўзини таҳликага ташламайди.

Оқшом қоронғилиги тушиб, кучалардан одам оёғи узилгач, Абдуллоҳ ибн Абу Сарх уйдан чиқди. Ҳеч шошилиш иши йўқ одамдай, биронта танишини зиёрат этишга бораётгандай, оғир-вазмин қадамлар билан кетаверди. Ниҳоят, Мадина ташқарисига чиқиб борди. Бир неча соатдан бери дардини ичига ютиб, жигари эзилиб келган-у, энди бирдан бу дардини ташқарига отиб, қутулиб қолгандай, энгил тортди. Ҳа, нақд бугзига солинай деб турган арқонни вақтида чиқариб ташлаган, жонини қутқарган эди. Энди у эркин қўшдай эди.

Бир муддат ортига қарамай юрди. Ҳали орқасидан бирор соя таъқиб этиши ва ҳар онда энсасига ёпишиши эҳтимоли бор эди. Аммо бу галги қўрқув биринчисидек эмасди. Сал юргач, тўхтади, орқасига ўтирилди Қоронгуликлараро хаёлдай қолган Мадинага гамгин нигоҳлар ила боқди.

Бир замонлар Оллоҳга иймон келтиришнинг ва Расулуллоҳ (с. а. в.) саҳобаларидан бўлишнинг нури ила безанган қалби яна чиркин куфрнинг зулмати ила паришон булажак, Буюк Мавлонинг ҳузурига қўйила-қўйила шараф қозонган бош яна Лотнинг, Уззонинг қаршисида тубан бир ҳолга тушажақдир.

Узоқдан бир сас эшитилди. Ҳазрати Билол (р. а.) хуфтон намозига азон чақираётган эди. Аммо энди бу азон Ибн Абу Сархга тегишли эмас.

Ниятини ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Бу жиҳатдан агар бирор тасодиф рўй бермаса, уни роҳатсиз қиладиган ҳеч бир нарса йўқ эди. Шундай бўлса ҳам, Ибн Абу Сарх тадбирли бўлишни фойдали кўрди: кундузлари беркиниб, асосан кечалари юрди. Арабистондай иссиқ бир мамлакатда кўпинча шундай йўл тутилиши табиий бўлса-да, жон амнияти (тинчлиги) тарафидан бундай йўл тутишдан бошқа чора ҳам йўқ эди.

Кечалари юра-юра, тонглардан бирида Макка ҳудудига етди. Унинг келиши ҳеч кимни хурсанд қилмади. Ажабланди.

— Нега бундай аҳвол? Менга нима бўлганки, бунақа совуқ қарши олинман? — деди.

— Нима қилишимизни кутган эдинг, эй Ибну Абу Сарх? Келишингни қутлаш учун ё тантана ташкил этишимиз керакми? — деб жавоб қилди кимдир.

Бошқа биттаси унга илова қилди:

— Сен шукр қилгинки, бу ерда яқин ақраболаринг бор. Акс ҳолда, бу шаҳарга бунақа бемалол кириб келишинг сенга жуда қимматга тушар эди.

Ибн Абу Сарх масалани тушунди, воқеанинг лўндасини айтиб ҳал қилиб қўя қолишни афзал билиди:

— Мен энди Муҳаммаднинг динида эмасман, — деди. Ово-

зида жиддийт бор эди. Қушимча қилди: — Гапимнинг ростлигига Лот ва Уззони ўртага қўйиб қасам ичаман.

Кучли-қувватли бир одам унинг қаршисига чиқди.

— Кузингни оч, эй Ибну Абу Сарх, бу ерга тагин ёмон ниятда келган бўлмагин, — деди. — Агар кўнглингда шунақа бир хаёл бўлса, Қурайш халқидан раҳм-шафқат кутма!

Бошқа бир киши қўшиб қўйди:

— Яъни, бирор хоинликми ё... тушундингми?!

— Мен на хоинлик қилишга келдим ва на бошқа мақсадим бор... Рост, унинг динини қабул қилган эдим, аммо менга ёқмади, шунинг учун такрор эски динимга қайтдим.

Бир қурайший қўлини узатди:

— У ҳолда орамизга хуш келибсан, эй Ибну Абу Сарх! — деди.

Макка маҳаллаларида Ибн Абу Сархнинг такрор эски динига қайтгани, ота-боболаридан қолган динини гўзал деб топгани ҳақидаги хабар тарқалди.

— Нима гап, эй Ибну Абу Сарх? Ё Муҳаммаднинг ёнида ахтарганингни топмадингми? Ё тушагинг Ясрибга сигмадимми?

— Йўқ, — деди Ибн Абу Сарх, — аксинча, катта эътибор топдим. Дарҳол мени котиб ўлароқ вазифалантирдилар. Муҳаммад ўзига келган хабарларни менга ёздирарди. Ҳамманинг ҳурматини қозонган бир ҳолда эдим. — Гапидан тўхтаб, бирикки нафас олди. Сўнгра жиддий бир овозда сўзида давом этди: — Аммо, менга қолса, Муҳаммад нима деяётганини ўзи яхши билмайди. Айтиб турганларини бошқача қилиб ёзсам, фарқлай олмасди ҳам. Мен ҳам унингчалик бир пайгамбар бўла оламан. У айтган сўзларнинг ўхшашини келтириш менга асло қийин эмас!..

— Жуда соз, эй Ибну Абу Сарх! Қўлингни кўксингга қўйиб туриб, қани, айт-чи: Муҳаммаднинг дини яхшими ё бизнинг динимизми?

Бундай савол берувчилар қандай жавоб олишларини ҳам билишарди:

— Албатта, бизнинг динимиз ундан яхшидир.

Аммо ҳеч кимнинг ақлига: «Эй Ибну Абу Сарх, модомики сен у айтаётган сўзларнинг ўхшашини келтира олар экансан, энди масала ҳал бўлди, демақдир. Биз қонлар тўкиб, жонлар бериб қилаётган мужодаламиз сен битадиган битиклар ила ниҳоя топажак. Қани, бир неча жумла сўйла, борайлик, сенинг китобингга ўхшашини келтираётган одамимиз бор, дейлик. Сенинг отинг Қурайш орасида абадийдан шараф-ла тилга олинб юрсин», деган бир гап келмасди.

Ибн Абу Сархнинг гапи таги пучлигини ўзлари ҳам жуда яхши билишарди чунки.

Энди вақтинчага тарк этилган шароблар тагин дастурхонга қўйилажак, бир неча ойлик айрилиқдан кейин Лот ва Уззо бутларининг қаршисида топинишлар қайтадан бошланажак эди.

Орадан бир неча кун ўтиб маккаликларнинг Ибн Абу Сарх

ҳақидаги «ажабо...» дея бошланадиган саволлари барҳам топган, ёмон мақсадда келмаганига ишончлари комил бўлган эди.

Энди умри шу тахлит ўтаверади.

Ҳеракля мактуб

Хайбардан қайтгач, Жаноби Расулуллоҳ (с. а. в.) Рум подшоҳи Ҳеракля бир мактуб ёздирдилар.

— Ё Расулуллоҳ, улар муҳрсиз хатни ўқишмайди, — дейишди билганлар.

Шунда Фахри Коинот афандимиз (с. а. в.) узларига хусусий бир узук ясаттирдилар. Узукнинг кўзига уч сатр ҳолида «Муҳаммад Расулуллоҳ» деб ёздирдилар. Уст сатрда «Оллоҳ», уртада «Расул», ост сатрда «Муҳаммад» лафзлари ёзилди. Мактуби шариф шу муҳр ила муҳрланди. Диҳя ибн Халифанинг қўлига тутқазиб, Бусра амирига етказишни буюрдилар. У эса, ўз навбатида, Рум подшоҳи Ҳеракляга топшириши лозим эди.

Диҳя вақтни ўтказмасдан йўлга чиқди. Олис йўлни босиб ўтиб, Бусрага етди. Бу қасабага бир замонлар Расулуллоҳ афандимиз амакилари Абу Толиб билан бирга келганлар.

Диҳя амирнинг ҳузурига борди, келиш сабабини аңлатди. Олиб келган муқаддас омонатни унга топширди.

— Оллоҳнинг Расули Муҳаммаддан (с. а. в.) сизларнинг подшоҳингиз Ҳеракляга мактубдир, — деди.

Ҳорис омонатни олди, сўнгра:

— Бу мактабни ўзинг олиб борсанг, тўғрироқ бўлади. Чунки Ҳеракл шу онда Қуддусдадир, — деди.

Тақлиф маъқул эди. Ёнига қўшиб берилган одам билан бирга Диҳя, қайдасан Қуддус, дея ҳаялламай йўлга чиқди. Юра-юра муқаддас тупроқларга етди. Мактуби шарифни Ҳераклянинг қўлига топширди. Давлатнинг бир неча аъёнлари иштирокидаги бир мажлисда мактуб ўқилди:

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм (Меҳрибон ва раҳмли бўлган Оллоҳнинг номи ила бошлайман).

Оллоҳнинг қули ва расули Муҳаммаддан Рум халқининг суюғи Ҳеракляга.

Салом ҳидоятга юрган кишигадир. Бундан сўнгра...

Мен сени Ислоом динига даъват қиламан. Исломга кир, токи саломат қолгайсан. Оллоҳ эса сенга мукофотини икки қат қилиб беради. Агар юз ўтирсанг, бутун халқингнинг гуноҳи сенинг буйинидадир. «Эй-китоб аҳли, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз — Ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Оллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик», денг (эй Муҳаммад). Агар улар (яъни, аҳли китоблар) ушбу даъватдан юз ўтирсалар, агар уҳда сизлар (эй муминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлар ягона Оллоҳга итоат қилувчилармиз», деб айтинглар».

Мактубнинг охирига Жаноби Расули Акрам Ол-и Имрон сурасидан «Эй китоб аҳли...» дея бошланувчи 64-оятини илова қилган эдилар.

Мактуб ўқиб бўлингач, Ҳеракл Ислом дини ва Пайгамбар (с. а. в.) ҳақларида ҳар хил саволлар берди, Диҳя жавоб берди.

Қабулнинг илк қисми шу тариқа сўнгига етди. Ҳеракл Диҳяни меҳмон қилишларини буюриб, кузатди. Кейин ёнидагиларга ўгирилди.

— Суриштириб кўринглар, Ҳижоз аҳлидан, хоссатан Макка халқидан одам топиб, ҳузуримга келтиринглар, — деди.

Ҳар ёққа киши юборилди. Шом волийси тижорат мақсадида юртига келган ўттиз кишини топиб, Қуддусга йўллади. У кишилар Ҳераклнинг ҳузурига келтирилдилар. Шоҳнинг қаршисига тизилишди. Ҳеракл таржимон ёрдамида уларга ўзи олган мактубдан сўз очди. Пайгамбардан баҳс қилди. Келганлар Ислом динини қабул қилишмаганини эшитиб, мамнун бўлди. Чунки энди пайгамбарлик даъво қилаётган зот ҳақида унга иймон келтирмаганлар тилидан эшитиб кўриш имкони пайдо бўлган эди. Албаттаки, бу одамлар Диҳя каби ўйламайдилар. Диҳя пайгамбар эканига ишонган инсон ҳақида бир хил ўйласа, ишонмаганларнинг тушунча ва қаноатлари бошқача бўлиши мумкин эди.

— Орангизда насабда унга яқин бўлган одам борми? — деб сўради дастлаб.

— Менман.

Бу жавобни берган киши Абу Суфён эди. Ҳеракл ишорат қилиб уни қаршисига чорлади. Сўхбат таржимон орқали борарди.

— Сен рўпарамда турасан, — деди Ҳеракл. Сўнгра орқадагиларга хитоб қилди. — Сизлар унинг орқасида туринглар. Мен бу одамдан баъзи нарсаларни сўрайман, бордию янглиш жавоб берса, ишорат қилиб менга билдирасизлар.

Шундан сўнг Абу Суфённи саволга тута бошлади:

— Орангизда унинг насаби қандай?

— У шарафли бир оиладандир.

— Ундан олдин оилангиздан пайгамбарлик даъвоси билан чиққан бирон кимса бўлганми?

— Йўқ.

— Боболари орасида подшоҳ ё султон ўтганми?

— Йўқ.

— Унинг даъватини кўпроқ инсонларнинг юқори табақаси қабул қиляптими ё паст табақасими?

— Ростини айтганда, унга кўпроқ заифлар эргашишяпти.

— Эргашувчилари кўпайяптими ё камайяптими?

— Кўпайяпти.

— Ичларида унинг динини ёқтирмай чиқиб кетганлар борми?

— Йўқ.

— Бундай даъво билан чиқмасидан илгари унинг ҳеч ёлгон сўзлаганини кўрганмисизлар?

— Асло.

— Ваъдасида турмаган ҳоллари бўлганми?

— Йўқ.

Абу Суфён бу ерда шериклари уни уялтирмасликларига эмин эди. Ҳеч бири бу суҳбат давомида уртага отилиб: «Бу одам ёлгон айтяпти, ҳақиқат бу сўзлаётгани каби эмасдир!» демасди. Аммо сафардан қайтишда уларнинг тилларини биров тутиб тура олармиди. Бу воқеа у ер-бу ерда ҳали гапирилади, Абу Суфён билиб туриб ёлгон сўзлади, аммо Ҳеракнинг ҳузурда бизлар аҳволни бузгимиз келмади, дейдиганлар ҳам чиқадди.

Фурсатини топиб озгина бўлса-да, бир нарсаларни айтиб олса бўлмасмиди? Нозик бир нарсалар тўқиб юборса, ярани сал тирнаб юборса, етарди. Савол-жавоб бошланганидан бери шундай бир фурсатни пойлаб турган эди, дарҳол қўшимча қилди:

— Аммо ҳозир биз у билан маълум муддатга аҳдлашганмиз. Бу муддат ичида нималар қилаётганидан хабаримиз йўқ, — деди.

Абу Суфённинг бу иловаси Ҳеракга бирон-бир таъсир кўргазмади.

— У билан ҳеч уришдингизларми?

— Ҳа.

— Урушларнинг натижаси нима бўлди?

— У жанглардаги толеъ худди қудуқ пақирига ўхшайди: бир тушади, бир чиқади. Яъни, баъзан у биздан голиб келади, баъзан биз уни мағлуб этамиз.

— Сизларни нималарга даъват қилади?

— «Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилинг, Унга ҳеч бир нарсани шерик қилманг, боболарингизнинг дин тўғрисидаги тушунчаларини ташланг», дейди. Намоз ўқишга, закот беришга, ёлгон гапирмасликка, ор-номусли бўлишга, қариндош-урутларга яхши муомала қилишга чақиради...

Ҳеракнинг саволлари шу ерда битди. Булар ҳар бир эсли-хушли одам сўрайдиган маънили саволлар эди. Чиройли сўз учунгина айтилган, уринсиз ва маъносиз саволлар эмасди. Буларга етарли жавобларни олгач, Ҳерак таржимонга деди:

— Унга айт... Пайгамбарнинг насабини сўрадим, шарафли бир оиладан эканини айтдинг. Пайгамбарлар насаби доимо асил бўлади. Жамиятдаги обрўли оилалардан тугилишади. Аввал ота-боболаридан бирорта шахс шундай даъво билан чиққанми, деб сўрадим. Йўқ, дединг. Акс ҳолда, унинг даъвосини боболарининг меросини қулга киритиш ҳавасидандир, дейишим мумкин эди. Аввал унинг ҳеч ёлгон гапирганини курганмисизлар, деб сўрадим. Унинг ёлгон сўзламаганига гувоҳлик бердинг. Мен биламанки, инсонларгаки ёлгон гапирмаган киши Оллоҳ номидан асло ёлгон сўзламас. Унга кўпроқ кимлар эргашаётганини сўрадим. Асосан заифлар, деб жавоб бердинг. Дарҳақиқат, пайгамбарларга биринчи бўлиб доимо заифлар эргашади. Сафдошлари ортяптими ё камайиб боряптими, де-

ган суроғимга тобора ортиб бораётганини айтдинг. Ҳа, иймон шундайдир, иш тамом бўлгунчага қадар ортади, камаймайди. Аввал унинг динига кириб, кейин бу динни ёқтирмай ташлаб кетганлар борми, деб сўрадим, йўқ, дединг. Мазаси қалбларда ҳис этилган иймон шунақа бўлади. Ваъдага муносабатини сўрадим, вафодор деб таърифладинг. Ҳақиқий пайгамбарлар шундай, хиёнатни билмайдилар. Сизларни нимага даъват қилишини сўрадим. Ёлғиз Оллоҳга ибодат этишга, Унга ҳеч бир нарсани шерик қўшмасликка, бут-санамга топинишни тақиқлаб, намоз ўқишга, ростгўйликка ва ор-номусли бўлишга чақиришини айтдинг. Агар шу гапларинг чин бўлса, мен ҳам сизларга хабар бераманки, жуда қисқа вақт ичида мана шу икки оёғим остидаги ерлар у Зотнинг қўлига утажақдир. Мен шундай бир Пайгамбарнинг келишини билардим. Фақат, сизларнинг орангиздан чиқади, деб уйламаган эдим. Унга етиша олишимни билсам, ҳар қандай машаққатларга ҳам чидаб, бориб кўришардим. Унинг ёнида бўлсам, хизматчиси бўлардим, мана шу қўлларим билан оёқларини ювиб кўярдим.

Ҳеракл гапини тугатгач, мактубни суратди ва яна бир марта ўқиттирди. Хат энди ўқиб бўлинган ҳам эдики, ўртада бир шовқин кўпди. Одамлар гала-говур қила бошлашди. Абу Суфён билан шерикларига жавоб бериди.

Ташқарида ёлғиз қолишганида Абу Суфён шерикларига:

— Валлоҳи, Ибн Абу Кабшанинг¹ иши гоая ажойиб бўлдику. Ҳатто Рум султони ундан кўрқяпти, — деб юборди...²

* * *

Сал кейин Ҳеракл Расулulloҳ соллалoҳу алайҳи васалламнинг элчилари Дихъани ҳузурига чақирди. Ҳадялар бериб, йўлга кузатди. Аммо жавоби мусбат бўлди, манфий бўлди — номаълум қолди. Сўнг сарoйига давлат аъёнларию дин пешволарининг бир гуруҳини чорлади.

— Эй Рум миллати! Тўғри йўлни топишни, саодат тожини кийишни ва мулқингизнинг қўларингизда қолишини орзу қиларми эдингизлар? — деди.

— Албатта, — деб жавоб қилишди.

— У ҳолда бу Пайгамбарнинг динини қабул этинглар.

Бу сўз ҳозир бўлганларга ёмон бир таъсир кўргазди. Вағир-вуғир кўтариб, орқаларига угирилиб олишди. Ёввойи эшаклар каби бетартиб ўзларини эшиқларга уришди. Бу ҳаракатлари билан гўё Ҳераклга норозилик билдирган бўлишди.

Эшиқлар Ҳераклнинг амри ила аввалроқ маҳкам қўлфлаб қўйилган эди, қанча зўр беришмасин, ташқарига чиқишолмади.

Улардаги бу нафрат ифодасини кўрган Ҳеракл буюриб, ҳаммасини қайтадан ҳузурига тўплади. Аъёнлар ва дин пешво-

¹ «Ибн Абу Кабша» Пайгамбаримизнинг лақабларидан биридри.

² Бухорий, 1/5.

лари подшоҳларига юзланишди. Аммо энди кайфиятлари йўқ, аҳволлари паришон эди. Катта умидлар боғлаган дўстларидан кутилмаганда ханжар еган одамлардай, ҳафсалалари пир...

Ҳеракл совуққонлик ила уларни бир-бир кузатиб чиқди. Ҳолатида фавқулода ҳеч нарса йўқ, ҳаяжонсиз...

— Сизларни имтиҳон қилдим, — деди. — Динларингизга қанчалик боғлиқликларингизни билмоқчи бўлдим. Англадимки, сизлар ишончларингизда самимий инсонлар экансизлар.

Бу сўзлар у одамларнинг қарашларини ўзгартирди. Юзларидаги таранглик юмшади. Мамнуниятларини ва итоатларини ифода этиб, шоҳ қаршисида саждага кетдилар.

* * *

Ҳеракл шу воқеадан кейин салтанатини эски дини устида қолдиражак, ҳақ динни ва ҳақ Пайгамбарни тан олганига қарамай, барибир иймон ва Ислом ҳудудлари ичига кирмаяжак, куфр ва заллат қоронгуликлари ичида сарсону саргардон юражак, ҳатто бу ҳирс туфайли у Исломга ва мусулмонларга қарши қилич кутаришдек бадбахтликка ҳам бош қўшажакдир...

* * *

Диҳя Ҳераклниң ёнидан иззат-икром ила айрилганидан кейин Мадина сари жўнади. У Расули Акрам (с. а. в.) афандимизга ва ўзига берилган ҳадяни ҳам олиб борарди. Йўлда Жўзам қабиласидан бўлган қароқчилар гуруҳи уни тўхтатди. Диҳя уларга ўзини танитишга ва вазифасини англатишга роса уринди, лекин тинглайдиган одам топилмади.

— Қани, устингдагиларни еч-чи, кўрайлик, — дейишди.

— Бермайман, кучларинг етса, келинглар, ўзларинг олинглар!..

Бундай катта кетишнинг оқибати Диҳянинг ўлими бўлиши мумкин эди. Шунча одамга қарши, ахир, бир ўзи нима қила оларди. Энди қароқчилар ниятларига Диҳяни ўлдирибгина эришишлари мумкин. Мақсадларини амалга ошириш учун кўп кутишнинг, ялиниб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Тез устига отилишди. Эғнида нимаики бўлса, ҳаммасини ечиб олишди. Биттагина эски кийимда қолдиришди. Ўзига ва Жаноби Расулуллоҳга тегишли бўлган ҳадяларни ҳам битта қўймай шилишди. Диҳяга қолгани — чекилган шунча заҳмат, оқизилган шунча тер ва бир уюм алам бўлди...

Қароқчилар яхшигина омадлари чошиб, ишсиз-машаққатсиз мўмайгина мулкка эга бўлиб олганларидан мамнун ҳолда йўлларига қараб кетишаркан, ичларидан биттаси:

— Жонингни ўзингга багишлаганимизга шукр қил, эй кўркам йигит, — дея бақирди.

Дарҳақиқат, у рост сўзлаётган эди. Шу онда Диҳяни ўлдирмак истаганларида, уларни тўсадиган ҳеч бир одам йўқ

эди. Бу иш уларга бир товукни бутизлашчалаик ҳам қийин эмасди.

Диҳя шу аллозда Мадинага кириб келди. Тутри Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимизнинг ҳузурларига борди. Кетгандан то қайтиб келгунича утган воқеаларни бирма-бир айтиб берди.

Маълум булдики, келгусида румликларнинг ва Ҳеракларнинг мусулмонларга нисбатан тавирлари узгаражак, ҳодисалар бошқача бўлажак эди.

Муқовқисга мактуб

Бир мактуб Миср малики Муқовқисга ёздирилди. Уни олиб бориш вазифаси Хотиб ибн Абу Балтаога юклатилди. Хотиб Ҳазрати Расулуллоҳнинг (с. а. в.) омонатларини олиб, тезда йулга чиқди. Мисрга борди. Муқовқиснинг ҳузурига кириб, хатни тақдим этди.

Муқовқис бу буюк омонатни ҳурмат-ла олди. Уқди. Хотибга иззат-икром кўрсатди.

Бир куни ҳузурига насоро попларини ҳам йигиб, уларнинг олдида Хотибга мурожаат қилди:

— Менга биродаринг ҳақида маълумот бер, ҳақиқатан у пайгамбарми? — деб сўради.

— Ҳа, у Оллоҳнинг расулидир.

— Хуп. Қавми унга кўп азиятлар етказди, ҳатто юртидан суриб чиқарди, деяпсан. Агар шундай булса, нега у қавмини дуоибад қилмади?

— Марям угли Исо (а. с.) ҳам пайгамбар эмасмиди, эй малик?

— Ҳа, пайгамбар эди.

— Унда айтинг-чи, қавми уни осийш учун тутганида Оллоҳ таоло қутқариб осмонга олиб чиқиб кетаркан, нега у «Оллоҳ уларни йўқ қилсин!» деб дуоибад қилмади?!

— Тушундим, эй Хотиб. Сен ҳикмат соҳиби бўлган бир инсоннинг ёнидан келган ҳикмат соҳиби экансан, — деди Муқовқис уни тақдирлаб.

Кейин у Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳазратларига атаб совғалар ҳозирлади. Йулда бирон-бир таҳликага учрамасин, деган ниятда Хотибга одамларидан қушиб берди. Ширин тил ва очиқ юз ила кузатиб қолди.

Муқовқис Ислом динини қабул қилмади. Аммо, айна чоқда, назокатни ва тадбирни ҳам қўлдан бермади, ҳеч бўлмаса, кўнглини огритмади.

Хотиб йулда бирон қор-қолсиз, эсон-омон Мадинага етиб келди. Вужуди ниҳоятда ҳорғин, аммо кўнгли ҳузурли эди. Вазифасини адо этди, Муқовқиснинг саволларига етарли жавоблар берди, билганича Ислом динини ва Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимизни танитишга муваффақ бўлди. Энди Муқовқиснинг иймон келтириши қолдики, бунга кимсанинг кучи ет-

майди. Улут Оллоҳимиз севгили пайгамбарига: «Сен хоҳлаган кишиларингни ҳидоятга эриштира олмайсан, фақат Оллоҳ истаган кишисини ҳидоят қилади», деган ҳукми айниқса Хотибга янада тааллуқли эди.

Келтирган совга-саломларни Жаноби Расулуллоҳга (с. а. в.) тақдим этди. Ҳадылар орасида опа-сингил икки жория ҳам бор эди. Набийи-Акрам (с. а. в.) улардан Мория исмлисини ўзларига олдилар, Сирин исмлисини Ҳассон ибн Собитга бердилар.

Келажақда Мория Пайгамбар афандимизнинг охириги фарзандлари бўлиши Иброҳимнинг онаси бўлажак.

Тобеинлар даврининг машҳур олимларидан, хоссатан туш таъбири масаласида фавқулода бир қобилиятга соҳиб бўлган Муҳаммад ибн Сирин эса, иккинчи жориянинг фарзанди сифатида дунёга келажақдир.

Муқовқис юборган «Дулдул» лақабли оқ ҳачир Жанобимизнинг кўёвлари Али ибн Абу Толибга (р. а.) берилди. Охирида бир жуфт саҳтиён маҳси қолган эди, уни Расулуллоҳ ўзларига кийишга айирдилар.¹

Кисрога мактуб

Расулуллоҳ (с. а. в.) Эрон шоҳи Кисрога ҳам бир мактуб йўлладилар. Хатда бундай дейилган эди:

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Оллоҳнинг расули Муҳаммаддан Форс халқининг буюги Кисрога.

Салом ҳидоятга тобе бўлганга, Оллоҳга ва расулига ишониб тасдиқ қилганга, Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ, У ягонадир ва шериксиздир, Муҳаммад Унинг қули ва расулидир, дея шаҳодат келтиргангадир.

Сени Оллоҳнинг динига даъват этаман. Мен Оллоҳнинг бутун инсониятга юборган пайгамбариман. Тирикларга азоб хабарини бериб огоҳлантираман, инкор қилгувчиларга эса, азоб сўзининг ҳақлигини етказиш учун юборилганман. Исломи динини қабул эт, саломат қоласан. Бордию қабул этмасанг, мажусийларнинг бу динни қабул қилмасликларининг касофати сенинг буйинггадир. Муҳаммад Расулуллоҳ».

Мактуб муҳрланди. Абдуллоҳ ибн Ҳузофага тутқазилди. Абдуллоҳ вақт ўтказмасдан туясига минди-да, Эроннинг қул остидаги Баҳрайн ўлкасига жўнади. Мактубни бу ўлка волийси Мунзирга олиб бориб топширди.

Мунзир Абдуллоҳнинг ёнига икки одамни қўшиб, Эрон шоҳига йўллади. Неча кунлардан кейин элчилар Кисро саройига етиб бордилар. Абдуллоҳ қаердан ва нима мақсадда келганини англатиб, ичкарига рухсат сўради. Рухсат теккач, живир-

¹ Ибн Касир. «Сияр», 3/514.

живир товланган бир катта хонага олинди. Кисро муҳташам тахтида ўтирар, атрофида унинг амрига мунтазир вазирлар, лашкарбошилар туришар эди.

Кисро, ким экан у мени кўрмоқчи бўлган ва мактуб келтирган одам, дегандай истехзо билан лабини бурди. Абдуллоҳ унинг яқинига бориб, хатни топширди. Кисро уни олиб, ёнида турган одамга узатди. Уқишга буюрди. Ҳалиги одам хатни банд овозда ўқий бошлади:

— «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Оллоҳнинг расули Муҳаммаддан Форс халқининг буюги Кисрога...»

Ундан нарисини ўқий олмади, Кисро бирдан кўпириб кетди:

— Бер уни менга! — дея хатни у одамнинг қўлидан юлқиб олди. Кўзлари чақмоқ тоши каби чақнар эди.

— Менинг бир қулим исмини менинг исмимдан аввал битишга қандай ҳадаи сигади?! — деб қўлидаги мактубни парча-парча қилиб йиртиб ташлади. Мажлис аҳли жим эди. Кисро маъмурларига ўтирилди:

— Ташқарига чиқариб ташланг бу одамни! — деб Абдуллоҳни кўрсатди.

Уни бир зумда тутиб, гиринг дегиздирмасдан ташқарига ҳайдадилар. Бу вазиятда у ердагиларга: «Сизлар кимсизларки, мени кучага ҳайдаб соляпсизлар?» деб ҳам бўлмасди.

Бу иш қисқа вақт ичида бўлиб ўтди. Абдуллоҳ бир он турди, нима қилиши лозимлигини ўйлади.

Ичкари кириб: «Сиз мактубни сўнгига қадар ўқимадингизку... шошилиб қарор бердингиз. Лутфан, бир карра ўқиб чиқинг», дейишдан фойда йўқ эди. Дарҳақиқат, ким унга қулоқ солади ва ким унга: «Худди шундай бўлди, қогоз парчаларини тупланглар, бирлаштириб ўқиймиз», дейди? Ё: «Мен кетяпман, бирорта гапингиз йўқми?» дейиши керакмиди? Бундай деса, шоҳ эҳтимол баттар туюқиб кетиши, иш яна бошқача тус олиб кетиши мумкин эди.

Ҳеч бир натижага эришмай, фақат Расули Акрам (с. а. в.) афандимизнинг мактубларини йирттизиш учунгина шунча йул босиб келдими Абдуллоҳ?!

Тарадуду узоқ чўзилмади. «Менинг вазифам бу мактубни Кисрога таслим қилиш эди, қолгани унинг иши... Мусофирнинг иши сафар...» деди-да, туясига миниб, Мадина сари жўнади.

. . .

Абдуллоҳни саройидан қувиб солганидан кейин сал утиб Кисро ҳушини йигди.

— Тезда ҳалиги одамни менга топиб келтиринглар! — дея буюрди.

Аммо қанча ахтаришмасин, ҳаракатлари зое кетди. Абдуллоҳ худди ер ёрилгану ерга кириб кетгандек гум эди. Кисро Яман волийси Бозонга бир мактуб ёздирди. «Дарҳол икки киши жўнат, пайгамбарлик даъвосини қилаётган у одамни топсинлар, даъвосидан воз кечтиришга ҳаракат қилсинлар, булма-

са, олиб сенга келтирсинлар. Қаршилиқ қилса, бошини кессинлар...» дейилган эди хатда.

* * *

Абдуллоҳ тўхтовсиз йўл босиб Мадинага келди-да, тўғри Расули Акрам (с. а. в.) жанобимизнинг ёнларига борди. У зот Абдуллоҳдан бўлиб утган воқеаларни бирма-бир эшитиб бўлагач:

— У одам мулкани парчалабди. Унинг мулки ва салтанати ҳам парчаланди, — деб марҳамат қилдилар.

* * *

Ғассон амирига мактуб

Расулуллоҳ (с. а. в.) мактубларини олиб борувчи элчилардан бири Ҳорис ибн Умайр эди. Муқаддас омонатни қўйнига солди, йўлга чиқди. Шом тарафларга боражак, Ғассон амири Шураҳбилга таслим этажак уни. Йўл узоқ, ҳаво иссиқ эди. Бундай палла биров сафарга отланмас, отланса ҳам, кечалари юрар эди.

Аммо Ҳорис шунчаки сафарга отланмаган, унинг қўйнида муқаддас омонат бор. Буюк Пайгамбаримиз (с. а. в.) буюрган жойга боргунча неча водийлар кечажак, неча тепалар ошажак, неча қум тўзонларига дуч келажак. Шу боисдан ҳам у ҳар тепани босиб утаркан, худди Фахрул Мурсалин (с. а. в.) афандимизнинг ортларидан бораётгандай, бирорта хурмо дарахти соясида ўтириб тин оларкан, Расули Кибрийнинг (с. а. в.) гул исми нафасларини туяётгандай бўлди.

Машаққатли, лекин кўнгилга хуш ёқадиган бу йўлчилик неча кундуз, неча кеча давом этди. Ниҳоят, бир куни Мута воҳасига етди. Сафар тутаган эди ҳисоб. Ҳориснинг йўлини тўсишди.

— Ҳей, йўл булсин?

— Мен амир Шураҳбилнинг ҳузурига кетяпман.

— Унда нима ишинг бор?

— Мактуб келтирдим.

Қуриқчилар Ҳорисни олиб, тўғри Шураҳбилнинг ҳузурига олиб боришди. Шураҳбил уни сўроққа тутди:

— Кимсан?

— Исми Ҳорис ибн Умайрдир.

— Недир мақсадинг?

— Мен Оллоҳнинг расули Муҳаммаддан элчи бўлиб келдим. Пайгамбар афандимиз мана бу мактубни сенга бериб юбордилар.

Хат Ҳориснинг қўлидан олинди, Шураҳбилга берилди. Уқиди. Бирдан кўпирди:

— Демак, у менга мактуб ёзадиган одам бўлиб қолдими?!

Олиб чиқинглар буни! — деб бақирди. Бақираркан, буйинини узинглар, деб ишора қилар эди.

~ Шураҳбилнинг бу иши бориб турган ахлоқсизлик эди. Ҳукмдорлар ва амирлар орасида то дунё тургунча амал қилиниши ва қуриқланиши лозим бўлган «Элчига ўлим йўқдир» қоидабини бузган, ўзининг гоятда тарбиясизлигини намойиш қилган эди.

Одамлари Ҳорисни олишди, ташқарига чиқаришди. Бу орада Ҳорис қалбини ва кўнглини боғлаган гоят сеvimли, гоят қийматли бир жумлани такрорлаш билан машғул эди. Фақат ўзи ва ёнидагиларгина эшитадиган овозда: «Ла илаҳа иллоллоҳу, Муҳаммадун расулуллоҳ», дерди. Бир гал эса: «Оллоҳим, саломимни Расули Адибинга етказ. Боғлилик туйғуларимни у зотга элт», дея олди.

Кейин Ҳорис тиз чўктирилди. Шиддат ила урилган қилич унинг бошини танасидан жудо қилди.

...Уша ерда ҳозир бўлиб кутиб турган малаклар унинг руҳини кучоқларига олдилар. Юртидан мингларча чақирим узоқда, Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимизнинг элчиси ўлароқ вазифасини адо этаркан, зулм йўли ила шаҳид этиб ҳаётига нуқта қўйилгани Буюк Девонда қайд этиб қўйилди.

...Орадан кунлар кечди. Мадинада уни кутиб турганларнинг кўзлари йўлда қолди. Ниҳоят, бир куни Гассон амири Шураҳбил томонидан шаҳид қилинганининг хабари Мадинага ҳам етиб келди.

Набийий Акрам (с. а. в.) афандимиз бениҳоя қайғуга ботдилар. Гассон амирининг ҳар қандай тарбия чегараларидан ошиб кетган бу хатти-ҳаракатига яраша жазо берилмаса бўлмасди.

Холанинг келиши

Расулуллоҳ (с. а. в.) жанобимиз Ҳазрати Ойишанинг (р. а.) хужрасида эканларида бир куни эшиклари тақиллади.

— Ассалому алайкум... кирсам майлими?..

Овоз аёл кишиники эди. Таниш овоз. Набийий Акрам афандимиз севинчдан титраб кетдилар ва: «Оллоҳим, узингга шукр! Хола келди!» деб юбордилар.

Хола Ҳазрати Хадича (р. а.) онамизнинг сингиллари эди. Ора-сира Саййидул Анбийени (с. а. в.) зиёрат қилиб турар, суҳбатларини тинглаб кетар эди. Зоти Рисолат (с. а. в.) ҳар гал у келганида мамнун бўлар, вафоли ва фидокор хотинларининг азиз хотиралари ила тўла кунларни ёдга олар эдилар.

Лекин шунисини ҳам айтиш керакки, Холанинг келиши туфайли пайдо бўладиган бу ўлчовсиз мамнуният Ҳазрати Ойишага оғир ботар, яхшигина асабийлаштирар эди.

Бу дафъа ўзини тутиб туrolмади:

— Тишлари тушган, чаккалари тиришган ўша қари хотинингизни ҳеч унутмайсиз-а!.. Худди дунёда Хадичадан бошқа

хотин йуқ!.. Утиб кетган ва унинг урнига Оллоҳ сизга янада яхшисини берган бўлса!.. — деяверди.

Рашк туйғуси сўйлаттираётган бу сўзларга жавобан Фахри Коинот (с. а. в.) афандимиз:

— Йуқ, Оллоҳ менга ундан яхшисини бермади. Одамлар мени инкор этганида, у ишонди. Одамлар мени ёлгончи деганида, мени тасдиқ этган у бўлди. Халқ мени маҳрумиятда қолдирмоқчи бўлганида, у мен учун молини сарф этди. Ҳеч бир хотиндан фарзандим бўлмаган ҳолда Оллоҳ таоло унинг воситасида менга фарзандлар ато этди, — дедилар.

Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимизнинг пешоналаридаги томир буртиб чиқди. Ҳаяжонланаётганларидан далолат эди бу. Қолаверса, овозларидан ҳам ҳаяжонлари маълум эди.

Ҳазрати Ойиша бу ҳақли сўзларга қарши «Йуқ, мен ундан яхшиман, энди менинг олдимда унинг номини тилга олманг!» дея олмасди. Зотан, Расулуллоҳ афандимизнинг уни гоъят буюк бир севги билан севишларини биларди. Аммо, яна шуни ҳам билиб олдики, Жанобимиз хотинларидан бирини севарканлар, бошқаларининг ҳаққига ҳам тўла риоя этар эдилар.

Бинобарин, Ҳазрати Ойиша ўзи ҳам ҳаққа буйин эгиши, Расулуллоҳ жанобимизни хурсанд қиладиган ишни қилиши лозим эди.

— Сизни ҳақ дин ила юборган Оллоҳга қасамки, бундан буён уни фақат яхшилик билан ёд этаман, — деди.

Ҳазрати Ойиша розийаллоҳу анҳо Ҳазрати Хадича розийаллоҳу анҳони ҳеч кўрмаган эди. Чунки у охират оламига сафар қилганидан уч йил утибгина Пайгамбар жанобимизга никоҳланган. Бу кунларда унинг етти нафар кундоши бор, лекин негадир энг кўп рашк қиладигани йилларча аввал оламдан утиб кетган ўша кекса хотинлари эди.

Анбиё ва расуларнинг фахри бўлган Жанобимиз (с. а. в.) баъзан бир қўйни сўйиб, нимталаб, Ҳазрати Хадичанинг ўртоқларига, дўстларига жўнатиб турар, бу билан унга бўлган боғлиқликларини, муқаддас эҳтиромларини давом эттирар эдилар. Доим унинг яхшилигидан сўзлаб юрар, «Оллоҳим, уни мағфират қил, уни кечир», деб дуо қилар эдилар.

Бу боғлиқлик унинг ўлиmidан кейинки шундай давом этди, охиратда ҳам давом этажақдир.

Ҳазрати Ойиша ёш эди, чиройли эди. Закий ва ақли эди. Ҳеч шубҳасиз, яшаб турган завжалари орасида энг севимлиси эди. Расулуллоҳ афандимизнинг уни нақадар севишларини ўзи ҳам исми каби биларди. Аммо Ҳазрати Хадича ҳақидаги юқоридаги сўзларини айтган палла Жанобимизни хафа қилган, ҳақсизлик этганини англаган эди.

Ҳаётларининг энг ачиқ, энг ҳузунли йилларини фавқулода фидокорлик-ла, ниҳоясиз бир севги ва ҳурмат-ла ёнида кечирган, энг кўп сиқилган паллаларида ёнбошларида туриб берган, бутун бойлигини амрларига тахсис этган хотинларига бевафоларча муносабат Расули Акрам афандимиздан асло кутилмайди. Инсониятга вафокорликнинг энг гўзал намуналарини

келтирган, аҳдига вафо қилмайдиганларни мунофиқликнинг аломатларини ташувчи бир киши сифатида танитган Жанобимиз Ҳазрати Хадича ҳақида, «ўлиб кетди-ку», дегандай маънода уйлай олармидилар?!

Гоят сиқинтили кечган уша кунлардан бирида Жаброили Амин (а. с.) келди, «Жаннатдан Ҳазрати Хадичага шовқинсурон эшитилмайдиган, сассиз, сокин, ҳузурли бир ҳаёт суриладиган мукамал бир саройнинг ҳозирлаб қўйилганини» билдирди ва Пайгамбарлар Имоми бу муждани уша заҳоти унга етказдилар. Бошқа бир куни ваҳий малаги хос улароқ Ҳазрати Хадичага Оллоҳнинг саломини келтирди, ўзининг номидан ҳам салом таблиг этишини Расулуллоҳ афандимиздан сўради.

Набийи Акмал (с.а.в.) ўттиз саккиз йиллик оилавий ҳаётларининг йигирма олти йилини ёлғиз Ҳазрати Хадича билан бирга кечирдилар, унинг севгисига бошқа бир севгини аралаштиргилари келмади. Ҳолбуки, Ҳазрати Хадича Расули Мужтабо (с.а.в.) афандимиздан ўн беш ёш катта эди...

Ойиша онамизнинг бу эътирозини ва Пайгамбар жанобимизнинг унга берган жавобларини Хола эшитдимиз? Бу гапсўзлар унинг ёнида кечдимиз ё у кетганидан кейин бўлиб ўтдимиз?.. Бу саволларнинг жавобини билмаймиз!

Билганимиз — борлиқ оламининг ягона ва мислсиз Жанобиға ва у зотнинг севгили хотинларига нисбатан кўнгилларда сақланадиган ҳурмат ва муҳаббат жавобсиз қолмаслигидир, эртага — бутун ҳукмлар биргина ва олий даргоҳдан чиқадиган жазо ва ҳисоб кунида «Севганлар севганлари билан бирга бўлади» деган ҳақиқатдир.

Оллоҳим, Оллоҳим!...

Хаста Зиёрати

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларига бир неча биродарларини олиб хастани зиёрат этишга бордилар.

Касал киши ориқлаб кетган, қушдай бўлиб қолган эди. Хасталик бир инсонни шу даражада еб битираётган эди.

Ҳол-аҳвол сўрашди. Оғир кунлар орқада қолган бўлсин, деб тилак билдирилди. Сўз орасида Султони Анбийё (с.а.в.) ундан:

— Ўзингга қандай дуо қилиб юрардинг? — деб сўрадилар.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, дуоларимда: «Оллоҳим, менга охиратда берадиган азобингни бу дунёда тоттир, токи у ерда азоб кўрмайин», деб ниёз қилар эдим, — деб жавоб қилди хаста.

Бу дуо охиратта иймон кучидан тугилган эди. Мабодо бирор жазо кўриши лозим бўлса, уни бир куни мутлақо битадиган мана шу дунё ҳаётида кўришни, абдий бўлган охират ҳаётида эса роҳат қилишни, масъуд бўлишни истаган эди.

¹ Бухорий, 4/231; Фатхул Борий, 7/103.

Аммо бундай тушунчага у Жаноби Расулуллоҳдан сурамасдан, у зотнинг нима дейишларини билмасдан ўзи келган ва хато қилган эди. Дарҳақиқат, Набийлар Сарвари (с.а.в.):

— Субҳаноллоҳ!.. Сен бунга бардош бера олмайсан. «Оллоҳим, бизга дунёдаги яхшиликларни бер, охираддаги яхшиликларни ҳам бер ва бизни жаҳаннам азобидан асра» (Роббана атина фид-дунйа ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина азабан-нар) деб дуо қилсанг булмасмиди? — деб танбеҳ бердилар.

Салдан кейин Жанобимиз (с.а.в.) ва биродарлари у ердан чиқиб кетишди. Уларни ҳоддан тойган ва мажолсиз кузларда балққан миннат туйғулари кузатиб қолди. Одамларга раҳмат бўлиб келган Жанобимиз (с.а.в.) унга Оллоҳнинг раҳматини келтирган эдилар. Буюк Мавло мағфиратининг сўнгсиз, афвининг чексиз эканини англапти кетдилар. Ўрнидан қўзғалишга ҳам мажоли булмаган бу хаста у зот чиқиб кетишлари билан «Роббана атина фид-дунйа...» Дуоси ила Мавлосига ниёз эта бошлади.

Ҳадис китоблари биз номини билмайдиган бу хастанинг кундан-кунга сиҳҳат ва офият топиб кетганини қайд этгандир.¹

...

Яна бир куни Мадинага чинор шохларидай буй-бастли, кучқувватли икки одам келди. Ҳар иккиси ҳам соқолсиз эди. Набийий Акрам (с.а.в.) жанобимиз уларга кузлари тушган заҳоти:

— Шуринглар қурсин, бундай қилиб юринглар деб ким сизларга буюрди? — деб сўрадилар.

— Хожамиз буюрди, —деб жавоб қилишди мусофирлар.

— Аммо менинг Роббим менга соқолимни узун қўйиб юборишни, мўйлабимни қисқартиришимни амр қилгандир.

Мусофирлар Мадинадаги аҳвол-вазиятни кузлари билан кўришгач, ўзларига топширилган топшириқни амалга ошириш имконсиз эканини ўша заҳоти англаб етишди. Улар Кисронинг амри билан Яман волийси Бозон тарафидан юборилган одамлар эди: «Биз бу ерга пайгамбарликни даъво қилиб чиққан одамга насихат этмак, тингламаса, калласини олиб кетмак учун келганмиз...» дейишга ўзларида жасорат топишмади. Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизнинг атрофларида парвона каби айланишиб юрган, ҳурмат ва муҳаббати ҳеч қандай ўлчовларга сиймайдиган бу кишилар ҳам уларга: «Ҳай-ҳай, бир нарса дермидик!... Биз Кисрога миннат бурчи булган кимсаларимиз, бир эмас, минг калла фидо булсин...» деган жавобни беришмасди, албатта. Ҳозир бу таклифни айтиш билиб туриб жонини таҳликага ташлашдан бошқа нарса эмасди.

Демак, ишни олижаноблик билан ҳал этишдан бошқа чора йўқ эди. Аммо, айни чоқда, келиш мақсадларини билдирмасдан кетишни ҳам исташмади. Расулуллоҳ жанобимиз уларнинг сўзларини тинглаб бўлганларидан сўнг:

¹ Муслим, 4/2068

— Жавобини эртага айтаман, — дедилар.

Мусофирлар Мадинада бир кеча меҳмон қилинди. Эртаси куни эрталаб уларни ҳузурларига чорладилар ва:

— Бу кечанинг олти соати кечиб, еттинчи соатида Кисро ўддирилди. Уни ўгли Шерувайҳ ўлдирди, — деб хабар бердилар.

Элчилар доводи раб қолишди.

— Сен нима дейётганингни биласанми? Бу хабарни волиймизга олиб боргандан кўра сени ўлдириш бизга осонроқдир. Бу сўзларингни ёзиб волиймизга билдирсак бўладими? — дейишди.

— Ҳа. Буни мен томонимдан унга хабар беринглар ва айтингларки, менинг диним ва ҳаққониятим Кисронинг ҳукми борган жойларгача, от ва туялар бора оладиган ерларгача етажакдир. Волийингизга яна айтингларки, агар мусулмон бўлса, уни ўз ерида яна волий қилиб қолдираман, қавмининг подшоҳи қилиб қўяман.

Меҳмонлар иззат-икромлар кўриб, ҳадяю совга-саломлар олиб Мадинани тарк этдилар. Ҳар иккисининг ҳам кўнглига бир нарса урнашдики: Оллоҳнинг расули (с.а.в.) ҳар ҳоллари ила севилишга ва ҳурмат-эътиборга лойиқ бир инсон экан!

* * *

Амир Бозон элчиларининг қўллари буш ҳолда қайтишларини сира кутмаган эди. Шундай бўлса-да, у иккала одам кўнглилари фатҳ қилинган ҳолда келишди. Улигини ё тиригини келтириш вазифаси билан кетган одамларини энди мадҳ этишдан бошқа сўз сўзламасдилар. Гап орасида Расули Акрам (с.а.в.) афандимиздан эшитган хабарни ҳам бир-бир аңлатишди.

Бозон ҳам ажабланди. Мажлисда тўпланганлар хабарнинг тасдиқини бир оз кутиб туришга қарор қилиб, тарқалишди. Пайгамбар жанобимиз айтган вақт ҳисобга олиб қўйилди ва энди Эрон тарафига кўз тика бошлашди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, янги Кисронинг элчиси келди. Янги Кисро отасининг халққа кўрсатган зулми сабабидан шахсан ўзи ўлдирганини билдирибди. Мактубда Расулуллоҳга (с.а.в.) қўпол муомала қилмаслик тавсия этилган эди.

Элчидан олинган маълумотлар аниқлаштирилди. Кисронинг ўлим тарихи Расулуллоҳ (с.а.в.) афандимиз айтган паллага тамоман уйғун келарди. Кисронинг улимидан, ўлдирилган пайтидан, уни ким ўлдирганидан хабар бериш билан Жанобимиз (с.а.в.) нубувватлари масаласида бир қарорга келадиганлар учун мукамал бир малзамани ўртага қўйган эдилар.

Амир Бозон ҳақпараст бир одам эди. Мадинага юборган икки одамни такрор ҳузурига чақирди. Маҳбуби Роббул Оламийн афандимиз ҳақларида яна батафсилроқ белгилар беришни сўради.

— Улардан ҳам виқорли, ёнидагиларга ундан ҳам кўп ҳурмат кўрғазган бир кишини ҳали кўрмаганмиз. Ўзини катта олишни

билмайди, халқ орасида халқнинг бири каби яшайди, — дейишди.

— Ёнида қуриқчи муҳофизлари бормиди?

— Йўқ.

Бозонга шунисиёқ етди. Ишни чўзиб ўтиришдан фойда йўқ эди. Ўша заҳоти қарорини берди:

— Мен Ислом динини қабул қиламан, — деди.

— Биз ҳам қабул қиламиз, эй амир! — дейишди бошқалар ҳам.

Тараддудсиз берилган бу қарор Мадинага ҳам етказилажак ва Саййиди Коинот (с.а.в.) жанобимизни мамнун этажак.

Ҳазрати Умар (р.а.) Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларида бир гуруҳ мўминлар билан утирган эди. Суҳбат чоғи Расулуллоҳнинг атрофларида арининг визиллашига ўхшаш бир овоз эшитилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жим қолдилар. Ваҳий келаётгани англашилди. Баъзан ваҳий чоғи ари визиллашига ўхшайдиган овознинг эшитилиши асҳоби, киромга маълум эди.

Ваҳий ҳолатидалик паллаларида Расули Акрамни ҳеч ким безовта қилмади. Бир муддат ўтгандан кейин Жанобимиз қиблага йўналдилар, қўлларини кўтардилар:

— Оллоҳим, бизни кўпайтир, камайтирма!.. Бизга икромда бўл, қийматсиз ҳолга туширма!.. Бизга мўл бер, маҳрум қўйма!.. Бизни устун қил, бошқаларни биздан устун этма!.. Бизни хушнуд қил ва биздан рози бўл!..

Расулуллоҳ (с.а.в.) дуо қиларканлар, саҳобалари «Омин, омин», дея иштирок этишарди. Дуо тутагач, Жанобимиз саҳобаларига ўтирилдилар:

— Менга ўн оят индирилди. Ким бу оятларнинг ҳукмларини чиройли ҳолда бажо келтирса, жаннатга киради, — дедилар ва Муъминун сурасининг илк ўн оятини ўқий бошладилар: — «Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар: улар намозларида (қурқув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир; улар беҳудафойдасиз (сўз ва амаллар)дан юз ўгирувчи кишилардир; улар закотни (адо) қилгувчи кишилардир; улар авратларини (ҳаромдан-зинодан) сақлагувчи кишилардир. Магар ўз жуфти ҳалолларидан ва қўлларидаги чурилардангина (сақланмайдилар). Бас, улар маломат қилинмаслар. Энди ким шундан ўзгани (яъни, шариати Исломияда ҳаром қилинган зино ва бошқа шу каби нарсаларни) истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошгувчилардир. Улар (яъни, мўминлар) ўзларига инонилган омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳду паймонларига риоя қилгувчи кишилардир. Улар (барча) намозларини (вақтида адо этиб, қазо бўлишидан) сақлагувчи кишилардир. Ана ўшалар Фирдавс (жаннатига) меросхўр бўлгувчи ворислардир. Улар ўша ерда мангу қолурлар»¹.

¹ Термизий, 5/326.

Хансо

Уҳуд ҳарби анча-мунча ойлани паришон этган эди. Бир вақтлар юзлари шод-хуррамлик ила чарақлаган, аммо энди етим булган болалар, тул қолган хотинлар... Эндигина ҳаётининг баҳорини яшаётган Хансо ҳам Уҳуд муҳорабаси тул қолдирган маҳзун аёллардан биридир.

Яқинда турмушга чиққан Хансо эри Унайснинг ортидан бир муддат кўзёши тўкди. Эри ўлган ҳар хотин каби у ҳам турт ойу ун кун мобайнида эрга чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмасдан, безанмасдан кунларини кечирди. Аммо буюклар, ўлган билан бирга ўлинмайди, дейишади. Беҳисоб тажрибадан келиб чиққан бу ҳақиқатни Хансо ҳам қайта бошдан кечирди.

Орқама-орқа келаётган кунлар ва кечалар унинг ичларини парчалаган қайғуни оз-оздан аритиб кетаверди. Орадан ойлар кечди. Уҳуд жангидан кейин Хандақ газоти бўлиб ўтди. Сунгра яна ҳафталар ойларга уланди. Хансо яна аввалги Хансога айланди. Фақат, бир замонлар гам-аламдан тарс ёрилай деган қалбида шаҳид эрига оид хотира қолган эди.

Иккинчи марта уйланиш ҳеч бир хотин ё эркакка айб эмасди. Дарҳақиқат, ўнгу сўлда иккинчи ва ҳатто учинчи марта оила қурган эркак ва хотинлар бор эди. Ҳазрати Пайгамбарнинг (с.а.в.) хотинларидан Умму Салама, Зайнаб, Хафса, Жувайрийа иккинчи марта турмушга чиққан хотинлардан эди. Бу ёшда аёлнинг то ҳаётининг охиригача тул қолиши тўғри эмасди. Хансо ҳам ичида шундай орзу ҳис этарди. Такрор эрга чиқиши, такрор оила қуриши лозим эди. Аммо у «Ким бўлса ҳам турмушга чиқаман», деган эмас. Амакисининг ўгли Абу Лубобага нисбатан ичида бир севги куртак ёйа бошлади.

Бир оқшом отаси Ҳизом галати бир хабар олиб келди.

— Сени турмушга беряпмиз, қизим, — деди.

— Кимга беряпсиз мени, отажон? — деб сўради Хансо. Отасига мароқли нигоҳ солди, аммо жавобни эшитиб кўзларига тотсиз бир ифода инди.

— Нима гап? Хурсанд эмасмисан, қизим?

— Ҳа, хурсанд эмасман... Янаям очикроқ айтсам, мен у одамга тегмайман.

— Лекин мен сени никоҳлаб қўйдим-ку.

— Никоҳланган бўлсам ҳам, тегмайман. Ҳеч бўлмаса, бир марта мен билан маслаҳатлашингиз керак эди. Сиз, қизимни бердим, дейиш билан ишингизни битирасиз, ҳолбуки, мен у одам билан бир умр бирга яшашим керак.

Ота билан қиз ўртасида тушунмовчилик шу тариқа бошланди. Кунлар оғир кеча бошлади. Ота қизидан фидокорлик кутди, қиз отасидан тушунишни. Аммо ўтаётган кунлар иккала тарафни ҳам юмшатмади. Устига устак, бу воқеа Хансонинг қалбида ниш урган севгини янада орттирди.

Ниҳоят, бир куни Хансо ўрнидан шарт турди. Румолини олди, ўранди ва... гўппа-гўғри Пайгамбар масжидига қараб юрди.

Умр бўйи ҳузурсиз бўлишдан кўра, Пайгамбарлар Саййидига дардини англашишга, у кишининг тавсиясига биноан ҳаракат қилишга қарор берди. Унга бундан бошқа чиқар йўл йўқ эди.

Расулуллоҳ афандимизнинг ҳузурларига борди, узини танитди. Уҳуд жанги тул қолдирган хотинлардан бириман, ё Набийаллоҳ, дегандан кейин:

— Отам мени мен хоҳламаган бир кишига зўрлик билан никоҳлапти, ҳолбуки, амакимнинг угли менга ундан севимлидир, — деди.

Салдан кейин Хансо Саййидул Анбиё (с.а.в.) ҳузурларидан қалби қуш каби енгиллашиб чиқди. Келаётганида кўнглини тўлдирган дарддан, андишадан, ҳаяжондан асар ҳам қолмаган эди ичида. Энди кўнгли бошипоёни йўқ бир бахтиёрлик денги-зида сузаётган каби эди.

Ҳизом қизи келтирган хабарни боши эгик ҳолда эшитди. Урнидан сапчиб туриб, «Мен ҳеч кимга қулоқ солмайман, сўзим сўздир!» дея олмасди, албатта. Бир мўмин сифатида бундай йўлга кириши мумкин эмасди. Секун турди, Расули Мукаррам (с.а.в.) ёнларига борди. Қизидан эшитганларини гапириб берди. Ҳозирга қадар ўртада кечган гап-сўзу воқеаларни тилга олди. Имомул Анбиё афандимиз масалани узил-кесил ҳал қилдилар:

— Уларни зўрламанглар!..

Ҳизомга қиладиган бошқа иш, тутадиган бошқа йўл қолмаган эди. Шу қадарки, энди ҳеч ким уни сўзидан қайтганликда айблай олмасди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмайди ва Хансо орзуига уйғун ўлароқ Абу Лубобага никоҳ қилинади¹.

Абу Умайр ва толаттон

Анаснинг онаси Умму Сулайм Расулуллоҳ афандимизнинг ҳижратларидан кейин Абу Талҳага турмушга чиққан ва ундан бир ўғил кўрган эди. Оти Абу Умайр эди у боланинг.

Абу Умайр ўсиб, уч-тўрт ёшларга етиб қолган эди. Набийийи Акрам (с.а.в.) Абу Талҳа билан Умму Сулаймни зиёрат қилишга келганларида ҳар гал Абу Умайрни сўйиб-эркалайдилар, бошини силаб қўядилар. Бир куни қирмизи тумшукли, катталиги чумчуқча келадиган бир қуш тутиб олишди. Абу Умайр роса қувонди. Шу кундан бошлаб вақтини шу қушча билан ўткази бошлади. Қушнинг оти Нугайр эди.

Саййидул Анбиё (с.а.в.) кейинги гал келганларида Абу Умайрни шу қуши билан ўйнашаётган ҳолда кўрдилар. На қадар бахтиёрлик ҳол эди бу.

Аммо Абу Умайрнинг бу бахтиёр кунлари узоққа чўзилмади, ҳатто қайгуга айланди. Чунки Нугайр ўлган эди. Абу Умайр роса кўзёш тўқди.

¹ Бухорий, 6/135; Фатҳул Борий, 9/168.

Расули Акрам яна бир гал келганларида қушни кўрмадилар. Боланинг бошини силадилар.

— Ё Абу Умайр, Нугайр нима бўлди? — деб сўрадилар.

— Ҳа, — деб жавоб қилди бола.

Ушандан буён Расули Кибрийе қачон бу оилани зиёрат қилсалар:

— Эй Абу Умайр, полапон Нугайр нима бўлди?.. — дея ҳазил-ҳузил қилар, суйиб-эркалар эдилар.

...Бир куни Абу Умайр хасталаниб қолди. Хасталиги борган сари кучайиб, оиланинг қайгулари ҳам ортаберди. Абу Талҳа гоят яхши кўрадиган дилбандининг қуёш остида эриб битаётган қор каби кундан-кунга сўниб бораётганини маҳзун бир кўнгил билан кузатиб турарди.

Бир куни Абу Талҳа зарур иш билан уйдан чиқди. Соатларча ўша иш билан машғул бўлди, лекин ақли доим уйда, Абу Умайрда бўлди.

Оқшомга яқин бечора бола охириги бор нафас олди. Умму Сулайм ўзини йўқотиб қўймади. Уни ювди, қафалади ва уйнинг бир бурчагига ётқизиб қўйди. Узи ошкор қилмагунча бирон кимсанинг айтиб қўймаслигини қаттиқ тайинлади.

Оқшом қоронғулиги чўккач, Абу Талҳа уйига қайтиб келди. Келдию фарзандининг аҳволини сўради. Жавоб эса, галати бўлди:

— Ҳеч бугунгига ухшаш тинч ётмаган...

Абу Талҳа кенг бир нафас олди. Боланинг овози чиқмаганини унинг теран уйқуга кетганига йўйди. Овқатни ҳам қачондан бери илк бор хотиржам бир ҳолатда еди. Хуфтон намозидан келганида Умму Сулайм уни ясаниб-гусанган ҳолда кутиб олди. Хушбуй атрлар сепган, тоза кўйлақлар кийиб олган эди...

Салдан кейин Абу Талҳа гусл қилиб, ётди ва тезда уйқуга кетди. Тонгда уйғонганида Умму Сулайм:

— Углингиз Абу Умайр туфайли Оллоҳдан ажр ва мукофотни кутинг ва уни куминг, — деди.

Абу Талҳа бошидан қайноқ сув тўкилгандек бўлди. Иш бирдан чапчасига кетган, энг ҳузурли кечасини кечирди деб уйлаган фарзанди аслида вафот этганини билиб, жаҳли чиқди:

— Модомики улибди, нега менга айтмадинг, нега мени у ишларга буладинг?! — деди.

Абу Талҳа ҳам қайғуга чўмди, ҳам жаҳли чиқди. Жигарпораси бўлган бир инсоннинг бу аҳволи шундай бепарво муносабатга наҳот лойиқ кўрилади? Бу ҳам етмагандай, нуридийдасининг улиги уйда ётсаю Абу Талҳа кўнгил эрмаги билан шуғуланса!.. Нима деган одам бўлди...

Энг яхшиси Кўнгиллар Султон (с.а.в.) афандимизнинг ёнларига бориб, кўнглини тинчлантирмак эди. Таҳорат олди. Уйдан чиқди. Кузлари долгин, оёқлари юришни истамайди.

Масжидга кириб борганида нақадар маҳзун экани унинг ҳолатиданоқ яққол билиниб турарди. Расули Муҳтарам гамгинлигининг сабабини сўрадилар. Абу Умайрнинг вафотидан хабар берди. Кетидан Умму Сулаймнинг кечаги хатти-ҳаракатла-

рини ҳам англади. Ёмон ҳолга тушганини, жаҳли чиққанини тушунтирмоқчи бўлди.

— Нима, шу кеча эр-хотинлик қилдиларингми?

— Ҳа, эй Оллоҳнинг расули.

Жанобимиз қўлларини юқори кўтардилар:

— Оллоҳим, бу кечаларини уларга муборак айла! — деб дуо қилдилар.

Бу дуо Абу Талҳанинг асабларини юмшати. Уйга борганида энди тунд қиёфада кўринмайди, бировни хафа қиладиган сўз айтмайди. Келаётганида руҳини тинчлантириш умидида эди, руҳи тинчланмоқ тугул, бу даргоҳдан ички бир ҳузур-ҳаловат билан чиқди!

Умратул казо

Еттинчи йилнинг зулқаъда ойи айрича бир қийматга эга эди. Чунки бир йил аввал Ҳудайбия сафарига иштирок этган ва Маккага кирмасдан қайтган мўминлар бу кунларнинг келишини кунма-кун санаб юришарди. Ҳудайбияда келишилган аҳдномага кўра, мўминлар умра сафарига бу ойда йўлга чиқишлари лозим эди.

Расули Акрам (с.а.в.) Ҳудайбияда қатнашган ҳамманинг бу сафарга тайёргарлик кўришини, ҳеч кимнинг қолмаслигини амр қилдилар. Аввалги сафарда булмаган, лекин боришни орзу қилганларга ҳам бирга йўлга отланишга ижозат бердилар.

Қисқа вақт орасида ҳозирликлар кўриб бўлинди. Икки минг кишилик иймон лашкари Пайгамбарлар Имоми (с.а.в.) бошчиликларида Макка томон ҳаракат бошлади.

Бу дафъа ҳам бирор қор-қол чиқади — буни ҳозирдан тахмин эта олишмасди. Аҳдномага кўра, ёнларида фақат қилич олишлари мумкин, у ҳам қинида туриши керак. Қилич арабларнинг йўл силоҳи, сафарга чиққан ҳар бир одамда қилич бўлиши лозим. Лекин Расули Муҳтарам асҳоблари билан маслаҳатлашиб, эҳтиёт чораси ўлароқ қиличдан бошқа яна жанг қуроллари ҳам олдирдилар. Фақат, бу қурооллар Макка шаҳрига олиб кирилмайдиган, ўша ерга яқин қулай бир жойда сақлаб туриладиган бўлди.

Мадинага бир қўноқ масофада жойлашган Зулҳулайфага келишганида Пайгамбар афандимиз ихромга кирдилар. «Лаббайк! Оллоҳумма, лаббайк», дея талбия айта бошладилар. Бу дегани, «Оллоҳим, ҳар доим амринга ҳозирман. Сенинг ҳеч шеригинг йўқдир. Ҳамиша амринга ҳозирман. Ҳамд сенга хос, неъмат сендандир. Сенинг ҳеч шеригинг йўқдир!» демак эди.

Шу дақиқадан бошлаб ҳар тепага чиқаётганда, ҳар водийга тушаётганда, одамларга дуч келинганда «Лаббайк, Оллоҳумма, лаббайк...» дер эдилар.

Йўлчилик шу тариқа давом этди. Маккага уч мил масофада

¹ Бухорий, 6/216.

жойлашган Яъжаж деган маконга етганда дам берилди. Уқ, ёй, қалқон каби жанг аслаҳалари шу ерда қолдирилди. Жаъфар ибн Абу Толибни Маккага жунатдилар. Ҳазрати Аббоснинг қайинсинглиси бўлмиш Маймунача уйланиш таклифини қилдилар.

Ҳазрати Маймуна бу таклифни мамнуният-ла қабул этди ва почтаси Аббосни ўзига вакил қилди.

Қурайш халқи Расулуллоҳ афандимизни қиличдан бошқа силоҳ ҳам олакелганларини эшитиб, Микраз ибн Хафс исми бир кишини ҳузурларига йўллашди. Жанобимиз Яъжажда турган чоғларида у одам келди. Маккага етиб борган хабарнинг чиндан ҳам ростлигини кўзлари билан кўрди.

— Ё Муҳаммад, биз сени авваддан бери аҳдига вафоли бир инсон сифатида таниганмиз. На болалигингда берган сўзингдан қайтгансан, на катта бўлганинга аҳдингни бузгансан. Аммо шу онда сени қуролланган бир қўшиннинг бошида қуриб турибман. Ҳолбуки, ўртамизда Ҳудайбияда қилинган аҳномамиз бор, — деди.

Микраз Ҳудайбияда гувоҳ ўлароқ имзо босганлардан бири эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга жавобан:

— Маккага йўлчи силоҳи бўлган қиличдан бошқа қуро кирмайди, — дедилар.

«Сўзларингнинг чинлигига қасам ича оласанми?»

Қурайш номидан сўзлаётган Микраз Набийи Муҳтарам афандимизга бундай бир таклиф қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Сарвари Анбиё (с.а.в.) жанобимиз берган сўзларининг қадрини биларди. Бу сўз инсоният тан олган ва тан оладиган энг соғлом ҳужжат эди.

Микраз Маккага қайтгач:

— Эй қурайшийлар, шуни билиб қўйинглarki, Муҳаммад Маккага қиличдан бошқа бир қуролни олиб кирмайди! — дея эълон қилди.

Шундан кейин хоссатан Қурайшнинг бошлиқлари Расулуллоҳ афандимизни кўрмаслик учун шаҳарни тарк этишди ва Макканинг шундоққина чеккасидаги тоғларга, тепаларга чиқиб кетишди. Бир қисми келганларни яқинроқдан қуриш ниятида йўлларини пойлай бошлашди.

Ниҳоят, Сарвари Анбиё (с.а.в.) қўмондонликларидаги иймон лашкари савту салобат ила шаҳарга кириб келаверди. Абдуллоҳ ибн Равоҳа Пайгамбар жанобимизнинг туялари юганидан тутиб олга босаркан, «Пайгамбарнинг йулини очиб қўйинг, Бугун сизларга Китобуллоҳ ҳукми ила зарба берамиз. Бу зарба бошни жасаддан, севувчини севганидан айирадиган зарба бўлажақдир...» маъносида бир шеър ўқир эди.

Ҳазрати Умар (р.а.) унга яқин келди.

— Эй Абдуллоҳ, сен Ҳарам Шарифга кириб бораётганингни унутяпсан шекилли, — деди.

— Йўқ, унутганим йўқ.

— Расули Муҳтарамнинг олдиларида бораётганингни ҳам эсингдами?

— Албатта!

— Унақа бўлса, бунақа оҳангда шеър айтиш сенга ярашмаслигини ҳам билишинг керак.

Ҳазрати Умарнинг (р.а.) бу мужодаласига жавобан Абдуллоҳ қандай жавоб берарди, билмаймиз. Аммо Расули Роббил Оламин (с.а.в.) аввалроқ сўзга аралашдилар:

— Буни ҳолига қўй, эй Умар! Бу шеърлар Қурайшга уқ санчилишидан ҳам таъсирлидир, — дедилар.

Ортиқ Ҳазрати Умар бирор нарса дея олмай қолди. Фахри Оламдан (с.а.в.) ижозат теккан Абдуллоҳ аини шеърини яна бошдан олиб, «Холлу банил-куффару...» байтларини такрор ўқий бошлади.

Макка кўчаларидан шу тахлит ўтиб бордилар. Бошлар тик эди. Елкалар букик эмасди. Қувватли-қувватли одимлар ташлаб, тетик-шаҳдам юриб боришарди. Масжида Ҳарамга яқинлашилганда Пайғамбар афандимиз ўнг қўлларини эҳромдан чиқардилар ва асҳобларига ўтиридилар.

— Бутун уларга куч-қувватини кўрсатган ҳар кимга Оллоҳ раҳмати-ла, марҳамати-ла муомала буюрсин, — дедилар.

Сўнгра етти йилдирки соғинганлари Байтуллоҳга қараб юрдилар. Ҳажарул Асвадни ўпдилар. Ортларидан келган Ҳазрати Умар (р.а.) Жаноби Расули Акрамнинг (с.а.в.) кўзларидан тўкилган ёшларни кўрди. Жанобимиз унга:

— Бу ерда кўзёшлари тўкилади, эй Умар, — деб марҳамат қилдилар.

Орқадаги мўминлар ҳам ўнг елкалари эҳромдан чиқарилган ҳолда ҳурмат-ла Байтуллоҳга яқинлашдилар. Расули Кибрийнинг муборак дуоқлари теккан тошни ўпиб, тавофни бошлашар эди. Ҳар дафъасида «Бисмиллоҳ, Оллоҳу акбар!..» дея Ҳажарул Асвадни ўпиш ва ёки узоқдан саломлар йўллаш билан Каъбани етти марта айланиш лозим эди. Илк уч дафъасида Пайғамбар (с.а.в.) чопаётгандек бир тарзда айландилар, асҳоб ҳам шундай ҳолатда айланди.

Узоқдан уларни томоша қилиб турганлар орасида шивир-шивир бошланиб кетди:

— Ясриб безгаги бу одамларни адои тамом қилди, деб уйлаган эдик...

— Қаранглар-а, чопиб-чопиб тавоф қилишяпти!..

— Биз Ясрибни кўздан бери касалликлар уяси деб эшитиб келардик...

...

Ким Оллоҳнинг уйига Оллоҳнинг расулидан ҳам лойиқроқ бўла оларди?! Бутун борлиқ олам Унинг ҳурматиغا яратилган Буюк Пайғамбар бу ерни зиёрат қилмаса, ким зиёрат қилади!

Аммо ҳозирча бу Байтнинг атрофига катта-кичик бутлар қўйиб ташланган, ҳар бири илоҳ деб қабул қилинган бу тошлар ва тўнкалар юраклардан Буюк Мавлога узанган йўлни қаттиқ ёпиб қўйган эди.

— Оллоҳ насиб этажак, бир галги келишимизда буларни йигиштириб ташлаяжакмиз.

— Оллоҳим, юзларча бутлар орасидан кечиб тавоф қилаётганимиз бу муборак Байтингни душман қўлидан қутқаришимизда бизнинг мададкоримиз бу!

— Оллоҳим, Сенинг уйингда бу бутлар нима қилади?.. Бу муборак мақомга мушриклар эмас, балки Сенга Сенинг розилигинг учун ибодат қиладиган қўлларинг лойиқдир!..

Каъбаи Мушаррафа бу туйгулар эшлигида тавоф қилинди. Кўнгилларини ҳеч қандай ўлчовга сиғмас бир эзгинлик ва, айни чоғда, таъриф этилмас бир бахтиёрлик чулғаб олган эди.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) тавоф асносида:

— Оллоҳим, мағфиратингни тилайман. Дунёда ва охиратда балолардан амин қилишингни ниёз этаман. Эй Роббимиз, бизга дунё яхшиликларини бер, охират яхшиликларини бер ва бизни жаҳаннам азобидан асра... — дея дуо қилардилар. Ҳажарул Асвадга келганда уни ўпиб ёки узоқдан салом йўллаб ўтардилар.

Тавоф тугагач, мақоми Иброҳимга келдилар. Юзларини Байтуллоҳга қаратиб, икки ракат намоз ўқидилар. Илк ракатда Фотиҳа сурасидан кейин Кофирун сурасини, иккинчи ракатда эса, Ихлос сурасини ўқидилар.

Намоздан сунг Замзам булогига бордилар. Тик турган ҳолда ва Каъбага қараб турганча, тўйиб-тўйиб замзам сувидан ичдилар.

Бу муборак сув катта боболари Ҳазрати Исмоил алайҳиссаломдан азиз хотира эди. Орадан ўтган кўп замонлар ичида булоқ кўзи буткул бекилиб, неча-неча йиллар давомида ҳатто унинг қўрдалиги ҳам унутилиб кетган, Расулуллоҳнинг боболари Абдулмуттолиб уни топиб, қазиб, инсониятга қайта ҳада этган эди.

Булоқ бошида юзлари Каъбага қараган ҳолда сув ичаётганларнинг кўнгилларидан шу азиз хотиралар ўтганига шубҳа йўқ эди.

Пайгамбари Зишон Замзамдан кейин Сафо тоғига қараб юрдилар. Сафодан Марва тоғи томон кетдилар, у ердан яна Сафога келдилар. Шу тариқа бу икки тепалик орасида тўрт бориш, уч келиш билан жами етти марта саъйи қилдилар. Икки тоғ орасидаги кичкинагина водийга тушганларида югурётгандек бир ҳолатда тез юрар эдилар. Охирида сочларини олдириб, эҳромдан чиқдилар.

Расулуллоҳ афандимиз тавофни ҳам, сафо ва Марва тоғлари оралигидаги саъйини ҳам Қасво лақабли туяларида қилганлари ҳақида ҳам ривоят бор.

Султони Анбиё Каъба ичига кирмоқчи бўлдилар, аммо Қурайш рози бўлмади. «Аҳдномамизда бунақа бир нарса йўқ», деб рад этди. Ким кимнинг уйига қўйилмаяпти?» саволининг жавобини ўйлаб кўрадиган инсон йўқ эди.

Шу билан умра зиёрати тугади. Мусулмонларни қизиқиш билан кузатиб ўтирган хотинлардан бири:

— Ий-й, биттаси Каъбага тирмашяптими? — деб қолди.

Ҳамма уша ёққа қаради.

— Умаййа ибн Халафнинг қули Билол эмасми? — деди бошқаси.

— Ҳа, уша.

— Не кунларга қолдик. Ҳабаш бир қулнинг Каъба устига чиққанини ҳам кўрдик, мана.

Бу аснода Ҳазрати Билол Каъба устига чиққан, қўларини қулоқлари устига қўйиб, бор кучи билан:

— Оллоҳу акбар!.. Оллоҳу акбар!.. — дея қичқира бошлаган эди.

Макка водийларида акс-садо берган бу овоз Қурайш хотинларини кўчаларга чиқарди. Болалар ҳам тўхтаб, ҳайрат билан унга қараб қолишди.

Инсоният тарихидаги энг гаройиб азон эҳтимол шу азон эди. Бир тарафда ёлғиз Оллоҳ ризоси учун Оллоҳнинг икки Пайгамбари қурган Байтуллоҳ, бошқа ёнда унинг ичию ташида пала-партиш қўйиб ташланган юзларча бут...

Муаззинларнинг энг шарафлиси бўлган Ҳазрати Билол Байтуллоҳ устидаги ва атрофини қуршаган бутлар орасида Оллоҳнинг буюк эканини эълон қилаётган эди. Бу азонни Кононнинг Сарвари ҳам, Оллоҳнинг душманлари ҳам катта бир ҳаяжон билан тинглашарди. Расулуллоҳнинг ҳаётлари учун ўйламасдан жонини берадиганлар ҳам, у зотни бир қошиқ сувга буктириб ўлдиришга шай турганлар ҳам бу азонга қулоқ бериб туришарди.

Бир пайтлар Билол «Оллоҳ бирдир!» дегани учун бу шаҳар кўчаларида сургилаб юрилган, азоб-уқубатларга гирифтор этилган эди. Ҳозир «Оллоҳ акбар!» деб имкони борича бақирар, худди уларга майдон ўқиб, улардан учини-аламини олар эди.

— Бу кунларгами қолдик?..

— Умаййа ибн Халаф Билолнинг бу бақиринини эшитса, алаmidан уларди.

Юқоридагидек сўзлар ила ичи куйган хотинлар, ҳайрону лол бўлган болалар, кўзёшларини тута олмаган мўминлар — ҳамма-ҳамма ҳаяжон ичра тинглаган азонни чақириб бўлгач, ниҳоят Билол паства тушди. Мўминлар Саййидул Анбийё (с.а.в.) афандимизнинг ортларида Каъбага юзланиб намозга туришди.

Бу намоз юракларни портлатар даражага етган кин ва нафрат туйғулари-ла томоша қилинди. Кундан-кун ортаётган мусулмонлар сони, мусулмонларнинг бемисл ҳурмат ва итоати хоссатан юқори табақани ташкил этувчи мушрикларнинг кунгилларидаги ҳасад туйғуларини қамчилар, уларнинг тинчларини бузар эди.

Бу орада Расули Акрам (с.а.в.) Валид ибн Валидни чақирдилар. Акаси Холид ибн Валидни ахтариб топишни буюрдилар. Фавқулода ақли, кучи ва қуввати билан, жанг соҳасида устун қобилияти билан ҳақиқатан буюк бир обрў-эътибор тошган Холидни мусулмон сифатида кўришни истаётган эдилар.

Валид вақтни ўтказмасдан тўғри унинг уйига борди. Бироқ Холид ҳали мусулмонлар лашкари келмасидан бурун уйдан чиқиб кетганича қайтмаган эди. Демак, у ҳам шаҳарни тарк этиб, тоғларга, тепаларга чиқиб кетибди-да. Утириб, бир мактуб ёзди. Келгани заҳоти қўлига топширинглар, дея тайинлаб, орқасига қайтди.

...

Ҳар бирлари тугилиб ўсган, ҳар кучаси айрича бир хотиралар қолдирган бу мўборак шаҳарда уч кун кўз очиб-юмгунча утди-кетди. Тўртинчи куннинг сабоҳида Расули Муҳтарам афандимиз ёнларидаги бир неча асҳоблари билан суҳбатлашиб утирарканлар, Суҳайл ибн Амр билан Ҳувайтиб ибн Абдул Уззо иккиси келиб қолишди. Қурайш қабиласи номидан Ҳудайбия битимига имзо қўйганлар шулар эди.

— Эй Муҳаммад! Битимда белгиланган уч кун шаҳримизда турдиларинг. Сенга Оллоҳни ва битимимизни эслатамиз. Энди Маккани дарҳол тарк этишларинг керак, — дейишди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) афандимиз:

— Уйланяпман, изн беринглар, никоҳим шу ерда қийилсин. Никоҳ зиёфатида сизлар ҳам қатнашинглар, — дедилар.

Бу истак қабул этилмади. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) оқшомга қолмасдан ҳар ким Маккани тарк этишини ва дарҳол уловларининг ҳозирланишини буюрдилар. Айтилган вақтда уловларига миңдилар ва йўлга тушдилар. Мусулмонлар ҳам Пайгамбар (с.а.в.) ортларидан отланишди.

Шу пайт орқадан бир қизнинг: «Амакижоним!.. Амакижоним!..» дея бақираётганини эшитиб қолдилар ва ортларига қайрилдилар. Амакилари Ҳамзанинг қизи Умома чопиб келарди. Тез унинг қўлидан тутдилар. Ҳазрати Алига топширдилар. Ҳазрати Али уни даст кутариб, Ҳазрати Фотиманинг туясига мингаштириб қўйди.

Маккада биргина Абу Рофеъ қолган эди. Унга Саййидул Башар (с.а.в.) жанобимиз охириги дафъа уйланажак хотинлари Ҳазрати Маймунани олиб бориш вазифаси юкланган эди.

Абу Рофеъ оқшомга яқин қолганда мўминларнинг онаси Ҳазрати Маймунани туяга миңдирди, йўлга чиқди. Бир гуруҳ ёшлар йўлда уларнинг жигларига тегмоқчи бўлишди. Бўлмагур гап-сўзлар отишди, уларга азият бериш дардига тушишди. Лекин Абу Рофеъ:

— Эй Қурайш йигитлари, ўртамиздаги битимни бузаяпсизлар. Валлоҳи, бизнинг қурооларимиз Яъжаждадир. Бу ишларингизни шунчаки ташлаб қўймаймиз. Пушаймон бўласизлар, — дея ушқариб берганидан кейингина тарқалишди.

Шу буйи йўлда бошқа ҳеч бир кор-қолсиз Сариф деган жойга етишди. Пайгамбар (с.а.в.) афандимиз асҳоблари билан уша ерда кутиб туришарди. Янги келин Маймуна хоним уша кеча Расули Акрамининг хотинлари бўлди.

Ҳаётининг энг бахтиёр кунига у кеча Сариф деган ерда қовушган Ҳазрати Маймуна орадан эллик тўрт йил утиб яна бу ерга келажигини, Расулуллоҳ афандимизнинг завжалари булган бу уйда сўнги нафасини беражигини у ҳозир қаёқдан билсин?..

Жаноби Расулуллоҳга охирги хотин бўлган аёл у эди. У зотнинг хотинлари ичида энг сўнг вафот этадигани ҳам унинг ўзи бўлажак...

Сарифда уюштирилган никоҳ зиёфатидан кейин оқшомга яқин палла яна йулга тушилди.

Бир йил аввал кўрилган туш шу тариқа ҳақиқатга айланди. Гавғосиз, шовқин-суронсиз, тинч-хотиржам боришди, зиёратларини қилишди. Зотан, Фатҳ сурасида ҳам бу вазифаларини амният ичида қилишлари билдирилган эди.

* * *

Мўминлар шаҳарни тарк қилганларидан кейин уч кунгача тоғларда турган Қурайш катталари битта-битта бўлиб уй-уйларига қайтишди. Аҳдномага риоя этилган бўлса ҳам, шаҳарни душманга ташлаб чиқиб кетишлари чиройли бўлмади-да. Уйда истироҳат қилиб, ҳузур-ҳаловатда ётиб ухлаш мумкин бўлган бир пайтда тоғларда, гўрларнинг бурчакларида тунаб юриш ҳеч бир инсонга хуш келмасди.

Холид ибн Волид мириқиб бир ухлаш орзуида уйига кирди.

— Дадажон, амаким келди, — деб кутиб олди фарзанди.

— Валидми?

— Ҳа. Сизни топмасдан, мана бу мактубни ёзиб ташлаб кетди.

Холид узатилган хатни олди ва ўқий бошлади:

— «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Ака, сенинг Исломга бепарво юришингдан ҳам галати бир иш кўрмадим. Ақлингга хитоб қиладиган кимса йўқки... Ислом каби бир динга инсон бегона қолиши ақлданми?... Расулуллоҳ (с.а.в.) афандимиз сени сўрадилар, Холид қаерда, дедилар. Мен эсам, Оллоҳ уни келтиражақдир, дедим. Шунда Жаноби Пайгамбаримиз: «Унинг каби бир инсон Ислом динига бегона бўлиб қоладими? Агарда у бутун қаҳрамонлигини, қиличбозлигини мусулмонларнинг иши учун қўлласа эди, ўзига жуда яхши бўларди. Биз уни бошқалардан устун тутардик», деб марҳамат қилдилар. Ҳозирга қадар қўлдан бой берган фурсатларингни ҳақ йўлни танлаш билан қийматли онларга айлантиргин, акажон.

Валид».

Холид мактубни бир чеккага қўйди. Бошини қўллари орасига олиб, уйга толди.

Ҳудайбия сулҳидан кейин умидини йўқота бошлаган эди. Улар энди борган сари куч-қувват топишди, Қурайш эса, аста-секин заифлаша бошлади. Ҳудайбияда қилинган сулҳдан сал

фурсат утиб Хайбарни қўлга киритишлари, атрофдаги амирларга мактублар ёзилиши, Абу Суфённинг Шом сафаридан қайтишда Ҳеракнинг қошида берган суроқ-жавоблари — шу воқеалар Холидни тузуккина тараддулдантириб қўйган эди. Бундан буён Қурайш мадиналиклар устидан голиб келишни тушида кўрса ҳам рози бўлиши лозим эди.

Бир вақтлар Утба ибн Робиа: «Эй Қурайш халқи, агар ганимга кирсаларингиз, бу одамни ўз ҳолига қўйинглар. Агар араблар ундан голиб келса, сизлар кўзлаган мақсад рўёбга чиққан бўлади. Бордию у арабларни тиз чуқтирса, яхши билинги, унинг зафари сизларнинг зафарларингиздир», деган, лекин ҳеч ким унинг маслаҳатига қулоқ солмаган эди. Ушанда у сўзга юрилганида бутун Қурайш тик оёқда турган бўларди.

Энди нима қилиш керак, кимнинг ёнига борсин Холид?..

«Муҳаммаднинг ёнига кетсам бўлади, унинг ҳузурда амният бор...»

Ҳеракнинг қошига борсам, ҳурмат кўраман, лекин унда ё насороликни қабул этишим лозим, ёки бўлмаса, яҳудий бўлишим керак...

Ажамистонда-чи? Яшай оламанми?..

Умримнинг бундан буёнги кунларини уйимда роҳат-фарогатда кечира оламанми?..»

Холид шуларни узоқ-узоқ ўйлади. Бир қарорга келолмади. Лекин энди уни Ҳеракнинг ё Кисронинг ҳузурига кетиш фикри аввалгидек тортмасди.

Ўтган уч кун давомида роса чарчаган, хотиржам уйқуни соғинган эди. Шу боис узоқ ўйланиб утиролмади. Шу утирган жойигаёқ узанди. Соатларча давом этадиган бир теран уйқунинг қўллари уни аста-секин сийпалай бошлади.

* * *

Мадинада бир тушунмовчилик чиқди. Ҳазрати Али, Жаъфар ибн Абу Толиб ва Зайд ибн Ҳориса розийаллоҳу анҳум бир-бирлари билан тортишиб кетишди. Иш бақир-чақиргача бориб етди. Бу баҳсга шаҳидлар сардори Ҳазрати Ҳамзанинг (р.а.) қизи Умомага ким қараб туриши масаласи сабаб бўлди.

Бир неча йил аввал Расулуллоҳ (с.а.в.) афандимизнинг айтган бир муборак сўзлари қийматини то қиёматгача сақлаш учун қулоқларга қўрғошиндек қўйиб олинган эди. Ўйини: «Етимни кафилага олган киши жаннатда мен билан мана шундай бирга бўлади», дея Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) икки бармоқларини қўшиб кўрсатган эдилар. Бу воқеа ҳамон ҳамманинг кўзи ўнгида турарди. Ҳозир Ислом тарихининг уч буюк шахсияти, Жаноби Расулуллоҳнинг яқин дўстлари бўлган бу инсонлар етимнинг кафили бўлиш шарафини қозониш учун мужодала қилишар, шундай муборак омонатга соҳиб чиқишнинг йўлларини ахтаришар эди.

— Ҳамза менинг оғам эди. Мадинага келганимизда Расу-

луллоҳ афандимиз у билан мени ака-ука қилганлар: Огамнинг қизи албатта менинг ёнимда бўлиши керак! — дерди Зайд ибн Ҳориса.

Ҳазрати Али бир бошқа жиҳатдан тутарди:

— Ҳамза менинг амакимдир. Ҳам Расулуллоҳ жанобимизнинг қизлари Фотима-да менинг хотинимдир. Биз эр-хотин амакимизнинг омонатини муҳофаза қилишга ҳар кимдан ҳам лойиқмиз.

Жаъфарга бу гаплар етарли эмасди.

— Ҳа, Ҳамза менинг амаким эди. Бунинг устига, менинг хотиним Асмо бу қизчанинг холасидир. Ҳеч қайсингиз бу қизни олишга менчалик ҳақдор бўла олмайсиз. Ундай қилсангиз ҳам, бундай қилсангиз ҳам, бу бола менинг ёнимда қолади.

Иш бунақа гап-сўзлар билан битадиган эмасди. Ҳеч бири бошқасига қулоқ солишни истамасди. «Ким ҳақли бўлса, уша олсин», дейдиган зот йўқ. Ёхуд бу тушунча орқага сурилиб туриларди. Асл мақсад «етимнинг кафили бўлиш саодати»ни қўлга киритиш дарди эди.

Бу ишни ўз бошларича ҳал қила олмасликларига ахийри кўзлари етди. Оллоҳ розилигини қозонаман, деб бошқанинг кўнглини сиңдириб, ҳеч кутилмаган фалокатни орттириб олиш ҳам ҳеч гап эмасди. «Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Оллоҳга ва охираат кунига ишонсангиз, — у нарсани Оллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир»¹, оятини эслашди. Жанобимизнинг ҳузурларига боришди.

Фахрул Мурсалин (с. а. в.) уларнинг гапларини эшитдилар. Аммо «Масала, тушунарли, Умома сенинг ёнингда қолади,» деб биттасининг фойдасига ҳал қилиб қўя қолмадилар. Чунки аҳвол-вазият бундай ҳал қилишга қўймасди. Зотан, инсониятга илм ва ҳикматни ўзлари яшаб, ҳаётларида татбиқ этиб ўргатадиган Пайғамбар афандимиз бундай енгил-елпи хулоса қилмасдилар ҳам.

Авалло, уларнинг асабларини юмшатишни, ҳар бирига кўнглини оладиган сўзлар айтишни муносиб кўрдилар. Шу сабабдан ҳар учовига ҳам том ҳақиқатга уйғун сўзларни айтиб, илтифот кўрғаздилар:

— Эй, Зайд, сен Оллоҳнинг дўсти, Расулуллоҳнинг дўстисан;

— Эй Жаъфар, сенинг яратилишиг ҳам, табиатинг ҳам менга ухшайди;

— Эй Али, сен менинг қардошимсан, — дедилар.

Бу сўзларга ҳеч бир мўмин бепарво бўла олмасди. Оғзидан ботил сўз чиқиши мумкин бўлмаган Буюклар Буюги, Севгилилар Севгилиси (с. а. в.) афандимизнинг бу сўзлари ҳақиқатан мўминлар учун дунёдан ҳам, дунёнинг ҳар нарсасидан ҳам қийматли эди.

¹ Нисо сураси, 59-оят.

Саййидул Анбиё вал-Мурасалин (с. а. в.) сўнгра Жаъфарга қарадилар:

— Эй Жаъфар, бу қизчани олиб кетишга энг лойиқ одам сенсан. Чунки унинг холаси сенинг хотинингдир. Чунки ҳеч ким жиянининг ёки холасининг устига никоҳ қилинмайди, — деб марҳамат қилдилар.

Жаъфар севинчдан турган жойида сакрай бошлади. Бошқа ривоятга кўра, Пайгамбар афандимиз атрофларида бир оёқлаб сакраб-сакраб уйинга тушиб кетган. Расулуллоҳ ундан, нима қилганинг бу, деб сураганларида, ҳабашистонликлар жуда суюнчили хабар олганларида мана шунақа уйнашади, деб айтган.

Қолган икки биродар бу ҳукмга нисбатан ичларида ҳеч бир ранжиш аломатини ҳис этишмади. Алам туйишмади. Ҳабиби Акрам (с. а. в.) афандимизнинг ҳақиқатта энг уйғун бўлган бу ҳукмлари қаршисида кўнгилдан рози бўлмаган инсон Мавлосини қандай рози қиларди?!

Кўнгиллар Қуръондаги Ҳазрати Марям қиссасини хотирлади. У кичкинагина чақалоқлик пайтида кимнинг ёнида қолажаги, кимнинг қафолати остида бўлажаги муноқаша мавзуи бўлган ва натижа ўлароқ бу ишни қуръа йўли билан ҳал этиш усули қўлланган эди. Ҳар ким уқини сувга ташлайди, қайси уқ сув устида қолса, бу шараф ўша уқ эгасига оид бўлади. Жаноби Мавло бу вазиятда Ҳазрати Марямни холасининг эри бўлган Ҳазрати Закариёга (а. с.) насиб этган эди.

Орадан йиллар кечажак ва Умома Ҳазрати Расулуллоҳнинг утай ўғиллари Саламага турмушга чиқажакдир (Салама муминларнинг онаси Умму Саламанинг ўғлидир).

Ҳолид ибн Валиднинг Исломини қабул этиши

Бир кеча Холид ибн Валид тушида узини ташландиқ, беҳосил, тор бир водийда кўрди. Ҳавоси юракларни сиқувчи, диққинафас эди. Сал муддат ўтар-ўтмас жилдир-жилдир сувлар ям-яшил ҳолга келтирган, одамнинг баҳри дилини очиб юборадиган водийга ўтди. Бояги сиқинтиларидан қутулди, энгил нафас ола бошлади.

Уйғониб, кўнглини гаройиб туйғулар чулғаб олганини ҳис этди. Мана, неча кунлардан бери укаси Валид ташлаб кетган мактуб зехнини машгул этиб келади. Кун сайин қалбида баъзи жараёнлар кечаётганига ишонадиган бўлди. Энди Катба яқинидан ўтаётганида у ердаги илоҳларга аввалгидек ҳурмат туймасди. Гуё ҳар ботган кун Холид кўнглидаги бу ҳурматдан бир парчасини узиб олиб кетар, чиқаятган ҳар кўёш эса қалбига у кунга қадар ҳис этмаган бир ойдинлик келтирар эди. Натижада Расули Роббул Оламийин афандимизга нисбатан соғинган душманлик туйғулари эски кучини йўқотаверди. Бир замонлар отаси Валид ибн Муғира буш қолдирган ерни мукамал шаклда тўлдиражак бир кин ва нафрат-ла мусулмонларга қараган, Оламларга Раҳмат ўлароқ юборилган Буюк Пайгамбардан ҳам катта душмани бўлмаган Холид гуё у эмасди.

Муҳаммад (с. а. в.) Каъбанинг атрофидаги бутларни илоҳ ҳисобламагани учун бунча ҳақсизликларга учраган эдилар. Ҳолбуки, энди Холид ҳам кундан-кунга уларга оддий бир тошдек қарай бошлади. Бу бутларнинг уйлар пойдеворига қўйилган тошлардан ва ёхуд учоққа қаланадиган утинлардан нима фарқи бор?!

Баъзан зеҳнига: «Ажабо, Муҳаммадга қилган ишларимизда қайси боқимдан ҳақли бўлишимиз мумкин эди?» деган савол келар, буни ҳақиқатга мос, виждонларга роҳат бахш этувчи жавобини топа олмасди. Қайси томондан қараса ҳам, болалигидан бери жуда яқиндан танийдиган Пайгамбардан қусур топиш имкони йўқ эди. Хуллас, Холид укасининг мактубидаги «Оллоҳ уни келтиражақдир», сўзининг маъносини яшаётганга ухшарди.

Ниҳоят, урнидан турди. У бир қарорга келди, бутларни тарк этишни ва Ислом динининг бир фарди бўлишни қалбига тутди. Узи учун бошқа бир чора қолмаганини англаб етди ва Мадина йулидан бошқа бир йўлни уйлашни ҳам истамай қолди.

Ҳал эта олмаган бир масаласи бор эди. Шу кунгача қилмишлари суралса, берадиган жавоби қандай бўлиши керак?..

Бугунга қадар мусулмон бўлганларнинг ҳеч биридан ҳисоб суралмаган, кечмиши билан шугулланилмаган. Аммо Холиднинг иши бошқаларникидан фарқли эди. Ҳеч бўлмаганда, Уҳуд тоғи этакларида қони оқизилган юз нафар шаҳид бор. Уларнинг ҳар бирининг орқасида қанчадан-қанча етимлар, туллар, вайронага айланган учоқлар қолган. Бу инсонларнинг оққан қонларида, улар учун тўкилган кўзёшларда Холиднинг ҳиссаси айниқса катта эди. Энди у кўзи ёшларга: «Уйларингизни, учоқларингизни бузган, сизларни бундай паришон ҳолга солган қаҳрамон менман», деб чиқиш, уларнинг етимона боқишлари қаршисида уялиш ҳазилакам гапми?!

Аммо нима бўлганида ҳам, йигит бир инсонга ярашадиган шаклда юриши, бордию жазо бериладиган бўлса, кунгил ҳузурли-ла чидаб бериши керак.

Макка кучаларида тентиб юраркан, Сафвон ибн Умаййага дуч келди.

— Эй Абу Ваҳб, қанақа ҳоллар рўй бераётганини кўрмайсанми? — деди.

— Нима гап? Нима бўлди?

— Иршайган тишларга ухшаб қолдик. Муҳаммад арабу ажамларга майдон ўқийдиган ҳолга келди. Борсак, унинг динига кирсак, унинг шарафи бизнинг шарафимиз демақдир...

Сафвоннинг юзлари буришди:

— Нималар деяётганини биласанми ўзинг, Холид?! Дунёда ўз бошимга ёлғиз қолсам ҳам, унинг динига киришни хаёлимга келтирмайман! — деб пишқирди. Кузларидан олов сачраб, юзида газаб аломатлари бўртиб чиқди. Овози бўғиқ ва бемаза бир ифодага чулганган эди. — Мен ҳали Бадрада ўлдирилган отам билан оғамни унутганим йўқ!

Сафвон буларни айтдимки ۋ Холид унинг боқишларидан ва юз тавридан уқиб олдими — ҳолат шундайки, буни Сафвоннинг ўзи ҳам билмасди.

Холид йулига кетди. Ҳали юзига тўқиб солиб улгурилмаган туйгулардан майдонга келган бир жуфт нигоҳ уни ортидан бирпас таъқиб этиб қолди. Кейин лаблари нимадир деб шивирлади, аммо Холид унинг галини эшитмайдиган даражадаги масофага кетиб бўлган эди. Сафвоннинг ёнида бири бўлганида эди, унинг тиш орасидан: «Демак сен ҳам...» деяётганини илғаб оларди...

Салдан кейин Холид Абу Жаҳнинг угли Икрима билан гаплашиб турарди. Сафвонга айтган гапларини унга ҳам айтди. Олган жавоби бошдан-охир айни эди.

— У ҳолда бу суҳбатимизни бировга айтиб юрма, эй Икрима, — деди Холид ночор.

— Жуда яхши.

Икримадан айриларкан, қарорини берган эди: ёлғиз ўзи кетаверади!

Отини ҳозирлади. Уйдан чиқди. Бу дафъа Усмон ибн Талҳага йулиқди. Бояги таклифини унга ҳам айтишдан ҳеч бир фойда йўқ эди. Чунки Уҳуд куни Усмоннинг боғли бўлгани Бани Абдуззар учун тош фалокат бўлган эди. Шу боис унинг ҳам рад этажаги юзда юз аниқ эди. Аммо ёнидан ўтиб бораётганда хаёлидан, унга ҳам бир айтиб курай-чи, деган уй ўти ва бор таваккал деб масалани очди. Сўзларини шундай тутади:

— Биз ҳозир қавагига пусиб кириб кетган тулкига ўхшаймиз. Бир пақир сув қуйсалар, учиб чиқамиз ва қўлга тушамиз.

Усмон унинг сўзларини тасдиқлади:

— Тўғри айтяпсан, эй Холид. Эртагача кутганимда, мен ҳам бирга кетардим, — деди.

— Жуда яхши, яна бир кун туришим мумкин.

— Тонгда Яъжаж мавқеъида кўришамиз. Эрта борган шеригини кутсин.

— Келишдик.

Эрта тонгда икки ўртоқ Яъжажда кўришишди. Йулчилик бошланди. Хиёв юрганларидан сунг кимгадир йулиқишди.

— Бу кетиб бораётган одам Амр ибн Ос эмасми?

— Худди ушанинг ўзи.

Унга етиб олишди.

— Марҳабо, эй йулчилар! — деди Амр.

— Сенга ҳам марҳабо, эй Амр!

— Йул бўлсин?

— Ўзингга йул бўлсин?

— Қаёққа кетаётганларингни аввал сизлар айтинглар-чи, — деди Амр.

Амрдай айёр одам қаршисидагиларга сир бермаслик учун қирқ дарадан сув келтиради, лекин уларнинг уй-хаёлларини билмасдан мақсадини очмайди. Унинг бу хислатини ҳар икки биродар жуда яхши билишарди. Шунинг учун:

— Биз Мадинага кетяпмиз, эй Амр... Ислом динини қабул этиш ниятидамиз, — дейишди.

Амр кенг бир нафас олди.

— У ҳолда бирга-бирга кетарканмиз. Мен ҳам аини мақсадда йўлга чиққан эдим.

Амр Исломни қабул қилиш сабабини йўл-йўлакай англади кетди:

— Уҳудда, Хандақда урушдим, иккисидан ҳам соғ чиқдим. Ҳудайбия сулҳи тузилганда энди маккаликларнинг юлдузи сўна бошлаганини англадим. Узундан-узоқ ўйладим-да, Нажошийнинг ҳузурига боришга қарор бердим. Умримни қолган қисмини Ҳабаш улкасида кечирмоқчи бўлдим. Аммо мен у ердалигимда Мадинадан элчи келди ва Нажоший мусулмон бўлди. Менга ҳам, ақлинг бўлса, Ислом динини қабул, эт, деди. Бу қарорга келишимга Нажоший сабаб бўлди.

Ш тариқа уч биродар қўниб-қучиб юра-юра, Мадинага етиб бордилар. Расулulloҳ (с. а. в.) афандимиз уларнинг келаётганларидан хабар топиб, жуда хурсанд бўлдилар.

Бу воқеа ҳижрий саккизинчи йилнинг иккинчи (сафар) ойида бўлган эди.

Мусофирлар Мадинада тоза либослар кийишди ва Расули Роббул Олабийн (с. а. в.) афандимизнинг ҳузурларига киришди. Набийи Акрам (с. а. в.) уларни очиқ чехра билан қаршиладилар. Олдин Холид сўз бошлади:

— Салом бўлсин сизга, эй Оллоҳнинг расули! Мен шаҳодат келтираманки, Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ ва маъбуд йўқдир ва Сиз унинг қули ва расулисиз, — деди ва мусулмон бўлди.

— Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, эй Холид. Кел бундай, сени ҳидоятга эриштирган Оллоҳга ҳамдлар айтаман. Сенда тақдирга лойиқ ақл борлигини кўрадим, бу ақлинг сени фақат хайр ва саодат бўлган нарсага етказишини умид қилардим, — дедилар Саййидул Анбийе.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, ҳозирга қадар қаерда бўлсам, буткул ўжарлик билан сизга қарши турдим, ҳаққа қарши душман бўлдим. Бу қусурларимни кечирини сўраб Оллоҳга дуо қилсангиз.

— Ислом дини аввал қилинган гуноҳларни кечиради.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, шунга қарамай, яна дуо қилишингизни сўрайман.

Сарвари Анбийе (с. а. в.) афандимиз дуога қўл очдилар:

— Оллоҳим, Холид ибн Валидни кечир. Оллоҳ йўлидан бориш учун қилган бутун хатоларини мағфират айла.

Холиддай бели букилмас бир йигитнинг ўз ихтиёри ила Ислом динини танлаши ҳаммани мамнун этган эди. Хоссатан, укаси Валиднинг севинчи чексиз эди.

Сунгра Амр ибн Ос олдинга чиқди. Уятдан кўзларини кўтара олмасди. У ҳам шаҳодат калималарини айтди. У ҳам ўтган гуноҳларининг мағфирати учун дуо истади: Набийи Акрам (с. а. в.) афандимиз:

— Ислом динида аввалги гуноҳлар буткул учиради. Ҳижрат ҳам утган ишларни поклайди, — дедилар.

Шундай қилиб, Амр ҳам ичини кемириб турган ёмонликлардан фориғ бўлган, мўминлар орасига қўшилган эди. Энди уларнинг бир биродари бўлиб қолди.

Охирида Усмон ибн Талҳа олга чиқди. У ҳам Расули Кибриё (с. а. в.) афандимизнинг қўлларидан тутди, шаҳодат калималарини айтди...

Шундай қилиб, Қурайшнинг уч буюк кучини тамсил этувчи уч инсон ўз ихтиёрлари билан Исломга киришди: Халид ибн Валид Қурайшнинг бош қўмондонлигидан вакил эди; Амр ибн Ос араблар тан оладиган тўрт буюк дохийдан эди; Каъбанинг калитлари турадиган оиланинг буюғи эса, Усмон ибн Талҳадир.¹

* * *

Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимизнинг бир эрони қўшнилари бор эди. Арабча билмасди. Балки тилсиз эди. Аммо овқатларни зўр ҳозирлар, махсус пиширган шўрвалари гоят лаззатли бўларди. Бир куни шу эрони Расулуллоҳнинг ҳузурларига келди ва ишорат-ла:

«Овқатга марҳамат қилинг», деди.

Расулуллоҳ ёнларида турган Ойиша онамизни курсатиб ишорат билан: «Бу ҳам борадими?» дедилар.

«Йўқ».

«У ҳолда мён ҳам бормайман».

Бу суҳбат тамоман ишоралар ила кечди, битта ҳам сўз айтилмади. У киши Жанобимизнинг даъватни рад қилганларига жавобан, майли, у ҳам борса борсин, демади, қайрилиб кетди.

Ёлғиз Жанобимизни таклиф этиши эҳтимол бир кишигагина етарли овқат ҳозирлаганидандир. Озгина овқатни икки кишининг олдига қўйиб, иккаласини ҳам оч қўйишни истамагандир.

Расули Акрам (с. а. в.) баъзан қўй сўйсалар, гўштидан қўни-қўшниларга улашар эдилар. Ҳатто қўшниларга муносабатда айирмачилик юз бериб қолмаслиги учун хотинларига:

— Яҳудий қўшнимизга ҳам киритдиларингми? — деб суриштирар эдилар.

Набийий Акрам бу ҳаракатлари билан яҳудий бўлса-да, қўшничилик ҳаққини изчиллик ила риоя этиш лузумини англаган бўлардилар. Зотан Жанобимизнинг хотинлари бир гал у зотнинг: «Жаброил менга қўшни ҳаққини шу даражада тавсия этдики, қўшнининг қўшнига меросхўр эканини билдирадиган бир ҳукм келтириб қолади-ёв, дейдиган буддим», деганларини эшитишган.

¹ Сияри ибну Касир, 3/446.

Эҳтимолки, эрони қушни ҳам узига курсатилган икромларга жавобан меҳмон қилмоқчи бўлгандир. Аммо уша сафар нияти амалга ошмай қолаверди.

Бир неча кундан кейин такроран чиқди ва яна:

«Овқатта марҳабо», деди.

Жанобимиз яна аввалги суроқларини сурадилар. Шундай қилиб, у иккинчи дафъа ҳам қайтиб чиқиб кетди.

Учинчи бор келганида таклифини такрорлади. Жаноби Пайгамбар (с. а. в.) ҳам яна Ҳазрати Ойишани курсатдилар:

«Бу ҳам борадимми?»

«Ҳа».

«Бўлди, кирамиз».

Имо-ишоралар мулоқоти тутагач, Расулуллоҳ афандимиз олдинда, Ҳазрати Ойиша онамиз орқаларида, эрони қушнининг уйига йўналишди.

Тамим қабиласи ва Ақроъ

Бани Тамим халқи Мадинада яшаётган пайгамбар ҳақларида эшитган, аста-секин Исломи томир отиб бораётганини кузатиб юрар эди. Бир куни ораларида бир мажлис бўлди. Охирида шоир ва хатибларини олиб Мадинага боришга қарор қилишди.

Катта бир гуруҳ Мадинага кириб келди. Бу пайтда пешин намозига яқин қолган эди. Расули Акрам (с. а. в.) афандимиз ҳужраларида дам олаётган эдилар. Тамимликлар масжидга киришди, Пайгамбарни сурашди, уйларида эканликларини билишгач, ташқари чиқишди. Пайгамбари Зишон ҳужраларининг орқа томонидан баланд овозда:

— Эй Муҳаммад, бу ёққа чиқ!.. — деб бақаришди.

Бир неча кишининг кетма-кет бақариши Жанобимизни бевозта қилди. Бу орада Ақроъ ибн Хобис қичқаришга тушди:

— Эй Муҳаммад! Шуни биласанки, мен мадҳи шараф келтирувчи, таҳқири тубан туширувчи бир кишиман.

Яъни, қусурсиз бир одамман, ким мени олқишласа, шараф қозонади, ким қораласа, узини кистга урган бўлади, демоқчи эди. Айни шу паллада Расулуллоҳ (с. а. в.) ташқари чиқдилар ва:

— Бу айтганларингга Оллоҳ таологина лойиқдир, — дедилар.

Масжидга утдилар. Пешин намозини уқиб бердилар. Кейин уларга юзланиб:

— Хуш, хизмат? — дедилар.

— Бир шоирларимиз ва хатибларимизни олиб келдик. Сен билан буйлашмоқчимиз. Рухсат бер, шоиримиз шеърини уқисин, хатибимиз сўзамоллик қилсин, — дейишди улар.

Шунда Расулуллоҳ (с. а. в.) дедиларки:

— Биз шеърхонлик қилиш вазифасини олмадик. Узини

мадҳ этиш амрини ҳам олмадик. Лекин, майли, хатибингиз гапирсин.

Уторид турди. Қавми ва қабиласини олқишлайдиган бир нутқ қилди. Моли мўл-қул, жанг илмини биладиган, душмандан қўрқмайдиган инсонлармиз, деб таърифлади. Бу масалаларда ҳеч ким улар билан бўйлаша оладиган ҳолда эмаслигини ҳам илова қилиб, сўзларини тутатди.

Расули Акрам (с. а. в.) афандимиз Собит ибн Қайсга утирилдилар ва:

— Тур, жавоб бер, — дедилар.

Собит оёққа қалқди. Оллоҳга ҳамд айтди. Жаноби Мавлонинг сифатларидан гапирди. Пайгамбар юбориш билан инсонларга энг буюк иқром кўрсатганини таъкидлади. Кўплар юз утиргани ҳолда Пайгамбарлар Султонига илк соҳиб чиққан ва илк иймон келтириш саодатини қўлга киритганлар узлари булганини билдирди. Расулуллоҳ афандимизни мадҳ этди. Доимо у зотнинг йўлларида бўлажакларини, у кишининг амрлари-ла ҳаракат қилажакларини ифодалади. Сўзларини бутун мўминларга мағфират тилаклари билан якунлади.

Сунгра Жаноби Расулуллоҳ уларнинг шоирига изн бердилар. Забарқон исми шоир урнидан туриб, бир шеър ўқиди. Ортидан Жанобимиз Ҳассон ибн Собитни тургаздилар. У ҳам бир шеър билан жавоб берди.

Шу тариқа мусобақа ноҳоясига етди. Ақроъ ибн Хобис натижани шундай эълон қилди:

— Валлоҳи, бу одам ёрдам оляпти. Унинг хатиби бизнинг хатибимиздан чиройли сўзлади. Унинг шоири бизникидан кўра мукамал шеър ўқиди. Уларнинг овозлари бизникилардан кучли чиқяпти.

Шу гапларни айтиб бўлгач, Ақроъ Расулуллоҳнинг қошларига келди ва:

— Мен инондимки, сен Оллоҳнинг пайгамбарисан, — деб мусулмон бўлди.

Тамим қабиласи аҳли битта-битта келиб, Набийи Акрамининг ҳузурларида шаҳодат калималарини айтишди.

Жанобимиз буюрдилар, ҳар бирига совгалар улашишди.

Шундан кейин Бани Тамимга кимни амир этиб тайинлаш масаласи кўтарилди. Ҳазрати Абу Бакр билан Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳумо) сира бир фикрга кела олишмади. Бири бир номзодни кўрсатса, иккинчиси эътироз қилиб, йўқ, бошқаси бўлсин, дейди. Овозлари кўтарилиб, муноқаша ўт олиб кетадиган ҳолга келди.

Шу онда Набийлар Сарварини ваҳий ҳоли чулғаб, масалани илдиздан ҳал этди-қўйди. Бир неча дақиқадан кейин Жанобимиз Ҳужурот сурасининг ушбу илк оятларини ўқидилар:

— «Эй иймон келтирганлар, сизлар Оллоҳ ва унинг пайгамбари олдида (яъни, иккисининг изнисиз бирон сўзга ёки ишга) қадам босманглар! Ва Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. Эй мўминлар, (токи қилган яхши) амалларингиз уларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бе-

фойда бўлиб қолмаслиги учун сизлар (пайгамбар билан сўзлашган пайтларингизда) овозларингизни пайгамбарнинг овозидан юқори кутарманглар ва унга бир-бирларингизга очиқ (дагал сўз) қилгандек очиқ-дагал сўз қилманглар! Албатта, Оллоҳнинг пайгамбари ҳузурда овозларини паст қилган зотлар — ана ушалар Оллоҳ дилларини тақво учун имтиҳон қилган (яъни, тақво имтиҳонидан ўтган) зотлардир. Улар учун мағфират ва улуг ажр-мукофотлар бордир. (Эй Муҳаммад) албатта, ҳужралар ортидан туриб сизни чақирадиган кимсаларнинг кўплари нима қилиб қўйганларини билмайдиган кимсалардир. Агар улар то сиз ўзингиз уларнинг олдига чиққунингизча (сизни чақириб безовта этмасдан) сабр қилганларида, албатта, ўзлари учун яхшироқ бўлур эди. Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (1—5-оятлар).

* * *

Тамим қабиласи бир муддат Мадинада қолиб Исломи динини ўрганадиган, шундан кейин юртларига кетадиган бўлишди.

Бир куни Ақроъ масжидда намозини ўқиб бўлгач, дуога қўл очди:

— Оллоҳим, менга ва Муҳаммадга марҳамат эт, иккимиздан бошқа ҳеч кимга марҳамат этма!..

Бу дуони ичида эмас, ҳаммага эшиттириб қиларди. Жаноби Пайгамбар ҳам эшитдилар. Раҳмат ва марҳамат тилаги жуда гўзал, аммо Оллоҳнинг марҳаматини бошқалардан қизганишининг маъноси не?

Расули Муҳтарам (с. а. в.) жанобимиз унга боқдилар:

— Сен кенг нарсани торайтиряпсан, — дея танбеҳ бердилар.

Яна бир куни у Жанобимиз невараларидан бирини қучоқларига олиб ўпиб-эркалаб турганларининг устига келиб қолди. Галати бир нарсани кўриб қолгандек, огзи очилди.

— Менинг ўнта болам бор, аммо ҳалигача уларни ўпганим йўқ, — деди.

Расули Зишон (с. а. в.) унга жавобан:

— Оллоҳ сенинг қалбингдан шафқат туйғусини олган бўлса, мен нима қила оламан... Шуниси ҳақиқатки, шафқат қилмаганга шафқат қилинмас, — дедилар.

Турган-битгани даргазаб, қўпол ва дагал бўлган бу табиат Исломга киргандан сўнг ҳам шундай давом этадими ёки бирон ўзгариш бўладими?..

Бир неча кун Мадинада тургач, Бани Тамим аҳли юртларига жўнаб кетишди.

* * *

Расулуллоҳ (с. а. в.) жанобимизга Ҳужурот сурасининг илк оятлари тушганидан кейин Собит ибн Қайс масжидга келмай қўйди. Бир-икки кун кўринмагач, Жанобимиз аҳволини билиб

келишга одам юбордилар. Борганлар Собитни чуқур қайгуга ботган ҳолда топишди.

— Сенга нима бўлди, Собит, куринмай қолдинг? — деб сўрашди.

Собитнинг кўзларида ёш қалқди. Пайгамбар овозидан баланд овоз чиқарувчилар ҳақидаги оятдан сўз очиб, амалларининг ҳабата бўлгани ва жаҳаннамга лойиқ иш қилиб қўйганидан қўрқувга тушганини аңлатди.

— Узларингиз биласизларки, саҳобалари орасида овози энг баланд бўлгани менман, — деди афсуслар ичра.

Келганлар қайтиб бориб Жанобимизга воқеани тушунтиришди. Шунда Расули Акрам (с. а. в.):

— Йўқ, ҳақиқат шуки, у жаннат аҳлидандир, — деб марҳамат қилдилар.

Бир оздан кейин Собит ҳалиги биродарларини яна кутиб олди. Улар кира солиб:

— Суюнчи бер, Собит, сенга хушхабар! — дея Саййидул Кавнайн (с. а. в.) жанобимиздан эшитган гапларини бирма-бир етказишди.

Собит ўзини қўярга жой тополмай қолди, дўстларининг буйинларига осилди. Аниқ дарддан қутулган одамгина шу даража севина оларди. Дарҳол дин қардошлари билан биргаликда Жанобимизнинг ҳузурларига борди. Кузлари ич-ичидан кулиб турган инсонлар уни қарши олишди. Ҳамма унга ҳавас билан боқарди. Сарвари Олам:

— Қадрли бир инсон ўлароқ яшашга, шаҳид бўлиб Оллоҳнинг ҳузурига боришга ва жаннатга киришга рози бўлмайсанми? — деб сўрадилар.

Эсли-ҳушли бир мусулмон бундан ортиқ яна нимани ҳам истар эди!

— Мен Оллоҳ ва расули берган муждага розиман. Ва, эй Оллоҳнинг пайгамбари, бундан буён овозимни ҳеч қачон сизнинг овозингиздан баланд чиқармайман, — деди Собит ҳаяжонда.

Ушандаёқ кейин ким Собитга дуч келса, бу муждани хотирлайдиган ва «Мана жаннати одам», деб ҳавас-ла қарайдиган бўлди.

Собит Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимиз билан илк танишган кезларда Ақобада ансор номидан сўз айтган, унда: «Эй Оллоҳнинг пайгамбари, ўзимизни ва болаларимизни душмандан ҳимоя қилганимиз каби сизни ҳам ҳимоя қиламиз. Аммо бунинг эвазига бизга нима берилади?..» деган эди. Ушанда Жанобимиз унга: «Жаннат берилади!» деб жавоб қилган эдилар.

Уша кез том маъноси-ла жаннатга киришга номзод бўлган Собит энди хоссатан ўзи учун бундай қийматли бир мужда олган эди.

Расулуллоҳ афандимизнинг вафотларидан кейин пайгамбарлик даъвоси билан майдонга чиққан машҳур Мусайламатул каззобга қарши Ямомадаги жангда қатнашган Собит ибн Қайс (р. а.) Жаноби Мавло шаҳидлар учун берадиган зиёфатида

Ямома саҳросида илма-тешик ҳолда вужудидан сийрилиб чиққан топ-тоза руҳи билан иштирок этажак.

Сулайм қабиласи

Сулайм қабиласидан Қайс ибн Нушба исмли киши бир куни Мадинатун Набийга келди. У савдогар одам эди, бу муборак шаҳарга у дин учун эмас савдо-сотик ишлари билан келган эди. Лекин ҳамма нарса ҳам инсон уй-ҳаёлига, орзу-истагига уйғун жараён этавермас экан...

Бозорда савдо расталари оралаб юрганида эшитган гап-сўзлари уни беихтиёр Расулуллоҳ (с. а. в.) масжидлари томон етаклади. Бозорда халқдан эшитганларини бу ерда Фахрул Мурсаланнинг уз огизларидан ҳам тинглади. Кўзларида самимият балқиб турган, юзлари Оллоҳ нури ила мунаввар бўлган бу зот гапирган гаплар асло бепарво қолинадиган нарсалар эмасди. Ниҳоят, бу нур юзли инсон:

— Эй Қайс, сени Ислом динини қабул қилишга давъат этаман, — дедилар.

Қайс дарҳол шаҳодат калималарини сўйлади, энг охирги ва энг мукамал диннинг бир фарди бўлди. Зотан, ҳеч кутмаганда оёғи остидан чиқиб қолган бу илоҳий неъматни инкор этишдек телбаликка у қандай боради?!

Мадинага тижорат учун келган эди. Қадар уни абадий фойда келтирадиган бир тижоратга тортган, куфр ва ширк ҳаётини бериб, эвазига иймон ва ҳидоят саодатини қозонган эди.

Қайс яна бирмунча вақт Мадинада яшаб, сунгра Пайгамбар афандимиз билан хайрлашди. Оллоҳ энг кўп суйган инсонлар тўпланган бу муборак шаҳарни тарк этиб, қабиласига келди.

Оқшомлардан бирида Қайс унинг зиёратига йигилган қабилadoшларига сафар таассуротларини узоқ гапириб берди. Сўз орасида йўли Мадинага ҳам тушганини, у ерда кўрган-эшитганларини бирма-бир ҳикоя қилди. Сўзларини шундай тутатди:

— Мен румларнинг, эронликларнинг ҳикояларини эшитганман. Арабларнинг шеърларини, коҳинларнинг ўтқир гапларини, ҳимайрликларнинг масалларини эшитганман. Аммо мен Муҳаммаддан тинглаганларимнинг мазасини ҳеч биридан топмаганман. Агар яхши бир иш қилай десаларинг, менинг сўзимга қулоқ беринглар ва унинг динидан сизлар ҳам насибаларингни олинглар, — деди.

Қайснинг бу сўзлари дўстларининг юракларига яхшигина таъсир кўрсатди.

— Ўзинг бу динни қабул этдингми, эй Қайс? — деб сурашди.

— Ҳа, энг тўғри қарорга келганимга ишонган ҳолда бу динни қабул қилдим.

Мажлис қатнашчиларидан Говий ибн Абдулуззо исмли ки-

ши то уйига бора-боргунча қабиладоши Қайс айтган гапларни ақлининг бир чеккасида ҳазм қилиб борди.

Говий диний туйғулари қувватли бир киши эди. Шу сабабли богининг бир чеккасига ўзи учун махсус бир бут ўрнаштирган эди. Ора-сира шу бутнинг олдига келар, шукрларини тақдим этар, ҳожатларини арз қилар, қуллик бурчларини адо этар эди.

Қайснинг Мадина таассуротларини эшитганидан бир неча кун утган. Кундузи ишларини ўтаб булиб уйига қайтгач, боғида шундай манзара кўрдик, кўзларига ишонмай қолди. Тўшимми, ўнгимми дегандай юзига шапатилаб кўрди. Қаяқда, уйқуда эмасди. Иккита ит бутнинг шундоқ ёнгинасида: бири оёғини кутарганича бутнинг устини булгар, иккинчиси шеригини пойлаб турар эди. Бирдан миясига тепди. Бунақа одобсизликка чидаб бўладими, ахир!

— Кет, тур йўқол!.. — дея итларга ташланди. — Ўлдираман сенларни! — деб бақира кетди.

Итлар қочиб қолишди. Говий орқаларидан қўлига илинган бир-икки тош отиб, кейин бутнинг ёнига келди: шўрлик бут бошдан-оёқ сийдикка буланган эди. Турган жойида ўлик каби қимир этмай турибди. Говий бу ҳолдан жони қийналиб, нима қиларини билмай қолди. Итларни тутиб олганида-ку, қандай жазо беришни биларди! Шу пайт зехнида бирдан чақмоқ портлагандай бўлди, унинг газабини бошқа ёққа буриб юборди.

— Бу кунингдан баттар бул, устингга сийган итларга ҳам ҳеч нарса қила олмасанг!.. — дея бақирди.

Шунда ҳам ҳирсини босолмади. Қўлига болта олиб, умр бўйи ҳузурда сажда қилиб келган бутнинг бошига туширди. Бир урган билан яна тинчланмади. Кетма-кет иккинчи, учинчи бор болта солди. Хиёл ўтмай бут тилка-пора қилинган ҳолда ерда сочилиб ётарди.

Говий уловини ҳозирлади, йўлга озиқ-овқат олди ва... Қайс маҳзини қилган Буюк Пайгамбар билан кўришиш ниятида Мадинаи Мунаввара сари жўнади.

Йул бўйи у тилида айланган бир байтни хиргойи қилиб борди:

Устига тулки сийган тангри тангрими?

Йўқ бундай нарса...

Тулкилар ифлослаган тангри зиллатга тушди демак...

Узоқдан хурмо дарахтлари ила қуршалган бир шаҳар кўринди. Бир соат ўтар-ўтмас у Ҳабиби Худо (с. а. в.) жанобимиз ҳузурларида, у кишининг муборак тилларидан Ислом дини ва аҳқомини тинглаб ўтирарди. Говий пайсалга солмай бир қарорга келақолди. Зотан, инжиқланиб ўтиришдан фойда ҳам йўқ эди. Тез шаҳодат калималарини такрорлади. Энди у ҳам бир мўмин ва мусулмон бўлди.

— Отинг нима? — деб сўрадилар Фахри Коинот (с. а. в.).

— Говий ибн Абдулуззо.

Жанобимизга унинг исми ёқмади. «Говий» озгин дегани, «Абдулуззо» эса, Уззо исми бутнинг бандаси ва қули дегани эди.

— Сенинг исминг Рашид ибн Абди Раббих булсин, — дедилар.

Расули Акрам (с. а. в.) унинг Исломни қабул этганидан хурсанд эдилар, шу хурсандликларининг натижаси ўлароқ ичида булоғи булган бир парча ерни унга ҳада қилиб юбордилар. Бу булоқ узоқ замонлар «Айнур Расул» (Пайгамбар булоғи) деб айтиб юрилди.

Рашид ибн Абди Раббих Сулайм қабиласининг хайрли бир кишиси сифатида номи машҳур булажак. Севгили Пайгамбаримиз Макка фатҳи сари юриш бошлаганларида Рашид ҳам қабиласи билан биргаликда келиб қўшинга қўшилажак.¹

Ҳазрати Сафиййага тасалли

Бир кун Расулуллоҳ (с. а. в.) Ҳазрати Сафиййа онамизнинг хоналарига кирсалар, у йиглаб утирибди.

— Нега йигляяпсан? — деб сурадилар.

Сафиййа (р. а.) кўзларини артди.

— Одамни эзадиган сўзлар қулогимга чалинди. «Биз Расулуллоҳнинг ҳузурларида қадрлироқ ва шарафлироқ аёлларимиз. Чунки ҳам Пайгамбар хотини, ҳам у зотнинг ақраболаримиз. У эса бир яҳудий қизи...» дейишяпти, — деди юраги тўлиб.

Набийи Акрам бу сўзлар Ҳазрати Ойиша ва Ҳафсадан чиққанини ҳам Сафиййадан суриштириб билдилар. Суюкли завжаларига тасалли бердилар:

— Сизлар қанақасига мендан хайрли булар экансизлар, менинг эрим пайгамбар Муҳаммад Мустафодир, бобокалоним пайгамбар Ҳорун, катта амаким эса пайгамбар Мусодир (с. а. в.) десанг бўлмасмида уларга?! — дедилар.²

Ҳазрати Сафиййа Ҳабиби Худо (с. а. в.) афандимизнинг кўнгил олувчи бу сўзларидан севиниб кетди. Бу илтифот ила у зот инсонларга муносабат қандай бўлиши лозимлигини ҳам кўрсатиб бердилар. Нубувват адаби мана шундай тажаллий этади!

Хотинининг йиглаб турганини кўриб ва шикоятини эшитгач, бир инсон сифатида балки: «Ҳу-у, Сафиййа! Сен Ҳуйай ибн Ахтобнинг қизи эканингни дарров унутдингми? Назир яҳудийларининг раиси эмасмиди у?.. Азбаройи яҳудий бўлмаганим учунгина менга душман бўлган ва халқимнинг бошига Хандақ жангидек бир фалокатни келтирган одам... Ёки сен у яҳудийнинг қизи эканингни инкор қиласанми?..» дейишлари мумкин эди. Ва айтсалар, Ёлгонни эмас, айна ҳақиқатни айтардилар. Аммо бундай дейилганда бир кўнгил унглаб бўлмас даражада синар, йиқилар ва ўлар эди. Қолаверса, тубан бир отанинг гуноҳи соф туйгулар билан Саййиди Коинотта (с. а. в.)

¹ Ибн Касир. «Сияр», 4/176

² Имоми Термизий, 5/708

богланган аёлга юкланиб, бировнинг иши учун бошқаси масъул тутилган ва жазолантирилган буларди.

Ҳабиби Акрам (с. а. в.) хонадан чиқаётганларида Ҳазрати Сафиййа анча енгил тортиб, бояги нохуш сўзларни кўнглидан чиқариб улгурган эди.

Ҳа, у бир яҳудийнинг, яҳудий булганда ҳам, шафқатсиз яҳудийнинг қизи эди. Аммо тақдир қалами Сафиййани у отанинг қизи қилган бўлса, бунинг алами Сафиййадан олиниши керакми?.. Кеча бир яҳудийнинг қизи эди, аммо бутун у дунё тургунча шараф-ла эсланадиган Пайгамбарнинг завжаси бўлиш саодатига эришган. Одамларга кечаги ҳолига қараб баҳо бериш тўғри бўлса, Ҳазрати Умар бошлиқ неча-неча инсонларга не-не аччиқ ҳукмлар ўқилиши керак эди.

Кунлик беш вақт намозда ҳар мўмин «Оллоҳумма солли вала Муҳаммадин ва сўала ол-и Муҳаммадин...» дуосини ўқияжак, «Оллоҳим, сен Муҳаммадга (с. а. в.) раҳматингни ёғдир, Муҳаммаднинг оила аъзоларига раҳматингни ёғдир...» дея ниёз этажак. Бу дуодан оналаримиз Ҳазрати Ойиша насибини олажак, Ҳафса насибини олажак, Жувайрийа, Умму Салама насибини олажак-у, Сафиййа онамизга улуш тегмайдими?! Пайгамбар хотини бўлса-ю, отаси яҳудий эди, дейиладими?

Хуллас, Саййиди Коинот аввал Ҳазрати Ҳафсани топдилар, унга қилган ишининг нотўғрилигини тушунтирдилар.

— Эй Ҳафса, Оллоҳдан қўрқ, — дедилар.

Кейин Ҳазрати Ойишани топиб, унга ҳам керакли огоҳлантиришни қилдилар.

* * *

Уша куними ёки бошқа кунми Ойиша онамиз Сафиййа ҳақида Жанобимиз (с. а. в.) ила гаплашиб ўтираркан:

— Унинг паканалигининг ўзиёқ қусур сифатида етиб ортади, — деб юборди.

Ҳабиби Акрам (с. а. в.) бу сўздан нохушландилар.

— Эй, Ойиша, бир сўз айтдингки, агар бу сўзингни дарё сувига қўшсанг, уни албатта бузар, барбод ҳолга келтирар эди, — дедилар.

Ҳазрати Ойиша жим қолди. Маънавият оламининг султониға қарши: «Ҳеч ҳам ундай эмас», дейишга унда имкон йўқ эди.

Зеҳнига бошқа бир ҳодиса келди. Ушанда Коинот Саййидининг ҳузурларида бир шахсга тақлид қилган эди. Олоҳ рози бўлмайдиган иш қаршисида жим туриши мумкин бўлмаган Буюк Муршид дарҳол аралашиб:

— Катта бойлик ваъда қилинса ҳам, бир инсонни тақлид этишни орзу қилмайман, — деган эдилар.¹

Набиййи Акрам (с. а. в.) Ҳазрати Ойишани севардилар. Севган одамларининг бошида у турарди. Айни чоқда, ўртада

¹ Абу Довуд, 4/371.

агар бир ҳақ поймол этилса, Жанобимиз бунга чидаб туролмас, кўз юмиб кетолмас эдилар. Ҳаттоки бу борада гоят қадрланадиган Ҳазрати Абу Бакрнинг қизи севгили Ойиша бўлса ҳам.

Жанобимизнинг аралашувлари билан хотинлар орасида баъзан чиқиб турадиган гиди-бидилар дарров тўхтар, келишмовчиликнинг олди олинар эди. Лекин иш шу билан барҳам топиб кетмасди. Бир-бирлари ила рақобат ҳолатида яшайдиган саккиз хотин бир жойда тургандан кейин албатта одамни ҳузурсиз қиладиган воқеалар бўлиб туради. Ҳаттоки Ҳабиби Акрам (с. а. в.) афандимиз хонадонларида ҳам. ●

* * *

Ҳижратнинг еттинчи йили Мадинага бир йўқчиликни ҳам бошлаб келди. Халқ бошига яхшигина огирчилик тушди. Айни шу кунлари шаҳарга бир карвон кириб келдию одамларнинг юзига қизиллик югурди. Чунки бу карвоннинг соҳиби Жаноби Пайгамбаримизнинг куёвлари Ҳазрати Усмон (р. а.) эди. У ҳарҳолда катта фойда кетидан қувмайди, халқнинг сиқинтили ҳолатидан фойдаланиб қолай дейдиганлардан эмас.

Аммо Мадинага келгач, атрофини бир неча бой савдогарлар ўраб олишди.

— Эй Усмон, ҳисобингни чиқар, молингнинг ҳаммасини оламиз. Эвазига икки баробар ҳақ берамиз, — дейишди.

— Ундан кўпроқ берадиганлар ҳам бор, — деди Ҳазрати Усмон.

— У ҳолда уч баробар бераман.

— Янаям кўпроқ берадиганлар бор.

— Беш баробар ҳақ таклиф қиламиз, эй Усмон!

— Ундан ҳам кўпи берилди ҳисоб.

Ҳайратланарли жойи шунда эдики, карвон эндигина келган, ҳали ҳеч ким улардан олдин харидор бўлмаган эди.

— Эй Усмон, яхшилаб уйла. Мадинада биздан бошқа унақа мард йўқ. — Ким экан у харидоринг? — деб сўрашди ажабланиб.

Шунда Ҳазрати Усмон (р. а.) ҳақиқатан буюклигини кўрсатадиган гапни айтди:

— Оллоҳ таоло бирга ўн беради. Сизлар ҳам шоҳид бўлингларки, бу карвонни Оллоҳ розилиги учун Мадина фақирларига ҳада қиламан...

Шу тариқа, Ҳазрати Усмон жанг соҳасида қила олмаган ишини саховат (жўмардлик) соҳасида қилди ва буюклигини яна бир карра исботлади.

Шоҳимизнинг сониши

Расули Муҳтарам (с. а. в.) афандимиз Ҳазрати Ойишанинг (р. а.) хонасида эдилар. Эшик тақиллади ва бир хизматчи товоқда овқат кўтариб кириб қолди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, буни сизларга завжангиз Сафийя (ёки Зайнаб) бериб юборди. Салом ҳам...

Хизматчи сўзларини давом эттиролмади. Ойиша онамиз уридан сапчиб туриб, унинг қўлига шиддатли зарба солди. Товоқ ерга учиб тушиб синди, овқат атрофга сочилиб кетди.

Расулуллоҳ афандимиз жим ҳолда тўкилган овқатни тўплай бошладилар. Орада:

— Онангизни рашк туйгулари тутди, — дердилар.

Кутилмаган бу ишлардан хизматчи узини йўқотиб қўйган эди, ниҳоят ҳужини йиғиб:

— Мен нима қилайин, эй Оллоҳнинг расули? — деб сўради секин.

Жанобимиз унга бир оз кутиб туришни буюрдилар-да, бир товоқ топиб қўлига бериб чиқариб юбордилар.¹

Ҳазрати Ойиша асабийликдан узини тутолмай қолган эди. Араблар бу ҳолатга тушганлар ҳақида: «Водийнинг пастини баландидан ажратолмас», дейишади. Расули Акрам (с. а. в.) ҳам бу ҳолатида унга гапириб утиришнинг фойда бермаслигини билганларидан, индамадилар.

Аслида, Ойиша онамиз Пайгамбар завжалари ичида энг севгилиси эканини, бу қилган иши Жанобимизни ранжитишини уз исмини билган каби аниқ биларди. Шунга қарамай, хизматчининг қўлига ураётганида ишидан ҳисоб берадиган ҳолат-да эмасди.

Орадан пича ўтиб, газаби ётди. Пушаймонлик туйгуларини ифодалайдиган бир овоз билан:

— Ё Набийаллоҳ, бу ишимнинг жазоси нима бўлади? — деб сўради.

Табассумли бир юз ва тотли бир овоз унга жазони аниқлади:

— Синган товоқ урнига бир товоқ, тўкилган овқатга жавобан бир овқат.²

....

Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимиз хотинлари орасида юзага чиқиб турадиган бу ҳодисаларни сабр билан қаршилар эдилар.

Ҳар куни оқшомга яқин завжаларини битта-битта зиёрат қилиб турардилар. Ҳар биридан ҳол-аҳволини сўраб, озгина сўхбатлашиб утирардилар. Кечалик навбати келган хотинларининг олдига энг охирида кирардилар. Овқатни ҳам уша ерда еб, тунни у билан баҳам кўрардилар.

Бир куни Ҳазрати Зайнабнинг ёнига кирдилар, салом бердилар..

— Ва алайкум ассалом, эй Оллоҳнинг расули, марҳамат қилинг, — дея ширин сўз ила қаршилади Зайнаб онамиз. — Ё Набийаллоҳ, озгина асал келди. Асал шарбатидан кўнглингиз тусайдими?

¹ Бухорий, 6/157.

² Абу Довуд, 3/403.

Таклиф қабул этилди. Муминларнинг гўзал онасининг гўзал қўллари тайёрлаган ва Жаноби Мавло «Унда инсонлар учун турли-турли шифо бордир», дея таърифлаган асал Оламларга Раҳмат бўлиб келган Жанобимизга тақдим этилди.

Ҳазрати Зайнаб Жанобимизнинг асални жуда яхши куришларини биларди. Шу сабабдан, ёнимда сал бўлса-да кўпроқ турсинлар, деган умидда ўзига ҳадыя этилган асални сақлаб қўйган эди. Ҳам Расулуллоҳ мамнун бўдилар, ҳам ўзи муборақ завжининг дийдорларига кўпроқ тўйиб завқланди.

Бу пайтда Ҳазрати Ойиша Зайнабнинг хонасида нималар бўлганидан беҳабар эди. Билгани шу бўлдики, Расулуллоҳ унинг ҳузурда бошқа хотинларига нисбатан бир оз кўпроқ туриб қолдилар. Бунинг сабабини ўрганиб ва ниҳоят асал икром этилганини аниқлади. Дарҳол энг яқин кундоши Ҳазрати Ҳафсани топиб, унга воқеани тушунтирди. Натижа эътибори ила бир режа тузишди ва уни айнан амалга оширишга қарор қилиб ажралишди. Кекса Савда онамиз ҳам, ишқилиб кейин дакки еб қолмайинда, деган андишада истаб-истамай Ҳазрати Ойишанинг режаси бўйича ҳаракат қиладиган бўлди.

Эртаси Ҳабиби Худо (с. а. в.) Ҳазрати Зайнаб икром қилган асал шарбатини ичгач, оқшомги зиёратларини бошладилар. Ҳазрати Ойишанинг хонасига кириб, энди ёнига яқин борганларида онамиз қўллари билан бурунларини тўсиб, ёмон ҳид келаётгандек, юзини буриштирди.

— Сиздан магофир ҳиди келяпти, ё Набийаллоҳ... ёки асал едингизми? — деди.

— Ҳа, Зайнаб асал шарбати берган эди.

— Демак, бу сассиқ ҳид ушандан...

Жанобимиз Ҳазрати Ҳафсанинг ҳужрасига кирганларида, у ҳам шоша-пиша бурнини ёпди.

— Бу магофир ҳиди нимадан келяпти, ё Расулуллоҳ? — деди сўнгра.

Савда онамиз ҳам айна шунақа ҳаракатлар билан кутиб олди.

Магофир — сассиқ ҳидли бир гулнинг номи эди. Асалари бол тўпларкан, у гулдан ҳам аралаштириб юборган бўлса, асалнинг табиий гўзал иси бузилиб, кўнгилсиз бир ҳид келадиган бўлиб қоларди.

Аммо Расулуллоҳ афандимиздан магофир ҳиди келмаётган эди. Чунки агар бу ҳид асалда сезилганида, Зайнаб онамиз уни асло Жанобимизга ичирмас, ўзлари ҳам ҳар кун айна ҳидни берадиган бу шарбатни дарҳол тарк этар ва ичмас эдилар. Неча кундан бери ёмон ҳиди билинмаган болнинг бутун бирдан ҳид таратиб қолиши қизиқ.

Расули Акрам (с. а. в.) учала завжалари бу ҳаракатлари билан нима демоқчи бўлишаётганини тушундилар. Кайфиятлари тушди. Энг табиий бир ишлари бунақа нохуш тарзда баҳоланган эди. Уч хотинларининг тил бириктириб қилган бу ҳаракатлари қаршисида хафа бўлган Жанобимиз: «Қасамки, энди ҳеч қачон асал шарбати ичмайман!» дедилар.

Ниҳоятда севадиганлари неъматдан энди умр бўйи маҳрум булишларини билдирадиган қасамга сабабчи хотинлари Жанобимиз тарафларидан берилган бу нафис жазо қаршисида пушаймон бўлишдими? Қай даражада пушаймонлик чекишди?

Ҳадис китобларида масаланинг бу жиҳати очилмаган...

Буюк Мавло бу жазони тасдиқ этишга рози бўлмаган эди. Дарҳақиқат, ваҳий малаги Жаброили Амин келди ва Пайгамбарлар Буюгининг покиза қалбларига илоҳий ваҳийни жойлади. Орадан сал ўтмай Жанобимиз бу оятларни мусулмонларга ўқиб бердилар:

«Эй пайгамбар, нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб Оллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?! Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир. Дарвоқе, Оллоҳ сизлар учун (маълум миқдорда товон тўлаб) қасамларингиздан қутулиб чиқишни буюрган-ку. Оллоҳ хожаларингиздир. У билгучидир ва ҳикмат соҳибидир»¹.

Шундай қилиб, қасам кучдан қолдирилади, ҳатто бунақа қасам ичганлари учун Жанобимизга озор берувчи бир ифода тарзи ҳам оятдан урин олган эди.

Бу оятлар асҳоби киром орасида энг кўп Ҳазрати Абу Бакр билан Ҳазрати Умарни роҳатсиз қилди. Расули Акрамнинг оёқларига тикан кирмаслиги учун умрларини сева-сева фидо этишга рози бўлган бу икки инсоннинг қизлари тил бириктириб, Пайгамбаримизни бундай бир қасам ичишга мажбур қилдиришган эди. Жанобимиз ўзлари жуда ёқтирадиган асални емасликка, шарбатни ичмасликка осонликча, қасам ичмагандирлар, ахир...

Бу улуг саҳобалар қизларининг олдига боришди, керагича танбеҳ ва таъзирларини беришди. Оллоҳнинг расулини хурсанд қилиб абадий саодатга эришиш мумкин булиб турган бир пайтда бу хил ҳаракатлари билан бошларига балолар ёғдиришлари эҳтимолини хотирлатишди.

Энди бундан бу ёғига Расулуллоҳ Ҳазрати Зайнабнинг хонасида, мўминларнинг бу ҳимматли онаси ҳозирлаган бол шарбатини «...нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб Оллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?!» оятини ҳам эслаб ичажаклар. Айни чоқда, бошқа завжаларининг ҳам бу зотга доим бол шарбати илиниш ҳақлари бор эди².

Жума кунини амбир дуоиси

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз минбарда хутба ўқирдилар. Мўминлар бошига қуш қўнган инсонлардай сукунат-ла қулоқ солардилар. Шу пайт қибланинг қаршисидаги эшиқдан бир одам кириб келди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари! — дея овоз берди ўтирмасданок.

¹ Таҳрим сураси, 1—2-оятлар.

² Имоми Бухорий, 6/166.

Масжиддагилар унга утирилиб қарашди. Расулуллоҳ ҳам сўзларини кесдилар.

— Ё Набийаллоҳ! Молларимиз, ҳайвонларимиз паришон бўлди. Чорасиз қолдик. Оллоҳга дуо қилинг, бизларга ёмғир берсин, — деди ҳалиги киши.

Ҳамманинг кўнглидаги гапни айтган эди у. Жанобимиз бир сўз демасдан юзларини кўкка чевирдилар, қўлларини кўтардилар. Бу вазиятнинг шоҳидлари кейинчалик Расулуллоҳни таърифлашаркан, қўлларини шу даражада кўтардиларки, қўлтиқларининг остидаги оқликни кўрса бўларди, дейишган.

— Оллоҳим, имдодимизга кел, бизларга ёмғир юбор!..

— Оллоҳим, имдодимизга кел, бизларга ёмғир юбор!..

— Оллоҳим, имдодимизга кел, бизларга ёмғир эҳсон қил!..

Оллоҳим қўлларингни сувга қондир, ҳайвонларга сув бер, раҳматингни атрофга ёй, ўлик ҳолига келган бу диёрингга ҳаёт эҳсон эт!..

Севгили Пайгамбаримиз дуо қиларканлар, неча ҳафталардан бери ёмғир кутиб, кўзларини кўк юзидан узмаган инсонлар жону дилдан омин деб туришарди.

Кейин Расулуллоҳ хутбани тугатдилар. Минбардан тушиб келиб намозни ўқиб бердилар.

Ўша куни Жума намозига кираётганда охирги марта яна осмонни кўздан кечирганлар ёмғирдан дарак берадиган кичкинагина ҳам аломат тополмай, афсус ила бош чайқашган эди. Осмон бирдай мовий рангда, шاپалоқдай ҳам булут йуқ...

Расули Акрам (с.а.в.) жанобимиз дуоларининг ортидан булутлар ҳаракатга тушиб қолганини ким қаёқдан билар эди. Аммо бу пайт кўк юзида бир булут худди ортидан биров қувлаётгандай шошиб кела бошлади. Келган сари катталашар, катталашган сайин Мадина уфқларини қоплаб борар эди.

Ниҳоят, масжиддан чиққан мўминлар ҳавода бир шабада исини туйишди. Бу шабада ёмғирнинг муждачиси эди. Юзларига севинч балқди, кўнгиллар нашъага тўлди. Тасир-тусир ёга бошлаган ёмғир бир онда ҳавони узгартириб юборди.

Ўша пайтда ўн саккиз ёшли тигдай бир йигит бўлган Анас (р.а.) у кунни эслаб: «Уйларимизга сувга гарқ бўлиб кириб борганмиз», деган. Бу билан у уша ёмғирнинг сел каби оқиб утганини ифода этмоқчи бўлган эди.

Хутба чоғи бир одамнинг масжидга кириб айтган сўзларию Пайгамбаримизнинг қилган дуолари ўша куни хонадонларда роса гапга мавзу бўлди.

У кун ўтди, эртаси ҳам ўтди, том бир ҳафта ҳам ўтди, аммо на ёмғир тинди, на суръати камайди. Томлардан оқиб кетди, йўллар юриб бўлмайдиган ҳолга келди. Атроф балчиққа тўлди.

Мўминлар яна жума намозига йигилишди. Хутба бошланди. Шу пайт яна аввалги эшиқдан эҳтимол яна уша киши кириб келди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари!.. — дея хитоб қилди.

Жанобимиз яна суҳбатдан тўхтаб, у одамга қарадилар. Бошқалар ҳам утирилишди. У сўзида давом этди:

— Ё Набийаллоҳ! Уйларимиз қулади, молларимиз ўлди, йўллар абгор ҳолга келди. Роббингизга дуо этинг, ёмғирни тўхтатсин.

Расулуллоҳ қўлларини кўтардилар:

— Оллоҳим, атрофимизга ёғдир, устимизга эмас! Оллоҳим, тепаликларга, тоғларга, яйловларга, водийларга, ўтлоқларга ёғдир!.. — дея ниёз этдилар.

Дуодан тўхтаган заҳотлари тепадаги булутлар тешилиб худди кийимдек чок-чокидан сўкила бошлади. Салдан кейин қуёш кўринди.

Булутлар Мадинани айланасига қуршаб олган, очилиб қолган кўк юзи мовий тусли бир тожга ўхшаб қолган эди.

Шу ҳодиса ҳақида хабар берганлар осмоннинг у ҳолини «...ка-анна ҳу иклилун» (худди бир тождай) деб таъриф қилишган.

Шаҳар атрофида ёмғир суръатини камайтирмай давом этарди. Тоғларга, водийларга, яйловларга... челақлаб қуярди. Қачондан бери сувсизлиги билан машҳур бўлган Қанот водийсида ҳам бир ой шарқираб оқди.¹

Зотус-Салосил азЗотин

Амр ибн Оснинг Исломи қабул қилганига энди бир неча ой бўлган эди. Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) уни ҳузурларига чорладилар. Шом томонда ерлашган Балий қабиласига қарши тузилган бирликка бошлиқ бўлиб боришини, уларни Исломга даъват этишини, қабул қилишмаса, тарқатиб юборишини буюрдилар.

Ҳозирланган бирлик уч юз кишидан иборат эди. Уларнинг ҳар бири Пайгамбар жанобимизга саҳобий бўлган, неча йиллардан бери у зот билан бирга Ислом даъвосига хизмат учун кўнгиб берган кишилар эди.

Уҳуд жангида Пайгамбар афандимиз ўқ узатиб турарканлар, «От, эй Саъд, ота-онам сенга фидо бўлсин!..» дея илтифот кўргазганлари Саъд ибн Абу Ваққос бу қўшинда бир аскар сифатида вазифа олган эди. Саид ибн Зайд ҳам шу сафда. Ҳар иккиси ҳам Жаноби Пайгамбаримиздан жаннати эканликларининг муждасини олган бахтли кишилар эди.

Авс қабиласининг раиси Усайд ибн Худайр, Ҳазраж қабиласининг раиси Саъд ибн Убода каби, асҳоб орасида буюк макъо соҳиби бўлган зотлар Амрнинг қўмондонлиги остига киришган, уларни истаган жойда тўхтатиш, истаган ерда юрдириш, ҳатто чоптириш ҳаққига эга эди. Бу қадар оз вақт ичида умрини шу йўлда сарф этган одамларнинг қўмондони даражасида кўтарилиш ҳар қандай кишининг қўлидан келавермайди, ахир.

¹ Бухорий, 2/16; Фатҳул Борий, 2/17; Абу Довуд, 1/417.

Ўттиз нафари отлиқ бўлган жами уч юз киши Мадинани тарк этди. Ҳаво гоят иссиқ бўлганидан кундузлари юриб бўлмасди. Кеча қулай. Ҳам бунда шовқин-суронсиз, янада тадбирли олға босиш имкони бор эди.

Балий қабиласининг маконига яқин қолганда душман лашкари ҳақида айрим маълумотлар олиб, Амрнинг юзи буришди. Сон ва куч жиҳатидан устун бўлган душман устига юриш билиб туриб ўзини таҳликага солиш демак эди. Ҳам вазифа адо этилмайди, ҳам мусулмонлар паришон ҳолга тушажаклар. Тез бир қарорга келиб, саҳобалардан Рофеъни чорлади.

— Эй Рофеъ, дарҳол Мадинага жўна, душман кучининг биздан анча кўп эканини Расулуллоҳга етказ ва ёрдам кутаётганимизни билдир, — деди.

Рофеъ йўлга тушди.

Амр кўзга чалинмайдиган бирор пана жой топиб, Мадинадан келадиган ёрдамни кута бошлади.

Расули Акрам (с.а.в.) афандимиз Рофеъдан бу хабарни олгач, икки юз кишилиқ бир гуруҳ ҳозирлаб, йўлга чиқардилар. Бу галги бирлиқда асҳобнинг икки буюғи Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Умар ҳам бор эдилар. Қўмондонлиққа Ҳазрати Абу Убайда тайин этилди.

Жанобимиз Абу Убайдага Амр ила ихтилофга тушмаслигини, бир-бирлари билан иттифоқ бўлиб ҳаракат этишлари кераклигини тавсия этдилар.

Юра-юра, бу иккинчи қўшин ҳам Амрнинг қўшини турган жойга етди. Намоз вақти кирган эди. Ҳазрати Абу Убайда сафнинг олдига ўтди. Имом бўлиб намоз ўқиб бермоқчи эди. Аммо Амр аралашди:

— Тўхта, эй Абу Убайда. Намозга мен имомлик қиламан, чунки бу лашкарнинг амири менман, — деди.

Унг-сўлдан эътирозлар эшитилди. Бу овозлар Абу Убайданинг қўмондон эканини, намозга ҳам у имомлик қилиши лозимлигини ифода этарди.

— Сизлар менга ёрдам учунгина келгансизлар. Бундан буён менинг амримга кўра ҳаракат қилишга мажбурсизлар, — деди.

Ниҳоят, Абу Убайда биродарларига қараб:

— Расулуллоҳ менга ихтилофга тушмасликни буюрганлар. Амр менга итоат этмаса, мен унга итоат этаман, — деди.

Юмшоқ ҳўйли бир инсон эди. Покиза табиатнинг, ҳавасларни келтирадиган даражада гузал бир ахлоқнинг соҳиби эди. Расулуллоҳ афандимизга нисбатан бениҳоя бир ҳурмат ва итоат туйғуси бутун менлигини қўшаб олган. Унинг фикри-ёди Оллоҳ ризоси учун амал қилиш билан банд. Набийи Акрам бекордан-бекорга, «Абу Убайда жаннатдадир», демайдилар, ахир...

Шундай қилиб, Амр беш юз кишидан майдонга келган ва ичларидан камида беш нафари жаннат муждасини тирикликдаёқ олган сайланма бир қўшиннинг амири бўлиш имтиёзини

қўлга киритган эди. Олдга утиб, намозга имомлик қилди. Энди у то Мадинага боргунча бу инсонларнинг амири ва имоми бўлажақдир.

Балий қабиласининг шундоқ биқинига келиб қолишди. Тонг отиши билан уларга рубарума-рубару келишади. Аскарларга дам берилди. Ҳамма атрофга тарқалди. Утин-чўп йиғиб, гулхан ёқиш тарадудига тушиб қолишди. Кундузлари қанчалик иссиқ бўлгани билан кучёш ботганидан эътиборан ҳаво совир, кундуз билан кеча орасидаги ҳарорат фарқи анча-мунча ортар эди. Бирпасда аскарлар утинларни қучоқлаб қайтиб келишди. Амр уларнинг ёнига борди.

— Нима булар?

— Ёқиб, сал исиниб оламиз.

— Булмайди, дарров йўқотинглар, — деди Амр.

— Аммо биз совқотаяпмиз.

— Мен билмайман. Ҳеч ким ут ёқмайди. Агар ёқадиганлар бўлса, уни ўзи ёққан оловига ташлайман.

— Ҳазиллашмаяпсанми, эй Амр?

— Ҳазиллашаётганга ўхшайманми?

Амр чиндан ҳам ҳазил қилмаётган эди. Тез фурсат ичида унинг бу амри бутун лашкар орасига ёйилди. Ҳеч кимга ёқмади. Ҳазрати Умар қумондонликдан воз кечгани учун Абу Убайдадан жаҳли чиқди. Совуққотаётган инсонларнинг олов ёқишига тўсқинлик унга жуда огир ботди. Ҳазрати Абу Бакрни топиб, аҳволини тушунтирди. Ҳазрати Абу Бакр бориб вазиятни Амрга англади. Шунда Амр:

— Сенинг вазифанг менга итоат этиш эмасми? — деб сўради.

— Ҳа, шундай.

— У ҳолда, эй Абу Бакр, вазифангни бажар!

Хуллас, Амр «Менинг ишимга аралашма», демоқчи эди. Ҳазрати Абу Бакр у ердан хомуш қайтди.

— Нима қилдинг, эй Абу Бакр, нима бўлди?

Булиб утган гап-сўзни айтиб берганида Ҳазрати Умарнинг қони қайнади. Ҳозироқ бориб Амрнинг ёқасидан олмоқчи бўлди. Абу Бакр уни тутиб қолди.

Ўша кечани мўминлар совуқдан титраб ўтказишди. Тонг отиб намоз ўқилар-ўқилмас Амр юришга буйруқ берди. Лекин қаршиларида уларга қарши қўяжак, жанг қилажак бир лашкар йўқ эди. Тез тарқалишди. Амр у ерда қолмади, яна олга юрди. Қаерга борсам, душман кўринмасди. Фақат бир жойдагина кичкинагина олишув бўлиб ўтди ва бу ғавгонинг натижаси ўлароқ бир мусулмон яраланди. Амр қочоқларнинг молларини тўплади, уларни таъқиб этишга изн бермади. Ўша ерда бир неча кун тургач, орқага қайтилди.

Энди йўлларда кечалари олов ёқишга рухсат бор эди. Совуқ бир кечанинг тонгида уйгонган Амр эҳтилом бўлиб қолганини англади. Ювиниши лозим эди. Аммо бу аёзда гусул қилса, натижаси таҳликали бир хасталик бўлиши мумкин. Аҳволини дўстларига айтди. Мен бу вазиятда чўмилсам, жуда ёмон

булади, деганидан кейин сув билан олд ва орқасини ювди, таҳорат олди, гусул ўрнига таяммум қилди ва имомлик қилиб намозни ўқиб берди.

Намозни ўқиганларнинг ичи хижил эди. Аммо Амр қумондонликка бирон кимсани шерик қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. Бу аҳволда у Абу Убайдага намоз ўқиб беришни буюрса бўларди. Беш юз кишилиқ қўшин ичида тўқсон фойздан купроги Ислом динини ва Қуръонни ундан яхши биларди.

Мадинага яқин қолганида муждачи жунатилди. Ортидан ўзлари ҳам шаҳарга киришди. Расулуллоҳ (с.а.в.) муждачидан ҳам, келган мусулмонлардан ҳам маълумот олдилар. Икки масалада Амрни сўроққа тутдилар:

— Эй Амр, нимага совуқ кечада олов ёқтирмадинг?

— Ё Набийаллоҳ, гулхан ёққанимизда одамлар ҳам бизнинг келганимизни билиб қолар, ҳам қанчалигимизни тахмин қилар эди. Ҳолбуки, мен тонгда уларнинг устига ҳужум қилмоқчи эдим, — деб жавоб қилди Амр.

— Нимага жунуб ҳолатида гусул қилмадинг ва таяммум билан имомликка ўтдинг?

— Ҳаво жуда совуқ эди. Чўмилсам, хасталаниб ўлиб қолишим мумкин эди. Буюк Мавломиз эса «Ўзларингни ўлдирманглар. Оллоҳ сизларга гоят марҳаматлидир», деб буюрган. Унинг бу фармонига биноан таяммум қилдим ва намозларини ўқиб бердим.

Расулуллоҳ жанобимизнинг юзларига табассум ёйилди. Унинг берган жавобларига баҳо эди бу жилмайиш. Бундай қилишинг керак эмасди, демадилар. Мана бундай қилсайдинг, демадилар.

Бу ҳодиса келажақда «Мис фотиҳи» ўлароқ тарихга кирадиган Амр ибн Осни Зотус-Салосил газотининг музаффар қумондони сифатида тасдиқ этди. Унинг қумондонликка ва амирликка жуда ҳавасманд бўлгани ҳам мана шу тажрибада кўринган эди...

Зотус-Салосил газотига чиққан бирликка Амр ибн Оснинг амир этиб тайинланишининг боиси бувисининг Балийй қабиласидан эканлиги эди. Насабда у қабилага алоқадор бўлган Амр албатта уларни ва уларнинг юртини яхшироқ биларди. Бунинг устига, Амр табиатидаги йулбошчиликка ҳавасмандлик хислатига бу тайинланув айна мос экани ҳам ёдда тутилиши керак.

Бу воқеа Амр ибн Осни «Ҳазрати пайгамбар энг кўп қадрлайдиган одам ажабо мен эканманми?» шаклида ўйлашга даъват этди. Асҳоби киром орасида энг олд сафларни олган Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар каби икки ҳурматли қайиноталарини унинг амрига шунчаки бериб қўймагандирлар, ахир... Қиёматга қадар исмлари севги ила тилга олинадиган бунча зотлар ҳаммалари Амрнинг орқасида қул боғлашди, унинг амри билан ётиб туришди, унинг буйруғи билан жанг майдони сари юришди.

Бир куни Амр Ҳабиби Худо (с.а.в.) Ёлғиз ўтирганларини

куриб қолди. Айни фурсат, деди. Ҳузурларига яқин бориб, салом берди. Гап ораси имконият топиб:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, сиз энг кўп ёқтирадиган одам ким? — деб сўради. Ва тахминан: «Ким буларди, албатта сенсан-да!» деган жавоб олишдан қаттиқ умидвор эди. Зотан, бу саволни сўратган нарса ҳам ана уша умид эди.

Пайгамбар алайҳиссалом: «Қани, дўстларимни бир-бир кўздан ўтказиб олай-чи», демасдан, ҳеч тарадудланмасдан, гоят амин бир овозда:

— Ойиша, — дедилар.

Бу жавоб Амрда иккинчи умидни уйғотди.

— Хотинлардан сўрамадим, эй Оллоҳнинг расули... Эркалардан энг кўп кимни севасиз?

— Ойишанинг отасини.

— Ундан кейин-чи?

— Умар ибн Хаттобни.

— Ундан кейин-чи?..

Расулуллоҳ (с.а.в.) саволларга кутдирмасдан жавоб берар эдилар. Амр эса, энди аниқ менинг номим тилга олинади, деган уйда қайта-қайта сўрайверди. Ниҳоят, ортиқ сўрамайман, деб қарор берди ва жим бўлди.

Йиллар ўтиб, шу хотирасини келажак наслларга сўзлаб бераркан: «Энг сўнгта қолиб кетмасам эди, деган қўрқувда сўрашдан воз кечдим», дейди Амр.¹

Бу савол-жавоб Амрни ўзи толган хаёл оламидан чиқариб ташлади. Бундан кейин асло бунақа хаёлларга берилмайдиган бўлди.

Қизиқ, Жаноби Пайгамбаримиз Ҳазрати Умардан кейин кимни тилга олдилар экан?..

Қандай яхши бўларди Амр Расулуллоҳ (с.а.в.) санаган инсонларнинг номларини бизга тўлиғича нақл этса-да, Буюклар Буюгининг кўнгилларида тизилган севги тасбеҳининг доналарини тартиби билан ўрганиш имконига эга бўлсайдик! Ёки Амр «хотинлардан сўрамадим» демаса-да, завжалари орасида Ҳазрати Ойишадан кейинги қаторни билсайдик!

Бу истаклар замоналарига етишиб булмайдиган Севгиларнинг севгилларини таниш орзуи билан тўла кўнгилларнинг ифодаларидир...

Ҳабиби Худо (с.а.в.) афандимизнинг муборак кўнгилларидан урин олишдек саодатга эришган бахтли инсонларга азалдан абадгача битмас-туганмас саломлар, ҳурматлар!..

Бир жаноза намози

Саҳобалардан бирлари вафот этиб, жаноза намозини Расулуллоҳ (с.а.в.) ўқиб бердилар. Майитнинг кўксига тўғри турдилар. Мўминлар у зотнинг орқаларида саф тортишди. Жаноза

¹ Ибн Касир. Сияр, 3/321

бимиз қўлларини кўтардилар, «Оллоҳу акбар», дея боғладилар. «Субҳонака...»ни ўқидилар. Қўлларини кўтармасдан яна «Оллоҳу акбар» дедилар, «Оллоҳумма соли, барик...» ўқидилар. Яна қўллари боғли ҳолича жаноза намозининг дуосини ўқидилар: «Оллоҳуммағфир ли ҳаййина...» — Оллоҳим, бизлардан тириklarимизни ва ўлганларимизни, бу ерда ҳозир бўлган ва бўлмаганларимизни, кичикларимизни ва катталаримизни, эркакларимизни ва хотинларимизни ўзинг кечир. Оллоҳим, бизлардан тирик қолдирганларингни Ислолда яшат, ўлдирганларингни иймон ила ўлдир. Оллоҳим, бизларни ўлганларга сабр қилиш ажридан маҳрум этма. Унинг ортидан эса йўлимизни адаштириб қўйишдан бизларни муҳофаза айла...¹

Расули Муҳтарам (с.а.в.) афандимиз бу дуони ўқиб бўлгач, туртинчи дафъа «Оллоҳу акбар» деб ўнг ва чап тарафга салом бердилар. Шу билан жаноза намози тутади.

Бу дуо ҳар жаноза намозида ўқиладиган дуо эди.

Ансордан бўлган бу марҳумнинг Оллоҳга ва расулига нисбатан севгиси ва боғлилиги Жанобимизни намоздан кейин яна такрор дуо этишга чорлади:

— Оллоҳим, уни кечир, унга марҳамат қил. Уни мағфират айла. Уни ҳар турли балолардан муҳофаза эт. Икромини мукаммал, қуноқ бўладиган манзилни гузал қил. Уни сув билан, қор билан, дўл билан ювинтир. Кийим кирдан тозаланганидек, уни ҳам хатолардан тозала. Унга дунёдаги уйдан ҳам мукамал бир уй, аҳлидан ҳам хайрли бир оила афроди, хотинидан ҳам хайрли бир ҳамроҳ бер. Уни қабр фитна ва имтиҳонидан, жаҳаннам азобидан қўри.

Бу дуо ўша ерда ҳозир бўлганларнинг қалбларини титратиб, кўнгилларини чулғаб олди. Шу даражадаки, орадан йиллар ўтиб бу хотирасини гапириб берган Авф ибн Молик атрофини қуршаб мароқ ва диққат билан эшитиб ўтирган жамоатга шундай деган эди: «Пайгамбар афандимизнинг ўша дуоларини эшитганимда у марҳумнинг ўрнида бўлишни шундай истадимки...»

Ажабо, Авф яна қанча яшаркин? Эртага узига ҳам шундай дуо насиб қилармикин?.. Бу дуо унча-мунча одамнинг оғзидан эмас, Буюк Мавло энг буюк пайгамбар сифатида таялаган бир Инсон оғзидан чиқаётган эди. Бу дуо қайтарилмайди, Жаноби Мавло пайгамбарини рози этмак учун дуода истанилганидан ҳам ортигини беради, икромини янада кўпайтиради.

Эсида, бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) афандимиз:

— Рухимни қўлида тутиб турган Оллоҳга қасамки, одам қабрнинг бошига келиб, тиришиб: «Қанийди шу мазорда мен ётган бўлсайдим», дея таманни этмагунча қиёмат кўпмайди. Одамни бундай таманни этишга балолар мажбур қилади, дин туйғуси эмас, — деб марҳамат қилган эдилар.²

Расулуллоҳ (с.а.в.) инсоннинг ҳаётдан бешиш сабабларини

¹ Ибн Можа, 1/480

² Муслим, 4/223.

очиқлар эканлар, қотиллик ҳодисаси купаяжагини англаганлар. «Шу даражадаки, қотил нима учун ўлдирганини билмайди, ўлган ҳам нима сабабдан ўлдирилганини билмайди», деганлар.¹

Авф бундай кунларда яшашдан кўра, Набийлар султони-нинг дуолари ила охират сафарига чиқишликни албатта орзу қиларди.

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадина бозорига кирдилар. Ёнларида саҳобалардан бир қисми ҳам бор. Йўл чеккасида беухшов булиб ётган улоқчанинг улиги ётарди. Расули Муҳтарам афандимиз эгилиб улоқнинг қулогидан тутдилар:

— Бир дирҳамга ким олади шунини? — деб сўрадилар.

Бу тақлиф саҳобаларга галати туюлди.

— Ким унга пул сарфлайди, фойдаланиб бўлмаса... — дейишди.

Жанобимиз энди савол тарзини ўзгартирдилар:

— Текинга олишни истайсизларми?

— Валлоҳи, бу улоқча тирик бўлганида ҳам бир чақага қиммат. Чунки ҳали қулоқлари ҳам кичкинагина. Унинг устига, уликлигини инобатга олинса, нимага ҳам ярарди.

Шунда Расули Кибрийё улоқни (эчки боласи) ташлаб, қадрларини ростладилар:

— Билинларки, Оллоҳ ҳузурини дунёнинг қиймати сизлар шу улоқча берган баҳодан ҳам пастдир, — дедилар.²

Расули Муҳтарам афандимиз бу солиштириш билан ўткинчи ва фоний дунёни сабаб қилиб охиратни бой бермасликни, Оллоҳ қадрлаган нарсаларни қадрлаш лозимлигини инсонларнинг хотирига солмоқчи бўлдилар. Дунёни асл мақсад ва гоя қилиб жон-жаҳд билан тиришадиган ва бу йўлда ҳеч бир қонун ва низомига тан олмайдиганлар бир куни уларни пуншаймонлик ичига туширадиган, жазоларини чектирадиган бир оламга кўчишларини англамаслик мумкин эмасди.

Авф қиймати бу қадар бўлган дунёда уч-тўрт кун ортиқча тургандан кўра, Расули Акрам (с.а.в.) афандимизнинг қўллари ва дуолари билан қора тупроққа киришга ва охират йўлчиси бўлишга кўпроқ рози эди.

Салом Қуръон ўқийгани

Ҳазрати Ойиша онамиз хуфтон намозини Расулуллоҳ (с.а.в.) афандимизнинг имомликларида ўқиди. Кейин у зотдан урганганлари бир тавсияни адо этиш учун намоз ўқиган жойида пича ўтириб қолди. Роббига энг холис туйғулар-ла ибодатини арз этганини ўйлади. Бу орада қулогига тотли бир овоз келаверди. «Бисмиллаҳ...» айтилиб, Қуръон ўқила бошлаган эди. Бир муддат тинглаб ўтирди. Қулоқдан ҳам кўра кўпроқ

¹ Муслим, 4/223.

² Муслим, 4/2272.

кунгилларга хитоб этувчи овоз эди бу... Бу овоз бир вақтлар Расули Зишон жанобимиздан эшитгани ушбу муборак сўзларни хотирлатар эди: «Қуръон ўқийдиганларнинг энг чиройли овозлиси эшитганингиз заҳоти Оллоҳ қурқуви ила ўқиётганини ҳис этганингиз одамдир»¹.

Мана, ҳозир тинглаётгани овозга шу туйғу ҳоким эди. Хушбуй гулдан гузал ис таралишидай равшан эди бу туйғу...

Ҳазрати Ойиша шуларни хаёдан кечираркан, яна озгина қулоқ солиб ўтирди, кейин ҳужрасига ўтди. Саййидул Анбие уни кутаётган эдилар.

— Бунча қолиб кетдинг?

Бу саволда хафалик ё озорланишдан асар ҳам йўқ, севги бор, тотлилик бор эди.

— Асҳобларингиздан бирлари Қуръон ўқияпти, шуни тингладим. Бунақа қироатни шу дамгача эшитмаганман, — деб жавоб қилди Ойиша онамиз.

Расулуллоҳ афандимиз уринларидан турдилар. Севикли завжалари билан бирга қайтиб масжидга кирдилар. Ичкари зимистон қоронги, ҳеч ким кўринмайди, фақат овоз эшитилди. Қуръон ҳақида энг бехато ҳукми берадиган энг Буюк Муаллим ўқилаётган илоҳий каломга қулоқ солиб турдилар-турдилар-да, сунг завжи мutoҳҳараларига ўтирилиб, фақат у эшитадиган паст овозда:

— Абу Ҳузайфанинг озов қули Салим ўқияпти. Умматим орасида шундай бир одамни етиштирган Оллоҳга ҳамд бўлсин! — дедилар².

Пайгамбарлар Буюгининг ўзи ҳақида нима деганларини Салим эшитмаган, орқасида кимлар турганини ҳам билмас эди. Худдики атрофини қўршаб олган ва буюк бир орзу ила Каломуллоҳни тинглаётган фаришталардан хабарсиз бўлгани каби... У фақат Мавлосининг каломини ўқиётганини билар, кўнгли ҳам Мавлоси-ла баробар...

Шундан кейин Расули Муҳтарам афандимиз янги мусулмон бўлганларга эълон қилиб:

— Қуръонни тўрт кишидан ўрганинлар: Абдуллоҳ ибн Масъуд, Муоз ибн Жабал, Убайй ибн Каъб ҳамда Абу Ҳузайфанинг қули Салимдан, — деб марҳамат қилдилар³.

...Келгусида Салим покиза бир ҳаёт кечиражак, ҳавас қилишга арзигулик бир инсон бўлажак. Ҳазрати Умардек виқорли, ҳайбатли кишини ҳам мафтун этажак. Ҳатто Буюк Умар (р.а.) сунгги нафасини оларкан, ортидан халифа ўлароқ тайин этишни жуда орзу қилган икки одамнинг номини зикр этади, аммо не ёзиққи, иккиси ҳам Оллоҳнинг раҳматига қовушган бўлади. Улар Абу Убайда билан Салим эди.

Бу икки муҳтарам шахс ҳаётда бўлмаганлари учун Ҳазрати

¹ Ибн Можа, 1/425.

² Ибн Можа; 1/425.

³ Муслим, 4/1913.

Умар тўғридан-тўғри халифа тайинлашга жасорат қила олмайди, бу ишни олти кишилик бир ҳайъатга топширади...

Сафар (Жайшул Ҳабат) сафарини

Расулуллоҳ (с.а.в.) уч юз кишилик бир қўшин ҳозирладилар. Абу Убайдани қўмондон қилдилар. Денгиз соҳилигача бориш ва қутилаётган Қурайш карвонининг йўлини тўсишга буюрдилар.

Шу сафарда иштирок этган Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) хотираларини бундай баён қилади: «Йўлга отландик. Расулуллоҳ афандимиз бизга бир хуржун тўла хурмо бердилар, бошқа ейдиган нарсамиз йўқ. Хазрати Абу Убайда ўз амри ва назорати остида тутиб турган хуржундан ҳар кимга оз-оздан хурмо берарди. Емак янаям озайгач, одам бошига бир кунга биттадан хурмо бера бошлади. «Биттагина хурмо катта одамга нима бўлади?» деб уни қийнамасдик, сўргич сўрадиган болалар каби оғзимизга солиб шимиб юрардик. Кун келдики, шу битта хурмога ҳам зор бўла бошладик. Баъзан йўлимизда учраган дарахтларнинг япроқларини қоқардик-да, ўшаларни ейишга тўшардик.

Очлик ҳаддидан ошиб, кўзларимиз олди қоронгилаша бошлаган бир палла эди. Уч-тўрт киши тўпланиб олиб, нимадир муҳим иш билан машғул бўлишадиганини кўрдим. Ёнларига бордим. Учта туяни сўйишибди, энди гўштини нимталаш билан овора эдилар. Туш кўряпманми, дейсан одам. Роса зўр зиёфат бўладиган бўлди-да.

Дарҳақиқат, орадан ҳеч қанча ўтмасдан, туя гўштидан пиширилган кабоб йўлчиларнинг олдига қўйилди. Атрофдан миннатдорлик туйғулари ифодалана бошлади:

— Оллоҳ сендан рози бўлсин, эй Қайс!..

— Оллоҳ сенга ҳам, отанга ҳам икромини мўл қилиб берсин, эй саҳий уртоқ!..

Сўнгра яна сафар давом эттирилди, аммо энди ҳамманинг қорни тўқ эди.

Кейинги дам берилганида баъзилар яна дарахт баргларини ея бошлашди, ҳатто пўстлогини кемираётганлар ҳам топилди. Бундай озикланиш сафар бошлангандан бери синовдан ўтган йўлдорки, аскарлар бу қўшин отини ўзаро «Жайшул ҳабат» (Барг еювчлар) деб ҳам қўйишган.

Кўп ўтмай Қайс йўлчи ҳамроҳларига яна икром дастурхонини ҳозирлай бошлади. Учта туясини сўйди. Гўшти нимталашиб, аскарлар орасида тарқатилди.

Сафар давомида учинчи марта туялар сўйилганида қўмондон Абу Убайда одам йўллаб Қайсни чақирди.

— Бундан буён меъдан изн олмасдан асло туяларингни сўймайсан. Мен эсам сенга изн бермайман, — деди.

Жўмардлик (саҳийлик) яхши иш. Аммо уч юз кишини тўйдириш учун сўйилган тўққиз туя бир инсон учун катта бойлик ҳисобланади. Қайс оиласидан олган тарбия бўйича иш

тутди. Ҳазрати Абу Убайда эса, исрофга ухшаб кетадиган жумардликнинг олдини олган эди.

Пайгамбарнинг энг буюги билан кунгил бирлиги безаб турган бу йулчилик ҳар турли шароитларни бошидан утказиб, ниҳоят Қизил денгиз соҳилида поёнига етди. Денгиз тўлқинларнинг мавж уришлари-ла кўзга ёқимли кўриниб, юракларга фараҳлик келтирди. Ҳар томонга тарқалиб, қўнишга бир муносиб жой ахтараётганлар бирдан кузларини ишқалаб қолишди. Қураётганлари тушми ё унғ эканини англамоқчи бўлишди. Очлик ва чарчоқ инсонни хаёл оламига ҳам олиб кетиб қолиши мумкин эди-да. Бироқ на уйқу ва на хаёл... рўбарўларида кичикроқ тепаликка ухшаб бир кит балиқ ётарди!

Дарҳол бошқа сафардошлар ҳам хабардор этилди. Қурганлар ҳайратларини яширолмаб қолишди. Шу кунгача қурганлари энг катта туя ҳам бу балиқ олдида ҳеч гап эмас эди.

Ўлик ҳайвонни эса бўлармикан?.. Ўзаро маслаҳат бошлашди. Охири Абу Убайда масалага чек қўйди:

— Биз бу ерларга кайфимиз учун келмадик. Расулуллоҳ афандимизнинг амрлари билан ва Оллоҳ розилигини истаб йўлга чиқдик. Ёнимизда бундан бошқа емагимиз ҳам йўқ, бунни ейишга мажбурмиз, — деди.

Ҳеч ким эътироз қилмади. Зотан, ўрнига бундай қилсак бўлади, дейдиган ҳоллари ҳам йўқ эди. Қолавеса, қумондоннинг сўзлари ақлга тўғри келадиган бир ҳақиқат эди.

Одамларни қандайдир ҳаяжон тўлқини чулғаб олган. Қиличлар сугирилди, балиқ нимта-нимта қилинди. Баъзилар олов ёқиш учун утин йигишга тушиб кетди. Бирпасда тулханлар ёқилди, балиққабоблар ҳозирланди. Неча кундан бери очликдан паришон ҳолга келган меъдалар балиқ гўшти ила тўйдирилди. Энди очлик дарди қолмаган эди. Эҳтимолки Жаноби Мавло ўзининг розилиги учун йўлга чиққан бу инсонларни девдай қилиб яратилган бу кит балиги ила меҳмон этишни истагандир. Қўшин уша ерда бир неча кун қолиб кетди. Оч қолишса, балиқ гўшtidан кесиб дарров оловга тутилар ёки қуёшда қуришиб, бостирма қилиб қўйишар эди.

Ниҳоят, бир куни китнинг очилиб қолган қовургаси тик қилинди. Қўшиндаги энг катта туя келтирилди, устига юки ҳам ортилди. Сўнг улкан бир туйнук ҳосил қилган қобиргалар остидан утказилди. Туя шу туришида қобиргаларнинг ҳеч ерига урилмай-сурилмай бемалол утиб кетди. Бу томошани кўрсатишдан мақсадлари бу кит балиқ ҳақида Мадинада қолган биродарларига бир тасаввур бериш эди.

Қутиш мулжалдан ҳам ортиб кетди, аммо ҳамон Қурайш карвонидан дарак йўқ эди. Келганларига бир ой (бошқа ривоятга кўра, ўн беш кун) ҳам бўлди. Мадинадан чиққанларида заиф ва ориқ булган, йўлда чекилган машаққатлар туфайли баттар абгор ҳолга келган баданлар балиқ билан озуқлангач, гўё яна қайта тирилган, куч-қувват ҳосил қилган эди.

Давоми келгуси сонда



Ҳабиб Саъдулла

Дўст қадри

Шуғруллатини хотирлаб

Достон

МУҚАДДИМА

Дўстим, бугун яна сени йўқладим,
— Қайдасан?
Муаллақ қолди саволим.
Қирқ йил —
кечами ё ўтмиш, қадим,
Бевош усмирликка учди хаёлим.

Дўстим, бугун яна сени эсладим,
Бош эгиб йул олдим яна қабрингга.
Қирқ йил —
ёнма-ён ташладик одим,
Қачон етмагандим сенинг қадрингга?!

Қадр топмаганлар кетарлар ташлаб,
Биз сени бир умр тутдик-ку кафтда.
Наҳот, ташлаб кетдинг,
кўзимиз ёшлаб,
Гўё етмагандай қалбимиз тафти?!

Ташлаб кетганларга дейдилар, осон,
Қийиндир йўқотмоқ дўст-қадрдонинг.
Ҳар гал сени қумсаб уртанганда жон,
Эслайман тоғликлар маҳзун достонин.

†

Эмиш қай бир тоғнинг, қай бир кунжида,
Қабила яшаркан бахтиёр, масрур.
Унинг ҳурлигига, ором, тинчига
Бир паҳлавон княз кафилдир, мағрур.

Зиммада қабила учун масъуллик,
Умри меҳнат билан кечаркан гузал.
Унга бегонадир мутелик, куллик,
Курар мазлумликдан улимни афзал.

Иши булмас экан ўзгалар билан,
Ўзгалар тахтига қилмаган даъво.
Эли тинч яшаса, бас, дасти баланд,
Бир кун чиқиб қолмиш ғайри муаммо.

Дармиён мамлакат подшоҳига
Қабила ҳақида етибди хабар:
— Ажаб, у қандай халқ, тоғ даргоҳида
Ва кимдир у халқнинг бошида сарвар.

Агар тинч яшаса, яшаса хуррам,
Демак, етарлидир бойлик, бисоти.
Балки ўзин шоҳ деб атар княз ҳам,
Ким бўлди, қайси бир уруғдан зоти?!

Калласида минг хил фикрлар гулгон,
Қонида қайнабди очкузлик ҳисси,
Халқи хазинасин этмоғу гумдон,
Князни қул қилмоқ бўпти алқисса.

Шундайин улуғвор салтанат туриб,
Унинг амрин тутмай юролмас бир кас.
Аркони давлатга машварат қуриб,
Чопар юборибди князга, хуллас.

Чопар дабдабаю асаса билан,
Қабилага келмиш подшоҳ номидан:
— Шоҳимиз дасти зўр, толеи баланд,
Ташрифим — бу сенга эҳтиромидан.

Сен ҳам муносиб бўл бундай ҳурматга,
Бош эгиб, етиб бор этгали таъзим.
Ул зот зўр бермасдан қурол, қудратга
Мени юбордилар.
Ҳа, қадрлаш лозим.

Чопарга термулиб ҳайронлик билан,
Княз дер:
— Айт, шоҳинг муддаосини?
— То бошинг кетмасдан нодонлик билан,
Амрин тут шу тоғлар подшосининг.

Княз эҳтиросга берилмай, аста,
Элчига уқтирди кўнгул розини:
— Мен сенинг шоҳингга тобе эмасман,
Сен ҳам ўйлаброқ қўй тош-тарозини.

Халқим салтанатинг худудидамас,
Яшайди аждодлар меросларида.
Бизга ўзгалардан фармон керакмас,
Биз ҳам ўзгалардан мутлақ нарида.

Бориб айт, шоҳингга дагдага эмас,
Меҳр билан чўзсин дўстлик қўлини.
Тотув кўшниликни қилурмиз ҳавас,
Тиз чўкмоқдан афзал билиб ўлимни.

Хуш келса, боз узра, қилурмиз меҳмон,
Пойи қадамига гуллар пойандоз.
Аммо, гуруримиз
Қилмасмиз қурбон,
Эъзозга муносиб кутармиз эъзоз.

II

Ҳумрайиб, чимрилиб қайтибди чопар,
Мужда келтирибди хўп кўшиб, чатиб:
— Князи итдай қўрс,
Эли жанговар,
Кўрмаган шоҳимиз қаҳрини татиб.

Саройки бор экан, фисқу фужур бор,
Хушомадгўй ҳам кўп шоҳнинг пинжида.
Шоҳнинг назаридан бири умидвор,
Бириси ёғлиқроқ эт илинжида.

Хуллас, ёқа ушлар аркони давлат:
— У қанақа бадбахт?!
— Қандай безори?
— Унга раво эмас, меҳру мурувват...
Қизигандан-қизир иғво бозори.

Ўрин қолдирмаслар мулоҳазага,
Токи шоҳ княздан бўлсин дарғазаб.
Фитна қизиб борар ҳар бир лаҳзада,
Тафаккур ўрнига чархланар асаб:

— Шоҳим, чидамаймиз бу ҳақоратга...
— Сугурмоқлик лозим шаккок тилини...

— Лашкар тортиб бориб, падарлаънатга,
Кўкка совурайлик юртин кулини.

Токи сабоқ бўлгай ҳар бадкирдорга,
Қайта тугилмагай бундайин нодон.
Шоҳ сукутга чумар...

Келар қарорга:

— Билинг, сичқон билан олишмас арслон!

Мен ким, савлатидан тоғлар ҳурккан шоҳ,
Лашкар суриб борсам бир қабилага —
Булмасми сичқонга арслон баногоҳ
Ҳужум қилган каби иш қабилида?!

Бизга ўзини тенг кўрган князни
Келтириб пойимни уптирган маъқул
Ва унга суйанган ҳар нодон касни
Ушанда бемалол қилажакмиз кул.

Бизга мурдалардан кўра кул зарур,
Шу боис, бефойда жанг-жадал, ўлим.
Ҳамма тенг маъқуллар:

— Қойил, ташаккур!

— Бизга кўрсатдингиз заковат йўлини.

Ҳамду сано ўқиб шоҳ закосига,
Уни дуо қилар аркони давлат.
Етмоқ учун чиркин муддаосига
Мулозимларига солар маслаҳат.

— Ҳуш, баски, сурабди дўстлик қўлини,
Майли, узатайлик, нимаси, ёмон?!
Тотув қўшниликнинг тутиб йўлини,
Борайлик, қолмасин кўнглида армон.

Муғомбирлик билан иршаяди шоҳ,
Аркони давлат боз чалади қарсак;
— Элчиларим борар, этингиз огоҳ,
Шодмиз янги дўстни бу ерда кўрсак.

III

Княз ҳузурига келди чопарлар,
Ўзгача виқору
Ўзга кўрк билан.
Тотув қўшниликдан,
Дўстликдан хабар,
Савға-салом, яъни, ханжар, бўрк билан.

Илтифот кўрсатиб мезбон уларга,
Тўқди топганини дастурхонига.
... Буюк шоҳ қайси кун чиқар сафарга,
Белгиланди кутиш жойи, они ҳам.

Княз кутар бўлди ўз сарҳадида
Тоғларнинг забардаст подшосини.
У ҳурмат сақлади кўнгил қатида,
Билмас шоҳнинг асл муддаосини.

* * *

Келишилган соат,
Келишилган кун,
Ўрнига қўйилиб барча қоида.
Дармиён подшоҳни кутмоқлик учун
Княз етиб келди ваъда жойига.

Қавмидан келтирган йигирма нафар
Паҳлавон йигитлар меҳмонга пешвоз.
... Ажаб, ҳанузгача на бирор чопар,
На белги шоҳларнинг ташрифига хос?!

Княз ҳайрон эди,
Навкарлари ҳам,
Атрофни кузатди бургут кўз билан.
На бирор шарпа бор,
На бирор одам,
Не сир содир бўлди буюк дўст билан?!

Ногоҳ пистирмадан «урҳо-ур» қилиб,
Қилич яланғочлаб юз чоғли лашкар
Муру малах каби бирдан ёприлиб,
Меъзонга ташланди,
Тавба, алҳазар!

Подшоҳ ҳийласин англади княз,
Фурсат ўтган эди,
Надомат бекор,
Қўлу оёқ занжирда қудрати етмас,
Доғда қўйган эди бу разил шикор.

Уни келтирдилар шоҳ ҳузурига,
Иржайиб тутқунга тикилади шоҳ:
— Давлатим зўрига, кучим зўрига,
Имон келтирдингми, энди эй гумроҳ?!

— Тоғлик одатига бу ишинг хилоф,
Сенинг бундай мақринг номардларга хос.
Юрагингда бўлса сал ғурур, инсоф,
Мен сени мард дея этардим эъзоз.

— Мағрурсан!
— Ғурурим — тоғликлигимда!
— Тиз чўктириб қилгум ғуруринг поймол.
— Чиранма қўл-оёқ боғлиқлигимда,
Бандини бола ҳам йиқар бемалол!

Вақир-вуқир билан аркони давлат

Шоҳнинг қўлтигига пуркашади суя:
— Шоҳга гап қайтарар бу падарлаънат,
Боши ҳам елкада бир омонат-ку?!

Шоҳ кулмоқ бўлади тутқун устидан:
— Мен ҳам тоғликдирман, унутма шуни.
Этингни ажратсам арзир пўстидан,
Бироқ, кўтармагай тоғлар қонуни.

Тан олиб давлату салтанатимни
Қавминг билан киргил менинг измимга.
— Элимни, ҳурлигу адолатимни
Алишмам, сенга банд жонсиз жисмимга.

Мен қурбон бўларман, эл эса қолур,
Қолур ўз эркини айлаб ҳимоя.
Халқин сотганларнинг исми йўқолур,
Менинг исмим бўлур нажоткор қоя.

— Қавмингни бир ҳовуч чумоли мисол
Қириб ташламоққа етар қудратим.
Узинг ақл билан гапга кирақол,
Тиз чўк ва эътироф этгил давлатим;

— Тоғлар тиз чўкмагай,
Мен — тоғдан зарра,
Сен тоғлик гурурин қилма ҳақорат.
Мақринг сезганимда
Билки, бир карра
Сендай риёкорни этардим горат.

— Шошма, тиз чўктириш менинг қўлимда,
Топаман гуруринг кучин асосин.
Сени ҳукм этмагум бугун ўлимга,
Қатл ҳам қилмагум ё дорга осиб,

Зиндонга ташлангиз!
Маҳкум князни
Қоронгу зиндонга элтдилар дарҳол.
Шоҳнинг ҳаёлларин ҳеч ким билмасди,
У княз гурурин этмоқчи поймол.

Кимдан куч олади, кимга суянгай,
Нечун тан олмайди тоғлар шоҳини.
Нимадан қайгуриб,
Недан қувонгай,
Билмоқ истар эди зўр паноҳини.

Айгоқчилар кетди княз мулкига,
Ижро этмоқ учун шоҳ фармонини.
У кимга суяниб, халқин эркига
Гаров қилиб қўйди ширин жонини.

Узоқ изгидилар, қидириб жавоб
Тоғлар подшоҳин саволларига.
Булултар ортида қолгандай офтоб,
Мулкда ҳамма муштоқ ўз сарварига.

Ёвига ташланмоқ бўлган йулбарсдай,
Қушни шоҳ коридан таранг асаблар.
Эру аёл бир хил мағрур княздай,
Наҳот, тоғликларда зиддир насаблар?!

Айгоқчилар қайтди
Топган гапи шу:
— Бор экан қартайган ота-онаси,
Хотини бор экан, бағоят сулув,
Ҳам икки ўғлони, бир қайнонаси.

— Агар шулар бўлса суюнчиқлари,
Тунда босиб бориб келтиринг барин.
Айгоқчилар билан бир туп лашкари
Ижро айладилар подшоҳ амрин.

IV

Қатагон майдони.
Тумонат одам.
Шоҳ мағрур ўлтирар тахтиравонда,
Қиличи қонсираб жаллодларнинг ҳам
Қулоғи динг турар олий фармонга.

Соқчи қуршовида шердай ўкириб,
Кириб келар экан чорасиз княз.
Банди бўлмасайди, емаса фириб,
Бир ўзи юз шоҳга келгудайин, бас!

Кўзини ечдилар.
Боқди атрофга,
Мунча кўп, қонга ўч саргузашт талаб?
Дор тагида эса,
Ўхшаб офтобга,
Отаси турарди соқолин тараб.
Ё, раб! Бу қандай ҳол,
Қандай фириб боз,
Кўзларин ўқ қилиб қадади шоҳга?!Шоҳ бездай иршаяр:
— Тиз чўк, эт эъзоз,
Раҳминг келсин пирдай пушти-паноҳга.
— Ўғлим, бу маълунга тиз чўкма зинҳор! —
Майдонни қоплади ота овози. —
Ўлдирса ўлдирсин мени бу беор,
Аммо, сен тиз чўксанг бўлмасман рози!
Княз қаҳқаҳ отар,
Шоҳ талвасада:
— Ос! — деди, имонсиз қари кўппакни.
Кўз ўнгида ота қурбон бўлса-да,
Княз раво билмас кўз ёш тўкмакни.
— Онасин олиб чиқ!
Муштипар она,

Дор тагида пайдо, арқон бандида.

— Тиз чўк!

Онанг боши измимда мана!..

Она қичқиради ўз дилбандига:

— Ўғлим, бу номардга тиз чўкма, асло! —

Майдонни куршайди она овози. —

Майли, бошим кесса розиман, аммо,

Сен тиз чўкар бўлсанг эмасман рози!

Княз қаҳқаҳ отар,

Шоҳ талвасада:

— Бошини танидан қилингиз жудо!

Она типирчилаб шаҳид ётса-да,

Княз ёш тўкмакни билмайди раво.

Шу тахлит хотинин тилкадилар

Ва бисмил қилдилар икки ўғлонин.

Княз бошин эгмай қоядай турар,

Беписанд кутади шоҳнинг фармонин.

Бир айғоқчи келиб пичирлар шоҳга:

— Ягона дўстини топиб келтирдик.

Балки, таъсир этар ўша айтар гап,

Йулга солса уни қолдиринг тирик.

Нажот топган қулдай тебранади шоҳ:

— Майдонга судраб кел ўша дўстини.

У ҳам шу галварсдай бўлса баногоҳ

Биргаликда шилай улар пўстини.

Княз қатағонда дўстини куриб,

Қафасдаги шердай тортади наъра:

— Бу қандай бедодлик,

Бу қандай фириб?!

— Тиз чўк!

Дўстинг кетар узлатга қараб!

— Дўстим, бу ҳайвонга тиз чўка кўрма! —

Майдон узра кезар маҳкум овози. —

Ўлимдан баттардир чўкканинг кўрмак,

Майли, сен учун мен ўлмакка рози!

Княз наъра тортар,

Шоҳ васвасада:

— Тилини сугуриб терисин шилинг!

Жаллод кўз-кўз қилар завқу ҳафсала,

Княз бағри ёнар мисоли пилик.

Бошин урай деса бунда йўқ, девор,

Ўкириб-ўкириб чекарди фарёд.

Тулғанар кўз ёшин тукиб шашқатор,

Мисоли Ёсуман домиди Фарҳод.

Шоҳ бу манзарадан тортади ҳушёр,
Наздида кичрайиб борарди княз:
— Энди гурури ҳам, кучи ҳам бекор
Кўз ёшин тўқдими,
Тиз чўқади, бас!

Гердайиб туради тахтиравондан,
Имо билан чорлар банди князни:
— Кўз ёшинг кўп оқди тўкилган қондан,
Мени ҳайрон этар фақат бир жазминг?!

Ўлдирдим меҳрибон ота-онангни,
Парво ҳам қилмадинг,
Қаҳқаҳа отдинг.
Қатл этдим хотининг, икки болангни,
Бегисанд қарадинг, бир пулга сотдинг.

Қатра ёш тўкмадинг шунча қурбонга,
Сўқирмисан, дея мен ҳам тонг қотдим?!
Аммо, бир дўстингни беласам қонга,
Кўз ёшинг сел қилиб,
Ўзинг йўқотдинг.

Менга изоҳлаб бер,
Бу қандайин ҳол,
Гуё видолашдинг кўк, қуёш билан?!
... Княз жавоб берар туриб бемажол,
Дилда армон билан,
Кўзда ёш билан:

— Сенга бегонадир бу нодир туйғу,
Таъна қилма номард кўз ёшларимни.
Ёвуз ниятингга етолмадинг-ку,
Қатл этган билан қардошларимни.

Ота-онам сўйдинг — бағрим тилинди,
Лекин таскин берди ҳаёт қонуни.
Улар қартайганди, эрта ё индин
Кетар эди, сен ҳам биларсан буни.

Хотиним — чироғи эди хонамнинг,
Раво қилдинг гулдай жисмини ерга.
Насли қолмасин деб икки боламнинг
Терисини шилдинг, қайғурмай нега?

Лекин ҳали ёшман, умидли дунё,
Уйланарман, булар фарзандларим ҳам.
Шу боис, ёш тўкиб қилмадим гавго,
Қиличдан утганда дилбандларим ҳам.

Аммо, ҳаётимнинг содиқ ҳамроҳи,
Ягона дўстимдан айладинг жудо.
У билан кечганди умримнинг роҳи,
Энди ундай дўстни тополмам, асло!

Энди ким безатгай умрим йулини,
Бундай дустни қайдан топаман энди.
Мана сен, чўздим, деб дўстлик кўлини,
Макру ҳийла билан айладинг банди.

Қўлдан тушиб кетди шоҳнинг қиличи
Мағрур занжирбанднинг бу ҳасратидан.
Княз турар эди жонидан кечиб,
Кўзи қонга тўлиб ўч, нафратидан.

ХОТИМА

Мана икки йилки, ёнимда йўқсан,
Бугун номинг тутиб чақирмоқ абас.
Даврада қаҳқаҳанг янграмас шўҳчанг,
Бастинг кўрганларда кўзғамас ҳавас.

Бир ён бўш, мисоли синган бир қанот,
Суянмоқчи бўлсам тирсак муаллақ.
Балки имтиҳондан ўтказар ҳаёт,
Балки бу қисматни бахш этди фалак.

Икки йилки сенсиз яшар Наманган,
Бир сим узилгандай гўё торидан.
Боғидан камайди битта ғазалхон,
Бир япроқ узилган алп чиноридан.

Ғоҳо менга қараб итлар ҳурсалар,
Тушгум ўша княз тушган ҳолатга.
Сени эслаганда оқшом ё сахар,
Дейман: Дийдор қолди рўз қиёматга.

Кунлар ўтган сайин тоғдай юксалиб,
Янада улугвор сезилар қадринг.
Мен чорасиз қолиб чиқсам мунғайиб,
Мунғайиб қаршилар чорасиз қабринг.

Жойингни жаннатда тилаб худодан,
Тиловат ўрнида ўтсин бу калом.
Дўстин йўқотмасин дунёда одам,
Кафтим юзга тортиб қилгучи дуом...



Қодирийга Ҳаминафас

Эркинхон ака Акбархужа угли билан шифохонада танишиб қолдим. Самий, гаплашастганда суҳбатдошимга қаттиқ тегиб кетмасмиканман, деган мулоҳазани бир зум бўлсин унутмайдиган, тугрисузлиқ билан мулойимликни пайванд қилиб юборган, қисқаси, тоза ўзбеклардан эканлиги яққол кўриниб турган киши. Бичими ихчам, истараси иссиқ, юзида ибодатли, маърифатли одамларга хос нур жилва қилади.

Ҳозир иккита зиёлининг боши қовушса, миллатнинг узолигини англатиш йулида шаҳид кетган Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Чулпон, Фитрат каби маърифатпарварлар ҳақида гап кетади. Бу гап ҳам шундай бўлди. Ноҳақ жабранганлар тугрисида, Ҳабибулло Қодирий ҳақида эслашдик.

— Отам — Акбархужа Абдулла Қодирийдан деярли 20 ёш катта эканлар. Шунга қарамасдан, дуст тутинишган. Бу борада, Ҳабибулло ака «Отам ҳақида» деган китобларининг биринчи нашрида эслаб утадилар, — дедилар Эркинхон ака. — Бундай дустлик фақат имони бутун одамларгагина насиб этса керак...

Суҳбатимиз асносида, Акбархужа Одилхужа угли ҳам ғазаллар машқ қилиб турганлари, шеърларининг бош мавзуси имон, эътиқод, охир-оқибат эканлиги маълум бўлди. Қизиқиб қолганимни куриб, қўлсизмаларни олиб келтирдилар. Дафтарларини варақлар эканман, у кишининг мадрасаларда таҳсил олгани, ўз даврининг пешқадам зиёлилари — Алижон домла (бу зот Абдулла Қодирийга дарс берганлар), Сулаймонхужа ака (машҳур олим Ҳамид Сулаймоннинг оталари), Мулла Зайниддин ака, Абдулла Қодирийлар билан ҳамнафас бўлгани зое кетмаганини ҳис қилдим.

Шундан кейин, адабиёт ихлосмандлари ҳам баҳраманд бўлсинлар, деган умидда, битикларидан намуналарни «Шарқ юлдузи» журнаliga тавсия этдим.

Аждодларимиз руҳлари биздан шод ва ризо бўлғай!

Сабриддин Садриддинов.

Акбархужа Одилхужа уғли

ВАФО МЕХРУИ УМИДУНИ ИСПТАМАҚДА БУИДУМИ

* * *

Эй қачон булғайкиман, куйида маъво айласам,
Остонага қуйиб бошим, узимни ло айласам?!

Мундаги утган хатоликларни бир изҳор этиб,
Тавба айлаб йигласам, ешимни дарё айласам.

Қатраи жоми муҳаббатдан агар нуш айласам,
Кечалар қон йигласам, узимни жудо айласам.

Ҳалқа-ҳалқа буйнима сочсам таноби ишқини,
Мисли Мажнундек бўлиб, узимни расво айласам.

Муршиди комил топиб, йиглаб бошидан ургилиб,
Нам хоқини суриб, қузимни бино айласам.

Қуз сшимдан сув сспиб, киприкларим журоб этиб,
Сар бараҳна Һойи пуч хизматларин жо айласам.

Адлийдек расво қулинга бир назар гавси замон,
Дар қатори итларинг турдим, дебон во айласам.

* * *

Эй алифдек қоматинг, қаддим дуто қилди мани,
Офтоби ой юзинг, рангим пано қилди мани.

Гулшани рухсоринга қунмиш қаро бир андалиб,
Лоладек қон йиглатиб, сийнам қаро қилди мани.

Ҳар тараф булган паришон сунбули зулфинг сисх,
Ақли идроким олиб, ҳушдин жудо қилди мани.

Ул икки абру эрур жаллоду бераҳм ғ камон,
Куксима ханжар уриб, бағрим яро қилди мани.

Мардуми чашминг қулида тири мужгонинг эрур,
Бир отишда улдириб гамдин риҳо қилди мани.

Ёқути аҳмарга уқлаш гул даҳонинг ҳасрати,
Қит-қизил қон йиглатиб, ешим хино қилди мани.

Гавҳари байзо каби, жоно, мусаффо тишларинг,
Дурри ашқимни туқиб, қуздан аъмо қилди мани.

Адлийга аввал қилиб ширин тақаллумдан қарам,
Ифтихор тарҳин солиб соҳиб азо қилди мани.

* * *

Дардман булса дилинг, излаб даво, дармонга қоч,
Ғайрдан сурма давони, холиқи Лукмонга қоч.

Даҳридан келса бало, Аюб каби собир булиб,
Ул холиқдек ҳимматингни қил баланд, Раҳмонга қоч.

Бошинга етса ситам, ҳар кимсадин дод этмагин,
Тур сахарлар, нола қил, йиглаб ушал Субҳонга қоч.

Ери ҳамдам топмасанг, ҳасрат этарга, эй рафиқ,
Қил қироат ҳазрати «Есин»ни сен, Қуръонга қоч.

Бехуда фикру ҳасл илан дилинг қон қилмагин,
Сабр қил, шукр айлабон булгил ризо, Яздонга қоч.

Адлий гар хор айласа, хешу табору дустларинг,
Қил таваккал тангрига, бир муршиди Аълога қоч.

* * *

Жаҳон жумла банам улса, гамим кетмас, надандур бу,
Азалдан гам туробидан ҳамир булган бадандур бу.

Бу дуне лаззати бир кўз очиб юмгунча фурсатдур,
Бу нишрат кони ғамдур, охир турлик маҳамдур бу.

Кийиб турлик либос, мағрур булма ҳеч шони-шавкатта,
Қазо етса кетарсан, булгуси ул қавандур бу.

Кунгулни еди ҳақдан кеча-кундуз этмагил гофил,
Димоғингни муаттар этгали мушки-хутандур бу.

Вафо меҳри умидин истамакда билдим, аммоқим,
Дили тилга мувофиқ булмаган турли даҳандур бу.

Жаҳонда булбули бечора афгон этмак истаркан,
Дедим: Бехуда афгонинг, бироз фурсат чамандур бу.

Адолат путасин боғлаб қилинг имдодни мазлумга,
Қилиб кетдим насиҳат сизлара яхши суҳандур бу.

* * *

Оҳким, золим фалак, раҳм этмадинг аҳволима,
Қатра-қатра еш учун оққан кузимдан қонима.

Енмади бахтим чироғи, енди олам аҳли ким,
Тун сахарлар уйғониб қилган менинг афгонима.

Менга қилган аҳдини бузди, мени хор айлади,
Қуймади даврони каж, охир, мени унвонима.

Коми дил излаб жаҳонда дарбадар қон йиғладим,
Келмади раҳми фалакни айлаган нолонима.

Қуйди бағрим ғам билан, енди танним, жоним мани,
Тоқат этмас ҳеч ким бу сийнаи-сузонима.

Сабза булмай гулшани умрим хазон булди мани,
Кетди қулдан суди йуқ куп ҳасрати армонима.

Адлий куп қилма шикоят, дарҳридан тортгин тилинг,
Бергуси турли жазолар журм ила исёнима.

* * *

Парда ташла юзга жоно кўрмасин ағралар,
Боқмасин дилбар юзингга ул рақиб дилқоралар.

Илтифотинг этма, эй шоҳ, бу ҳаваслар аҳлига,
Бегараз боқмас санга билгин дилидур олалар.

Дийдасидан оқмаса еши, қади ҳам булмаса,
Ошиқи содиқ эмас, зард улмаса руҳсоралар.

Шама васлингни кўранда, дер сента парвонаман,
Курмаса, олмас ҳаёлига ушал юз қоралар.

Айладим дил уйини, жоно, ҳаёлингга макон,
Кесмарам ҳаргиз умид, кесса мени юз поралар.

Ҳуш ила ақлим безиб, мандан, нетай, бегонадур,
Имтисиз этмам бузуқ вайронами, гулзоралар.

Хоби-чун бошимни қўймай кечалар, эй моҳируй,
Кундузи девонадек кезмоқдаман бозоралар.

Айладим орзу висолин менга тушмас шуъласи,
Айласам кимга шикоят, дейди, бахтинг қоралар.

Не учун Адлий қулинг қон йиғламас ҳар соати,
Улмасун ҳеч ким кўйингга мен каби авворалар.





Сайёр

Дунё иши гаўмагаў

(Ализ сиймолар)

Шайхзода кўксидаги олов

Шайхзода домланинг дусту Ҳамид Олимжонга бағишланган шеърда шундай сатрлар бор:

«Бир кун эди, узоқ сафардан —
Қайтган эдинг бахтиср, хандон,
Қучоқлашиб, ташна лаб билан —
Упишгандик иккимиз у он».

Дарҳақиқат, домла Шайхзода дустлари билан энг самимий куришадиган, бир қоп снгоқ, қувониб-шалдираб кетадиган одам эди.

Ҳар гал учрашганда:

— Узларидан сурасак! — деб ҳол сураш одатлари бор эди.

Ҳамма хурсанд: кунгиллар чоғ буларди. Кейинроқ биз ҳам бу иборага кункиб кетдик, Шайхзодачасига «узларидан сурасак», деб бир-биримиздан кунгил сурайдиган бўлдик.

Бир кун и озарбайжон дустим, шоир ва драматург Жаҳонгир Мамедов хонамда Шайхзода шеърларини ўқиб утириб:

— Мен Шайхзода муаллимни яхши куриб қолдим. У жуда танти одам ухшайир, — деб қолди.

Одамнинг юраги, бори-йўғи, узлиги шеърига, ёзган асарларига кучиб қолишини шунда билдим...

Орадан анча вақт утди. Москвада, Горький номли адабиёт институтида талабалик йилларим эди. Тверь хиебонидаги 25-уйдамиз. Оташнафас файласуф Герцен тутилган даргоҳ. Эртадан кечгача шу бинода сабоқ оламиз. Устолар бор билимла-

рини, адабиёт, ёзувчи ва шоирлар ҳасти билан боғлиқ бўлган ҳамма гапни бизнинг хотира қутимизга жойлашга ҳаракат қилишади.

Афсуски, у вақтларда буюк Навоий, Махтумқули, Жомий, Фирдавсий, Насимий, Низомий Ганжавий, Абайлар (гарчи урус шарқшунослари уларнинг буюклигини оламга очиб қўйган булсалар ҳам) тутқун ўлкалар вакиллари бўлгани учун алоҳида урганилмас, шунчаки санаб ўтиб кетилар эди.

Худлас, бошимизда устозлар парвона...

Шундай дақиқаларнинг бирида дарсхонамизга институтдошларимдан бири югуриб келди.

— Сени йулақда отанг кутяпти, — деди менга қараб.

Эшикка отилдим. Қарасам, Шайхзода Мақсуд домла... Қувончимнинг чски йўқ эди. Бағрига отилдим... Мен учун унинг кучоғи дунё қадар кенг эди. Бир маҳал қарасам, енларида майин табассум қилиб Сокина опам турибдилар.

— Биз учун иккинчи қаватта кутарилиш куп маҳол-да, — дедилар домла ҳали ҳам мени кучоқдан қўйиб юбормай.

Мен у кишининг нуруний чсхраларидан табассум аримайдиган юзларига, ўзларига ярашиб турган қорасидан оқи купроқ тузиқ сочларига яна мсхр-ла тикиламан.

— Хуш келибсиз, домла.

Куз олдимда Тошкент, дарахлари дсвкор Анҳор буйлари...

— Айтмоқчи, қисмат қарздан кутулиб қуяй, Хайридин Салоҳ уғиллари Сайср Иноятиллоҳ уғли Файзуллоҳзодага алангали салом йўлламишлар... — деб ен чунтақларига қўл юбордилар. Ундан Хайридин Салоҳнинг «Иккинчи имтиҳон» шеърий тупламини олиб узатдилар-да:

— Саркотиб афандим, қалай, домлалар сабоғи поёнига етдим? — деб сурадилар.

— Яна бир жуфт дарс бор эди... — дедим домлага ёлгон сузлашни эп курмай.

Хайридиннинг янги осмоний ранг муқовали китобини бағримга босиб қўшимча қилдим. — Дарснинг бу егини уз домламдан олавераман.

— У чокда камина Софинахоним ила бир хиебон айланиб келсинлари? — дедилар Шайхзода қўлларини кўксиларига қўйиб.

— Йук, йук, агар ижозат берсангиз?..

У киши гапимни булиб, оғиз тўлдириб:

— Толиби илм камина учун жуфт лекцияни қурбон қилмоқчилар, шундайми?

— Шундай... Озиб-езиб келиб қолибсизлар. У егини сурангиз ўзбекча сабоқ ҳам керак, — дедим иложим қолмай. Ахир, Шайхзода домланинг ҳеч кутмаганда шунчаки айтиб юборадиган гапларида олам-олам илм, тарих, образлар қалашиб етар эди.

— Ундок бўлса, «Боки» борурмиз. Саркотиб афандим яқин ошноларидан уч-турт нафарини ҳам ўзларига ва бизга ҳамроҳ этадиларми? Шундай кафолатлари борми?

— Хуп булади!

Шундай қилиб, озарбайжон — Жаҳонгир Мамсдов, хокас — Монсей Байнов, қорақалпоқ — Даулен Айтмуратов, арман — Ашот Сократян, туркман — Италмас Нуриев, урус — Волода Савельев ҳамроҳ булишди.

Домланинг уз тиллари билан айтганда «Боки»га бордик. «Баку» ресторанига. «Пети» сгани. «Пети» хурмачага ухшаган идишда тайерланади. Нухат шурвага ухшашроқ бир мазали таом.

Айниқса, мазали, ширин, оламча мазмунга эга Шайхзода сўхбатларини айтмайсизми? Домла шунчаки гап орасида Искандар Зулқарнайндан тортиб Амир Темурга, Беруний, Жордано Бруно, Улугбеккача, мамлакатлар тарихию турли халқлар урф-одатларигача сузлаб кетадилар. Гуе енингда тирик йилнома турибди. Истаган жумбоғингни сура, сузсиз ечиб бсраверади.

Қоринни туқлаб, Горький кучаси буйлаб аста одимлаймиз. Пушкин майдонига қараб борамиз. Қўлогимга Жаҳонгир:

— Шайхзода муаллим худди узининг шеърларига ухшайди-я, — деб ҳайратланади. Мен жимгина бош силкиб, унинг сузларини тасдиқлайман. Чунки бир оғизгина бир-биримиз билан гаплашиб қолгудек бўлсак, домланинг қанча ҳикматидан бебаҳра қолиб кетишимиз мумкин. Бсбаҳра қолишни истамайман. Ҳар таъриф, ҳар тавсифни қизғониб, сўқлик билан дилимга жо эттим кслади. Энг сузамол Володямиз ҳам энтиқиб гап тинглашдан бошқа ишга ярамай қолди. Трубноий майдони сари Пушкин ҳайкали енидан чапга қайриламиз. «Ўзбскистон»

ресторанига етиб келганимизни билмай қоламиз. У срда манти, лагмон, паловнинг ёқимли буйи таралади. Кук чой... Яна ажойиботдек сеҳрли суҳбатлар...

Кунларнинг бирида, туғрироғи, 1959 йилнинг 16 февралда Москвада ўзбек адабиети ва санъати ун кунлиги ўтаётган дамда домла Шайхзода ардоқли Сокина кеннойимиз билан бирга яна институтимизга кириб келдилар.

Ҳозиргидек эсимда. Қишки охириги имтиҳонни топшириб бўлиб, ҳовлида теракнинг оппоқ қорга бурканган шохларига разм солиб утирган эдим. Кимнидир кутаётган эдим шекилли.

— Уларидан сурасак! — деб домла Шайхзода лумбиллаб қаршимда пайдо бўдилар.

Сокинахон опамиз: «Мақсуд, чух бола табиатинг бор-да, чучитиб юбординг-ку ушогни!» — деб ширин койиндилар.

Бир дамда бағрим тулиб кетди. Узимни қуярга жой тополмай қолдим. Кимни кутаётганимни ҳам унутиб, Сокинахон опани бир ёқдан домла, бир ёқдан мен култиқлаб Тверь хиебонига чиқиб кетдик.

Мақсуд Шайхзода ва Сокина опа курук қул билан келишмаган экан.

Шоир акамиз:

— Бу сизга! — деб каттагина бухчани менга узатиб қуя қолганлар. Хиебонга чиқиб, Пушкин театри рўбарўсига етганда қори тозаланган ёғоч уриндикқа бориб чукдик. Бир маҳал Шайхзода домла:

— Қани, шоир, урнингиздан турунги, — дедилар.

Урнимдан турдим. Шунда Сокина опам тиззаларида тутун счилди. Ичидан оч жигарранг тусдаги белида белбоғи ҳам бор пальтони домла кулларига олдилар. Уни буй баробар кутариб, икки бор силкиб қўйдилар-да:

— Қани, кийиб курунги-чи, — дедилар.

Пальтони кийдим. Узимга куйиб қуйгандек эди. Нима дейишни билмай кузимни пирпиратиб, гоҳ Сокина опамга, гоҳ домлага термулиб турсам, мени хижолатдан яна Шайхзода домланинг узлари чиқардилар:

— Сиздай маҳалимда кийганман. Кейин табиат иш курсатиб, ун челақ сув сигадиған самовардек бўлиб кетдим. Куриб турибсиз. Утхонамдан «Қазбек»нинг тутуни бурқсиб турибди. (У кishi «Қазбек» папироси чекардилар. Шунга шаъма.) Бу пальтони сизга илиниб, Тошкентдан кутара келдик.

Пальто учун бир суюнсам, шундай улуг одамнинг мени эслаб Тошкентдан совға кутариб келганидан минг бор суюниб, бошим кукка етди.

Пальтони счмоқчи бўлиб тарадудланаётган эдим, Сокина опам:

— Уғлон, бу энди сизникидир. Айниқса, шошиб, бизнинг пешюзимизга костюмда чиқиб келган бўлсангиз...

Сокина бонунинг совуқда қизариб турган кулларидан ўпдим. Шайх домланнинг кучоқларига ташланиб, йиглаб юбордим. Мусофирчиликда кунгил бушашиб қоларкан. Куздаги ешимни азиз меҳмонларим курмасинлар, деб анчагача кучоқлаб турдим домлани. Кунглим жуда бушашиб кетган эди. Кейин узимни базур қулга олиб:

— Шайх домла, қарздан қандай узиламан? — дедим.

Урнингизга учовимиз қайта утирдик. Шунда Шайхзода домла босиқ овозда дедилар:

— Бир замон айланиб, Оллоҳ ёш берса, кекса шоир буласиз, Файзуллоҳзода! Шунда қаршингиздан юпунгина кийимда келаётган ёш шоирга дуч келасиз, балким... Ушанда, уриниб қолмаса (агар уриниб қолса, дукондан янгисини олиб) шоир болага кийдирасиз. Шунда менинг олдимдаги қарздан қутулгайсиз!

Кун совуққина булса ҳам, бутун вужудим ёниб кетди. Ҳатто кулларим ҳам бошқача чақнагандай бўлди.

Шунда фотиҳага қул очдим:

— Илоҳи омин, айтганингиз келсин. Ушанда ҳам узингиз бошимизда устоизаълам бўлиб самовардай қайнаб турунги!

— Айтганингиз келсин! — дедилар Сокина опам.

Ҳаётнинг аломатлигини қаранг. Шу срда озгина чекиниш қилишга туғри келади. Шундан кейин неча йиллар утиб, машҳур «Гулистон» журнали ҳайъатида хизмат қилиб юрган кезларимда, кеч куз маҳалида янги йилга газета-журналларга езилмоқчи бўлиб ҳозирги Сайлтоғ кучада, урус театри ёнида кетаётсам, (рўбарўда икки қаватли универмаг буларди) ҳозирда машҳур шоир Маъруф Жалил (укамдан узр сурайман. Урни келгани учун айтяпман. Ешимиз ҳам бир срда бориб қолган. Гурур туйғусидан аллақачон йироқмиз) юпунгина бир алпозда келяпти.

— Ҳой ука, пальто қани, телпак қани? — дедим.

— Йук! — деди. — Ярамас!

У «ярамас» сизини куп айтарди у вақтларда.

Шунда Шайхзода домла башорати едимга тушиб, ақлим олинди:

— Қани, бу еққа юрин! — деб Маъруфни универмаг эшигига бошладим.

Йулда узимча, «бир йил газета-журналларни дукончалардан олиб уқисам, асакам кетмас», деб уйладим. Магазинда у вақтда буюм куп буларди. Фақат қулда пул ҳадеб ҳам булавермасди. Коммунистик жамият инсонни урта ҳоллиқда ушлаб турар, асосан қорин туйишга мулжаллаб мойна берарди. Туйиб, кскириб сма, очингдан улиб ҳам қолма, қабилида. Пальто, телпак олдик. Укамиз кийди. Хотир-жам булиб, «Гулистон»га қайтдим...

Ушанда устозим Ярослав Смеляков «Дружба народов» журналида ишларди. Домланинг пальтосини кийиб, эртаси куни унинг енига бордим. Сурат олиб боришим керак эди. Журналда домла Миртемир кириш сузлари билан шетьларим тайерланганди.

— Кеча келмоқчи эдинг чамаси? — деб суради у.

Енида Михаил Аркадьевич Светлов домла ҳам ингичка юзини бужмайтириб, алақандай қилиқ ҳангомани сузлаб турган экан. Шунда:

— Тошкентдан Шайхзода домла келган эдилар, — дедим хурсандлигимни яширмай.

— Шундоқ дегин. Курдингми, Миша, бу боланинг оёқ олиши бошқача, ана, кимлар билан мулоқотда булади. Бир куни Миртемир келган эди, бириси куни Зулфинхоним келган эди, дейди. Яқин орада Гафур Гулом ҳам кургани келган эди, деб қолса ажабмас. Мана, курасан...

Ер срилмади ерга кириб кетсам. Хижолатдан терга ботдим. Ярослав Васильевич-ку, ҳар ҳолда уз домлам, Михаил Аркадьевичдан уялиб, куп изза буддим. Лекин гапнинг тургиси шу эди. Нима булганда ҳам туғри гап яхши. Миси чик-майди. Улар менга пальто олиб келишибди, дейдиган бўлсам, гапимга-паққос ишонмаган булишарди. Узимни тийдим.

Михаил Аркадьевич булса мени хижолатдан халос этиш учун булса керак:

— Менинг ҳам юз грамм коньягим билан яримта шоколадимни ейишга муяссар булган бу, — деб қолди Смеляковга юзланиб.

— Ишонмасангиз, мана куринг? — дедим Ярослав Васильевичга Шайхзода домланинг «Чорак аср девони»ни курсатиб. Ундаги куйидаги ёзувларни урусчага билганимча ағдариб уқиб бердим: «Сайер! Бу китоб уз ичига олган йиллар — тақрибан сизнинг умрингиз миқдорига туғри келади. Бинобарин, сизнинг умрингиз шетьрий мазмунга тулиб-тошиб, чинакам ижодий ҳаёт булишини орзу қилман. Муаллифдан».

— Бутти, бутти, мақтанаверма, Шайх менга ҳам китобини тақдим этиши мумкин. Ер юзида унинг дустлари сенинг бошингдаги қалин сочларинг толаларидан ҳам кутроқ! — деб қолди Ярослав Васильевич.

Сунг суратимни у кишининг ердамчиси Алла Кирсева'га қолдириб, институтга шошилдим.

Кейинги Москвага боришларида домла Шайхзода одатдагидек яна «Москва» меҳмонхонасига тушдилар.

Сўхбатимиз қизиб кетди. Ҳамон хотиримда: мавзу Дантенинг «Илоҳий комедия»си устида борар эди. Уша сўхбатда шоирлар жаннатга ҳам, дузахга ҳам тушмайдилар. Уларнинг жойлари аросатда булади, деганлари едимда қолган. «Аросат» деган суз ушанда менга кашфиет булиб туюлган, «узбекчада ҳамма гап бор экан-ку», деб она тилимнинг имкониятлари бепосёнлигидан бир қониқиш ҳосил этган эдим.

Шу куни сўхбатимиз узоққа чузилиб, мен ҳам домлам хонасида диванда тунайдиган буддим. Шайхзода домла жуда эрта, чамаси соат беш яримларда уйғондилар. Хурматларига мен ҳам урнимдан турдим. Қарасам, ювиниб-тараниб қаёққадир отланияптилар. Бирор еққа иш билан борар эканлар-да, деган уй билан, гарчи тонг уйқуси ниҳоятда ширин булса ҳам, мен ҳам отландим.

— Йук, Файзуллоҳзода жаноблари, сиз етиб, тушнинг давомини курурсиз. Мен тонгдан елгиз баҳра олиб, ташриф буюрурман.

Гапларини икки қилмадим. Улар кучага чиқиб кетгандан кейин қаттиқ уйқу-

¹ Алла Кирсева — шоир Роберт Рождественскийнинг умр йулдоши.

га кетган эканман, бир маҳал калит буралаётганида сакраб урнимдан турдим. Шайхзода домла кириб келдилар. Орадан икки соатча вақт утибди.

— Қалай, шоир, калла пишдимми?

Кечгача бирга буддик. Қайтишимда хайрлаша туриб:

— Хуррак масаласида бутун бироз буки буладилар, — дедилар самимий табасумлари булик юзларига ёйилиб. — Бутун ётоқхонангиздаги хонангизда обдан уйқуга туйиб, эртага ун бирларда келарсиз...

Кейин мушоҳада қилиб курсам, мени «ухлаб олсин», деб куча кезгани чиқиб кетган эканлар. Чунки домла уйқуда дурустгина хуррак тортадиган одатлари бор эди. Шунда домланинг бунчалик одампарварликларидан хайратга тушиб кетдим.

Шундоқ аллома инсонга бу фоний ҳаётда яшаш осон кечмади. Тутқунлик даври сиссати одамни одамга ёв қилиб қуйганди. Одам жамият қуйнида қутирчоқдай уйнатиларди. Бировнинг бошига тушган қора кундан бироз уз манфаати йулида фойдаланарди. Шайх домлани уз уйдан кучага қувиб чиқариб ташлаган, китоблари қор босган гулзор ариқларида букиб ётган дамларни дустим Хайридин Салоҳ иккимиз бориб, уз кюзимиз билан курганмиз.

Кейин ҳаммаси анча унғулаб кетди...

Бир кун Шайхзода домла шифохонага тушиб қолдилар. Кургани борсам, «Ғафур Ғуломга очик хат» деган каттагина шеърни ўқиб бердилар. Шеър атрофда буғ таратиб қайнаб тургандай эди. Домланинг узлари ҳам пишқирибгина нафас олиб уринларида утирар эдилар. Эгниларида мул қилиб тикилган оппоқ яктақиштон узларида жуда ярашган. Яна салобатлари ортган куринарди. Сокина опам енларида парвона. Шунда домлага эркалик қилдим:

— Бизнинг «Ғулистон»га ҳам уч-туртта шунақасидан?..

— Хуп, Иноят оқсоқол угиллари, беш кундан кейин кургани келинг, «каз»ингиз ҳозир нозир булажак!

Мақсуд акага ва Сокина опага соғлиқ тилаб қайтиб кетдим.

Беш кундан кейин... О, уша мен гафлатда қолган беш кун!.. уч кундан кейин бормайманми?..

... Беш кундан сунг борсам... икки қаватли иморатнинг ҳовлига қараган эшиги олдида, турт зина устидаги шапалоқдай майдончада бир неча раҳбарлар оҳиста суҳбатлашиб туришибди. Нарироқда, елгиз турган бир туп дарахта суянганча, қулида ёйиб юборилган дастурмол тутиб олган тугарақдошим, болалик биродарим Анвар Юсуф йиғлаб турибди. Ақлим олинди. На қулогим эшитади, на кюзим куради. Ғалати бир нохуш хабарнинг совуқ шабадаси этимни жунжитиб утди.

Анвар мени курган заҳоти, оегини судраб босиб, енимга келди. Куришганимиз ҳам йуқ, яна билмадим. Каттиқ ҳаяжонда эдим... Эшиқдан барабар кириб, Шайх домлаиёз ётган хонага интилдик.

Уша оқ яктақ, оқ иштонда домлаиёз бир курпа булиб сокин етибдилар. Қайнаб турган катта самовар энди жим. Қайнашдан босилган... Ҳансираш ҳам, нафас олиш ҳам йуқ. Оташхоналаридаги ут худди сув қуйиб учирилгандай. Совуқ тер босди шекилли мени, жунжикиб кетдим.

Ортимизда сабр қилиб Сокина опам турган эканлар. Боягида эътибор қилмаган эканмиз. У киши билан имо қилиб куришган булдик. У киши узларидек сокингина:

— Мақсуд бизни ташлаб кетди! — дедилар.

Хунграб юборишдан зурга узимни тийиб, йулакка чиқдим. Йулакда Сарвар Азимов мени ишора билан тухтатдилар.

— Ёзувчилар уюшмасига бориб, домлангиз ҳужжатларини олиб, Марказқумга боринг. У ерда Лазиз Қаюм кутиб турибди. «Алвидо» хатини ёзасизлар, — дедилар.

Айтганларини қилдим. Аммо йулма-йул йиғлаб оғзаки шеър айтиб бордим. Аламин ичимга тулиб кетгандай эди.

Мана, ҳозир Шайхзода домла орамизда йуқ. Ҳатто мен — кенжа шогирдлари қаторига кирган шахс ҳам у киши ешидан утиб кетибман. Бешафқат улим ажойиб инсон, устоз, хассос шоиримизни орамиздан бевақт юлиб кетди. «Юлиб кетди» деб бекор айтаётганим йуқ. Ахир, у киши 60 ешга ҳам бормадилар.

... Лекин узимни узим у кишининг куп шогирдлари қатори овутаман. Мана, қулимда устознинг «Шуьта» китоби, «Ун беш йилнинг дафтари», «Чорак аср девони», «Йиллар ва йулар» ва ниҳоят, узлари куришлари насиб булмаган «Хие-бон»лари ва шекспирона ёзилган «Улугбек» драмаси, «Жалолитдин Мангуберди»

фожиаси ва яна унлаб китоблари, улуг мутафаккир Навоий ижодига назарлари... Ҳозирда қанотли суз булиб ёйилиб кетган, «Ғазал мулкининг султони» деб Навоий ҳазратларига қарата айтган ҳикмат тўла иборалари... кишига таскин берар экан.

Қулимда устознинг «Ўзбек совет шоирлари» кутубхонаси»да нашр этилган шеърлар китоби. Унда шундай ёзувлар бор:

«Азиларим Сайер ва Гулчехрага.
Бирлашгандек байт қўйнида жаранг қофия —
Сайер билан Гулчехранинг қалбдошлигига,
Ҳар биттасига алоҳида ижодий йул,
Лекин битта ягона ҳаётини куча,
тилаб муаллифдан» —
28/ХІІ-64.

Улар ҳамма ёш ижодкорларнинг отаси эдилар. Ҳамма қаламкаш дўстларига алоҳида-алоҳида ижод йулини тилар эдилар. Серҳикмат нафасларидан баҳраманд булиб ижод қилаётган ҳозирги ўзбек адабиети вакиллари ичида у кишининг этагини тутганлар озмунча эмас.

Шайхзода — аввало Одам эдилар. Уларига бориб қолган кезларимизда уз куллари билан пиелада чой узатар, шоколад олиб тутар эдилар. Не юмуш билан келганимизни сурашга ошиқмасдилар. Чой-нондан сунггина «лаббай» деб бизга мурожаат этардилар.

Ҳаммамизга оқ йул, алоҳида йул тилар эдилар.

Ҳозирги «Сайлгоҳ» кучаси буйлаб ҳаёлда Амир Темури бобом номидаги майдонга утаман. Уртада Шайхзода домламит. У томонда шоир дўстим, олтиндек бегубор жинвалари лабларидан аримас бегубор инсон — Хайриддин Салоҳ, бу томонда мен, шу сздаги музқаймоқ дукони сари келаётгандек буламиз. Шунда домла Шайхзода кукрак чунтакка зурга сиққан «Қазбек» папиросни қутисини очиб, бир дона папиросни қутига бир уриб қўйиб, оловга тутадилар. Уша олов қузида мангу учмай ениб туради.

Миртемир домла

Шоир Миртемир маҳалладошимиз эдилар. У кишини болалигимдан билар эдим. Қўқондупки қийган урта буй, сочи жингалакка мойил, камарини бушроқ боғлаганиданми, тез-тез шимини тирсак тираб юқорига кутаришни одат қилган, мулойим, камгап одам эди.

Ким куча эшиги енидан ўтса, аввал салом бериб улгурар ва албатта, бир пиела чойга таклиф этар эди. Мен салом берардим-у, аммо шеърини курсатишга журъат этолмас эдим. Чунки у кишининг «Сочма шеърлари», «Сурат» достони биз укувчилар орасида ёд булиб кетган, Пушкиннинг «Чаадаевга» аталган:

Сибирь конларининг тагида
Магуур сақлай олингиз чидам.
Ғамгин заҳмат кетмас беҳуда,

деб бошланадиган шеъри, «Руслан ва Людмила» достони, қатор эртақларини у киши ўзбекчага утирганлари учун ҳам бизга яхши таниш эди.

Яшириб нима қиламиз. У вақтда «Ватан адабиети» деб ҳам, «ўзбек адабиети» деб ҳам рус адабиети вакилларини уқирдик, урганардик.

1955 йил ноябрда армия сафидан таътилга келдим. Болалик дўстим Хайриддин Салоҳ кургани келиб, ҳарбий сафда юриб ёзган шеърларимни мақтаб қолди. Рағбатланиб кетдим. Чойдан кейин хайрлашар экан:

— Эртага уюшмада ёшларнинг навбатдаги машғулотини — мушоира бўлади. Панада машқ қилиб юрганнинг стар. Боргин. Шоир Миртемир бошқаради. Мақсуд Шайхзода ва Абдулла Қаҳҳорлар ҳам ҳар гал қатнашишяпти, — деди.

Хайриддиндан кейин Эркин Воҳид кириб келди. У мактабни битириб университетга ўқишга кириб, ўқитган эди.

Эртасига кечқурун ҳаммамиз йигилишиб, 1-Май кучаси, 20 уйда икки қаватли бинода жойлашган Ёзувчилар уюшмасига бордик.

Мушоира бошланди. Миртемир домла қисқа гапириб, залда ҳамма билан

утирган Абдулла Каҳҳор, Кибриё Каҳҳорова, Мақсуд Шайхзода устозларнинг исмини атадилар.

Олдинги қаторда Шотурсун Ғулом, Муҳаммаджон Кушоқов, Анвар Ғурибосов, Олим Кучқорбеков ва яна бир-иккита йигитлар исмини айтдилар. Гап Хайриддин Салоҳга келганда, алоҳида ургу бериб, нафосат ва туйгуға бой, Ҳамид Олимжондай тошиб шеър битувчи, деб узларининг тиллари билан айтганда, алқаб қўйдилар.

Бизга деганим Хайриддин Салоҳ, Эркин Воҳид, Анвар Исроиқ, Анвар Эшон, Тулқин, Тулқин Илҳомларга ва яна бошқаларга бу вақтда тугарак раҳбари — домламиз Ғайратий — ҳақиқий шеър: Чулпон, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ойбек, Асқад Мухтор, Шайхзода, Миртемирда, деб ургатар эдилар. Чулпон ва Усмон Носир шеърларини ед уқиб таҳлил этардилар. Мисол учун Чулпоннинг ҳовузда чумилаётган гузалга бағишланган шеъри бизда ниҳоятда чуқур таассурот қолдирган, Ойбекнинг «Наъматак» шеъри, Ғафур Ғуломнинг «Вақт»и, Шайхзода-нинг «Одамлар бор тирикликда уликдир, одам борки улигида тирикдир», Миртемирнинг:

— Янгамов, — дедим,
— Қайнимов, — деди.
— Бери кел, — дедим,
— Айнимов, — деди.

сингари халқчил (у вақтда негалигини билмасдик, ёқар эди, вассалом) шеърлари мсҳримизни тортиб олганди. Ғайратий домла уша қатагон йиллар зулмидан ниҳоятда қўрқиб қолган бўлсалар керак, купинча силдик, китобий, даврга мос шеърлар ёзардилар. Бизнинг шеърларни таҳрир ҳам қилган эмаслар, аммо оғзаки нутқлари образли, оғзаки ҳикоялари жонли, мароқли эди. Уша аллома шоирларнинг энг гузал шеърларини уқиб, ифодалаб берардилар. Бизнинг ютуғимиз шуни фаҳмлай олганимизда булган. Шундай қилиб адабиёт иши билан шугулланаётганлар орасида таниқсиз булсак ҳам шеърят сирларидан озми-купми бохабар эдик.

... Бир маҳал Миртемир устоз:

— Суз навбати аскар бола Сайерпулатга! — деб қолдилар.

Одамлар олдига чиқиб шеър уқиш осон эмас экан. Миртемир домла енларига чиқдим у ҳамма шеърим едимдан кутарилиб кетди... Ана, холос... Шармандалик. Уят... Юзим ловуллаб ёнар эди. Эсимга нуқул бир шеъримнинг охириги мисраси келарди, холос.

Бу вақтда анча қайралиб қолган Хайриддин Салоҳ ердამга чиқди.

— Дуслар, Сайер ҳали ҳеч ерда шеър уқиган эмас. Маъзур тутинглар. Ҳозир унга баъзи шеърларини эслатаман, узини тутиб олади, — деди.

Енингда мадақкоринг булса, йиқилмас экансан. Енимда Хайриддин боринга-ми, ҳаммаси едимга кела бошлади. Ҳусн ва садоқат ҳақида уқидим:

Тушунаман, Садоқат, Ҳусн
Бир-биридан фарқ қилар тамом,
Бошқа-бошқа булгани учун
Ҳар бирида узга-узга ном.
Ҳусн керак ҳафтада, ойда,
Ҳар кун керак булар садоқат,
Мен истардим,
 хусн бор жойда
Садоқатга жой булсин фақат!

Анча тузук булди. «Кушни қизга», «Сартарош қизга», «Япроқ», «Сени» каби шеърларни уқиб турсам, Хайриддин: «Қизни угри дерлар»ни ҳам уқи, деди наридан.

Қизни уйнинг угриси дерлар,
— Хуп, қиз — угри!
Ким экан эрлар?..

деб уқиб кетдим. Шеърлар ихчам-ихчам эди. Чамамда анча ёқди.

Абдулла Қаҳҳор ва Кибрит опадан бошқа ҳамма шёър уқиди. Деразалар қорайиб қолди. Охирида Миртемир домла:

— Хайридин, сизга илтимос. Аскар боламдан ва Эркин Воҳиддан «Оқ йул»га йигирматадан шёър танлаб берасиз, — дедилар.

Бу менинг ҳам, Эркин Воҳиднинг ҳам уша вақтдаги йирик ютуғимиз эди. Биз шундай деб баҳоладик. Аммо энг катта ютуғимиз бошқа еқда экан. Шу шёърхонликдаёқ Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби устозлар меҳрини қозонган эканмиз. Буни кейин, йиллар давомида бу алломаларнинг бизга курсатган илтифотларидан билиб юрдик.

Миртемир домла энди бу ёғига мени ҳам «уз болам»лари қаторига қушиб олдилар.

Буни мен кейин сездим. Домламдан шундай хат келди (айнан кучиряпман):

«Хурматли Сайёр Фулат!

Салом. Тароқний институтини ҳаққоний студент бўлганингиз билан мени кўнглидан ташриқлайман.

Ўқини ва ишба-иқодда янги омадлар тилайман.

7.IX.57. Миртемир»

У кишининг инсон сифатида эътиборини қаранг. Ушбу хатни уттиз йилдан бери носб бир ёдгорликдай сақлаб келяпман. Энди бу хат қўлимга теккандаги ҳолатимни тасаввур қилинг. Устозим нафаслари тесккан бу оддий қоғозни кузларимга неча бор суртганман...

Е булмаса у кишининг оталарча ғамхўрликларини қаранг. Мусофирчиликда шоғирдим тирикчиликдан азият чекмасин, деб Тошкентда туриб, ҳа, олисдан туриб, меҳрларини йкки қўлаб узатишларини қаранг. (Айнан кучиряпман):

«Хурматли ўқим Сайёрфулат!

Салом. Салтанат ва ўқинида муваффақият тилайман. Ўтган янги йил билан кўтилайман. «Кўшини кўтлаб»даги шеърларингиз ўқун бўлган қалам ҳақини ёзишти, педда оласиз, мен бу ҳақда бўлган бошқини («Шарҳ: адабиётини») Шомуҳамедов билан гаплашдим. «Оқ йул» ўқун М. Соборов сат тўрамуфсин, китоб ёнқандан кейин ёзилур, дедди. Лекин сизда тўрақима юберибди, Авдиза ҳам. Ўшалар ўқун пул ёзиб бераман, деб вақда қилди.

Ўқам! Яқини ўқини! Қўнрок, ўқини ҳақинда ўқилан. Авдиза ва бошқа, мени сўралан бўлса, салом. Ёзиб тўрақин.

Хурмат билан Миртемир

2/1-1958.»

Бундай эътиборли, жонқуяр одамни қандай яхши қурмай булади. Бу кенг-бағир одам кучоғида мендек шёър машқ қилаётган, шоир бўлишдан қура булмаси эҳтимолга яқин қанча йигитлар борлигини мен яхши билар эдим. Аммо у киши ҳаммамизга баробар меҳр қургазаверардилар. Фақат уз отанг шундай бўлиши мумкин. У фарзанд танламайди. Қайси бармоқни тишласанг уша оғриқди, деб барига баробар булади. Чунки отага фарзанднинг яхши ё ёмони булмайди.

Миртемир ҳақиқий ота эдилар. Шу боис ҳам Абдулла Қаҳҳор: Миртемир шундай мураббийки, у мисоли она қуш. Энг ширин, энг мазали донни тилининг тағида асраб юради-да, полапон еш шоирни қуриши ҳамона унинг оғзига солади, — дер эдилар.

Кунлардан бир кун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қушиқлар муҳокамаси бўлди. Унда уюшмамиз Навоий кутубхонаси рупарасида катта мажлисларни ўтказишга мулжаллаб қурилган, шифти чиройли бинода эди.

Навбат Миртемир устозга келди. У киши:

Қор ёғмасин қор устина,
Ёр севмайман ёр устина,

деган қайтариғи бор ашула учун ёзган шеърларини уларига хос салобат билан шошмай ўқиб бердилар. Мендан нарироқда ўлтирган Эркин Воҳидов менга бир варақ қоғоз узатиб қолди. Уни лочиндай сапчиб ярим йулда Азиз Абдураззоқ олиб қолиб, ёзувга куз югуртирди ва муҳокамага келган оммага ўқиб эшиттирди. Эркин Миртемир домла шеъри оҳангида бир тўртлик ёзиб, менга жунатган экан:

Кимки севса йулдошини,
Синар экан бардошини,
Юргиз тегирмон тошини
Гулчехра Сайер устина.

Кийқириқ булиб кетди. Айниқса, Миртемир домла қарсак уриб, боладай бегубор қаҳ-қаҳ уриб юбордилар.

Яна бир воқеа яхши эсимда қолган, чунки уша кунларда устозим Миртемир менга алоҳида эътибор қаратган эдилар.

1958 йил сентябрь ойида Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг навбатдаги семинари утадиган булибди. Шунда домла Миртемир таклифлари билан «Утган семинар қатнашчилари ижоди» умумий сарлавҳаси остида «ешлар ижоди»дан намуналар бериладиган булибди. «Мен Сайер ҳақида «оқ йул» ёзаман», дебдилар. Ушанда «Шарқ юлдузи» журналида Хусниддин Шарипов, Охунжон Ҳакимов, Улмас Умарбеков, Гулчехра Журсева ва менинг шеърларим алоҳида-алоҳида бетдан бошланиб босилиб чиқди. Менинг эндигина бошлаган машқларимга шундоқ катта шоир Миртемир эътибор бериб «оқ йул» ёзган эканлар. Бу ёш шоир ижодига матбуотдаги биринчи баҳо эди. Ана шуниси билан менга қимматлироқ эди. Кейинроқ ушбу оқ йул бироз бойитилиб, урис тилида «Дружба Народов» журналининг 1959 йил 10 сонида бир туп шеърларимга йулланма сифатида босилди. Мана, у (тула келтираман):

*«Қўлқор бўлув кўзинини
пешонаси ёғни бўлув,
Одам бўлув худакнинг
пешонаси ёғни бўлув,*

деганларидек, Сайер 1955 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилари союзи қошидаги семинарда қатнашаркан, ўзининг илк шеърларидаёқ, ўртоқларининг диққат-эътиборини ўзига қарата олган ёш шoirлардан эди. У ҳаётини тўзув билувини ва ҳаётини санъаткор кўзи билан қўзатиб борувини шoir. Айниқса, киник-миннаткор шеърлари турал, буюклик, таъсирландир. Ёш шoir ҳудда кўп ўқийди, ўзликсиз меҳнат қилади, илганиди ва офитнал шеърлар ёзишга уринади. Бир сўз билан айтганда, Сайер ҳудда тиришкор, шунини ўзун ҳам уринд болагулик шoirлардан.

Ҳозир Сайер Москвадаги Горький номидан адабиёт институтида ўқимокда. Шубҳасизки, москвалик устозлар ва педагогларининг

тағлим-тарбияси Сайёра жуда кенг билим ва назария уфқларини оёмоқда.

Шубҳасизки, илмр маданиятнинг барға бойликларини эгаллаш Сайёр ижодига қанотлар боғлагуси.

Сайёра, назарий билимлар билан бир қаторда, турмушнинг, воқе-литимизнинг ил-ишга тобора қириб боришига, яна ҳам оригиналликка интилишига маслаҳат берайдим.

Ёш шоир ижодига янги муваффақиятлар тилайман.

Миртемир, «Шарқ юлдузи»
1958 йил.

Қурдингизми болажонликни. Ҳамма қалб кури, дил меҳрини шогирдга тукиб соляпти. Ҳеч нарсани аямаяпти. Борини бсряпти. Узига ҳеч нима олиб қолмаяпти.

Бу бир шогирдга булган инсоний туйғу. Миртемирда эса, уз тиллари билан айтганда, мендайлардан талай эди...

Шоир Миртемир ҳеч нарсага шунчаки, бепарво ёндошмас эди. Уз шёрига ва сафдошлари шёрига, уз таржималарига ва сафдошлари таржималарига фақат узиникидек муносабатда буларди. Масъулик, муҳаррирлик гоёта туйғун, талаб-чанлик нақадар баланд. Узини аямаслик ҳисси, бурч масъулияти у кишига сунгги дақиқаларгача йигитдек битмас куч ато этиб, ушлаб турди. Узлари «қоралаб қўйдим», дейишни яхши қураддилар. «Қоралаб қўйганлари» ҳам бир эмас, ун эмас, юз аломат шоир ижодига гул нақш булиб тушиши нақд эди.

Мана, бирнеча мисоллар:

- Нафасидан ҳано атрлик,
Соз ғазалдек сара сатрлик.
еки: Ҳовлимда ксзар эдим, енгиллик ссзар эдим,
Ҳаслни кукламга хос бусқда безар эдим.
еки: Кузим кузингга тушди, чақмоқ чаққандай булди,
Учқуни дилга қуниб, олов сққандек булди.
еки: Енмасдан иложим йук, ут тушди ширин жонга,
Ут тушмасайди фақат ногоҳ чексиз жаҳонга.
еки: Мажнунтол тагига утқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб булдим.
Мажнунтол тагига утқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиглаб булдим.
еки: Кузимга сруғлик,
Сузимга сруғлик,
Соғ жонга сруғлик сурайман тонгдан.
Армонли йулчиман,
Армонли куйчиман,
Жаҳонга сруғлик сурайман тонгдан.

Устоз Миртемир! Жаҳондай поёнсиз қалбни қандай қилиб кукрак қафасига сиғдира олган экан, қандай қилиб шу улкан қалбни кутариб юра олди экан! Ақлим етмайди. У киши жасорати олдида таслим булиб, таскин топмай пичирлайман:

Кушиғим қайда қолди?
Кушиғим қайда, уша,
Кушиғим қайда қолди?
Сой мисол жуша-жуша,
Наҳотки сойда қолди.

Барибир таскин йук, ҳаловат йук. У киши бизга мерос қолдирган угли, алангали мисралар бир оғушига олдим, куйдириб куй қилиб юборади.

Ижод шунақа экан. Ҳамма нарса, ҳамма омил бараварига мос келсагина бутун образ яралар экан. Устоз туғилган Туркистон, Иқон нимаси биландир, балки кенг ва бепоенлиги билан, саҳроий тиниқлиги билан, одамларининг рост-гуй ва табиатдай содда, одмилиги билан Қорақалпоқ юртига ўхшашлиги бордир. Болалиқда, усмирликда, йигитликда қурганлари — қорақалпоқ ерларини қуриш ҳамано, куз унларида тикланиб намоен булгандир. Шундан «Қорақалпоқ дафтари» бунёд булгандир. Ез ярмигача яшаб, сунг тақа-тақ қуриб қоладиган гиеҳларнинг ноласи эшитилади устоз мисраларида. У мисралар жонсиз, қуриган гиеҳларнинг жонли нидосидай абадий фиғон чекиб туравереди...

Миртемир шоирни заҳматқаш, қадди баланд олма дарахтига ухшатгим келди. Меваси гуж-гужлигидан, баъзан эса бевақт эсан шамолдан, баъзан эса дул ва довулдан шохлари синади, меваси ер билан битта булади. Аммо писанд қилмай ҳосил беравсради. Синган шохлари урнига янги новдалар шокил-шокил яшиллик ато этаверади. Ахир, бу қандай қудратки, олтмишдан утган ешда ҳам офтобда пишган олмадай ҳар мисра ярақлаб, ўқсанг қарсилаб тураверади. Бу Оллоҳнинг буюк нсмати, бу қобилиятнинг нафис туҳфаси, бу она Ўзбекистон, бу муқаддас замин — ернинг муҳаббатидан яралган дарё мисралар...

Жасоратни қурингки, «Россияда ким яхши яшайди» асарини ўқиб чиқишнинг ўзи беқиес мардик. Салкам ун уч минг мисра. Уни устоз Миртемир бепарвогина, жимгина, гуе бсмашаққатгина, нолиш билмай ўзбеккона қилиб ўз она тилимизга угирди.

XX аср ўзбек насрида булгани каби, назмида ҳам буйдор, баркамол шоирлар талай. Булар Чулпон, Гафур Гулом, Ойбек, Усмон Носир, Шайхзода, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон кабилар. Булар орасида устоз Миртемир билан буйи тенг келадигани ҳам бордир, аммо мана мен дсб еркин ўзбекчасига, фақат ўзбекчасига эзгани камдир.

Миртемир домлам қузимга мангу барҳает:

Қузи қалпоқли,
Бобом сиеқли

булиб қад ростлаб тургандайлар. Аминманки, биздан кейинги қатор-қатор авлодларга, асрларга ҳам худди шундай улмас сиймо булиб қолаверадилар. Миртемир домла яратган ва ссвиб-ссвиб такрор айтадиган бир ибора бор. Бу ҳикмат тула иборани уларига ишлатсак мақсадимиз якунига стандай буламиз. Ҳа, устоз: «Дуне иши шундоқ, галма-гал». Энди гал навбати сизга келди...

Ғайратий домла сандиғидаги хазина

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир йиллар эди. Устига-устак, ҳар бир одам бир-бирига қоровул. Ҳар одам бир-бирдан ҳадиксирайдиган дамлар. Эркин фикрлашув у еқда турсин, ҳамма сўхбатдан қочадиган, жуда булмаса, наридан бош силкиб йулида давом этадиган дамлар.

Биз Хайридин Салоҳ, Эркин Воҳидов, Тулқин, Анвар Исроилов, Тамилла Қосимова, Матлуба Исломона, Анвар Эшонов, Тулқин Илҳом, Қарим Раҳим, Анвар Юсупов ва бошқалар Ғайратий домла раҳбарлик қиладиган Островский номдаги пионер ва укувчилар саройи қошидаги адабиет тўтарагига қатнаймиз.

Ишчидан чиққан шоир, замонасини улуглаб шеър езадиган Ғайратий домла ночоргина турмуш кечирарди. Нонга пул топса, ошга пули йук. Бу ҳам стмагандай, у киши Уриқкий кучасидаги истиқомат қилиб турган бино янги утадиган катта куча уртасига тўтри келиб қолган. Бузилиши керак. Яна зудлик билан шундоққина сндан жой курсатилган. У ерга қайта бино тиклашлари лозим. Ким тиклайди-ю, қайси даромад эвазига тиклайди. Ғайратий домла қул учида кун курса. Зурга рўзгор тебратса. Хонадаги бир этак боланинг ҳаммаси мурғак. Домла, уртоқ Абдуллаева дсб чақирадиган Шарофат кеннойи уй бекаси...

Бир кун пионерлар саройи боғидаги сурида машғулот утказиб булиб, Ғайратий домла «озод» дедилар. Бу уларнинг тилларида танафрус деганлари эди. Одатда «озод» дейишлари билан Хайридин Салоҳ оеғи остидаги иккита эски дуппи ичига қипик тиқиб тикилган коптокни йул устига отиб юборар, жингиртоб лақаблай Юсуф Шомансур коптокни тепиб футбол майдонига етказар эди. Шундай булди ҳам. Мен — доимий дарвозабон ҳам урнимдан энди қўзгалганимда Ғайратий домла гимирсиланиб қолдилар. Чамаси кийимлари ичига арими, чумолими

кириб олиб, безовта қиларди. Лекин болалар нари кетгунча сабр қилиб чидар эдилар. Болалар нари кетишди. Мен дарҳол кийимларини ечишиб юбордим, чумоли экан. Олиб ташладим. Аммо қайси куз билан курайки, куйлаклари қирк моқ эди. Енглари, слкалари қайта тикилавериб ипдан иборат булиб кетганди. Фақат бошқа куйлақдан (ё у вақтларда ёқа айрим кийиларимиди, билмадим) олинган ёқагина ювилавериб оқариб кетган булса-да, ҳарқалай бутун эди. Таниқли шоир одамга, вақтида дарсликларга кириб «Онамга хат», «Жиноста» дostonлари уқитилган муҳтарам зотга бола юрагим билан ачиниб кетдим. Дарвозабонликка бормадим. Домла Ғайратий билан бироз суҳбат қуриб, узимча кунгилларини кутаргим келди. У киши бугун негадир жуда ҳазин эдилар. Кузлари ҳам ич-ичига тушиб кетган. Товушлари ҳам ҳорғин эди.

— Менинг кунглимга қараб утириб, уйиндан қолдингиз, уғлим! — дедилар уларига хос майинлик билан.

Мен ҳам буш келмадим.

— Қорни туқ одамга уйин ярашади! — деб юбордим.

— Ҳа, ҳаёт — машаққат. Унинг устига, уйинг бузилса, погон таққан одам келиб, тезроқ бузиб ол, булмаса трактор билан чуқурга сурдириб ташлайман, деб укирса, тезроқ йиғиб-териб олишга қулинг калталиқ қилса... бундан ортиқ худо ургани булмаса керак...

Ғайратий домла кунгилларини очиб қолдилар. Мен ҳам болалигимни бир енга куйиб, у кишига ҳамдard булдим...

— Сизларга бир ноёб китобни олиб курсатай, дейман, лекин замон алғовдалғов, чучийман. Қолаверса, уттиз йил асраб-авайлаганим бекор буладими, деб ҳадиксирайман.

Ғайратий домла уйларига боришга баҳона топилганидан хурсанд булиб кетдим.

— Домла, болалар билан уйингизга борса-чи? — дедим.

— Ҳали-ҳозир урик хол ташламаган, олма шира олмаган, сизларни нима билан сийлайман.

— Ноёб китоб билан. Қолаверса, уй юмушингизга ҳам баҳоло-қудрат қарашиб юборамиз.

Ваъдани беришга бериб қуйдим-у, лекин дусларимга буни қандай тушунтиришга ожиз эдим.

Улар орасида Хайридин Салоҳ анча тетик эди. Матбуотда шёърлари чиқа бошлаган. Шунданми узини ешига нисбатан вазмин тутар, гоҳ-гоҳ катга ёшдаги шоирларга тақлид қилиб, ҳар замонда у ер-бу ери оғриб туришйини эслатиб қуяр эди. Гапни унга айтдим. У дарҳол болаларни бир ерга туплаб, эртага дарсдан кейин Ғайратий домла ҳовлиларига утишимизни тушунтирди.

Ҳаммамиз Лабзак бескатида йиғиладиган булдик. Яёв юриб, Қашқар маҳалла орқали тугри Олой бозори рубарусидан чиқдик. Сунг чапга бурилиб, ярим қақиримча юриб, қуеш чиқар томонга бурилдик. Йулда пишиқ гиштдан қурилган ойналари узун, аммо баъзи кузлари синган бинога дуч келдик.

— Шу бино орқасида, етдик ҳисоб! — деди Хайридин Салоҳ олдинда кетаётган лулиболадай қоп-қора Юсуф Шомансурни тухтатиб.

Кучага бурилганимизда узун оқ иштон кийган, пешонасини эски тур сочиқ билан тангиб олган Ғайратий домла девор бузиб, гишт ташиётганига кузимиз тушди. Кеннойи чуқка тушиб гишт тахлаётган жойидан туриб келиб, бизни бир-бир слкамизга қоқиб, эркалаб қуришдилар.

Биз ҳам бир зумда енг шимариб ишга киришиб кетдик. Елғизгина, эскириб қолган замбилгалтак бор экан. Уни Хайридин Салоҳ билан Эркин Воҳидов талашиб, аразлашиб қолишди. Шунда Ғайратий домла:

— Бир гал сиз, бир гал сиз ташийсишлар, утилларим, — деб уларни муросага келтирдилар.— Икки Анвар унга гишт тулдириб туради. Пулат эса мен девордан бузиб кучирган гиштни бир ерга тахлайвереди. Карим теша билан гиштининг қоттан лойини тозалайди. Анани уюм сомонли тупроқни қоп юзига солиб, қолганлар ҳов лойхонага ташийверасислар... — дедилар.

Ғайратий домла гап тамом, дегандай девордан гишт кучиришга тиришиб кетдилар. Ҳаммамиз астойдил ишладик.

Бир маҳал Анвар Эшонов менинг енимга келиб:

— Бироз танаффус қилиб, ноёб китобни курмаймизни? — деб қолди.

Бу гапни Ғайратий домла эшитиб қолдиларми, е гап нимадалигини фаҳмладиларми, ҳар ҳолда, ғира-шира туша бошлаганда «энди бас», деб ҳаммамизни кургонга тақлиф қилдилар.

Кеннойи гуштсиз, ёвгонгина угра ошни коса-косага сузиб ҳаммамизнинг олдимизга қуйдилар. Унга атайлаб офтобга қуйилиб ачитилган қатикдан солиб, ҳур-ҳур ичиб олганимиздан кейин, Ғайратий домла:

— Пулат уғлим, Хайриддин уғлим, мен билан юринглар, деб томи энди епилган, лойсувоқдан ҳали чиқмаган, поли йўқ хонага стақлаб кирдилар. Унда булажак тоқча урнида унча катта булмаган сандиқча турарди. Сандиқ устида уч-турт қатлам курпа бор эди. Хайриддин курпани олиб ерга ташлади. Мен сандиқни очдим. Унда пиела, чайнак, коса тула эди. Ҳеч қанақа китобдан дарак йўқ.

Менинг ажабланганимни куриб, домла Ғайратий:

— Чинниларни аста олинглар. Сандиқни бушатириллар, — дедилар.

Биз Хайриддин билан эринмай сандиқни чиннилардан бушатдик. Теспамизда қараб турган устозимиз иккимизга ҳам қаттиқ тикилдилар-да:

— Йигит кишисизлар-а, бу китобни қайдан олганларинг шу ерда қолади. Иси чиқса менинг бошим кетади. Хонадоним хонавайрон бўлади-я, — дедилар.

Иккаламиз ҳам серрайиб қолдик. Хайриддин менга қаради, мен эса унга. Хайриддин бироз чўчиб қолганини курдим-да:

— Домла, Хайриддин чарчади, чиқиб тура қолсин, — дедим.

Хайриддин домладан жавоб олмасқ ташқарига чиқди. Кетатуриб менга:

— Сени ҳечким танимайди, менга гап дегизи мумкин! — деб қуйди қовоқ уйиб. — Шунинг учун ҳам Мақсуд Шайхзоданинг китобини сенга совға этганман-ку!

Домла билан елғиз қолдик. Идишлар олиниб, сандиқнинг теги куринаса ҳам китоб куринамас эди.

— Уғлим, сандиқнинг бир томонини кутарасиз, — дедилар домла.

Шундай қилдим. Сандиқнинг таги икки қават тахта экан. Устки тахта бир ен сурилиб, бармоқ сигадиған жой очилди. Тахтани кутардим. Ғайратий домла унда турган чиройли муқовали, араб алифбосидаги кесак тусидаги китобни қулларига олиб улдилар. Сунгра менга ҳам қараб утирмай ташқарига отландилар.

Сури томонга борсақ Хайриддин, Карим, Анвар Юсупов, Юсуф Шомансур кетиб қолишибди. Эркин, Анвар Эшонов, Анвар Исроилов, Тулқин ва мен қолибмиз.

Домла Ғайратий остона томонга бир қараб қуйиб, охишта гап бошладилар:

— Бу нособ китоб. Узбек қадри ва қаддини белгилайди бу. Абдулла Қодирий езган «Утган кунлар». Едда сақлаб қолинглар. Худо ярлақаб, замон яхшиликка узгарса, бу китоб яна уз мавқеини топади.

Бир зум сукутдан кейин «Утган кунлар»нинг биринчи бобини ҳазин овоз билан шошмайгина бизга ўқиб бердилар. Биз болалар ундаги мусиқага, уткир куз ва юксак идрок, катта фаҳм билан чизилган қиёфаларга, унда бевосита ҳаракат қилаётган одамларга қушилиб, асар билан яшай бошладик. Гуе асл узбекликка қайтаётгандай...

Ҳар бобни домла Ғайратий ўқиб булғач, китобни утиб уринларидан турар ва мени бошлаб, уша унча катта булмаган сандиқ бошига олиб борар эдилар. Китобни сандиқ тубига, олган жойимиизга қуйиб, устидан тахтани бостириб, чинниларни тахлардик. Сандиқнинг оғзини епиб, курпасини юқлаб, ташқари чиқардик.

Кейин ҳар куни дарсдан чиққандан кейин ҳеч ким-ҳеч ким билан маслаҳат қилмай, домла Ғайратий хонадонларига югурадиган бўлдик. Кечгача гишт ташиб, девор бузиб, кечқурун эвазига «Утган кунлар»дан бир боб эшитиб уйга тамшаниб, сехрли дунедан қайтгандай ҳис билан келардик.

Кейин Ғайратий домла Чулпон, Усмон Носир шеърлари билан ошно этдилар. Ҳақиқий дард адабиети, бадий ифода адабиети қандоқ эканини фаҳмлай бошладик.

Ғайратий домла бизни адабиет фаҳм-фаросатиға йуналтирди. Қаддимизни тиклашга интилди. Қаддимиз тикланган сари унинг узининг ҳам буй-баста баралла курина бошлади. Мен домла Ғайратий билан ена-ен утириб, унинг барча асарларини араб алифбосидан кирилл алифбосига кучириб берганим билан фаҳрланаман. Бундоқ жараенда бир шоир ижодини чуқур фаҳм этиш имкони яралар экан.

Ғайратий домла юрак хазиначидан баҳраманд бўлиб, бадий ифодамизни излаш йулига кирдик.

Бу «Утган кунлар» деб аталган хазина эди. У қайтадан халқ хазинасига айланган кунда яшаш насиб булганидан бағоят миннатдормиз.

Ғайратий домламиз булажак мустақил кунларимизни идрок қилиб, бизни шу эркин кунларга тайёрлаган эканлар. Бошдан-оёқ мадҳия ва сиссатбоз булиб кетган адабиётнинг нечоғлик одам дидини бузишини англаган домламиз, бизни ҳақиқий бадиий адабиёт намуналарида тарбиялашга интилган эканлар.

Ғарчи у киши бутунги мустақиллик кунларини ўз кузлари билан кўрмаган бўлсалар ҳам руҳлари шодлигига аминмиз.

У кишининг хокисор, камтарин, одамоҳун ва болапарвар сиймолари ҳамиша биз билан биргадир.

— Тарбиянғиз учун сизга минг раҳмат, Ғайратий домламиз! — деб у кишини ҳамиша ёд оламиз.

Дилбар шоир

Йулга чиқдим
Катта қарвоннинг
Вазмин юкин ортиб елкамга.
Қадам ташлаб дустлар билан тенг
Хизмат қилсам она улкамга.

Шоир Хайриддин Салоҳ чиндан ҳам халқига хизмат қилиш мсҳри билан ёниб ижод этаётган эди...

Ватанидан элидан, халқидан бир дам мсҳрини нари тутмаган, Ватанининг ҳар гиёҳи, ҳар тоғи, ҳар чаманзори, ҳар боғи унга нақадар азиз булган. Табиатнинг узидай мусаффо ва тиник, дилбар ва булоқдай жушқин Хайриддин юраги ҳозир ҳам лов-лов ёниб турган мисраларида жуш уриб оқмоқда.

Мен Хайриддинни эслаганда энг аввало лирик туйғуларнинг шеър шаклидаги қуйларини тинглагандай буламан. Аммо у дostonчи шоир сифатида ҳам машҳур. У устозларни кўп севиб уқирди. Устозлар таълими уни катта йулга бошлаб чиққан эди. Ҳаммамизнинг улкан домламиз Ойбек «Наъматак» шеърини битган эдилар:

Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксақда, шамолнинг беланчагида.
Қуёшга кутариб бир сават оқ гул.

десалар, Хайриддин бу наъматакнинг юрак сирларини дostonга солди. У «Наъматак» образида мусаффо севгиси йулида қурбон булган садоқат тула бир ниҳол юракни кўрди, уни ҳаяжон билан ифода қилиб берди.

Шоир Хайриддин Салоҳнинг китобларини ҳар гал варақлаганимда унинг топган, ҳа, узи топган мисралари капалакдай нозик, юмшоққина учиб келиб, едимга қунавсради:

Сувлар тулқинида қилиб оқизоқ —
Олиб кетар экан ёшлигингни ҳам...

ёки:

Ҳеч вақт хазон кўрмас экан гулларинг,
Йуқ! Утди дейилмас ундай йилларинг.

ёки севгига муносабатда:

Билагимнинг кучида, қаламимнинг учида,
Юрагимнинг ичида жуш урасиз сиз жуда.

ёки:

Икки қизу бир уғлим уралар ен-веримда,
Отландик киндик қоним томган она — сримга!

ёки:

Истагим: кезсанғиз ошиб тоғ, дара,
Чашмалар салқинин, ҳуш ис келтиринг.

- Даста-даста ҳидсиз гуллардан кура
Бир дона ям-яшил ялпиз келтиринг.
- еки:
Ҳаёт! Чиндан сенда ҳаққим бор,
Аҳд қилганман юз йил яшашга.
- еки:
Тоғларида сайр этар оху,
Дараларнинг уртасида сой.
- еки:
Тоғ бошидан тушган шаршара
Қиз сочидай фикрингни боғлар.
- еки:
Рашк қилмасман еллар утса сочингни,
Майли, чиққин румолингни урамай,
- еки:
Тонг отади, сенда кураман
Нурли қуёш сеп ейишини.
Кучоғингда олиб юраман
Шодлигимнинг намоишини.
- еки:
Деразамни очаман оқшом,
Гуллар атри булиб кирасиз.
Диққат билан қулогим қоқсам,
Шоир сатри булиб кирасиз.
- еки:
Елдор сой жар солади
Сақраб тошдан-тошларга.
- еки:
Ардоқлагин бургут боласин,
У дустини алайга отмас,
У дустини арзонга сотмас,
Кипригида тутар онасин.
- еки:
Яхшиям жавоҳир ва зар булмабман,
Кимни шоҳ қилардим ва кимни гадо.
Яхшиям қиличу ханжар булмабман,
Кимни бор қилардим ва кимни адо.

каби қуйма, равон, маъно ва тасвирга, таассурот ва тасаввурга бой сатрлар кимга ёқмайди, дейсиз. Мен буларни қўлаб келтирганимнинг боиси бор. Аввало Хайридин Салоҳ китоби анча йиллар булди, қайта нашр этилгани йўқ. Бу орада неча янги авлод вояга етди. Уларнинг кузи шоир Хайридин Салоҳ китобини илғади-ми?

Купинча, азиз китобхон шоирларни, айниқса, ёзиш, излаш, янги ташбеҳлар топиш урнига ҳам узининг ҳар қандай йўллар билан оммалашуви учун курашадиган шоирнинг исми-шарифини яхши билишади. Аммо бирор сабаб билан у қуруна мақтаб юрган шоирдан бирор бир туртлиқни ёд айтиб беришини илтимос қилиб қолсангиз, имтиҳонга фавқулодда кириб қолган уқувчи боладай талла-сага тушиб, тебраниб қолади.

Хайридин Салоҳ ҳақиқий шоир эди. У узи учун, мени уқинглар, булмас хотинингиз талоқ бўлади, деб саниб етмасди. Дилбар, равон, маъниси чуқур шёър сизб қўя қоларди. Унинг шёъри чиққан журнал ё газетани зир югуриб узимиз қидириб қолардик. Айниқса, унинг муҳаббат ҳақидаги баркамол, маҳобат тула шёърларини ён дафтарга кучириб олиб, снингдан утган йўловчига ҳам:

— Ҳой, азиз биродар, бироз тухтанг, мана бу сатрларни эшитиб кетинг, кечгача маза қилиб юрасиз, — дегинг келаверарди.

Мана, узингиз баҳосини беринг:

Мени куриб балки қувончинг —
Юрагингда мул булганидан,
Хабаринг йўқ бир қўлоч сочинг
Сувга тушиб ҳул булганидан.

Қаранг, шаршара томчиларидек мусаффо, тоза манзара. Улар юзингизга ҳам,
қулогингизга ҳам, юрагингизга ҳам сув томчиларидек сочилиб уриляпти.

Еки:

Ер кетди-ю
Менинг қулимда
У тутқазган парча хат қолди.
Тумор янглиг хатнинг қатига
У беркитган муҳаббат қолди.

Еки дўстларига сидқидилдан елборишини қаранг:

Мен сизсиз — бир уйман бснур, бсчирок,
Тугайман сизлардан айрилган чоғда.
Мен мангу биргаман сиз билан, бироқ —
Сизлар ташлаб кетиб қолдирманг доғда!

Йуқ, бундай олижаноб, камсуқум, камтар, доно ва оқил ҳамсуҳбатини, бола-
лик меҳрибон дустини ҳеч ким доғда қолдириб ташлаб кетиши мумкин эмас.
Аксинча, уни бир кун, бир ҳафта курмай қолган киши мулойим, олтиндай соф
жилмайишларини, майин товуш билан одамга еқиб кетадиган кунгил сурашлари-
ни интиқ соғиниб қолар эди.

Хайриддин Салоҳ, айниқса, ихчам шеърларни қуйма қилиб ташларди. Қоли-
пини қайдан олган экан, бунча мукамал бу сатрлар, деб юборган вақтларим куп
булган.

Қичқираман: — Қисмат, ҳо, қисмат!
Қисмат менга дер: — Лаббай, хизмат?
— Сийлайверма мени куп!
— Сабаб?
— Қолиб кетмай чсқкада занглаб!
Қичқираман: — Қисмат, ҳо қисмат!
Қисмат яна дер: — Лаббай, хизмат?
— Мени доим чарҳлаб тур!
— Сабаб?
— Қилич каби турай ярқираб!

Еки дастанвал ёзган шеърдан бир мисол. Ундаги раволик, аниқлик, тасвирнинг
нақадар бегубор, болача соддалиги бағоят одамга хуш келади. «Гилос» шеъри:

Қушним боғидаги якка туп гилос
Девор оша шохин эган ҳовлимга,
Баҳор кезларида гул очиб қийғос,
Даво булади у юрак ҳовримга.
Роса етилади ҳар йили майда,
Донаси севгилим лабидай қизил.
Бир кун қизиқ булди, у пишган пайтда
Уч-турт донасини олгандим узиб,
Эшитилди: «Ҳой, у ким?» — деган овоз.
Боқсам, қушним қизи: пиқ-пиқ кулади.
Сузлашолмас эдик, шу куни гилос —
Орамизда севги ипин улади.

Бу шеър пайдо булган кезларда, бу шеърга тақлид ҳар турфа шеърлар пайдо
булди. Ҳар бир ёш шоир у еки бу ҳаёт парчаси манзарасини баҳона қилиб
мисралар тизди. Аммо ҳаммасида булмаса ҳам кўпчилигида ясамалик борлиги,
самимийлик етишмаётгани тез орада куруниб қолди...

Бу шеър эса... қандай тиниқ ёзилган булса, шундайлигича латофатли булиб
қолаверди. Мисралар ярақлаганча гард юқмай яшнаб тураверди. Еки болоғатга
етганда ёзилган «Кийик» шеъри:

Тик қоя бошида турар бир оху,
Қурқаман, йиқилиб тушмаса, ох, у!
Шу қадар лабига келган қоянинг,
Нега кузи бежо, қулоқлари динг.
Е куриб қолганми сайёд қорасин,

Ё излар бирорта жигарпорасин,
Ё сув ичмоқ учун қоядан тикка
Сакраб тушмоқчими пастликка.
Туриши шу қадар тоққа ярашган,
Мен эса тўймасдим узоқ қарашдан.

Ху... оху қайгадир кетди тез учиб,
Қоя маънос қолди қалби увишиб...

Ана, шеър. Бунда табиатнинг бир бутунлиги, жонзотта инсоний, оға-инилик муносабати, табиат яратган энг... энг қуркамлик, бу тирик зот экани мароқ билан куйланади. Қаранг: «Туриши шу қадар тоққа ярашган» кийикни шоир мароқ ва инсоний аъв туйғуси билан кузатаркан, у з туйғусини қояга шундай кучиради.

«Қоя маънос қолди қалби увишиб»

дер экан, биз сиз билан кийикни қоядек қотиб қолганча, ошиқона кузатиб турган шоир қалбининг кийикни йукотиб қуйгандан кейинги маънос ҳолатини ҳам худди ойнаи жаҳонда куриб тургандек буламиз.

Хайридинда бундай кашфистларни истаганча топиш мумкин. Чунки у оламга фақат шоир булиб келган инсон эди...

Агар у ҳақиқий шоир бўлса, унинг шеърларини уқиганингда унинг руҳи, кайфияти, дунёқарашидан ташқари, узини — қилигини, одатларини, одамларга муносабатини дарҳол билиб оласан, айниқса, одамларга узининг айтадиган гапи бўлса, шеърлари уни ошкор қилиб қўяверади.

Хайридин шеърларига — у қайси матбуот саҳифасида бўлмасин, қўзим тушиши билан унинг товуши, узига хос гаплашиш одатлари, биргина олтин қопланган тишининг — унинг самимий жилмайшига қушилиб ярақлаб кетиши қўз унгимга келар, уни эшитиб тургандай бўлаверардим.

Унинг шеърларини ўқир эканман, ҳатто ҳар қандай нарсадан ҳам тозаликни қидирадиган, инсон юрагини ниллий осмондек мусаффо куриб, инсон гузаллиги йулида жонини фидо қилишга тайёр, табиатимиздай саҳий, бир жиддий йиғит қўз унгимга келади.

Баъзи ҳазилга мойил шеърларида эса, унинг боладек эркин жилмайишини, доимо руҳан тетик, уткир кузларини эста келтиравсераман. У жуда чиройли кулар эди.

Хайридиннинг узини қўрмасдан анвал болалар газетасида шеърларини уқиган эдим. Туртинчи синф ўқувчиси деб шеърни тағига эзиб қуйилган оддий маълумот ҳам қўзимга аллақандай тилсимдай, ажойиботдай қуринарди. Узини биринчи бор қўрдиму эскидан таниш дўстимдай иссиқ қуришдим. Шеър баҳси бўлди, шеър ҳақида гап бўлди. Ҳаммаси узим тасаввур эъандай булиб чиқаверди. Кейин уйлаб курсам, унинг жажжи шеърларисек мени у билан аллақачон дўстлаштириб қуйган экан.

Хайридин йиллар утгани сари, энг дастлабки шеърларига содиқ қолганча, маҳоратга, ҳа, шеър маҳоратига эриша борди. Узи ихчамгина шеър сзардию ҳар шеърнинг шакли, фикри, қофияси уз урнида, худди шу шеърники булиб қоғозга тушар эди. Атайлаб, уқакишиб камчилигини қидирсанг ҳам купинча, «Яхши эзибсан», деб тан беришга мажбурсан...

... Кейин... кейин Хайридиннинг «Чашма» номи билан биринчи шеърлар китоби босилиб чиқди. Шеър шинавандалари у китобни қувониб кутиб олишди. Марварид булиб терилган ихчам-ихчам шеърлар қоғоз бестидан тилга, тилларга кучди, сунгра юраклардан мангуликка жой олиб қолди.

Кейин Хайридин иккинчи китобини тайёрлади. Унга «Иккинчи имтиҳон», деб ном берди. Бу китобни эзишидан, то тайёрлагунича ҳаммасидан хабарим бор. Ишончим комилки, шоирнинг бу китоби ҳам тиллардан-тилларга кучиб, бутун Ўзбекистон диерига ёйилиб кетди.

Чунки улар баландпарвоз, ялтироқ ваҳимадан холи, инсон уйлари, одамга меҳр ва садоқат куйларидир.

Боққа кириб, шафтоли дарахти емон, урик дарахти яхши демаганингиздек, шеърят бустонида ҳам ҳар туп дарахтнинг уз буй-баста, уз меваси ва унинг таъми булгани каби, ҳар бир шоирнинг узига хос урни, уз тоти, уз оҳанги, уз айтар сузи бўлади. Шундоқ экан, шоирни шоирга солиштириб, баҳо бериш бориб турган гуноҳи азим.

Энди Хайридин Салоҳ дostonлари хусусида ҳам тухталиб утсам дейман.

Хайридин бир севиб қолган устозини бир умрлик мактаб деб тан оларди. У Усмон Носирнинг ажойибдан-ажойиб «Нақшон» достонини уқигандан сунг бу шоирга нисбатан меҳри оловланиб кетиб, унга инсоний туйғуларини руйи-рост ифода қилиш учун, унга ухшаб инсон руҳини ифода қилмоқ учун «Лайло» достонини эзди. Жангчи шоир Султон Журанинг «Жордано Бруно» достонини ўқиркан, «Янғроқ ҳаёт» асарини уруш қирғинларида ҳам ўз оташин мисрасини излаган Султон Журага бағишлади. «Вафо» достони болалиқдан меҳр қуйган шоири Ҳамид Олимжонга бахшида бўлса, устоз Шайхзоданинг «Тошкентнома»сини уқий-уқий юраги тебраниб юрган шоир Тошкент зилзиласи фожиясидан бир фарзанд сифатида астойдил куйиб-ениб «Тошкент билан суҳбат» достонини битди.

«Сени мактаб дoston битмоқчимасман,
Мақтовинг битганлар етарли менсиз.
Сен-ку мен бўлмасам яшайверасан,
Аммо мен, аммо мен яшолмам сенсиз!»

деган оташин, фидоийлик туйғуларига лиммо-лим дoston менинг қузимга ҳамон Хайридиннинг гурсиллаб уриб турган юрагига ухшаб кетади.

Бу дostonнинг ва ҳамма дostonларнинг моҳиятига келсак, улар инсон қайғусига бeфарқ қараб туролмайдиган шоир қалбини бадиий воситаларда, зарур буюкларда, катта маҳорат билан ифода этган. Мана, қаранг:

«Йуқ! Тошкент ҳаёти
Эмас хатарли.
Бардоши, саботи
Бари етарли!

Бу тулалигича Хайридин. У оламнинг ва одамнинг келажигига қатъий ишонч билан яшади. Шейрлари ҳозирда биз билан худди шу олий ҳақиқатни ҳимоя қилиб жаранглаб турибди.

Хайридин Салоҳ «Янғроқ ҳаёт» дostonида қалам ва қилч кучини, адолатнинг разолат устидан галабасини тугри, ҳақиқий бадиий ифода қилиб берди.

«Лайло» дostonи ўзбек қизи жасоратини ифода этишга бағишланган. «Вафо» балладаси эса, Қорабоғ қишлоғида яшайдиган бир жафокаш қиз тақдирига бағишланган. У қиз қулида бир қизил қуз узук бор экан. У шоир назарини тортибди. Сунгра шоир шундан бир олам ҳаяжонланиб, «Вафо» дostonини яратибди. Узукнинг қизил қузи вафо йулида жафо чеккан қизгинанинг мусаффо қонидан бир қатра экан.

Хайридиннинг дostonлари куп. Узи ҳам дoston бўлгулик шоир эди...

... Хайридин Салоҳнинг «Уйларим» шейрида шундай мисралар бор:

Сунбуланинг сувидек тоза,
Сочларимдек тарам-тарамсиз,

деганда у минг бор ҳақ эди, чунки у ҳаётдан ҳали жуда куп ҳаққи бор шоир эди.

Олислардан товланган елкан

— Маро дебу! Маро дебу!

Юракни ларзага солади бу овоз. Унда ҳижрон азоби, фигон, битмас-туганмас дард бор. Қушиқ эмас, юрак нидоси!

Қушлар ҳам, дарахтлар ҳам, майса-ғиёҳлар ҳам, ҳатто ўзи сас таратгувчи дарё-сойлар ҳам бу овоздан тебранди, чайқалади, ҳислар оғушида сарсон адашади...

Ботир Зокиров куйлапти!

Радиони тинглаб утирсам, Ўзбекистон Езувчилар уюшмасидаги хонага ҳабаш-никидек жингалак сочларини тузитиб, шаҳло қузларида олов чакнаб у кириб келди.

Урнимдан туриб кетдим. Қуюқ сурашдик.

— Марҳамат, утиринг, Ботир ака!

— Утиришга фурсат йуқ. Сизни олиб кетгани келдим. Тугриси шу, мақтанаяпти деманг. Бугун ўзбек қушиқчилиги тарихида алоҳида бугун юз очади. Шунга ҳисса қушишингизни истардим.

Ботир Зокировнинг ҳаяжони менга юкди.

— Тинчликми, Ботир ака?

— Юринг, олдимга тушинг!

Унга эргашдим. Гарчи у киши мендан бир еш кичик булсалар ҳам «Ботир ака» дейман. Шунга одат қилганман. Куникиб кетганмиз. Мен у киши билан уларнинг уйида, хонаки концертда танишганман. Луизахоним ва Яйра Абдуллаева (онлавий ақинларим) бир куни устоз ва мумтоз хонанда Карим Зокиров хонадонларига таклиф қилиб қолишди. Эмишки, хонаки концертга. Уй бекаси Шоиста ая жонларини садақа қилиб кутиб олдилар. Карим ака Самарқандга кетган эканлар.

Хонаки концерт бошланди. Мусиқа раҳбари Шоиста опа, раҳбар Ботир Зокиров. Яккахон ва дуэт, триода иштирок этувчилар Луиза Зокирова, Науфал Зокиров, Жамшид Зокиров, Фаррух Зокиров. Созандалар уларга жур бўлишади.

Аралаш концерт булди. Шоиста опа жон куйдириб, нотадан чиқиб кетмасликка ҳушёр турибдилар. Қош чимириб, қулларини оҳиста қимирлатиб, мисоли дирижердай тутапдилар уларини. Давра катта... «Наманганнинг олмаси»дан то хиндуча «Дайди» фильми ашулаларигача. Луизахон келиндай стилиб, оқи-оқ, қизили-қизилга ажралган маҳал эди. Овознинг бор-йўқлигига қарамай, ҳамма Луизанинг чиройига, даврада узини эркин тутишига маҳлиё. Ҳали усмиргина, эндигина мўйлаби курина бошлаган Фаррух — ҳам ташкилотчи, ҳам кушиқчи, ҳам саҳна безакларига жавобгар. Томоша орасида ноз-неъматлар патнисда айланиб, томошабин — бизларнинг оғзимизни ширин, тилимизни асал қилиб турибди...

Демак, уша ҳаммасининг бошланиши экан-да, буни ҳозир эслаяпман, уйлаяпман.

Ушанда Ботир ака ҳамма чет эл тилида ижро этадиган қушиқларидан бир туртлик-бир туртлигини, ўз тиллари билан айтганда «гингиллаб» бериб, менга таржима қилдириб олган эдилар.

Ботир ака билан пастра тушди. Машина тайёр экан.

Ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг курумсизгина залига олдинма-кейин кириб бордик. У срда Шаҳбоз, Фаррух, Баҳодир ва яна уч йигит бизни кутиб олишди. Чеккароқдаги юмалоқ столда қоғозга ярим уроғлик «пряник» бор эди. Гап орасида йигитчалар пряник кавшаб туришар, бўйинларига осиглик гитаранинг узун-узун симлари полда судраларди.

— Шёър фабрикасини йулдан ола келдим! — дедилар Ботир ака мени таништираётиб.

Ҳаммамиз жилмайишдик. Ботир ака клавиши очик пианино олдидаги курсига утирдилар.

— Фаррух, «Андижон полька»сининг нотасини бср.

Кейин у киши менга юзланиб:

— Мен пианинода чалиб тураман. Сиз оҳангни улчаб, ушанга мисра терасиз. Ҳозирча қовургасини тайёрлаймиз.

Ботир ака «Андижон полкаси»ни чала кетди. Мен тик турганча эшитдим. У киши яна қайтарди. Яна такорлади. Мен жим турарсердим, шунда Ботир ака:

— Шоир, эзиб олинг. Ҳаммасини эслаб қололмайсиз. Чунки бу куй халқники. Ҳар бандда такт узгариб туради. Демак, шёър ҳам ушанга қараб бошқача бўлиб боради.

— Хуп, аммо Ботир ака, қаёққа келаётганимдан беҳабар, на ручка, на қоғоз олмабман, — дедим хижолат чекиб.

— Ана холос! Энди нима қиламиз!

Фаррух «хонаки концерт»даги фаолиятини давом эттирди:

— Мана, пряникнинг қоғози бушади, — у қоғознинг эзилган жойларини кафти билан силлиқлар экан: — Баҳодир, йул устида утирган қоровулга бор-чи, қаламини бирпасга олиб кел! — деди.

Баҳодир шошилиб институт йулагига кетди. Ботир ака биринчи тактни урди. Мен товуш чиқардим: «Уйна, жоним, кел-кел, жоним...»

— Худди узи! — деб юборди Ботир ака.

Қаламини олиб келди. Қизил қалам экан. Учи яхши очилмаган. Ҳсч кимда қаламтарош йўқ. Тишим билан қаламни чала-чулпа очиб, уша пряник уралган дағал қоғозга ёза бошладим:

Кел-кел, жоним,
Марҳабо, жоним,

Уйна, жоним,
Танцуй, жоним!

Кел қиз, четда турма,
Кел қиз, лабинг бурма,
Кел қиз, кузи нарғиз,
Кел қиз, уйна ҳарғиз.

Интизор айла, майли, ойдин,
Кирдинг қалбга қайдин?
Жоно, уйна, уйна
Севгинг менга суйла!

Усмами, қошинг қаро мунча,
Ҳуснинг бордир қунча.
Четда турма, турма,
Уйна, лабинг бурма!

Сочларингдан тортқилайман,
Ортгинангдан, ер, қувлайман!
Дилбар, бошинг қутар,
Кузим кузинг қутар!

Зулфингга боғлиқ қалбим ошиқ,
Севгим узи қушиқ.
Қушигимни тутай,
Ендирсин утдай!

Кел, кел, жоним,
Марҳабо, жоним,
Уйна, жоним,
Танцуй, жоним!

— Булди, Ботир ака! Бу энди эскизи. Уйга олиб кетиб, эртага нечада олиб келай?

— Эрта-пертаси йук. Ҳозир шу ерда куриб чиқинг, болалар, шундоқ ҳам маъқулми?

— Маъқулам гапми, булади! — деб юборди Фаррух.

— Йук, йук, кулги буламан! — эътироз билдирдим қатъий.

— Энди бу қушиқ бизники! — деди жиддий туриб Ботир ака ва: — Яқинроқ келинглар, болалар, ҳозир едлаб, айта бошлаш лозим. Индинга ҳайъатга курсата-миз.

Ё мен жинниман, ё Ботир акамнинг эси йук, деб хафа булдим. Шунда Ботир ака:

— Шоир, сизни бояги машина ишхонангизга олиб бориб қуяди. Ташаккур! — дедилар-да, эшик сари юрдилар. Машинагача қузатгани чиққан эканлар. Мен билан кстадилар, деб уйловдим. Йук, машина олдига етганимизда:

— Саломатлик булса, ҳали куп куришамиз! — дедилар.

Азиз буюмини олдириб қуйган йуловчидек ҳардамхаёл ишга қайтдим. Ҳар-қолда қилинган машқ, кишига азиз, айниқса, қулимда нусхаси йуқлиги... Йуқолган пичоқнинг сопи олтин, деганларидек, бироз алам қилгандай булди.

— Эртасига ҳаммаси унутилиб кетди. Индини кечда Ботир Зокиров уйга телефон қилди. Хотиним ҳаяжонланиб:

— Ботир Зокировман, деяпти! — деб ажабланди.

— Дастанки кулоғимга тутдим.

— Лаббай, Ботир ака!

— Эшитинг, шоир. Сиз Узбек эстраси туғилган кунга гувоҳ булдингиз. Гувоҳгина эмас, доя дсйдами, дунёга қабул қилиб олганлардан булдингиз. Қутлаб, қучаман!

Кузларимнинг ичигача ениб кетгандай бўлди. Хонадонда ҳазил-ҳазилга бошланган, биз хандон писта чақиб, данак сб утириб томоша қилган «хонаки» концерт, бутун «Ялла» ансамблига асос бўлди. Бу тамал тоштини Ботир Зокиров қўйди.

Қобилиятли одамлар узи шунақа бўлади. Йулма-йул савоб ишни қилиб кетаради. Узи қилган, узи яратган ишнинг бунчалик зарурат эканини уйлаб ҳам утирмайди. Бунёд қилиб, янгисини ижод қилгани йўлини давом эттираверади.

Кейин шундай бўлди. Ботир ака билан ниҳоятда қардон бўлиб кетдик. Уз концерт тудасига қушиб, ҳар замон-ҳар замонда мени ҳам сафарга олиб чиқадиغان бўлди.

Ашурали Жураев катта инсоний меҳр билан Ботир Зокиров ҳақида китоб ёзган. Биринчи ўқиганимда кузимга жиққа еш тулиб кетавериш, ихчамгина қиссани роса уч кун ўқиганим едимда. Узоқданми, яқинданми Ашуралини куриб қолсам, енида жингалак соч, хиңду нуска Ботир акани кургандай бўлиб кетаман.

Сафарларимиздан биринда, Толлимаржон насос қурилмасида авжи концерт қизиганда чироқ учиб қолса буладими? Ботир ака узлари билан сандиқдай-сандиқдай келадиган товуш стқазиб берувчи аппаратлар олиб юрардилар. Электр бўлмаса, овоз узатгич бўлмаса — овоз залнинг охирига стади, дейсизми?

Шунда мен ҳам хижолат бўлиб саҳнада, парда орқасида тургандим. Ботир Зокиров ғира-ширада менга бир қараб олдилар-да:

— Выступает поэт Сайяр! — деб юбордилар. Роса маза қилиб, ярим соат шеър ўқидим. Залда йиғилганлар — узбеклар, туркманлар, татарлар, руслар булгани учун купроқ урусча ўқишга туғри келди. Чироқ ениб қолди. Ботир ака менга ташаккур айтиб, концертини давом эттирди...

Ботир Зокировнинг консерватория орқа биқинидаги хонадонида утириш булган эди. Мен Ботир аканинг аччиқ-чучукчиси сифатида салкам бир тоғора шакароб қилиб бергандим. Шунда Ботир ака:

— Шоир нимага қул урса уша лаззат топади. Бошқа овқат қилмасанглар ҳам булади, Эркли! Ҳамма аччиқ-чучукка муққасидан кетади... — дегандилар.

Шунда бир ййрагандим. Демак, Ботир ака узлари айтмоқчи, менга фақат «шеър фабрикаси»гина деб қарамайдилар. Оламдай катта юракларининг бир четида менга ҳам жижжа меҳр томчиси бор.

Ташвишлари ёзувчилик, мусаввирлик, қушиқчилик эди. Бир куни шоир Ту-роб Тула:

— Ботиржон, сизни комсомол мукофотига тавсия қилдик! — деб қолдилар.

Ботир ака катта-катта кузларини пирпиратиб:

— Мен Ботир Зокиров бўлиб булдим. Энди ортиги, ошпаловдан сунг мошхурда ичишдай беурин. Укам Науфалга ҳозир жуда керак. У ижтимоий қушиқлар ижросини буляпти. Бу ҳам ўзига хос оққунчи бир ариқ. Шу мукофотингизни уша ариққа буриб юборинг. Суви тулиб оқса ажабмас, — дедилар. Астойдил айтдилар. Саволга, ҳа, ҳеч қандай саволга урин қолмади. Оқибатда шундай бўлди. Науфал мукофот олди. Ана бағир...

...Кунлардан бир кун сафарга кетаётганимизда:

— Ботир ака, нега бирор муштипаргина, уйда утириб, сизга қарайдиган узбек кизига уйланмайсиз, — деб юбордим.

— Қисмат бу, шоир. Купинча қушиқ айтиб турганимда уша булажак хотиним овоз сеҳрида менга махлиё бўлиб қолган ҳолатини саҳнадан кураман-да, менга тақдим этилган гулдасталарни олиб бориб унинг этагига тукаман. Гуллар уртамизда воситачи бўлиб, севи тилидан арқон эшиб юборади, — дедилар-да, боладай эркин хандон отдилар.

Бир дам чуқур уйга қумиб:

— Қисмат бу. Қушиқ бир қанча дақиқа менинг изимда булиши мумкин. Шеър бир онча сизнинг изимингизда булиши мумкин. Инсон ҳастининг бахтли дамлари уша. Севги ҳам шу каби... донм, ҳар куни севиб булмайди. Дақиқалари булади, инсон уша дақиқаларни шамолга шопириб юбормаслиги керак. Шунда у лаззат тотини тушунади. Инсоннинг инсондан оладиган мадади шудир... Булмаса у шудгордаги куруқ кесак...

Табийки, шоир ёзган шеър газета е журналда эълон қилиниб туради. Баъзан шеърни газетага элтиб бериш учун ҳам кайфият керак. Уртада олти ойлаб вақт утади. Бир куни Ботир ака:

— Шоир, на урусча, на узбекча шеърларингиз газеталар даласида лоладай очилмаяпти-ку, — деб танбеҳ бердилар. Уша куни узи «Кайфият» деган шеър

сзган эдим, кимга ўқиб беришни билмай турувдим. Яхши бўлди, узлари сураб қолдилар, ўқиб бердим.

Олам иши шундоқ яралган,
Кайфиятга боғлиқ ҳар мушкул.
Гоҳ хуш нидо, гоҳ оҳ таралган,
Гоҳ руҳ сруг, гоҳи у тушкун.
Ажаб, яқин дустни учратсанг,
Юрагингдан чиққандай офтоб...

Шеърни ўқиб бўлдим. Аммо телефон дастагида ҳеч қандай сас йўқ эди.

— Ботир ака, узилиб қолди, шекилли?

Яна жим. Телефон дастагини энди жойига қуймоқчи эдим, бирдан:

— Шоир, шеърга бутунги менинг кайфиятимни қучирибсиз. Ундан бир нуска мен учун қучириб келинг. Гапим бор. Сиз дардни олувчи шифокорсиз, кургим келяпти... — деб қолди.

Уша учрашувдан кейин Ботир ака кавказлик аёлга уйланиб, Чилонзорга қучдилар. Уч-тўрт ой кайфиятлари яхши бўлиб юрди. Учрашиб турдик.

...Мен дам олишга Москвадаги Перedelкино ижод уйига кетган эдим. Тошкентга етиб келсам дув-дув гап. Аэропортдаёқ: «Кимсан, буюқ ҳофиз Ботир Зокиров оламдан утибди...» деган ниҳоятда совуқ хабарни эшитдим.

Аэропортдан тўғри Шоиста опам яшайдиган уйга шошилдим.

— Ҳазил бўлсин, ишқилиб! — дейман. Ахир, Ботир ака чиндан ҳам ботир, баҳодир одам. Шунча оғир жарроҳлик аралашган ишларга дош берган, неча бор ўлим чангалидан қутулиб чиққан...

...Аммо бу гал ўлим енгилди. Оппоқ куйлак, ҳарир румол бошларидан тушмайдиган Шоиста опам:

— Узоқ кетдингиз, ўғлим. Ботир акангиз елғиз сизга айтмоқчи булган гапи ҳам бор экан, — деб кузёш қилдилар. Енларида тик турганча Фаррух ва мен қон йиғладик. Қон йиғладик, деганим тўғри. Ҳатто атрофимда ким борлигини ҳам билмасдим. Науфал аввалроқ кетганди... Карим ака ҳам. Қолганлар омон эди. Омон бўлишсин ишқилиб.

Яйра Абдуллаева енимга келиб:

— Узингизни қўлга олинг, ҳаммани йиғлатяпсиз. Шоиста опамни уртаб юбордингиз, — деди.

Яйрани қучдим, сўнгра:

— Гапирдими, Яйра? — дедим.

— Гапдан ҳам қуйчининг охи оғир бўларкан... — деди у мени нари стаклаб.

Ботир ака Филармония фойсига қуйилди. Қушиқ шинавандалари Ботир ака билан видолашишга келаверди-келаверди.

Туроб Тула:

— Шеър ўқиб берасанми? — дедилар мени чалғитиш учун.

Шеър бор эди. Уни ўқиб беролмадим. У шеърга Ботир акам узлари сарлавҳа қуйган эдилар. «Қисмат амри» эди у шеър. У кишига бағишланган эди.

Ботир Зокиров ҳеч қачон тўйда еки дастурхон ёзилган жойда қушиқ айтган эмас. Одам чайнаиб утириб қушиққа тушуна олмайди, қушиқни қорин туйғазиб бўлиб эшитиш — бу бошқа гап... Яна Ботир аканинг бир севимли ибораси бор эди:

— Биз — инсонлар мисоли урдакмиз. Катта даредан чўчиймиз. У оқизиб кетади. Инон-ихтиеримиз даре измида бўлади. Уни ёқтирмаймиз. Кулмакни ёқтирамиз. Аммо у бизни ҳеч қасққа олиб боролмайди. Жойимизда жой талашиб, «ваг-ваг» қилаверамиз. Дунёга келиб, кетаверамиз...

Аммо бу гап Ботир Зокиров қисматига мос эмас. У катта дареларда сузди, денгизга чиқди. Елкан каби олислардан оқариб қуринди, товланиб оқарди. Унга оламнинг ва одамнинг нигоҳи тушди. У оламнинг эсида қолди.

— Ботир Зокиров номидаги «Ялла» ансамбли ҳузурингизда!

Бу — Фаррух Зокировнинг саҳнада янграётган овози. Узинчи, мингинчи, ун мингинчи марта эълон бу! Ботир Зокиров, Ботир Зокиров...

Қўлоғимга «Маро Дебу» деган товуш чалинади. Ботир Зокиров қуйлаятипти...



Нуъмон Раҳимжонов

Бу куннинг Шукронаси

(Бади)

Оллоҳнинг қаҳри

Нажим ота шундай ҳикоя қилганди:

— Ишқилиб, деворнинг бир чети бузилмасин экан. Отамни бойсан, деб қулоқ қилиб юборишди. Сибирдан қайтиб келмади. Икки қиз, беш уғил— бир этак бола чирқиллаб қолдик.

Катта акам оқ-қорани таниган, паст-баландни тушуниб қолган экан. Фамилиямиз Боймуҳамедов эди, Аҳмедов қилиб узгартирди. Кейин Сайрамдан Тошкентга — узоқ қариндошларимизни қора тортиб кучиб келдик.

Бешёғочдаги бир уй, бир даҳлизли, уваланиб, тукилиб турган ҳовлида яшай бошладик. Жужабирдай жон. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув дегандай, акаларим ишга кириб кетди. Сингилларим, укаларим билан мактабга қатнаймиз.

Яланғоёқни туянинг устида ит қошибди, дейишгани рост экан. Эндигина оғзимиз ошга етганда, «уруш бошланибди», «гирмон бостириб келаётганмиш» деган узунқулоқ гаплар оралаб, ҳа-ҳу дегунча икки акамни аскарликка қақириб кетишди. Маҳалла-қуй сийраклашиб, ҳовлилар, кунгиллар ҳувиллаб қолди.

Ойим оғзи гапирса бурни эшитадиган буш-баёв аёл эди. Эсимни танибманки, бировга қаттиқ-қаттиқ гапирганини билмайман. Энг оғир койингани «қой, туймагурлар-ей, ундоқ қилма, бундоқ лема, ёмон булади-я» дегани.

— Вой туймагурлар-ей, шу кунниям куп курадиганлар бор эканми-а?— Илоҳим, бошинг тошдан булсин, болам. Ой бориб омон қайт.

Акаларимни урушга кузатиб, ойимнинг юрак-багри эзилиб кетди.

Аламини ичига ютади, огир-огир «уф...ф» тортади. Овоз чиқармай юм-юм йиғлайди. Чунқайиб утирганича остонага ботиб кеттандек эди. Куп утмай, бир бурда булиб қолди.

— Энди, уйнинг каттаси узингсан, Нажим, — деди акам. — Рузгорнинг бир чеккасини қутаришиб тур. Ойимни ёлғизлатиб, уринтириб қуйма.

Қараб туриб кап-катта киши булиб қолдим. Ун еттига тулар-тулмас шофёрликни урганиб, «полутарка» машина ҳайдай бошладим. Ойимнинг юмушини енгиллатганимдан, тирикчилик — ямоқчилик эса-да, хийла бут қилаётганимдан бошим осмонда. Мендан бағри бутун, мендан тукис одам йуқдек бу дунёда. Қулимни узатсам осмондан юлдузларни узиб тушадигандекман узимча. Биринчи маошимни оқизмай-томизмай ойимнинг қулига олиб келиб бердим. Худди тоғни купориб келтириб бергандекман гуе. Ойимнинг севинганлари, ойимнинг севинганлари. Утқизгани жой тополмайдилар. «Барака топ, болам. Тупроқ олсанг олтин булсин. Икки дунёда кам булмагин...» Очилиб-тукилиб дуо қилдилар.

Шунақа, осмондан пастда, ердан баландда ҳаволаниб учиб юрган кезларим эди. Уша кунни сира хотирамдан учмайди. Туш қурибман... Тубсиз, сарҳадсиз кул буйида оёқ учида турган эмишман. Оёқ ости лой, сирпанчик. Қуққисдан шамол турса йиқилгудекман. Шу алпозда бутана сув шалоглаб қирғоққа урилади, оёқларимга сачрайди. Куринмас бир куч ортимдан итареди. Оёқларимни ерга қаттиқроқ тирайман. Йуқ, қайтага тойиб, сирпаниб кетяпман. Бақираман, овозим чиқмайди. Қулларимни умидвор силкитиб ниманидир тутиб қолмоқчи буламан. На шох-шабба, на ут-улан чанғалимга илинади. Тубсиз, лойқа сувга йиқилиб боряпман. Қирғоқдан анча нарида яйдоқ от қорамтир-қунгир майсаларни чимдиб, утлаб юрарди. Мен томонга қараб, худди мазах қилгандек, пишқириб қуйди...

Чучиб уйғондим. Қурқувдан тилимнинг учигача совуқ тер босибди. Бошим огрикдан тарс ерилгудек гувиллайди. Худди кечаси билан қуш ҳайдаб чиққандек, қул-оёқларим бемажол, узимга буйсунмайди. Англаб булмас хавотир, гашлик кунглимни кемиради. Илойим, ҳамма балоқазо тунда қолган булсин-да. Тунни — тун, кунни — кун кутаради-ку. Узимни овутган булдим. Судралиб ишга кетдим.

Банданинг боши — Оллоҳнинг тоши, кургулиги тутамас экан. Уша оқшом кечагидек ҳамон эсимда. Машинани гаражга қуйиб, уйга пиёда қайтаётган эдим. Бозор олдидан утаётганимни биламан, қий-чув, туступолон бошланди. Бир туп ҳарбийлар бозорда «облава» қилишаётган экан. Мени ҳам қушиб, машинага босиб олиб кетишди. Йул четида анграйиб қолган чойхоначи чолга кузим тушиб қолди. «Мен Нажиман, ойимга айтиб қуйинг, хавотир олмасинлар. Солдатликка олиб кетишди», дея олдим, холос.

1941 йил. Йигирматача солдат Канаданинг «Доджа» маркали машиналариний юк поездда Эрондан олиб келаётгандик. Ашхободдан утиб, ярим кечаси Тошкентга кириб келдик. Бошлигимдан илтимос қилдим:

— Бир соаттагина рухсат беринг, гир-р этиб бораману қайтаман. Ойимни куриб келаман...

— Бу ерда узоқ турмаймиз, — деди сержант. — Кейин, шаҳарда соқчилар куп, ушлаб олишади.

У пайтда погонлар латтадан буларди. Тескарисини унгига айланттириб чапиб қуйдим. Пилоткамни ҳам тескарисига ағдариб кийиб олдим. Хувиллаган шаҳар кучалари жимжит, ҳеч зог куринмайди. Аҳен-аҳенда

узоқ-узоқдан патрулларнинг чуриллаган ҳуштак овози эшитилиб қолади.

Вокзалдан Бешегочгача оёғимни қулимга олиб югурдим. Қултигимда иккита солдат қопчиғи-ю, унга ўралган уч-тўртта юпқа совун. Эшик зулфини ҳоқдим. Бемаҳалда эшикни тақиллатган ким бўлдикин? Ойим чучиб кетдилар шекилли, ҳовлида туриб хавотир аралаш «ким у?» деб сурадилар.

Юрагим қинидан чиққундек гурс-гурс уради.

— Бу мен, Нажимман, ойи.

Нафасим оғзимга тикилиб ҳарсиллайман.

— Ойи, бу манман, — дедим ичимдаги титроқни, овозимдаги қалтироқни босиб.

— Вой, буйларингдан айланай.

Эшик зулфи «ширқ» этиб бир табақаси очилди. Ойимнинг кузлари қувончдан чарақлаб кетди. Қоронғи йулакни еритиб юборгандек бўлди. Кучоқ очиб бағрига босди. Елкаларимга қоқиб, юз-кузларимни силаб-сийпалаб, еру кукка ишонмасди.

— Бормисан, омонмисан, болам. Буйларингдан ойинг ургилсин.

Ичкарига бошлади. Шам еқиб тоқчага қуйди. Дарров дастурхон ёзди. Хонтахтанинг икки четига кўрпача ташлади.

— Ойи, шошиб турибман, сизларни куриб утай дедим, бирров кирувдим.

— Майли, болам, утир. Бир пиёла чой ичиб ол. Ташна бўлгандирсан. Узоқдан фотиҳага қул очди:

— Душманинг кукунча бўлсин. Қаерда бўлмагин, Худойим уз паноҳида асрасин. Курарда — кўздан, гапирарда — тилдан, олар-берарда — қулдан, юрарда — оёқдан айирмасин. Тўрт мучалинг соғ-омон бўлсин, болам...

Бир пиёла яхна чой ичдим у изимга қайтдим. Ҳали тонг оқармаган, гира-шира эди. Қаллаи сахарда ҳалюслаб вокзалга етиб келдим. Қай кўз билан курайки, бизнинг состав турган темир излар ҳувиллаб ётарди. Машиналар ортилган поезд кетиб қолибди. Юрагим шув этиб, орқага тортиб кетди: Бошим қарахт, энди нима қилдим?

Толдиқурғонга етиб олсам, бас. Ҳарбий қисм шундоққина шаҳарнинг чеккасида. Уша ёқдан утиб кетаётган поездга ялиниб-ёлвориб чиқиб олдим.

— Йул устида экан, тушиб қоламан.

Тамбурга кутарилиб жойлашдим. Ҳарбий соқчилар ҳар бир станцияда йуловчи поездига чиқар, йул-йулакай текшириб кетарди. Берухсат ҳарбийлар бўлса, галдаги станцияда оёғини ерга теккизмай комендатурага олиб кетишарди.

Купеда йуловчилар куп. Анча юрдик. Қош қорайиб қолаётган эди. Бир зумгина кузим илинган экан. Гала-говурдан чучиб тушдим. «Там на танбуре какой-то солдат спит, спрятался», деган овоздан сергакландим.

— Қани, солдат, пастга туш, — деб буюрди урисчалаб йўгон овоз.

Купеда милтиқли икки солдат билан гулабирдай гавдали сарик офицер кузларини менга тикиб туришарди.

— Ҳа, солдат, нима қилиб тентираб юрибсан?!

— Қисмимдан ортда қолиб кетдим...

Сабабини шоша-пиша тушунтира бошладим. Офицернинг энсаси қотиб, феъли айниди. Аввалги муомаласи узғариб, гаплари дагаллашди:

— Рухсатинг борми?

— ...

— Ҳали қочиб юрибман, дегин?! — Ғажиб, тупуриб ташлагудек тикилди. — Вой, аблаҳ-ей, дезертирман, дегин?

Офицер тутоқиб кетди. Сукинишга утди.

— Қани, бу еққа юр-чи.

— Қочганим йук, бирров ойимни куриб келаман, девдим. Сержантнинг узи рози булди.

— Ҳе, онангни... Қуққисдан мушт туширди. Мункиб кетдим. Энди унланган эканман, қорнимга тепди. Чалқанча йиқилдим. Ушқириб биқиним, корним аралаш тепа бошлади.

— Ҳе, онангни, дезертир...

Қай алпозда урнимда сапчиб турганимни билмай қолдим. Етти фарзандни оқ ювиб-оқ тараган, бизга ҳам ота, ҳам она булган, узи эмасаям-ичмасаям топганини бизларга илинган онамни сукди-я.

Мошдан булдим, тошдан булдим, лейтенантни афти-башараси аралаш қуйиб-қуйиб юбордим. Оғзи-бурни қоп-қора қонга беланди-қолди. Кейин... кейин... Уласи қилиб дуппослашди. Семипалатинск деган жойга келиб қолган эканмиз. Мени поезддан тушириб, комендатурага олиб боришди. Қоғозга нималарнидир ёзишди. Кейин қамаб қуйишди. Орадан бир кун утдими, икки кунми, аниқ эсимда йук. Иккита солдат келиб бошлаб кетди. Комендатурадаги таниш хонада уша кунги барзанги офицер билан яна икки ҳарбий утирарди. Заҳил ранги-руйи худди заҳа ётган чаённинг узи-я. Ҳарбий суд «дезертир» деб улимга ҳукм қилди.

Уқнинг заҳри келиб текканда эмас, туйилганда билинаркан. Миям гувиллайди, кунглим ачишади. Нега менга ишончишмайди? Ахир, «дезертир» дегани фронтдан қочади-ку. Мен фронтга кетаётган булсам?! Евузлик ишончсизлик тугдирар экан-да. Нега мунчалик ҳақорат? Мен ҳам солдатман-ку.

Ойимнинг фотиҳага очилган куришқоқ қуллари, сулгин юзи, маъюс нигоҳлари бирма-бир куз унгимдан утади. Кейин лейтенантнинг йўгон гавдаси, заҳил афти-ангори пайдо булади. Аъзойи-баданимдан чумоли галаси урмалаб юргандек, нохуш гашик кемиради. Уйиб олгим, юлиб ташлагим келади. «Эй, Парвардигор, еш бошимга бу синоатлар ҳам бормиди? Илтжиоларим бу ёт кимсалар қулогига етиб бормаса. Эшитганда нима, барибир тушунмайди. Дили ҳам, тили ҳам бошқа бу каслар...»

Салкам икки ҳафта қамоқда ётдим. Турма комендант мумин-му сулмон бир қозоқ киши экан. Қодир Эгам кунглига раҳм-шафқат солдими, бир кун шундай деб қолди:

— Қайси касофатнинг касрига қолдинг?! Ҳали овози қотмаган еш бола экансан, уволингга қолмай тагин. Кеча номингдан афв этишларини сураб «помилование» ёздим. Зора гуноҳингни қечиб, улим жазосини алмаштиришса.

Олий суддан интиқ жавоб кутаётган кезлар туш курибман. Ичимни ит таталагудек ютоққан, оч-наҳор эмишман. Қуюқ урмонда биронта емиш илинжида томоқ излайман. Бир маҳал рупарамдан ҳайбатли йулбарс чиқиб қолди. Кузларимиз бир-бирга қалалди. Ваҳоҳатидан ваҳший олов ёғилади. Сулоқмон тишлари ялтирайди, гулдираган овозидан одамнинг ич-ичи титраб-қалтираб музлайди. Юрагим зириллайди. «Келиб-келиб кимсасиз урмонда йулбарсга ем буламанми?» Орқамга қарамай қоча бошладим. Йулбарс изимдан отилди. «Зангар, мендан ҳам оч экан-ку», дейман узимча.

Узоқ, жудаюм узоқ югурдим. Энгил-бошим шох-бутоқларга илинавериб, йиртилавериб титилиб кетди. Оёқ-қулларим шилиниб, қон оқа бошлади. Бир маҳал рупарамда тубсиз жарлик пайдо булди. Орқамда

кутурган йулбарс, олдимда қоронғилик. Туб-тубида тугмачадек бир нима милт этгандек булди. «Ё Оллоҳ, узинг паноҳингда асрагин». Узимни зимистон йуқлик қаърига отдим. Изғирин шамол игнадек юз-қулимга санчилади. Увиллаган чинқироқ қулоқларимни тешиб, аъзойи-баданимга ёйилди. Мана, мана сезяпман, тупитгимдан, тиззаларимдан утиб, белимни чирмаб олди. Энди кукрагимни пайпаслай бошлади. Елкамдан ошиб, илондек буйнимга уралди. Қурқувдан «лод, ердам беринглар, ким бор?» деб бақираман. Овозим чиқмайди, тилим танглайимга епишиб қолгандек, айланмайди.

Бемажол қулларимни кутариб, танамни чирмаган муздек совук нарсани олиб ташламоқчи буддим. Қулимга яхмалак сув унади. Вужуд-вужудимга зириллаган қалтироқ турди. Бояти йулбарс чузилиб пастга қарайди. Бошимни буйнимнинг ичига олиб, сувга шунгийман, яширинаман...

Шу тахлитда уйғониб кетдим.

Турма коменданти очич қеҳра билан қарши олди.

— Ёш умринг мукофотга қолди, бутам, — деди у. — Яқинда штрафной батальонга кетасан. Мана, қоғози, улим жазосини бекор қилишибди.

Куз олдим еришиб кетди. Узоқ ер остида қолиб, дабдурустан офтобга чиққан одамдек кузларим қамашди. Комендантга нима дейишимниям билмайман. Фақат йиғлайман. Кузларимдан шашқатор ёш қуйилади. Айбсиз айбдор булиб қолганимданми, хурликданми, айқаш-уйқаш туйгулар ичимдан отилиб чиқади. Дув-дув ёш булиб тукилади. Наҳот, одам боласининг улиб кетавериши шунчалик осон булса?! Одамнинг чивинчалик, қумурсқачалик қадр-қиммати йуқми?! У, ахир, тугма эмас-ку, истаганда қадаб, истаганда узиб ташласанг. Одам умри этик пошнасига епишган лой эмаски, силтаб-силтаб итқи-тиб кетаверсанг. У, ахир, Оллоҳнинг инояти-ку.

Ё тавба, ё қудратингдан. Уч кеча-кундуз ёмғир ёғди, челақлаб қуйди. Ҳаётимни остин-устун қилиб, тақдиримни тункариб юборган уша сариқ офицер уйига қайтаётган экан. Яшин теппасидан уриб тово-нидан чиқиб кетибди. Бир лаҳзада бир ҳовуч кумирга айланиб қолибди...

— Бандасининг ургани — ун оши, суккани — сук оши, бутам. Худо ургани ёмон буларкан. Ана кўрдингми, бир қаҳрига олмасин экан, қушқуллаб шундоқ урдик, кукунга айлантириб қуяқолди. Ном-нишон қолмади.

Бу гапларни турма коменданти узига яқин олиб, шивирлаб айтиб берди.

— Қилмиш-қидирмиш-да.

Издиҳом комида

Улим ҳукми жазо батальони билан алмаштирилган маҳбуслар ҳам анчагина экан. Юз чоғли собиқ маҳбусларни йиғиб, конвой билан олиб кетишди. 252-Олмаота жазо батальони. Шаҳар чеккасидаги ҳарбий қисмда машғулотлар утказа бошладик. Қулимизда тескари отиладиган милтиқ. Салкам икки ой ҳарбий тайёргарликни утадик.

Бош кийимдан пойафзалгача, энгил-бошимиз ҳаммаси рақамланган. Ботинкамнинг таги тахта, усти резина эди. Узимизнинг маҳбус этикдузлар тиккан. У ҳам тақалангандек, рақами бор. Меники «13» эди. «Статья 91. Домашний адрес: Сталинский район. Бешагач. Мать — Аҳмедова Нияз» деган ёзув оқ сурпга чатилиб, кийимимга

тикиб қуйилган эди. Йуқлашганда ҳам «фалон рақамли маҳбус» деб қақиришарди.

Кейин деразалари темир панжарали вагонларга чиқаришди. Сибирдан келатган жазо батальонлари ҳам бор экан. Қушилиб, катта бир состав булдик. Вагонлар тирбанд, утиришга зурга жой топилади. Шу тахлит фронтга жунадик...

1941 йилнинг қаҳратон қиши. Воронеждамиз, туфласанг тупугинг золдир булиб ерга тушади. Ҳаммамиз сафга тизилдик.

Бизга беш отарлик милтиқ беришди. Хандақда етибмиз. Совуқ суяк-суягингдан утиб зириллатади. Эгнимда қатирмоч гимнастёрка, шапарак адиёл. Катта флягага ухшаган идишда спирт олиб келишди. Окопма-окоп юриб, киши бошига бир кружкадан улашиб чиқишди. Менинг ҳам котелогимга қуйиб кетишди. Кимдир қор солиб ичади. Кимдир спирт ичгандан кейин қор еб юборади. Кузимни чирт юмиб ичиб юбордим. Хиёл утмай, баданимга иссиқ югурди.

— Эрталаб сахарда мушак отилади. Ушанда ҳамманг ҳужумга утсан, — деган буйруқ булди.

Мушак пориллаган заҳоти олдинга ташландик. Немис зангар кутиб турган экан, чалғида ут ўрандек қириб ташлади. Замбараклардан тупга тутиб, хандақларимизни остин-устун қилиб юборди. Тузони осмонга кутариди. Урнимиздан туришга турдигу милтиқ отишгаям улгурмадик. Одам деган чумолидек тупроққа қоришиб кетди.

Энимга қарасам, окопдош шеригимнинг иккала оёғи чурт узилиб кетган, ярим беҳуш етарди. Оегининг суяги буртиб чиқиб қолибди. Гуштлири бурда-бурда. Оғзи қуруқшаб, «ойижон, сув...», «ойижон, сув...» деб ёлворади. У шундай оғир пайтда ҳам онасини эслаб улди. Агар оегимни тортиб олиб, судралиб чиқмасам, тупроқ остида нафасим тикилиб қолиб кетардим.

Беш-олти олим наридаги хандаққа ҳам снаряд тушиб портлаган эди. Етти-саккиз сумбатдай йигит, атайлаб белга граната боғлаб портлатилгандек — қорни ёрилиб, улиб етарди. Снаряд парчалари аъзойибаданини тилка-пора қилиб юборган. Эссиз... Қандоқ йигитлар эди-я.

Бутун бошли батальондан ун уч киши омон қолибмиз. Соғи йуқ: кимдир қулидан, кимдир оегидан, яна кимдир бошидан яраланган. Менинг эса билагим синиб, гушти шалвираб осилиб етарди. Ичига тупроқ тулиб, гувалага ухшаб қолибди.

Косовни қилич деб қуруқ аравани шалдиратиб юрган эканмиз-да. Қуп одам қирилиб кетди. Қумга тушган томчи-томчи сувдек бамисоли.

Энди, сизга айтсам, рабочий баталиён дегани ҳам буларди. Аксари соқолли чоллар, ёши бир жойга етган кексалар. Ушалар улганларни йиғиштириб, снаряд упириб юборган чуқурларга кумишарди. Уларнинг ҳужжатларини олиш керак-ку. Ҳужжатлари ҳам қонга букиб қолган. Ички чўнтагига қул суқсан, жиққа қон. Бунақа чуқурлар жанг майдонида қағчадан-қанча. Совуқда одам ҳам тарашадек қотиб қоларкан. На қули эгилади, на оёғи букилади. Топдан фарқи йуқ. Атроф-теварақдагиларни йиғиб, саксовулга ухшатиб устма-уст қилишади-да, белкурак билан устидан тупроқ тортиб юборишади.

Эҳ-ҳе, қоронгуликнинг кузи қур.

Орадан бир кун утиб, полк штабидан майор билан капитан ертуламизга кириб келди. Ҳаммамизга бир шапалоқ-бир шапалоқдан қоғоз бериб чиқди, «оқланган» деган. Кейин, ун уч кишини 302-дивизиянинг 252-полкида алоҳида разведкачилар баталиёни қилиб қолдиришди.

Урушнинг бошидан охиригача разведкачи булдим. Иккита «Шуҳрат» ордени, бешта медаль олдим. Бир марта оегим, уч марта қулим синди. Бешегочдан Германиягача юриб бориб, юриб қайтдим. Уруш

тугаши арафасида Чехословакия билан Германия чегарасидаги Кобуец деган кичкина бир шаҳарчада бошимдан оғир контузия бўлдим. Мен учун уруш ана шу шаҳарда тугади.

Бир ярим йил Майкоп шаҳридаги госпиталда каравотда михланиб ётдим. Тилим айланмади, қотиб қолган. Иккала қулогим бирваракай тешилган экан-да. Икки йилгача гапиролмай юрдим. Кейинчалик тухтаб-тухтаб, зурга, қайтадан тилга кирдим. Бошимни бинт билан ураб ташлашган. Дам-бадам қулогимга уч-тўрт хил дори қуйиб туришади. Сунг бинт билан тангиб боғлашади. Олти ойдан кейин бинтни ечишган эди, сочим чириб кетибди. Қайта ушиб чиқмади. Тақир, калбош бўлиб қолдим.

Урушни эслагим келмайди. Эсласам, хафа бўлиб кетаман-да. Фроннга кетаётганда ҳали ун саккизга тулмаган чақмоқдек йигит эдим. 1946 йили йигирма уч ешимда иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтдим. Оғир... Эслан оғир... Мажақланган шаҳарлар, майиб-мажруҳ одамлар, уликлар. Қушларнинг сайрашидан кура снарядлар овозини купроқ эшитдим. Қулогимда қурғошиндай қуйилиб қотиб қолган. Гулларнинг анвойи атридан кура аччиқ тутун, порох ҳиди димогимга урнашиб қолган.

...Ойтуғон деган полкдош қозоқ йигит бор эди. Хушхулқ, мулойим. Уч йил енама-ён жанг қилибмизу бирон ножуря суз оғзидан чиққанини, сукинганини билмайман. «Яхши сузгаям, хунук сузгаям фаришталар омин, дейди, Нажим ака. Касри одамнинг узига ураркан. Хунукдан Худо безор, дейишадилар».

Ота-онасининг тилаб олган елгизи экан. Ун еттисида ешгина уйлаб қўйишган экан. Жажжи угилчаси билан аелининг бирга тушган суратини енидан қўймасди. Узоқ-узоқ тикилиб қоларди. Соғинган-да, бир зумгина дийдорига тўйиб олгандек буларди.

— Хотинимнинг исми Ойсулув, — дерди кунгил ёриб. — Чақалоқлигида сағир қолган. Ҳовлисидаги қаптарларни сут бериб, катта қилган экан. Келин бўлиб тушгандан кейин ҳам бизникига гала-гала қаптарлар келиб турарди. Супага дон сешиб қуярдик. «Гув-гув»лашиб дон териб ейишарди, сув ичишарди. Кейин ҳовлимиз тепасидан гир-гир айланиб учиб кетишарди.

«Қайдам» дегандек бош ирғаб қуяман.

— Ишонмайсизми, Нажим ака, мени айтди дерсиз. Урушдан кейин, туппа-тўғри бизникига борамиз. Уша қаптарлар ҳовлини тўлдириб углим билан уйнаб юрганини уз кузингиз билан курасиз. Углимнинг бошига, елкасига қуниб олишади. Унга сари қикир-қикир кулади. Ҳовуцида дон тутади, сув беради. Уша қаптарлар энди углимни катта қилишяпти. «Гув-гув»лаб эртақлар айтиб беришади. Қойил қоласиз.

Ойтуғон энтикиб, туликиб, меҳри ийиб сузларди. Юрак-юрагининг қатимларидан қаптарлар учиб юрган осуда осмонни, қир-адирлар шамолени, ут-улавлар исини соғинганлиги шундоққина сезилиб турарди.

Галдаги топшириқни бажаргани кетган Ойтуғон қайтиб келмади. Душман пистирмасига дуч келибди.

Урушдан тирик қайтаман, деб сира уйламаган эдим. Галабанинг утгиз йиллигида ветеранларни чақиритди. Гернополга бордим, Москвадаги учрашувларда бўлдим. Ҳар биримизнинг қулимизда уқлоғдай-уқлоғдай ҳарфлар ёзилган тахтачалар. Меникида «302-дивизия, 252-алоҳида армия баталиени», деб ёзилган эди. Бироқ ҳеч ким келмади.

Қизил майдонга йиғилганмиз. Одам куп. Генераллар, офицерлар, солдатлар. Маршал Рокоссовский ҳам келган. Атрофидагилар хайрон, «шунақа жазо баталиени ҳам булганми?» деб саволга тутишади. Жазо


баталиёнларидан ҳеч ким тирик чиқмасди-да. Уларнинг ҳайронлиги шунинг учун булса керак...

Қутир эчки девор бузади, деганларича бор. Агар лаънати фашист дегани бостириб келмаганда, жиққамушт бўлмаганимизда умрим бошқача кечармиди? Тақдирим бошқа узандан оқармиди? Ким билади, тагин... Деворни бузишга буздию фашистнинг узи тагида қолди. Узининг бошини еди. Мил-мил кунгиллар хонавайрон бўлгани қолди.

* * *

...Ё, тавба, қабр ҳам эгасини бировдан қизғонадими? Шунчалар қучиб бағрига босадими? Оғушидан қуйиб юборгиси келмайдими? 252-алоҳида армия баталиёнининг елғиз елгори Нажим ота Аҳмедов ҳам оламдан утди. Фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилди. Қатик тукилса юқи қоларкан-да. Нажим отанинг ҳаёт шами сунди-ю, тириклик чироғи учмади. Уч угил, уч қиз, этак-этак неварачеваралари ортида қолди.

Нажим ота нималандир дили хуфтон, жиғибийрон булса, «майли, шунга ҳам шукр, қодир Эгам, стказганинга, курсатганинга шукр», дея ҳовридан тушарди. Яна гулдек тугилмоқ бору гулдек кетмоқ йуқ эканда, дегувчи эди. Нажим отанинг хотира дарахти ҳамиша гуллаб турибди. Тирикликнинг турт фаслида ҳам сулиш нималигини билмайди.





Муҳаммад Али

Рухият нарсалари

Тулан Низом илҳодига назар

Шеърят, бу руҳият парчаларидир, шеър— руҳият деб аталган учмас алангадан сачраган учкун, ундан кўнгулга тафту ҳарорат боради, меҳр боради, мадад боради. Шунинг учун ҳам унга талпингвчилар кўп, дил ёргувчилар кўп, ўз дардига малҳам тилагувчилар кўп. Шеър — муқаддас руҳнинг сўздаги шакли. Сўз шоир учун ҳамма нарса ўрнини босади: сўз — ранг, рангларнинг алвон-алвон товланишидир; сўз — ҳолат, ҳолату кайфиятнинг турфа хил кўри-нишларидир; сўз — ҳис, ҳис-туйғунинг теран қатламларидаги жунбушлар акс-садосидир; сўз — оҳанг, оҳангу ранг-баранг садолар инъикосидир; сўз — ишқдир, сўз — шеърдир, сўз — руҳдир, Муқаддас руҳ... Тулан Низом шу сабабдан ҳам ўз сайланма шеърлар китобини «Муқаддас руҳ» деб атаган эди.

Оламни шеърда кўрмоқ, биз яшаб турган ҳаётни шеърят орқали идрок этмоқ ва уни оқ қоғоз юзига тўкиб солмоқ учун чиндан ҳам Худо берган салоҳият, истеъдод бўлмоғи керак. Ун саккиз минг оламдаги беадад маҳлуқоту мавжудот асло бир-бирига ўхшамаганидек, шоирлар ҳам ҳеч қачон бир-бирларини такрорламайдилар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам — куни ва туни бор, боғи ва тоғи, чамани ва саҳроси бор. Шуниси қизиқ-да.

Истеъдодли қалам соҳиби Тулан Низом гузал водийнинг ўгли, ўғиллик меҳри ва сўз айтиш санъати уни Фарғона куйчисига айлантирди. Шоирнинг олами — бу, Фарғона водийси, унинг танти ва жўмард кишилари, шарқироқ сойлари, чаманга айланаётган чўлла-

ри, олис ва шарафли тарихи, буюк фарзандларининг фожей қисмати, бу қисматларнинг ҳали очилмаган қатлари... Шоир Фаргона водийси тимсолида Ўзбекистонни, она Туркистонни, жаҳонни кўради, оламнинг кенглигидан ҳайратга тушади. Шоир гўзал водийнинг қоқ марказида яшар экан, ижод заҳматларини чекар экан, оламнинг маркази шу ердир, дегандай бўлади, ифтихор ҳиссини туяди; зеро, бундай дейиш шоирнинг ҳаққи-ҳуқуқидир. Ифтихор туйғуси шунчаларки, ёр юрган Фаргона йулларини орзиқиб таърифлаб, «Сулаймон тоғидек кўкўпар» Фаргона чинорларини васф этиб, Фаргона шамолларини ҳам шеърга солади. Фаргона шамолларида «Украина елларин майинлиги йўқ», у «Кавказ шаббодаларин куйини чалмайди», унинг қаноти ипак эмас, у эсганда, «пахтасига ишлайди чанг ичра деҳқонлари»... Лекин юртини севган шоир учун Фаргона шамоллари — «у — жасорат, у — мардлик!..»

Тулан Низом Қувада туғилди, ёшига етар-етмас оиласи Бўзга кучиб келди. Волидаи муҳтарамаси Уғилбуви Нормат қизи асли бўзлик, Бешкал қишлоғидан, донгдор пахта теримчиси бўлган. Падари бузруквори Низомиддин Соҳиб ўгли қувалик оддий деҳқон эди. Бўлажак шоир Бешкалдаги етти йиллик мактабни тугатгач, Бўз тумани марказидаги 1-мактабда ўқишни давом эттирди. 1965 йилда Андижон Давлат педагогика институтини битирди. Кейин мактабларда ўқитувчи, туман ёшлар кўмитасида етакчи, маориф бўлимида мудир, республика Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоятида масъул котиб лавозимларида ишлади... Ҳозирги кунда Саида Зуннунова номидаги Бўз педагогика билим юрти директори.

Тулан бадий ижод билан жуда эрта шуғуллана бошлаган. Унинг илк шеърлари менинг кўз ўнгимда ёзилган эди, десам муболаға бўлмас. Оллоҳнинг беадад илтифотларидан бири шу бўлдики, Тулан билан камина — бизлар болалиқдан бирга катта бўлдик, бир синфда ўқидик, илк ёзган машқларимиздан бирга қувондик, бирга севдик, бирга ёндик. Туланнинг «Очил, пахта» номли шеъри туман газетаси — «Гулистон»да босилганда, у тўртинчи синфда ўқир эди. Мактабимизда байрам бўлиб кетгани эсимда.

Тулан болалигиданоқ нозик дидли, китобга чанқоқ бўлиб ўсди. Синфда аълочи ўқувчилардан саналарди, нутқи равон эди, тумандаги турли йиғинларга таклиф қилишиб, доим шеър ўқитишарди. Минбардан буйи кўринар-кўринмас бўлиб шеър ўқир, шеър тугагач, гулдурос қарсақлар остида жойига бориб ўтирарди. Ҳамқишлоқлари ўз «шоир»ларига меҳр билан қарашар, шу муштдеккина боладан шунақа шоирона сўзлар чиққанига ҳайратланишарди.

Шоирнинг илк китоби — «Сенинг эртақларинг» 1970 йилда дунё юзини кўрди. Унда ёш шоирнинг самимий туйғулари ифодаланган шеърлар жамланди ва улар бугунги кунда ҳам жаранг бериб турибди. «Ўпич» деган шеърдан олинган ушбу сатрлар бунга мисолдир:

Илк буса!
Бевош лабларимда таъминг қолмаган,
Бевош кўзларимда топмайсан сеҳринг.
Бевошлигинг курсин!
Сендай бевошни
Фақат қаргамоқдан тилим толмаган...

Кейин бирин-кетин «Ифтихор», «Күёш йўли», «Ой қизлар», «Шеър айтгим келяпти, онажон», «Анджонда бир қуш бор», «Дахр боғи», «Чаман ичра», «Интизорлик», «Акс-садо», «Муқаддас руҳ», «Ватан сурати» каби шеърӣ мажмуалар ўқувчилар қўлига етиб борди.

Шеър — шоир ҳаётининг тавсифи. Бу айниқса, Тўлан Низомга хосдир. У илҳомни олислардан, ўзи кўрмаган, эшитмаган томонлардан изламайди, у «ёнидан оққан сув»нинг қадрига етадиган шоир. Фақат ўзи кўриб, ҳис этган воқеалар, нарсалар ҳақида қалам тебратади. У шеърнинг ҳолат сурати эканлигини яхши билади. Чиндан ҳам шеър бизга ҳолатни ифода этиб берсин, суратини чизиб берсин. Биз шеърдан жуда катта фикр ҳам кутмаймиз, агар бизга доно фикрлар керак бўлса, улар жаҳоннинг зукко донишмандлари китобларида исталганча топилгуси. Қарийб барча фикрлар айтилган ҳам. Иоганнес Бехерда шундай бир мулоҳаза бор эди. Унга кўра, Ҳомернинг «Илиада», «Одиссея» асарларида ҳамма нарса ҳақида ҳам айтиб кетилган, лекин умумий қилиб айтилган, алоҳида-алоҳида айтиш имкони эса ҳали-ҳануз бор... «Алоҳида-алоҳида айтиш» — демак, шоирнинг, қаҳрамоннинг бугунги ҳолатини, руҳият ҳолатини чизиб бериш, суратини солиш лозим. Тўлан Низом ижодида ана шундай ҳолат суратини чизишнинг ажойиб намуналари бор.

Аҳдга гувоҳ — сокин кўчалар,
Бир севгидан оқин кўчалар...

«Йиллар ўтди қиё боқмасдан...» деб бошлангувчи шеърдан олинган ушбу икки мисра замирида жигарсўхта ошиқ йигитнинг ҳолати, руҳияти пинҳондир. Йигит қизни яхши кўради, қиз ушбу сокин кўчада яшайди, уйи шундоқ кўча бўйида... Қиз йигитга учрашиб туришга ваъда айлаган, бунга мана шу сокин кўча гувоҳ... Аммо ваъдасида турмаган ёлгончи қиз учрашувга чиқмайди, ҳатто, кўчада кўринмайди ҳам. Интиқ ошиқ йигит эса қизни кўрармиканман, деган илинжда сокин кўчани кезавериб оқин кўчага айлантариб юборади! Шоир юқоридаги гапларни шеърга солиб ўлтирмайди, балки ҳолатнинг авж нуқтасини айтиш билангина чекланади:

Бир севгидан оқин кўчалар...

Куйидаги тўртликка эътибор беринг. Бу ажойиб тўртликда бор-йўғи саккизта сўз бор, уларнинг ҳам тўрттаси бир хил. Демак, асосан тўрт сўзга қурилган шеър. Шоирнинг маҳорати шундаки, ана шу кам сўзлар воситасида у ҳолатнинг гўзал суратини чиза олган. Бу ерда ошиқ билан маъшуқа ўртасидаги бир дostonга арзирлик воқеа-ҳодисани илғаб оламиз. Бағритошлик ва илтижо, қатъият ва умид, илинж... Икки ўртада нима кечди, шоир уларни таърифлаб ўлтирмайди, балки яна ҳолатнинг юқори нуқтасини олади, натижада шеър юксак маҳорат намунасига айланади:

Дединг: «Хайр!»
Дедим: «Тўхта?...»
Дединг: «Нуқта!»
Дедим: «Сабр?...»

Бу шеърларнинг ёзилганига уттиз йилдан ошиб кетди... Заҳматкаш шоир тин билмади, «чеккада улғайган бир бўз боламан», деб қараб турмади, изланишда давом этди. «Ҳайқирғим тегмасин тошга», дея улуғ умидлар баридадан тутди. Оқибатда севги-муҳаббат ҳақида самимий шеърлар дунёга келди, улуғ зот Она ҳақида меҳрга лиммо-лим сатрлар яралди. Уларнинг кўпи таниқли хонандалар томонидан қўшиқ қилиб қуйланиб келинади. Бу ҳам шоирнинг, шеърнинг кучини кўрсатадиган жиҳатдир. Мумтоз шоирлар газалларига мухаммаслар боғлади, бу ишни устозларнинг ижод сирларидан баҳраманд бўлиш, ўрганиш учун қилди. Бу ўринда, шоирнинг Саъдий, Адиб Собир, Навоий, Фузулий, Бобур, Ҳусайний, Муқимий, Фурқат, Ҳазиний, Ҳабибий каби шоирлар газалларига эш қилган мухаммасларини эслаб утиш кифоя.

Тўлан Низом ижодининг бир хусусияти шуки, у халқимизнинг улуғ фарзандлари ҳаётини қаламга олиш ва уларнинг ҳориган руҳларини шодмон этишни юксак бурч, деб билади. Шоир Андижон фарзанди Заҳририддин Муҳаммад Бобур билан ниҳоятда фахрланади, у ҳақда қалам тебратишни жуда ёқтиради. «Бобур таваллоси» шеъри Бобур ҳақида умуман битилган шеърлар ичида алоҳида ажралиб туради. Бу ерда ҳам воқеа-ҳодиса таърифи берилмайди, балки юқорида айтилганидек, ҳолатнинг сурати чизилади. Биз она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган улуғ ўғлоннинг ўтинчу изтиробларини кўрамыз:

Ишқ аро йўл қани, йўлдош қани,
Қўлламоққа қўл қани, қўлдош қани?

Дил лиммолим сир қани, сирдош қани,
Бирман деган бир қани, бирдош қани?

Қонга тўлдим, шеър қани, шеърдош қани,
Қайга борай, ер қани, ердош қани?

Хунхор қани, зўр қани, зўрдош қани,
Менки ўлдим, гўр қани, гўрдош қани?

Ишқи хорман, гул қани, гулдош қани,
Бошни ёрган ул қани, ул тош қани?

Хокисорман, қон қани, қондош қани,
Бир ўзимман, жон қани, жондош қани?..

Лутфу қочиримли бу шеърда бир неча янги сўз кашф қилинган: «бирдош», «шеърдош», «зўрдош», «гулдош»...

Сўнгги йилларда Тўлан Низом дoston жанрида самарали ишларни амалга оширди, ҳеч кимникига ўхшамаган, ўзига хос дostonлар шодасини яратди. «Чўлпон», «Мажнунтол йиғиси», «Гиря», «Рухи равоним», «Бобур», «Хумо», «Юрак», «Оқ гул», «Ботмай қолган ой»... Тўлан Миртемирнинг «Сурат» лирик қиссасини жуда яхши кўрар, уни қўлдан қўймас эди, ижодининг дастлабки паллаларида. Миртемир домла ушбу лирик қиссасида қаҳрамоннинг ўз-ўзига дил изҳорини монологлар тарзида бериш йўлидан борган, бирон воқеа ёки сюжетни ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди. Воқеа-сюжет ўша монологлар замирида пинҳон ётарди. Тўлан

Низом дostonларида ҳам яхлит сюжет бўлавермайди, улар гуё турли парчалардан иборат, турли вазнларда ёзилган шеърлардан ташкил топгандек туюлади. Лекин улар бирлашганларида ажойиб манзарани вуждга келтирадilar. Бу маънода улар бамисоли мозаик паннога монанд: яқиндан қарасангиз, алоҳида-алоҳида бўлак, парчалардан иборат, унинг устига бу парчалар ранглари ҳам турлича. Лекин узоқдан қарасангиз, парчалар бир-бирини тўлдириб, турли ранглар ҳам бир-бирига қўйилиб кетади, яхлит сурат намён бўлади...

Адабиётимизнинг порлоқ юлдузларидан бири — Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон ҳаёти, фожиали қисмати ҳақида ҳали кўплаб асарлар битилади, бунга шубҳа йўқ. Ҳар бир авлод бу ҳақда ўз сўзини айтишга ҳаракат қилади. Назаримда, бизнинг авлод бу хусусда ўз сўзини айта олди. Бу — Тўлан Низомнинг «Чўлпон» деб номланган ўтли достони. Юқорида айтилганидек, дoston мозаик усулда ёзилган: ҳар бир боб турли вазнларда битилган шеърлар каби, Чўлпон ҳаётида юз берган ҳолатлар суратидан иборат... Тўлан Низом дostonида Чўлпон оҳангларидан уринли фойдаланади, натижада машҳур шеърлар сатрлари дostonга едириб юборилади.

«Зилзила» бобида Чўлпоннинг болалиги тасвирланар экан, Андижонда юз берган зилзиладан сўз кетади:

Ер чўкди, дил чўкди, одамлар чўкди,
Бу қандай қора кун, усди мозорлар.
Дуркун авлодларни тутдайин тўкди,
Тирикларга қолди ғамлар, озорлар...

Бу бало-офат тасвири дostonга бежиз киритилмаган. У ўзбек халқи, маданияти, адабиёти осмонидаги ваҳшат қалдироқлари, не-не «авлодларни тутдайин тўккан» 1937 йилнинг даҳшатли «зилзила»лари рамзи сифатида намён бўлади. Андижон зилзиласида ғачирлаб қулаган ҳужрада омон қолган Абдулҳамид болакай, 37-йил зилзиласида забардаст адиб Чўлпон бўлиб ҳалокатга йулиқди... Дostonнинг энг мукамал бобларидан «Уқ овози»даги «Ўзбекистон, шоир ўглинг — Чўлпонингга ким ўқ узди, Уқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди!» сатрлари узоқ вақт қулоқларимиз остида жаранг бериб туради.

Тўлан Низом шеърятда улкан шоир Миртемирни устоз, деб билади. Тўлан бу ялангўш шоирдан кўп нарсани, биринчи галда, юртни севиш, унинг фидойиси бўлишни ўрганди. Миртемир шеърятимизга Туркистон кенглиklarини олиб кирди, Тўлан Низом эса устоздан ўрганиб, ўз шеърятда Фарғона водийси тимсолини яратишга бел боғламоқда. «Мажнунтол йигиси» номли қўшиқдай равон ёзилган лирик қиссаси устозга бўлган ҳурмат рамзидир.

Шоирнинг дostonларини тақдир қиссалари, деса бўлади. Бе-вақт кетган умр йўлдоши Ҳикматойга бағишланган «Гиря», Бобур, Машраб, Усмон Носир, Саида Зуннунова сингари шоирлар ҳаёти-на таърифловчи «Бобур», «Руҳи равоним», «Ботмай қолган ой», «Оқ гул», истиқлолимизни шарафловчи «Ҳумо» каби дostonлар, таъкидлаб ўтилганидек, шеърятимизга янгича, ўзига хос оҳанглар бахшида этди, танқидчилигимиз эътирофига сазовор бўлди. Улкан олим Озод Шарафиддинов шоирнинг «Ватан сурати» китобига ёзган сўнгсўзида Тўлан Низом шеърятига батафсил тўхталгач, дostonлари хусусида шундай дейди: «Уларнинг марказида, — деб ёза-


ди олим, — шоир танлаб олган бирон шахснинг сиймоси туради-да, муаллиф унга нисбатан ўз муносабатини ифодалайди ва шу йўл билан қаҳрамоннинг руҳий портретини чизади. Бу дostonларда ҳам биз инсон ҳаётининг мазмуни, унинг меҳнати, инсон бахти, кураши, ижоди ва, айниқса, инсон бахтининг мушкуллиги, инсон ва ижодкор тақдирининг ҳамиша, ҳамма замонларда огир кечиши ҳақидаги теран уйлар билан танишамиз... Бу дostonларнинг яна бир муштарак томони бор — уларнинг барчаси ҳам муваффақиятли чиққан ва юксак бадий фазилатларга эга. Шунинг учун ҳам улар китобхонлар ўртасида қисқа муддатда ҳурмат ва эътибор қозонди...» Улкан олимимиз фикрига қўшилмай илож йўқ.

Тулан Низом яқинда Чўлпон ҳаёти мавзуида яна бир асар — энди «Чўлпон» драмасини яратди. Драма Андижон ва Ўш театрлари сахналарида муваффақият билан томошабинларга ҳавола қилинди, улуғ шоир таваллудининг юз йиллигига муносиб тўхфалар қаторидан жой олди. «Чўлпон» достони асосида аввалроқ суратга олинган видеофильм эса Ўзбекистон ойнаи жаҳонида мунтазам намоиш этиб келинади.

Мен Тулан Низомнинг ҳамиша ўзи-ўзидан қоникмаслик ҳисси билан яшаётганини, тин билмай изланиш азобларидан роҳатланиб ҳаёт кечираётганини кузатиб келаман. У «Нон ҳиди» деган янги достонини битирди. Навбатда «Қишлоқ боласи» достони кутиб турибди. Шу кунларда узининг олтмиш йиллик тўйини нишонлаётган шоирнинг болалик дамларини қўмсаши, албатта, табиий бир ҳолдир...

Ўз шеърларидан бирида шоир, «Мен Ватаним юрагини чизаман», деган сўзларни ёзган эди. Шоир ўз аҳдида қоим, «Соғ қалбини ҳар куни тилиб», ўша қўтлуг ниятда қўлига қалам олади.

Ватан юрагини сўз билан чизмоқ шоирнинг тукис бахтидир.





Күшик селсрида Ватан бор

Мухбир: — Маҳмуджон ака муштарийларимиздан келган кўплаб мактублар сиз билан ҳамсуҳбат бўлиш истагини янада кучайтирди. Улар жуда кўп, турфа хилда. Кимнидир шахсий ҳаётингиз, бошқасини туғилган жойингиз... хуллас, сизга қизиқиш ортиб бормоқда. Шу саволлардан келиб чиққан ҳолда суҳбатлашиб олсак.

Маҳмуджон Азимов: — Жоним билан. Камтарона хизматимизга мухлислар эътиборидан бошимиз кўкка етди.

Мухбир: — Аввало санъатга кириб келишингиз тарихи ҳақида сузлаб берсангиз.

М. Азимов: — Менинг ёшлигим Тошкент туманидаги Охунбобов номли жамоа ҳўжалигида утган. Қачон аниқ қарор қилганман, эслолмайман: аммо катта бўлсам зўр санъаткор бўламан, деган орзу мени ҳеч қачон тарк этмаган. Ҳўжалигимиз клубида биринчи

Ҳурматли таҳририят!

Мен 30 йилдан бери «Шарқ юлдузи» журнали мухлисиман. Унда чоп этилган ҳар бир асарни, суҳбат ва мақолаларни мириқиб уқийман.

Анчадан буен хонанда Маҳмуджон Азимов ижодига қизиқиб келаман. Саҳнага чиққан илк кўнданоқ уз услуби ва йўлига эга бўлган хонанда кушиқларидан олам-олам завқ оламан. Агар узим учун энг сеvimли булган журнал саҳифаларида мазкур хонанда ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар уқисам, бошим кўкка старди.

Самимий эҳтиром билан **И. ЖУРАЕВ**

Чуст шаҳри

бор қўшиқ айтганим, илк бор қўлимга саз тутқазган ўқитувчим Гуломназар Раимовнинг ўша пайтдаги шодликлари, кўзларидаги аллақандай нурни бир умр унутолмасам керак.

Лекин тўғриси айтишим керак. Санъаткор бўлишимга аввалига отам қарши эдилар. Отам, бу — қасб эмас, бирор ҳунар урганишинг керак, деб туриб олганлар. Шу туфайли мактабни битириб, ТошДД филология факультетига ўқишга кирдим. Барибир, қисматимда санъаткор бўлиш бор экан, озми-кўпми халқ хизматида бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

Мухбир: — Ижод аҳли, хоҳ у rassom, ҳайкалтарош, хоҳ шоир-ёзувчи ёки қўшиқчи, улар ижодининг гули ёки айтиш мумкин бўлса юзага чиқарувчи асари бўлади. «Самарқандга борсам мен агар» қўшиғи сизни элга танитди. Шу қўшиқ яратилиши ҳақида ҳам эслаб утсангиз:

М. Азимов: — Мен бу қўшиқни айтгунга қадар ҳам бир неча қўшиқлар яратган эдим. Менинг одатим, газета-журналларда чиққан шеърларни кузатиб бораман. «Ёшлик» журналида шоир Муҳаммад Юсуфнинг бобомиз Улугбек ҳақидаги шеърини ўқиганимда эгим жунжикиб кетди. Қайта-қайта ўқидим. Ўқиганим сари мусиқа ҳам куюлиб келаётгандай бўларди. Шеърга куй басталаб кўнглим тўлғач шоирни излаб топдим. Муҳаммад ака аввалига рўйхушлик бермади. Менимча, у киши яхши бир қўшиқ пайдо бўлганига ишонмаётгандай эди. Шунда қўшиқ ёзилган тасмани шоирга узатдим. Муҳаммад ака қўшиқни эшитиб бўлғач, анча пайтгача бир сўз демай ўтирди. Кейин икки оғизгина сўз айтди. «Қўшиқ сизники, муборак бўлсин».

Ўша вақтларда телевизорда вилоятлардан тайёрланувчи «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» деган кўрсатув бўларди. Самарқанд ҳақидаги кўрсатувда қўшиғим эфирга кетди. Улуг аждодларимиз макон топган Самарқанд замини ҳақидаги қўшиғим санъат ихлосмандлари қалбига очилган катта йўл бўлди. Жуда кўплаб мухлислар орттирдим. Айни чоғда сеvimли шоиримиз билан кенг ижодий ҳамкорликка киришдим. «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» телекўрсатувининг Бухоро вилоятига бағишланган сониде «Файзулло бобо» номли қўшиғим берилди. Мухлислар ўртасида, бу қўшиқчи самарқандликми ёки бухороликми, деган тортишувлар бўлаётгани ҳақидаги хабарлар ҳам қулоққа чалинди. Мен ушанда илк бор мухлислар эътибори, инсонга қувват берувчи аллақандай илиқликни ҳис этдим.

Мухбир: — Маҳмуджон ака, мазкур қўшиқ яратилганига ҳам ўн йил бўлиб қолибди. Ўтган даврда юқоридаги қўшиқдан баланд даражадаги янги қўшиқ яратолдингизми?

М. Азимов: — Улугбек бобомиз ҳақидаги қўшиқ менга жуда қадрли. У туфайли мен элга танилдим. Минглаб мухлисларга эга бўлдим. Очиги, яратилган ҳар бир асар ижодкорнинг фарзандидай бир гап. Ҳар қанча дилозор бўлмасин, ота фарзандини ёмон демайди. Маълум маънода қўшиқлар ҳам шундай. Мана, буниси зўр, униси ундайроқ деёлмайман. Кейинги лойларда Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, Мақсуда Эргашева, Охунжон Ҳаким ва бошқа бир қанча шоирлар қаламига мансуб асарларни қўшиқ қилдим. Мен янги қўшиқ қилишга кўпма шошмайман. Кейин шеър муаллифи, таниқлими ёки ҳаваскорми, менга аҳамияти йўқ. Шеърни ўқиётганимда сатрлар мусиқа бўлиб оқа бошласа, бас. Ўша қўшиқ мен излаганим бўлади.

Мухбир: — Оллоҳ бандаларини икки нарса билан синайди. Бойлик ва шон-шухрат. Кўпчилик ана шу синовларни кўтаролмайди. Шу масалада фикрингиз қандай.

М. Азимов: — Шухрат ва бойлик. Шухратни кўтариш жуда оғир. Ниҳоятда ҳушёр бўлиш керак. Юриш-туриш, кийим-кечак, гапиришда. Битта ҳаракат билан йиллаб топган обрўдан ажралиш мумкин. Одамлар шортикда юрган ўнлаб кишиларга эътибор бермаслиги мумкин, аммо шортикда юрган ҳофизга муносабатлари бошқача бўлади.

Бойлик масаласига келсак, анча бойман. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, отам-онам ҳаётлар. Ўзингизга маълумки, ота-она ҳеч қандай бойлик билан сотиб олинмайди. Отам қирқ йил мобайнида жамоа ҳужалигида кетмончилик қилганлар. Ҳаётда ниҳоятда камтар бўлган бу инсонда манман деган одамлар ҳавас қилса арзийдиган фазилат ва фалсафа бор. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Уй солиш олдидадан маслаҳат қилганимда хурсанд бўлувдилар. Кейин ўнг ва сулим, рўпарамдаги кўшни ҳовлиларга қарашим, қурилажак уйим уларникидан сал бўлсаям дабдабали ёки бошқача бўлмаслигини қайта-қайта тайинладилар. Яна, бир сўзли инсонларни у киши жуда қаттиқ ҳурмат қиладилар. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Тирикчилик баҳона туйларда ҳам хизмат қилиб тураимиз. Шу масалада ҳам у кишининг ўз нуқтаи назари бор. Бир жойга ваъда бердингизми, тамом. Кейин туғишганингиз келиб илтимос қилсаям ваъдангизни бузманг. Шу кунгача отамизнинг айтганларидан чиққанамиз йўқ. Менимча, ёмон бўлмади.

Мухбир: — Маҳмуджон ака, баъзан кўшиқчи дўстларимиздан фалон шоирга фалон мавзуда кўшиқ ёзиб беринг, деб илтимос қилдим, деган гапларни эшитиб қоламиз. Одатда, мисралари қуйилиб келгандагина ёзилган шеърларни худди ўша шоир ҳолатида юрган, шеърни биринчи бор ўқигандаёқ мусиқаси сел бўлиб келган ҳофизгина ижро этиши мумкин. Буюртма кўшиқлар масаласида фикрингиз қандай?

М. Азимов: — Очиғини айтадиган бўлсам, буюртма кўшиқларни ёқтирмайман. Юқорида айтиб ўтганимдек, шеър муаллифи мени қизиқтирмайди. Шеърни ўқиганимда юрагим жизилласа бас. Меҳнатдан қочмайман.

Бизнинг оталаримиз-оналаримиз кўшиқчининг кўшигини сахнада, зангори экранда кўргандами, радиода тинглагандами, шу санъаткорга Худо берган экан, деб қўйишадди.

Санъаткор бунчалик эътиборга тушиш учун, қанчалар машаққат чеккани кўшиқчининг узигагина аён. Биз сизга таърифламоқчи бўлган кўшиқчи — Маҳмуджон Азимов эл оғзига тушган ва элнинг кўнглидагини топа оладиган санъаткордир. Мен бир мухлис сифатида Маҳмуджонни кўп кузатганман. Ундаги шарқона одоб, ота-онага, элга бўлган муҳаббатни яратган Эгам тўла-тукис берган.

• Ҳофиз кейинги йилларда классик газалларни қуйга солишга алоҳида эътибор бермоқда. Айниқса «Сиз Соҳибқиронсиз» кўшиғи унинг жозибадор кўшиқлари сонини яна биттага кўпайтирди. Биз мухлислари ҳофизимиздан келажакда инсон қалбига муҳрланиб қолдиган ана шундай кўшиқларни кўлаб кутаверамиз.

Олимжон ҲАКИМОВ
мухлис

Мухбир: — Маҳмуджон ака, сиз билан суҳбат чоғида санъат олами-ю, фақат бошқа мавзуга алоқадор театр масаласига бироз лирик чекиниш қилайлик. Ҳақиқатдан ҳам охирги пайтларда театр томошаларига томошабинлар камлиги кўп эътироф этилди. Хуш, нима учун? Драматургиямиз савияси пастми ёки артистларимизнинг маҳорати унчалик эмасми? Балки, унисиям эмас, бунисиям эмасдир. Ҳозир даврнинг ўзи шунақа. Кўплаб хонадонларга видео деган нарсалар кириб борди. Биргина телевизорнинг ўзидан истаганча томоша топиш мумкин. Аммо менинг фикримча, бу ҳолатлар ҳам вақтинча. Одамларимиз гуррос-гуррос бўлиб Ёқуб Аҳмедов, Афзал Рафиқов, Ҳожиакбар Нурматовларнинг табиий овозларини эшитиш учун театрларга ёпириладиган кунлар яқин. Бу кунлар келиши муқаррар. Шу маънода ёшларимиз ўртасида шовқин-суронли кўшиқлар бозори чаққонлиги, мумтоз кўшиқларимизга уларнинг эътибори бироз сустлигини қандай баҳолайсиз?

М. Азимов: — Дангалини айтадиган бўлсам, энг оғриқ нуқтага тегдингиз. Ҳазрат Навоийнинг газалларини қайта-қайта ўқиганимда ўзгача завқ, олам-олам маънолар оламан. Ҳофизлар ижросидаги классик кўшиқларни сел бўлиб эшитаман. Айни дамда кўплаб ёшларимиз ана шундай дурдоналарга бефарқ, уларни ҳис қила олмасликларига ачинаман. Аммо мен ҳам бу соҳада улкан ўзгаришлар бўлишига ишонаман. Классик кўшиқларимизни сел бўлиб тинглайдиган ёшларимиз сафи кенгайиб бораверади. Чунки ҳамма нарсада ҳам табиийлик энг биринчи ўринда туради.

Мухбир: — Маҳмуджон ака, санъаткорларимиз чет элларда концертлар бериб катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бизникилар даражаси хорижлик ҳамкасблари даражасига етганми?

М. Азимов: — Менимча, бизнинг санъаткорлар ҳамиша баланд бўлиб келган. Ҳофизларимиз олган пардани унча-мунчаси ололмайди. Биргина Муяссар Раззоқовани олайлик. Бу хонанда билан басма-басга кўшиқ куйлашга ҳаммаям журъат қилолмайди.

Шу ўринда фурсатдан фойдаланиб, мумтоз кўшиқчилигимиз ривожига имконият даражасида улуш қўшаётган Маъмуржон Тухтаинов, Машрабжон Эрматов, Эркин Рўзиматов, Маҳмуд Тожибоевлар меҳнатини эътироф этиб ўтмоқчи эдим.

Мухбир: — Хориж сафарларида ҳам бўлиб турасизми?

М. Азимов: — Қаранг, гап айланиб келиб яна Улуғбек бобомиз ҳақидаги кўшиққа тақалаяпти. Шу кўшиқ оғизга тушган пайтларида таниқли шоир Эркин Воҳидов Америка сафарида юрган эканлар. Нью-Йорк кучаларида икки жойда шу кўшиқ баралла янграб турганини гувоҳи бўлган эканлар. Юртга қайтганда Муҳаммад Юсуфни кутлабдилар. Шоир эса ўз навбатида мени табриклади. Очиғи, бошим кукка етди. Чунки ўзимдан олдин кўшиқларим дунё кеза бошлаган эди. Кейинчалик кўплаб сафарларда бўлдим. Айниқса, Дехли университетида бўлган учрашув бир умр ёдимдан чиқмаса керак. Сўзларини тушунмасалар ҳам мусиқа орқали кўшиқни ҳис қилиб турган юзлаб чеҳралар худди кечагидек ёдимда. Санъат нақадар буюк куч эканлигини ана ушунда яна бир карра ҳис этдим.

Мухбир: — Маҳмуджон ака, қувончли кунларингиз кўп бўлади-ми?

М. Азимов: — Қувончли кунларим кўп. Фарзандларим камолини кўрсам бир қувонаман. Одам ҳамиша яхшилик ва қувонч излаб яшаши керак. Фалончи докторликни ёқлабди ёки фалончи халқ

артисти бўлибди, деса, фан докторимиз ёки халқ артистимиз яна биттага кўпайди, деб қувонаман.

Мухбир: — Ўзингизга маълум, одамларимиз санъаткорлар ҳаёти, уларнинг оила аъзоларига жуда қизиқадилар. Анъанавий бўлса ҳам шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтсангиз.

М. Азимов: — Оилада беш ўғилмиз. Ота-онамнинг саъйи-ҳаракатлари билан ҳаммамиз ўқишларни битириб, оилали бўлиб, тинч-тотув яшаб юрибмиз. Турмуш ўртоғим билан икки ўғил ва икки қизни тарбиялаб келмоқдамиз. Вақти келиб шулар халқ хизматига камарбаста инсонлар бўлиб етишса, шунинг ўзи биз учун катта бахт. Менинг ишим ривожда ота-онамнинг меҳнатлари, бағри кенг, ёрдамини бировдан аямайдиган Баҳодир акамнинг хизматлари беқийс. Бу одамни дарё дегим келади. У кишининг маслаҳатлари, панд-насихатлари ҳаётимда катта аҳамиятга эга. Ажойиб инсонлар даврасида бўлиш барчага ҳам nasib этсин.

Мухбир: — Самимий сўбатингиз учун ташаккур.

Сўхбатдош Юсуф ФАЙЗУЛЛО

Таҳририятдан:

Бу кунги сўхбатни санъаткорлардан яна кимлар билан журнал саҳифаларда сўхбатлар олиб боришимиз, ҳаётни, пажода ҳақда ҳикоя қилишимизни истардигиз, азиз журналхон?! Бизга ёзиб юборинг, навбатдаги журнал сонларида талабингизни бажо келтирамиз.



Носир Зисраб



САФАРНОМА



Атоқли форс-тожик шоири Носир Хисрав 1004 йилда Қубодиён шаҳрида туғилди. Замонасининг йирик илм-фан марказларидан бири бўлган Марв шаҳрида таҳсил олди. Шеърлар ёзиш билан бирга фалсафа, риёзнет, жуғрофияни ҳам чуқур урганди. Уттиз беш ёшидан бошлаб уша пайтда Урта Осиёда ҳукм сурган салжүқийлар сулоласи девонхонасида хизмат қила бошлади. Носир Хисрав девон ишларида тажриба ва обрӯ-этибор орттирган бир пайтда давлат хизматидан бушаб, Қаяба тарафга сафарга отланади. Унинг бу сафари етти йил, яъни, 1045 йил 16 октябрдан то 1052 йил 23 октябригача давом этади. У Қуддус, Қоҳира, Макка, Мадина, Лаҳсо, Яман, Басра, Исфаҳон ва бошқа қатор шаҳар ва вилоятларда бўлади. Носир Хисравдан авлодларга мерос бўлиб қолган кўплаб қимматли шеърини ва насрий асарлар ичида «Сафарнома» асари алоҳида ажралиб туради. Шоир бу китобида йўл хотираларини, ўзи саёҳат қилган улка ва шаҳарлар таърифини қисқача ва қизиқарли қилиб тасвирлайди. Узи билан мулоқот қилган оддий ва машҳур одамлар ҳақида маълумот беради. Дақиқ кузатувчанлиги, қурган жойлари ва воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда ҳолислиги, ифодаларининг жимжималардан холи содда, аммо мазмундорлиги билан бизга ўзбек насрининг мумтоз асарларидан бўлган «Бобурнома» муаллифини эслатади.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Фақир — Абумуиниддин Носир Хисрав ал-Қубодиёни ал-Марвази шундай дейди:

Мен бир дабирпеша одам бўлиб, узоқ йиллар султон девонхонасида девон ишларига машғул бўлдим. Ўз ишимда бир қадар тажриба орттириб, хизматдошларим орасида анча танилиб қолдим. Тўрт юз ўттиз еттинчи йилнинг рабиулоҳир ойида (мелодий 1045 йил октябр-ноябр), яъни, Абусулаймон Чағрибек Довуд ибни Мекоил ибни Салжүк Хуросон амири бўлганида, мен девон ишлари юзасидан Марвни тарк қилдим ва Марвруд вилоятининг Панждех мавзеига келдим. Шул куни Раъс ва Муштарий юлдузлари фалак буржида бир-бирларига яқинлашган эди. Айтишларича, бу кун бандасининг ҳар не ҳожати бўлса, Оллоҳ таоло ўз қудрати билан раво қилади. Мен бир чеккага чиқиб, икки ракат намоз ўқидим ва Оллоҳ таолодан ўзимга бойлик сўрадим.

Дўстларим ва ҳамроҳларим олдига қайтганимда, улардан бири форсий шеър ўқиди. Менинг ҳам хотиримга бир шеър келди, қогозга ёзиб, буни ҳам ўқисин, деб узатмоқчи эдим, у бирдан айна шу шеърни ўқий бошлади. Мен бу ҳолни хайрли фол деб билдим ва ичимда: «Парвардигор менинг арзимни ижобат қилди», дедим.

У ердан мен Жузжононга жунаб кетдим. Бу шаҳарда бир ой турдим ва узлуксиз шаробхўрлик қилдим. Расул алайҳиссалом айтганлар: агар сизни фош қиладиган бўлса ҳам, фақат ҳақиқатни гапиринг.

Бир куни кечаси туш қурдим ва тушимда биров менга шундай деди:

— Одамни ақлу ҳушидан жудо қилувчи шаробни яна қанча ичасан? Бадмастликни тарк қилиб, ҳушёр булганинг маъқул.

Мен жавоб бердим:

— Донишмандлар бу дунё андуҳларидан хотирни фориг қилиш учун ҳали майдан қура яхшироқ нарса ўйлаб топганлари йўқ.

— Одам жоҳиллик ва мастликда ҳузур-ҳаловат тополмайди. Бундай йўл кўрсатган одамни донишманд ҳам деб бўлмайди. Шундай бир машғулот билан шуғулланмоқ даркорки, ундан ақл ва ҳуш зиёда бўлсин, — деди у.

— Ул машғулотни қайдан топай? — деб сўрадим бўшашиб.

— Излаган топар, — деди у ва қибла тарафни кўрсатди ва бошқа ҳеч нарса демасдан ғойиб бўлди.

Уйқудан уйғонгач, мен барчасини эсладим. Кўрган тушим менга қаттиқ таъсир қилди ва ўзимга дедим: ҳозир-ку уйғондим, аммо қирқ йиллик уйқудан ҳам уйғонмоғим лозим. Барча ярамас афъол ва аъмолимни тарк қилмасам, нажот тополмайман.

Тўрт юз ўттиз еттинчи йил жумодилохир ойининг олтинчисида, пайшанба куни (1045 йил 26 декабр) жомеъ масжидига бориб намоз ўқидим ва Оллоҳ таолодан фақат вожиб ишларга машғул бўлишим ҳамда манъ қилинган ва ношойишта ишлардан воз кечишимда кўмак қилишини сўраб илтижо қилдим.

У ердан мен Шибурғонга жўнаб кетдим. Кечаси Фарёбда тунадим ва ундан Санглон ва Толиқон орқали Марврудга келдим. Сунгра Марвга бордим, девондаги вазифамдан озод қилишларини сўрадим ва узрхоҳлик юзасидан дедим:

— Фақир қиблага сафар этмоққа азимат қилдим.

Вазифамни топширдим ва мол-мулкимдан баъзи энг зарур нарсаларни олиб, қолганларини муҳтожларга улашдим.

Шаъбон ойининг йигирма учинчисида (1046 йил март) Нишопур сари йўлга тушдим. Марвдан Сарахсгача ўттиз фарсанг, ундан Нишопургача қирқ фарсангдир. Шаввол ойининг ун биринчисида шанба куни Нишопурга етиб келдим. Шу ой охирида чоршанба куни қусуф¹ ҳодисаси юз берди. Бу пайтда шаҳар ҳокими султон Чағрибекнинг укаси Тўғрилбек Муҳаммад эди. У саррожлик растаси ёнидан мадраса қурмоққа амр қилиб, шу кунларда ушбу мадрасани қураётган эдилар. Ҳокимнинг ўзи эса, Исфаҳон вилоятини забт этмоқ мақсадида биринчи бор сафарга жўнаган эди.

Зулқаъда ойининг иккинчисида мен султон мулозимларидан бўлмиш Хожа Муваффақ ҳамроҳлигида Нишопурдан чиқдим. Кубон йўли орқали Бастомга келиб, шайх Боязид Бастомий² ҳазратларининг мазорини зиёрат қилдим.

¹ Қуёш тутилиши.

² Машҳур суфий, мелодий 874 йилда вафот қилган.

Зулқаъда ойнинг саккизинчисида, жума куни Домғонга келдим, зулҳижжа ойнинг биринчисида Обхўри ва Чоштхорон орқали Симнонга ўтдим. У ерда бир муддат истиқомат қилдим ва суҳбатига мушарраф бўлмоқ умидида илми, фозил одамларни изладим. Менга устод Али Нисоий деган одамни кўрсатишди ва уникига бордим. У ҳали ёш одам бўлиб, форс тилининг Дайлам вилояти аҳолиси гаплашадиган лаҳжасида гапирарди. Унинг олдида бир гуруҳ шогирдлари жам бўлиб, баъзилари Иқлидус¹ китобини ўқир, бошқалари ҳам тиб ва ҳисоб илмига машғул эдилар.

Суҳбат асноида Нисоий: «Мен Абу Али ибн Сино раҳматуллоҳи алайҳ дарсларида шундоқ ўқиган эдим ёки Ҳазратдан бундоқ деб эшитган эдим», деб кўярди. Назаримда, ўзининг ибн Синога шогирд бўлганини менга билдириб кўйишни гоят истаётган эди. У билан мунозарага киришганимда шундай деди:

— Ҳисоб илмини мукаммал билмайман, балки энди ўрганмоқчиман.

Униқидан кетарканман, ажабланиб, ўзимга дедим: «Агар ўзи билмаса бошқаларга қандоқ ўргатаркин?»

Балҳдан Райгача бўлган масофа менинг ҳисобимда уч юз эллик фарсанг чиқди. Айтишларича, Райдан Совагача ўттиз фарсанг, Совадан Ҳамадонгача ҳам ўттиз фарсанг, Райдан Исфаҳонгача эллик, Омулгача ўттиз фарсанг экан. Рай ва Омул оралигида Дамованд тоғи бўлиб, гумбазга ўхшаб кетади, уни шунингдек Лавасон ҳам деб атайдилар. Тоғ тепасида бир қудуқ бўлиб, ундан навшодир олишаркан. Баъзиларнинг гапига қараганда, олтингугурт ҳам олишаркан. Одамлар мол терисидан тикилган мешларга навшодир тўлатиб, пастга қараб думалатиб юборишаркан, чунки уни йўлдан кўтариб тушиб бўлмайди.

Тўрт юз ўттиз саккизинчи йил муҳаррам ойнинг бешинчисида (1046 йил июл) мен Қазвин сари юриб, Кўҳа қишлоғига етиб келдим. У ерда қаҳатчилик бўлиб, бир ман арпа нонини икки дирҳамдан сотишарди. Кўҳадан чиқиб, тўққизинчи муҳаррамда Қазвинга етиб келдим. Бу ерда боғ-роғлар кўп бўлиб, на девор ва на тиканли тўсиқлар билан ўраб олинмаган; киришга монелик қиладиган ҳеч нарса йўқ эди. Мустаҳкам кунгурадор қалъаси ва яхши бозорлари бўлган Қазвин менга кўркама шаҳар бўлиб кўринди. Фақат бу ерда сув кам бўлиб, ер ости коризларидан оқарди. Шаҳар ҳокими бир алавий² бўлиб, шаҳардаги ҳунармандлар ичида этиқдўзлар айниқса кўп эди.

Ун иккинчи муҳаррамда Қазвиндан чиқиб, Бел ва Кубон орқали Харзавил қишлоғига келдим. Бизда, яъни, мен, укам ҳамда бизнинг хизматкоримиз бўлган ҳинду болада

¹ Эвклид — қадимги юнон олими.

² Ҳазрати Алининг авлоди ёки тарафдори.

йўл учун олинган озуқа камайиб қолган эди. Укам баққолдан бирон нарса сотиб олиш учун қишлоқ ичкарасига кирди. Бирови дебди:

— Сенга нима керак? Мен баққолман.

— Сенда нимаики топилса, ҳаммаси бизга керак, чунки биз сафар қилаётган мусофирлармиз, — деб жавоб берибди укам.

— Менда ҳеч нарса йўқ, — дебди у.

Шундан кейин қаердаки бирон одам шунга ўхшаш гапни қилса, «Харзавил баққоли экан», деб кўярдим.

У ердан чиқиб, тик тушган қия йўлдан юра бошладик, уч фарсанг йўл босиб, Торум вилоятига қарашли Барзулхайр қишлоғига келдик. Бу қишлоқ иссиқ минтақада жойлашган, анорзор ва анжирзорлар гоят кўп бўлиб, аксар ёввойи ҳолда усарди.

Ундан чиқиб, Шоҳруд дарёсигача келдик. Дарё соҳилидаги Хандон деган қишлоқда Дайлам маликлари авлодидан бўлган амир хазинаси учун биздан бож олишди. Дарё бу қишлоқдан ўтгач, Сафидруд номли бошқа бир дарёга бориб қўйилади. Икки дарё туташгач, Гилон тоғининг машриқ тарафидаги водийга тушади ва Гилон вилоятидан ўтиб Обискун денгизига¹ қўйилади. Айтишларича, Обискун денгизига бир минг тўрт юзта катта-кичик дарё сувини кўярмиш. Денгиз бир минг икки юз фарсангга чўзилган бўлиб, ўртасида аҳоли яшайдиган ороллар бор экан. Мен бу хил ҳикояларни кўп одамлардан эшитдим. Энди бу гапларни қўйиб, ўз ишимга ўтаман.

Хандондан Шамиронгача уч фарсанг бўлиб, бу оралик тошлоқ биёбондан иборат. Шамирон Торум вилояти шаҳарларидандир. Шаҳар чеккароғидаги метин қоя устига баланд қалъа қурилган бўлиб, уч қатор девор билан ўраб олинган. Қалъа ўртасига ер ости коризи ўтказилган, у дарёгача боради ва қалъани сув билан таъминлайди. Бу қалъада вилоят уруғларининг ўғиллари бўлган мингга яқин киши яшайди ва улар бирон кимса бадкирдорлик ёки исёнкорлик қилмаслигини назорат қилишади. Дайлам вилоятида амирнинг қалъалари кўп бўлиб, аҳоли эмин-осуда ҳаёт кечиради; бирон одам бошқа бировнинг мулкига дахл қилолмайди. Вилоят аҳли жума намозига боришганда ковушларини масжид ташқарисида ечиб қўйишади ва ҳалигача бирон одамнинг ковуши йўқолмаган. Амир битикларида унвонини қўйидагича ёздирди: «Марзбон-ул-Дайлам Хайли Желон Абусолиҳ мавло амир ал-мўъминин». Узининг исми Жестон Иброҳим экан.

Шамиронда бир яхши одам билан танишдим, асли дарбандлик бўлиб, исми Абулфазл Халифа ибни Али ал-файласуф экан. У олиҳиммат одам бўлиб, бизга анча эътибор ва лутфлар қилди. У билан баҳслашиб турардик, шу

¹ Каспий дёнгизи

тариқа дўстлашиб ҳам қолдик. Мендан қаёққа кетаётганим-ни сўради.

— Қибла сафарини ният қилганман, — деб жавоб бердим унга.

— Сендан илтимосим шуки, қайтаётганингда бу шаҳарга яна бир кириб ўтгин, токи сен билан қайта кўришишга муяссар бўлай, — деди у.

Муҳаррам ойининг йигирма олтисида (1046 йил август) Шамирондан чиқдим ва сафар ойининг ўн тўртинчи куни Саробга келдим. Икки кундан сўнг Саробни тарк этдим ва Саидобод орқали йўл босиб, сафар ойининг йигирмасида Табризга етиб келдим. Бу шаҳар Озарбойжон пойтахти бўлиб, обод ва гавжум экан; эни ва буйини одимлаб ўлчаб чиқдим: ҳар тарафи бир минг тўрт юз одим экан.

Озарбойжон вилояти подшосини хутбада қуйидагича зикр этишади: «ал-амирул ажал, сайфуддавлат ва шарафулмиллат Абумансур Ваҳсудон ибни Муҳаммад мавло амир ал-мўъминин».

Менга ҳикоя қилишларича, тўрт юз ўттиз тўртинчи йил раби-ул-аввал ойининг ўн еттинчисида пайшанба куни (1042 йил декабр) хуфтон намозидан кейин тунда бу шаҳарда зилзила бўлибди. Шаҳарнинг бир қисми вайрон бўлибди, баъзи маҳаллаларга эса зарар етмабди. Айтишларича, ўшанда қирқ минг одам ҳалок бўлган экан.

Табризда мен Катрон исмли шоир билан учрашдим. Дуруст шеърлар ёзаркан-у, форс тилини мукамал билмас экан. Мунжиқ ва Дақиқий каби шоирларнинг девонларини олиб келиб, менга ўқиб бериб, қийин жойларини тушунтириб беришимни илтимос қилди. Мен қийин байтларнинг маъносини айтиб бердим ва у менинг барча шарҳларимни ёзиб олди. Сўнгра у менга ўз шеърларидан ўқиб берди.

Ўн тўртинчи рабиулаввалда биз Табриздан чиқдик ва амир Ваҳсудон лашкаридан бўлган сарбозлар ҳамроҳлигида Маранд йўли орқали Хўйга келдик, ундан бир элчи билан биргаликда Баркарига бордик. Хўйдан Баркаригача ўттиз фарсангдир. Сўнгра биз Ван ва Вустонга бордик. Бу шаҳар бозорида чўққа гўштини худди қўй гўштидек сотишарди. Аёллар ва эркаклар дўконлар олдида ўтириб, ҳеч тортинмасдан шаробхўрлик қилишарди. У ердан чиқиб, ўн саккизинчи жумодилаввалда Ихлотга етиб келдим. Бу шаҳар мусулмон ва арманилар чегарасида жойлашган бўлиб, ундан Баркаригача ўн тўққиз фарсангдир. Бу жой амирининг исми Насруддавла бўлиб, у ёши юздан ҳам ошиб кетган эди. Уғиллари кўп экан, ҳар бирига бир вилоятни идора этмоқ учун топширибди. Ихлот шаҳрида уч хил: араб, форс ва армани тилларида сўзлашадилар. Менимча, шаҳарнинг Ихлот деб номланиши ҳам шу сабабли бўлса керак.¹ Сав-

¹ «Ихлот» арабча сўз бўлиб, маъноси «аралашма», «омухта»дир.

до-сотикда мис тангалар муомалада экан. Унинг бир ратли уч юз дирхамга тенгдир.

Йигирманчи жумодилаввалда биз у ердан чикдик ва йулдаги бир работда тухтадик. Қор бўралаб ёғар ва қаттиқ совуқ эди. Шаҳар олдидаги даштда қорли ва бўронли кунларда йўловчилар йўналишни йўқотиб кўймасликлари учун йул буйлаб қозиклар қоқиб кўйилган эди. Сўнгра Битлисга келдик. Бу шаҳар тор водийда жойлашган. Биз бу ерда асал сотиб олдик, бизга сотишган нархига қараганда юз ман асал бир динор тураркан. Шу шаҳарлик бир одам ҳақида менга ҳикоя қилдилар: у бир йилда уч юз-тўрт юз меш асал тўпларкан. У ердан чиқаётиб бир қасрни кўрдик, «Қиф унзур», яъни, «Тухта ва томоша қил» деб аталаркан. У ердан ўтиб, бир масжид олдига етиб келдик. Айтишларича, бу масжидни Увайс Қароний қурдирган экан. Шу жойда тоғ тепасида юрган бир тўп одамларни кўрдик: улар сарв дарахтига ўхшаш бир хил дарахтларни чопишаётган эди.

— Буларни нима қиласизлар? — деб сўрадим.

— Бу дарахт танасининг бир учини ўтда ёқса, нариги учидан қатрон оқади. Биз ҳаммасини қудуққа оқизиб тўплаймиз, сўнгра идишларга солиб, шу атрофларга элтамиз, — дейишди улар.

Ихлотдан бошлаб мен зикр қилган барча жойлар Миёфориқин вилоятига қарашлидир. У ердан Арзанга келдик: кўркам ва обод, оқар сувлари, боғ-роғлари, яхши бозорлари бор шаҳар экан. Порсларнинг¹ озармоҳида (ноябр-декабр) бу ерда икки юз ман узумни бир динордан сотишади. Бу узум «рази армонуш» деб аталаркан. У ердан биз Миёфориқинга бордик. Ихлотдан Миёфориқингача йигирма саккиз фарсанг, Балхдан эса, биз юрган йул буйлаб, беш юз эллик икки фарсангдир. Биз Миёфориқинга тўрт юз ўттиз саккизинчи йил жумодилаввал ойининг йигирма олти-сида жума куни (1046 йил ноябр) кириб келдик. Бу пайтда дарахтлар барги ҳануз яшил эди. Шаҳар атрофи оқ тошлардан тикланган баланд девор билан ўраб олинган, ҳар бир тошнинг оғирлиги беш юз ман атрофида эди. Ҳар эллик газ жойда худди шундай оқ тошлардан азим буржлар бино қилинган эди. Девор бошдан охиригача кунгурадор бўлиб, гуё уста ўз ишини ҳозиргина тугатгандек таассурот қолдирарди. Шаҳарнинг ғарб томонида улкан тош қуббали катта дарвоза бўлиб, тавақалари ёғоч ишлатмасдан, яхлит темирдан қилиб ясалган. Шу жойда жомеъ масжиди ҳам бор, агар унинг таърифини муфассал баён этсак, ҳикоямиз жуда чўзилиб кетади. Аммо китоб муаллифи ҳар бир кўрган нарсаси ҳақида маълумот беришга интилгани сабабли баъзи нарсаларни айтиб ўтмоқни лозим деб билади:

Масжидга тақаб қурилган таҳоратхона қирқ бўлмадан

¹ Зардуштийлик динига содиқ қолганлар. Улар қадимги Эрон тақвимини қўллашган.

иборат. Усти очик бир ариқ ўтказилган бўлиб, барча бўлмаларни оқар сув билан таъминлайди, усти ёпиқ иккинчи ариқдан эса, ифлосланган сув оқиб чиқиб кетади.

Шаҳристон ташқарисидаги работда¹ карвонсаройлар, бозорлар ва ҳаммомлар бор. У ерда бошқа бир жомеъ масжиди бўлиб, жума кунлари унда ҳам намоз ўқишади. Шаҳарнинг шимол томонида Муҳаддаса номли яна бир ҳисор бор. Буям шаҳар бўлиб, бозорлари, жомеъ масжиди ва гўзал қилиб солинган ҳаммомлари бор.

Вилоят султонини хутбада шундай зикр қилишади: «Ал-амирул-аъзам, иззул-ислом, Саъдуддин, насруддавлат ва шарафулмиллат Абунаср Аҳмад.» У юз ёшга кирган ва ҳали ҳам ҳаёт экан. Бу амир Миёфориқиндан тўрт фарсанг нарида бир шаҳар бино қилган бўлиб, уни «Насрия» деб номлаган.

Миёфориқиндан Омадгача тўққиз фарсангдир. Қадимги тақвим бўйича даймоҳнинг олтинчи кунини Омад шаҳрига етиб келдик. Шаҳар яхлит қоя устида бунёд этилган бўлиб, бўйи икки минг қадам ва эни ҳам шунчалик. Атрофига қора тошдан девор тикланган. Деворга қўйилган тошларнинг оғирлиги юз маңдан минг мангача бўлиб, уларнинг аксари бир-бирига шу қадар жипс қилиб бириктирилганки, ораларига лой сувашга ҳам ҳожат қолмаган. Деворнинг баландлиги йигирма, эни ўн аршдир. Ҳар юз газ масофада бурж қурилган бўлиб, унинг ярим доираси саксон газдир. Девор кунгуралари ҳам қора тошдан қилинган. Шаҳар ичкарисида девор тепасига чиқиш учун тошдан зинапоялар урилган. Ҳар бурж тепасида махсус жанггоҳ бор. Шаҳристоннинг тўрт дарвозаси бўлиб, барчаси темирдан. Ёғоч ишлатилмаган. Ҳар дарвоза оламнинг бир тарафига қарата қурилган. Шарқий дарвоза Бобуддажла (Дажла дарвоза), ғарбийси Бобиррум (Рум дарвоза), шимолий дарвоза Бобуларман (Арман дарвоза) ва жанубдаги Бобутгал (Тал дарвоза) деб аталади. Бу деворнинг ташқи томонида худди шунақа тошдан ўн газ баландликда бошқа яна бир девор қурилган. Девор ёппа кунгурадор бўлиб, кунгуралар оралиғи шунчалик кенги, бундан оёқ қуролланган жангчи бемалол сигади ва бунда туриб жанг қилмоқ ўнғайдир, Ташқи деворга ҳам темир дарвозалар ўрнатилган, аммо улар ички дарвозалар рўпарасида эмас. Ташқи ҳисор дарвозасидан киргач, то ички ҳисор дарвозасига етгунча деворлар оралиғи бўйлаб бирмунча юриш керак. Деворлар оралиғи ўн беш газдир.

Шаҳар ўртасида метин қоятош остида булоқ бор. Бешта тегирмонни айлантиришга етадиган суви бағоят яхши бўлиб, қаёқдан оқиб келишини ҳеч ким билмайди. Шаҳарда

¹ Работ сўзи икки хил маънони билдиради: 1) шаҳар чеккалари, яъни, марказ (шаҳристон) атрофи; 2) йўловчилар қуниши учун катта йўллар устида махсус қурилган жойлар.

ушбу булоқ суви билан сугориладиган дарахтзор ва боғроғлар кўпдир. Шаҳар ҳокими биз зикр қилиб ўтганимиз ўша Насруддавланинг ўғлидир. Мен оламнинг турли иқлимларида жойлашган араб, аҷам¹, ҳинд, ва турк мамлакатларидаги кўпдан-кўп шаҳару қалъаларни кўрдим, аммо ер юзида Омадга ўхшаган жойни учратмадим ва бирон кишининг: «Шунга ўхшаш бошқа бир шаҳарни кўрганман», деганини ҳам эшитмадим. Жомеъ масжиди ҳам қора тошдан бўлиб, бундан ҳам кўра соз ва мустаҳкам қилиб қурмиш беимқондир. Масжид ичида икки юздан зиёд сутун ҳар бири яхлит тош бўлагидан қилинган ва тепаларида тош қуббалар бор. Ундан тепада яна бошқа калтароқ устунлар тикланган. Катта қуббалар устида яна бир қатор кичикроқ қуббалар бор. Масжиднинг гумбаз шаклидаги томи ёғоч ва тош бўлақларига ўймакорлик қилиб нақш солиб, бўяб безатилган.

Масжид ҳовлисида катта қалисо² бўлиб, унинг ўртасида айлана тошҳовуз қилинган. Чуқурлиги одам бўйи ва айланаси икки газдир. Ҳовуз ўртасидаги жез қувурдан тоза сув фавворадек отилиб туради, аммо сув келадиган ва оқиб кетадиган жойни кўриб бўлмайди. Кенг таҳоратхоналар ҳам бўлиб, шундай соз қурилганки, бундан ҳам яхшироқ қилиб қурмоқ амри маҳолдир. Албатта, Омадда барча иморатлар қоратшдан, Миёфориқинда эса оқ тошдан бино этилганини ҳисобга олмаसाқина.

Масжид яқинида катта қалисо² бўлиб, у ҳам тошдан гоят маҳобатли қилиб солинган. Қалисо заминида нақшли мрамр парчалари ётқизилган. Ушбу қалисода, тарсолар³ ибодат қиладиган меҳробда панжарали темир эшикни кўрдим, олдин бунга ўхшашини ҳеч кўрмаган эдим. Омаддан Ҳарронгача икки йўл бўлиб, биттасида одам яшайдиган манзил мутлақо учрамайди ва у қирқ фарсангдир. Бошқасида қишлоқ ва манзилгоҳлар кўп бўлиб, аҳолиси ақсар насронийлардир. Ва бу йўл олтмиш фарсангдир.

Биз қарвон билан атрофи обод йўлдан юрдик. Йўл тептекис, аммо шу қадар тошлоқ эдики, от ва туялар туёғи ҳар қадамда тошга тегарди. Тўрт юз ўттиз саккизинчи йил жумодилохир ойининг йигирма бешинчисида, жума куни (мелодий 1046 йил декабри) Ҳарронга етиб келдик. Эски тақвим бўйича, бу кун озармоҳнинг иккинчи куни эди. Бу ернинг об-ҳавоси бу пайтда худди Наврўз пайтидаги Хуросон об-ҳавосидек эди.

У ердан жўнаб, Қурул деган шаҳарга келдик. Бир олиҳиммат зот бизни уйида меҳмон қилди. Унинг уйига кириб ўтирганимизда бир бадавий араб ҳам кирди ва менинг яқинимга ўтирди. Олтмиш ёшларда эди. «Менга Қуръон оятла-

¹ Яъни, ғайри араб; асосан, Эронга нисбатан қўлланилган.

² Черков.

³ христианлар.

ридан ўргат», деди менга қараб. «Қул аъзузу биробин-нос...» деб ўргата бошладим ва у такрорлади. Ушбу суранинг сўнги ояти «минал-жаннати ван-нас»ни айтиб бўлганимда, у: «аро-айтан-нос» ҳам дейишим керакми?» деб сўради. «Бу сурада мен айтганларимдан бошқа оят йўқ», дедим. Сўнгра у «наққо латал-ҳатоб» қайси сурадан?» деб сўради. Ҳолбуки Масад сурасида «наққо латалҳатоб» эмас, балки «ҳамма лат ал-ҳатоб» дейилганини у билмас эди. Уша кечаси Нас сурасини ҳарчанд такрорлаганимга қарамай, бу олтмиш ёшли араб ёдлай олмади.

Шом вилояти шахрифи

Тўрт юз ўттиз саккизинчи йил ражаб ойининг иккинчисида, шанба куни (1047 йил январи) биз Суружга келдик, шундан икки кун кейин Фурот дарёсидан кечиб ўтиб, Мунжибга бордик. Мунжиб Шом¹ шаҳарларининг биринчиси-дир. Эски тақвим бўйича, баҳманмоҳнинг биринчи куни бўлиб, об-ҳаво ниҳоятда яхши эди. Шаҳар ташқарисида бирон-бир иморат йўқ. У ердан биз Ҳалабга кетдик. Миёфориқиндан Ҳалабгача юз фарсангдир. Ҳалабнинг ажойиб шаҳарлигига тан бердим. Баҳайбат девори бўлиб, баландлиги, назаримда, йигирма беш арш келади. Қоя устида тикланган қальъаси ҳам бор. Ҳалабни Балхга қиёсласа бўлади: ҳамма жойи обод ва иморатлар жуда зич жойлашган. Бу шаҳар ботгоҳ бўлиб, Шом, Рум, Диёрбакр, Миср ва Ироқдан келтирилган моллардан бож олинади. Бу улкаларнинг ҳаммасидан бу ерга тожир ва савдогарлар келишади. Тўрт дарвозаси бор: Бобуляҳуд, Бобуллоҳ, Бобулжинон, Боби Антокия.

У ердан жанубга қараб юрилса, йигирма фарсангдан сўнг Ҳамо шаҳрига борилади, ундан нарида эса Ҳумс жойлашган. Ҳалабдан Дамашқгача эллик, Антокиягача эса ўн икки фарсангдир ва Тароблисгача ҳам шунчалик. Айтишларича, Қўстантанягача икки юз фарсанг экан.

Ўн биринчи ражабда биз Ҳалабдан чикдик, уч фарсанг масофада Жундиқунсирин деган қишлоқ бор экан. Бошқа куни олти фарсанг йўл юриб, Сурмия шаҳрига келдик. Бу шаҳар атрофида девор йўқ. Яна олти фарсанг юриб, тош девор билан ўраб олинган Муарратуннуъмон деган шаҳарга етдик. Шаҳар ободон ва дарвозаси тепасида бир тош лавҳа бўлиб, унга арабчадан бошқа бир ёзувда нимадир битилган эди. Бир кишидан бу ҳақда сўраганимда: «Чаёнларга қарши тилсимдир бу ёзув. Шу сабабли бу ерда ҳеч чаён бўлмайди. Агар ташқаридан олиб келиб қўйиб юборишса ҳам, тезда шаҳардан қочиб чиқиб кетади», деб жавоб берди у.

¹ Сурия

Шаҳар бозорлари молга лиқ тўла эди. Жомеъ масжиди шаҳар уртасидаги бир баландликда жойлашган бўлиб, унга қайси бир тарафдан кирмоқчи бўлмасинлар, ўн бир поғонали зинапоядан тепага кўтарилишарди. Асосий экинлари бугдой бўлиб, мул ҳосил олишади. Анжир, зайтун, пистаю бодом ва узумзорлар жуда кўп. Шаҳарда ёмғир ва қудуқ сувини истеъмол қилишади. Бу ерда Абул Аъло Маари¹ исмли кўр одам бўлиб, у шаҳар ҳокими эди. У беҳисоб бойликлар эгаси экан, жуда кўп қул ва хизматкорлари бор эмиш. Шаҳар аҳли ўзларини унинг кули деб санашаркан. Аммо ўзи зоҳидона ҳаёт кечирар, оддий ва арзон либослар кийиб, уйдан чиқмай хонанишинлик қилар экан. Тирикчилик учун ҳар куни ўзига ярим ман арпа нони беришларини тайинлаган ва шундан бошқа ҳеч нарса емас экан. Эшитишимча, саройининг эшиги доимо очиқ бўлиб, шаҳарни идора этиш ишлари билан унинг ноиб ва мулозимлари шугулланишаркан, энг мураккаб масалалар юзасидангина ҳокимнинг ўзига мурожаат этишаркан. Ҳоким бойлигини ҳеч кимдан дариг тутмас, ўзи эса кундузи рўза тутиб, тунда ибодатдан бўшамас, Фоний дунё юмушларига машғул бўлмас экан. Шеър ва адаб соҳасида Абул Аъло шу қадар юксак даражага эришган эдики, Шом, Мағриб ва Ироқ адиблари ушбу асрда ҳеч ким унинг билан тенглаша олмаслигини таъкидлашарди. «Ал-фусулу ва ал-ғоёт» номли китоб битган бўлиб, унда сирли иборалар, фасиҳ ва ажиб алфозли масалалар келтирилганким, ҳар ким ҳам уларнинг маънисини идрок этавермайди. Уни ҳатто бир гал: «Бу китобни Қуръонга муқобил сифатида битгансан», деб айблашган экан. Шаҳар ва унинг атрофларидан доимо икки юздан ортиқ одам ҳузурда жам бўлиб, адаб ва шеър хусусида ундан дарс олишади ва, эшитишимча, Абул Аъло ўзи юз минг байтдан кўпроқ шеър битган экан. Бир киши ундан сўрабди:

— Худойи таборак ва таоло ҳисобсиз олий неъматларни сенга ато этмиш. Нега ундан бошқаларга бергансан-у, ўзинг истифода этмайсан?

— Истеъмол қила олганим қадар неъматларгина меникидир, — деб жавоб берибди у.

Мен бу шаҳарда бўлган пайтимда Абул Аъло ҳали ҳаёт эди.

Тўрт юз ўттиз саккизинчи йил ражаб ойининг бешинчисида биз у ердан чиқиб, Қуймотга, сўнгра Ҳамо шаҳрига келдик. Ҳамо Осий дарёси қирғоғида жойлашган обод ва куркам бир шаҳардир. Дарёнинг «Осий» деб аталишига сабаб шулки, У Рум тарафга қараб оқади, яъни, Ислом мамлакатидан кофирлар ўлкаси томон кетиб, «осий» бўлади. Дарё ёқасига кўпдан-кўп чигирлар ўрнатилган. Бу ердан сўнг йўл иккига айрилади: бири денгиз соҳилига ва Шом-

¹ Араб шоири (979—1057 йилларда яшаган).

нинг гарбига, иккинчиси жанубга Дамашққа кетади. Биз денгиз тарафга кетдик. Йўлда тоғ тепасида бир булоқ кўрдик. Айтишларича, ҳар йили шаъбон ойининг ярми ўтгач, булоқдан сув оқа бошларкан, уч кундан сўнг булоқ яна кўриб, то келаси йилгача бошқа бир қатра ҳам сув келмас экан. Ҳар йили жуда кўп одам бу ерга зиёратга келишади ва Ҳақ субҳонаҳу таолога яқинлик исташади. Булоқ яқинида зиёратчилар учун иморат ва ҳовузлар қилинган.

У ердан ўтиб, даштга келдик. Наргислар қийғос гуллаган бўлиб, гулининг кўплигидан бутун дашт оппоқ бўлиб кўринарди. Биз йўлда давом этиб, Ирқа номли шаҳарга келдик, сўнгра икки фарсанг юриб денгиз соҳилига, соҳил бўйлаб жануб томонга беш фарсанг юриб Тароблис шаҳрига етиб келдик. Ҳалабдан Тароблисгача биз юрган йўл бўйлаб қирқ фарсанг масофадир.

Биз бу ерга шаъбон ойининг бешинчисида, шанба кунини кириб келдик. Шаҳар атрофида экинзор ва боғу бўстонлар жуда кўп. Шакарқамиш мўл бўлиб, норинж, турунж, лиму, хурмо каби мевалар ҳам бисёр эди. Айни шу кунларда шакарқамиш ширасини йиғиштириб олишаётган экан.

Тароблис шаҳрининг уч томони денгиз суви билан ўралган, чунончи денгиз мавжга кирганда, тўлқинлар шаҳар деворидан ошиб ўтади. Қуруқликка қараган томонида темир дарвозали мустаҳкам қалъа қурилган ва унинг олдида чуқур хандақ бор. Шарқ томонда кунгурадор тош девор тикланган. Девор устига тошотар манжаниқлар ўрнатилган. Аҳоли румликларнинг кемаларда шаҳарга ҳужум қилишидан хавфсирайди. Шаҳар майдони эни ва бўйига минг аршдир. Тўрт-беш, ҳатто олти табақали бинолар бор. Кўчалар ва бозорлар шунчалик кўркам ва озодаки, уларнинг ҳар бирини безатиглик бир сарой деб ўйлаш мумкин. Эронда кўрганам барча турли емиш ва мевалар бу ерда ҳам бўлиб, фарқи шунда эдики, бу ерда юз баробар кўп эди.

Шаҳар ўртасида улкан, улғвор, мустаҳкам ва гўзал қилиб солинган жомеъ масжиди бор. Масжид ҳовлисидаги гумбаз тагига мрамар ҳовуз қилинган бўлиб, унга бешта кувурдан сув оқиб туради, аҳоли истеъмол учун олганидан ортгани ер тагидан денгизга оқиб кетади. Айтишларича, шаҳарнинг йигирма минг аҳолиси бор экан. Атрофда ҳам қишлоқ ва манзилгоҳлар жуда кўп. Бу ерда қоғоз тайёрлашади. Самарқанд қоғозига ўхшаш, ҳатто ундан яхшироқдир. Бу шаҳар Миср султонига қарашлидир. Бунинг сабабини шундай изоҳлайдилар: бир замонлар Рум кофирлари лашкари бу шаҳарга ҳужум қилганида Миср мусулмонлари уларга қарши жанг қилиб, тор-мор келтиришган ва шаҳар Миср султонига тобеликни ихтиёр қилган. Миср султони шаҳардан хирож олади ва бу ерда султон саркардалари бошчилигидаги бир қисм лашкар шаҳарни душмандан қуриқлаш учун туради. Бу шаҳарда божгоҳ бўлиб, Рум, Фарангистон, Андалус ва Мағрибдан келадиган кемалар сул-

тон хазинаси учун ушр тўлайди. Бу пул қўшин таъминоти учун сарфланади. Султоннинг кемалари бўлиб, уларда Рум, Суклия¹ ва Мағрибга бориб тижорат қилишади. Шаҳар аҳолиси аксаран шиадир ва бу ўлканинг барча шаҳарларидаги гўзал масжидларни шиалар бунёд этишган.

Бундан ташқари, улар ҳар жойларда работга ўхшаган уйлар қуришган, аммо бу уйларда ҳеч ким яшамайди ва уларни «машҳад»² деб аташади. Тароблис шаҳри ташқарисида икки-учта машҳаддан бошқа уй йўқ.

Бу шаҳардан чиқиб, яна денгиз соҳили бўйлаб жануб тарафга юрдик. Бир фарсанг масофада Қаламун номли бир ҳисорни кўрдим, ичида булоқ бор эди. Ундан чиқиб, Таробарзан шаҳрига етдик ва Тароблистан бу ергача беш фарсангдир. У ердан Жубал шаҳрига бордик. Шаҳар учбурчак шаклида бўлиб, бир бурчаги денгизга тиркалган, тева-раги баланд ва мустаҳкам девор билан ураб олинган. Атрофда хурмо ва бошқа жануб дарахтлари жуда кўп. Қўлида икки дона янги узилган қизил ва оқ атиргулни ушлаб турган бир болани кўрдим, ҳолбуки бу пайт эски тақвим бўйича исфандармуз (феврал) ойи эди.

У ердан Байрут шаҳрига бордик. Тошдан тикланган бир тоқини кўрдим, баландлиги чамамда эллик газ бўлиб, остидан йўл ўтарди. Тоқининг ён томонлари ҳар бирининг оғирлиги минг мандан зиёдроқ оқ тош булақларидан қурилган. Унинг устига йигирма газ баландликда гишт терилган ва энг тепада мармар сутунлар ўрнатилган бўлиб, ҳар бирининг баландлиги саккиз газ ва йўғонлиги шунчаликки, икки кишининг кучоғига зўрга сигади. Сутунлар лой ва ганч ишлатилмасдан, фақат тошларни бириктириб қурилган. Қуббаларни кўтариб туради. Қуббаларга ишлатилган тошларнинг ўлчами чамамда бўйига саккиз ва энига тўрт арш бўлиб, оғирлиги етти минг ман атрофида эди. Ҳар бир тош булагига ўймакорлик ва наққошлик ила шу қадар безатилганки, бунга ўхшаши ёғоч иморатларда ҳам кам кўрилади. Яқин атрофларда шу тоқидан бошқа бирон бино сақланиб қолмаган эди. «Бу қандай жой?» деб одамлардан сўраганимда, менга: «Эшитишимизча, бу тоқи Фиръавн боғининг дарвозаси бўлган ва жуда қадимийдир», деб жавоб беришди.

Бу жойдаги чўл юзаси мармар билан безатилган айлана, тўрт қиррали; олти қиррали ва саккиз қиррали сутунлар ва сутун парчалари билан қопланган. Тоши шу қадар қаттиқки, темир унга кор қилмайди. Аммо яқин атрофда тош олиб келиш мумкин бўлган тоғлар йўқ. Яна бир хил тош сунъий равишда тайёрланганга ўхшайди, унга ҳам бошқа тошлар каби темир кор қилмасди. Шом мамлакатида мен беш юз мингдан ортиқ сутун ва сутун парчаларини кўрдим-

¹ Сисилия

² Азиз-авлиёлар қабри яқинида қурилган иморат.

ки, бирон тирик жон булар ўзи нима ва қаердан келтирилганини менга айтиб беролмади.

Ундан сўнг биз денгиз ёқасидаги Сайдо шаҳрига бордик. Экинзорларида шакарқамиш кўп экан. Шаҳар баланд ва мустаҳкам тош девор билан ўраб олинган ва уч дарвозаси бор. Жомеъ масжиди жуда гўзал ва бенуқсон қилиб қурилган. Масжид ичкарасига мунаққаш бўйралар солинган. Бозор ҳам шу қадар озода ва ораста эдики, буни кўриб мен: «Ё султоннинг келиши кутилмоқда, ё бошқа бирон хушxabар муносабати билан шаҳарни безатишган», деган хаёлга бордим. Анигини билиш учун савол берганимда: «Шаҳарда бу ҳол одат тусига кирган», дейишди. Боғу бўстонлари шу қадар кўркам эдики, буларни бирон подшоҳ кунт ва ҳавас билан бунёд эттирган ва ичида кўшлар қурдирган, деб ўйламоқ мумкин эди. Аксар дарахтлар шигил мева қилган эди.

У ердан чиқиб, беш фарсанг юриб Сур шаҳрига келдик. Бу шаҳар денгиз соҳилидаги бир қоя устида бунёд этилган эди. Шаҳристоннинг қуруқликка қараган томони юз газдан ортиқ бўлмай, бошқа жойларини денгиз суви билан ўраб олган эди. Қалъа девори йўнилган тошлардан қурилган ва сув кирмаслиги учун ёриқларга қир сувалибди. Шаҳар майдони чамамда эни ва бўйига минг кадамдан эди. Беш ва олти қаватли бинолар, фавворалар жуда кўп. Бозорлари яхши ва турли-туман неъматлар ила обод. Шомнинг соҳил-бўйи шаҳарлари ичида Сур шаҳри бойлиги ва хилма-хил молларнинг сероблиги билан машҳурдир. Аҳолиси аксар шиалидир. Сунна мазҳабидаги бир қози бўлиб, уни Абу Уқайл ўғли деб аташар, хушрўй ва бой одам эди. Шаҳар дарвозаси яқинида бир машҳад қуришган, бу ерда бўйра ва гиламлар, олтин ва кумушдан ясалган қандил ва шамдонлар кўп эди. Шаҳар баландликда жойлашган бўлиб, сув тоғдан келарди. Шаҳар ташқарисида осма қувур қурилган ва сув шу қувурдан ичкарига оқиб киради. Тоғнинг шаҳарга қараган томонида бир дара бўлиб, ундан ўтиб машрик сари қараб юрилса, ўн саккиз фарсангдан сўнг Дамашқ шаҳри келади.

У ердан чиқиб етти фарсанг юргач, Акка шаҳристонига етиб келдик. Битикларда уни «Мадинатул Акка» деб ёзадилар. Шаҳар баландликда бино қилинган бўлиб, бир қисми қияликда, қолган қисми текис ерда жойлашган. Бутун соҳил бўйлаб баландликлар бўлмаган жойда шаҳар бино қилишмайди, чунки денгиз сувининг тошишидан ва қирғоққа келиб уриладиган тўлқинлардан хавфсирашади. Шаҳар ўртасида жойлашган Жомеъ масжиди бошқа бинолардан баландроқ бўлиб, сутунлари мраммардандир. Ташқарида қиблага нисбатан ўнг томонда пайғамбар Солиҳ алайҳиссаломнинг қабри бор. Масжид ҳовлисининг бир қисмига тош ётқизилган, бошқа жойига кўкат экилган. Айтишларича, Одам алайҳиссалом шу жойга экин эккан экан. Шаҳарни

майдонини ўлчаб чиқдим: узунлиги икки минг ва эни беш юз арш экан. Шаҳар девори жуда мустаҳкам бўлиб, ғарб ва жануб томонда денгизга тақалиб турибди. Бандаргоҳ ҳам жануб томонда жойлашган. Соҳилбўйи шаҳарларининг кўпларида бандаргоҳ бор ва булар кемаларни қўриқлаш учун қурилган. Бандаргоҳни отхонага ўхшатса бўлади: орқа девори шахристонга тиралиб, икки ён девори денгизга ичкарилаб кирган. Эллик газ масофадаги кириш жойида девор йўқ, аммо ён деворлардан бир-бирига қараб занжирлар тортилган. Биронта кемани бандаргоҳга киритмоқчи бўлсалар, занжирларни бўшатадилар ва улар сувга чўккач, кема сузиб ўтади. Сўнгра яна занжирларни таранг қилиб тортишади ва бегоналар кемаларни ўғирлаб кетолмайди.

Шарқий дарвозанинг сўл томонида бир булоқ бор. Ундан сув олиб чиқиш учун зинадан йигирма олти поғона пастга тушиш керак. Булоқни Айнулбақар деб аташади. Айтишларича, уни биринчи бор Одам алайҳиссалом топиб, сигирини шу ерда сўрган экан. Шу сабабли ҳам уни Айнулбақар, яъни, Сигирбулоқ деб аташади.

Агар Акка шахристонидан машриқ сари юрилса, тоғ тепасида анбиёлар машҳадлари бор. Бу жой Рамлага кетадиган йўл чеккасидадир. Менда ушбу табаррук мазорларни зиёрат қилиш истаги туғилди. Аккаликлар мени огоҳлантиришди: «Бу йўл бўйида бир тўп муфсид одамлар уя қуришган, агар бирон мусофирни кўришса, унга ҳужум қилиб, бор-будини тортиб олишади».

Мен нарсаларимни Акка масжидида қолдириб, шарқий дарвоза орқали шаҳардан чиқдим. Тўрт юз ўттиз саккизинчи йил шаъбон ойининг йигирма учинчисида, шанба куни (1047 йил, феврал) шаҳарга асос солган киши — Акка қабрини зиёрат қилдим: у улуғ ва солиҳ одам бўлган. Йўл биладиган ҳамроҳим бўлмаганидан нима қилишга ҳайрон бўлиб турганимда, Оллоҳ таолонинг инояти билан худди шу куни озарбайжонлик бир форс билан учрашдим. У олдин ҳам табаррук мазорларни зиёрат қилган бўлиб, энди иккинчи марта айна шу ниятда йўлга чиққан экан. Мен икки ракат намоз ўқидим ва эзгу ниятимни амалга оширишимга мусоада этгани учун Худойи таборак ва таолога шукроналар айтиб, саждалар қилдим. Барват номли қишлоққа келиб, Уяш ва Шамъун қабрларини зиёрат қилдим. У ердан Домун номли кичкина бир горга бориб, яна бир қабрни зиёрат қилдим, айтишларича, бу Зулкифл алайҳиссалом қабри экан. Сўнгра Аъбилин қишлоғига бориб, Худ алайҳиссалом қабрини зиёрат қилдим. Унинг сағанаси ёнида хартут дарахти ўсарди. Шу яқинда жойлашган Узайр алайҳиссалом қабрини ҳам зиёрат қилдим. Сўнгра жануб томонга йўл олиб, Ҳозира қишлоғига етиб келдим. Қишлоқнинг ғарб томонида бир дара бўлиб, унда қоя остидан чиқадиган тоза сувли булоқ бор. Булоқ рўбарўсидаги қоя устида масжид бино қилинган бўлиб, унинг девор ва томи

тошдан қурилган икки хонаси бор. Эшиги шу қадар кичикки, одам зўрга сигарди. Бу ерда икки қабр ёнма-ён жойлашган: бири Шуайб алайҳиссаломники ва иккинчиси унинг Мусо алайҳиссаломга хотин бўлган қизиникидир. Қишлоқ аҳли масжид ва мазорни авайлаб ва озода сақлаб... туришади ва ҳоказо.

У ердан мен Арбил қишлоғига бордим. Қишлоқнинг қибла тарафида тоғ бўлиб, унда мазор бор ва бу мазордаги тўрт қабр Ёқуб алайҳиссалом фарзандлари ва Юсуф алайҳиссалом акалариникидир. Ундан нари юриб бир тепаликни кўрдим, пастида бир гор бўлиб, унда Мусо алайҳиссалом онасининг қабри жойлашган. Бу мазорни зиёрат қилгач, яна нари юриб, бир дарага келдим, унинг охирида кичикроқ бир кўл кўринди. Бу кўл бўйида Табария шаҳри жойлашган. Кўлнинг узунлиги тахминан олти фарсанг, эни уч фарсанг; суви ниҳоятда ширин. Шаҳар кўлнинг ғарб томонида ва барча ҳаммом сувлари ва бошқа ифлос сувлар кўлга оқиб тушади. Бу шаҳар ва кўл қирғоғидаги қишлоқлар аҳолиси шу кўл сувини ичишади. Эшитишимча, бир замонлар бир амир келиб, ифлос сувларнинг йўлини боғлаб, кўлга оқизмасликни буюрибди. Аммо кўл суви булганиб, ичишга яроқсиз ҳолга келибди. Ноилож яна ҳамма ифлос сувларнинг йўлини очиб юборишни буюрибди, шундан кейин кўл суви яна ширин бўлибди. Шаҳарнинг мустаҳкам девори кўл ёқасидан бошланиб, унинг гирди ўраб олинган, фақат кўлга қараган томонида девор йўқ. Кўлнинг туби тошлоқ; жуда кўп бинолар сув ичидадир. Сув ичидан мрамар сутунлар тиклаб, устига миноралар қуришган. Бу кўлда балиқ жуда кўп экан. Шаҳар ўртасида жомеъ масжиди бўлиб, унинг олдида булоқ бор. Булоқ тепасига ҳаммом қуришган. Суви шунчалик иссиқки, совуқ сув чапиштирмасдан баданга қуйиб бўлмайди. Бу ҳаммомни Сулаймон ибни Довуд алайҳимуссалом қурдирган ва фақир ҳам ушбу ҳаммомда чўмилдим. Табария шаҳрининг ғарбида яна бир масжид бўлиб, уни «Ёсуман масжиди» деб аташаркан. Биноси гўзал қилиб солинган. Масжид ўртасида майдонча бўлиб, унга меҳроблар ўрнатилган ва атрофига ёсуман дарахтлари ўтказилган; масжид номи шундан олинган. Масжиднинг шарқ томонида равоқ бўлиб, унда Ошаъ алайҳиссалом қабри бор. Бани Исроил қавми томонидан ўлдирилган етмиш пайғамбар қабри ҳам шу ердадир.

Табария шаҳридан жанубда Лут кўли жойлашган ва унинг суви шўрдир. Бу кўл ёқасида бир пайтлар Лут қалъаси бўлган экан, аммо ҳозирда ундан асар ҳам қолмаган. Бир одамдан шундай деб эшитдим: Шўр сувли Лут кўлида бир хил модда бор, қора рангли, кўл сатҳидан ажралиб чиқиб, сигир шаклини олади. У тошга ўхшайди-ю, лекин қаттиқ эмас. Одамлар бу моддани кўлдан олиб чиқиб парчалашади ва шаҳар ва вилоятларга элтишади. Агар бу модданинг бир парчаси дарахт тагига қўйилса, бу дарахтга ҳеч

күрт тушмайди, илдизига ҳам күрт-күмурсқа зиён етказа олмайди, хуллас, дарахтзор ер усти ва ер ости ҳашаротлари хавфидан эмин бўлади».

Бу маълумот үчүн жавобгарлик айтувчининг гарданидадир. У яна бу моддани атторлар ҳам сотиб олишини айтди. Гиёҳдан тайёрланган дориларда накра деган күрт пайдо бўлса, уни шу модда даф қиларкан.

Табария шаҳрида буйра тўқиб, ундан жойнамоз қилишади. Бу ерда уни беш динордан сотишади. Ғарб тарафда бир тоғ жойлашган, ундаги бир метин қояга яхудий хати ёзилган. Бу лавҳа битилганида сайёралар ҳамал буржида бўлган.

Шаҳар ташқарисида, қибла тарафда Абу Ҳурайрининг¹ (р.а.) қабри бор. Лекин бирон одам бу мазорни зиёрат қилолмайди. Чунки ўша жой одамлари шиалар бўлиб, зиёратга бораётган одамга болалар қичқириб ёпирилишади ва тош отишади. Шу сабабли менга ҳам зиёрат муяссар бўлмайди.

Бу мавзеъдаги мазорларни зиёрат қилиб қайтаётганимда Кафаркана деган қишлоқда бўлдим. Қишлоқ жанубида бир тепалик бўлиб, унда мустақкам дарвозали гўзал бир савмаа² қурилган.

Юнус алайҳиссалом қабри шу ердадир. Савмаа дарвозаси ёнида ширин сувли қудуқ бор. Бу жойни зиёрат қилгач, Аккага йўл олдим. Бу ердан Аккагача тўрт фарсангдир. Аккада бир кун бўлдим ва сўнгра яна сафаримизни давом эттирдик.

Биз Ҳайфо деган қишлоққа бордик. Бу қишлоққа келакелгунча йўлда кум куп эди. Бунақа кумни Эронда заргарлар ишлатишади ва уни «Мекки куми» деб аташади. Ҳайфо қишлоғи денгиз соҳилида жойлашган бўлиб, хурмозор ва дарахтзорлар бисёрдир. Қишлоқда кема ясовчи усталар яшаркан. Денгизда сузадиган кемаларни бу ерда «жуди» дейишади.

Биз у ердан чиқиб, бир фарсанг нарида жойлашган Кунайса қишлоғига келдик. Бу ерда йўл денгиздан узоқлашиб, машроқ томондаги тоққа қараб кетади. Йўл тошлоқ даштдан ўтади, у ерларни «Тимсоҳлар водийси» деб аташаркан. Икки фарсангдан сўнг йўл яна денгиз бўйига чиқади. Биз бу ерда денгиз ҳайвонларининг жуда кўп устухонларини кўрдик. Бу ҳайвонот қолдиқлари тупроқ ва лойга қўшилиб, доимий тўлқинлар таъсирида тошга ўхшаб қолган эди.

Сўнгра Қайсария шаҳрига бордик. Аккадан Қайсариягача етти фарсангдир. Оқар сувлар, хурмозорлар, норинж ва турунж дарахтларига бой, кўркам шаҳар экан. Темир дарвозали мустақкам девори бор. Жомеъ масжиди чиройли

1. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом саҳобалари.

2. Монастир.

қилиб қурилган. Масжид ҳовлисида турган ҳолда денгиз манзарасини томоша қилиб лаззатланиш мумкин. Бу ерда бир мармар хум бўлиб, хитой чиннисидек нозик қилиб ишланган ва унга юз ман сув сигади.

Шаъбон ойининг охирида, шанба куни биз у ердан жўнаб кетдик. Қарийб бир фарсанг «мекки куми» устидан юрдик, сунгра яна анжирзор ва зайтунзорларни кўрдик. Йул гоҳ дашт, гоҳ тоғ ёнбағридан утарди. Бир неча фарсанг йўл босиб, Кафарсалом деган шаҳарга етиб келдик. Бу шаҳардан Рамлагача уч фарсанг бўлиб, йўл атрофи дарахтзордир.

Рамазон ойи бошида якшанба куни Рамлага етиб келдик. Қайсариядан бу ергача саккиз фарсангдир. Шаҳар катта, дарвозаси баланд ва мустаҳкам, деворлари тошдан қурилган экан. Шаҳардан денгиз соҳилигача уч фарсанг. Аҳоли ёмғир сувини истеъмол қилади. Ҳар бир ҳовлида ҳовуз бўлиб, унга ёмғир сувини тўплаб, захира қилиб кўйишади. Жомеъ масжиди ҳовлисида ҳам катта ҳовузлар бор. Улар сувга тўлганида, хоҳлаган одам сув олиши мумкин. Масжид майдони уч юзга икки юз қадам экан. Супасида ёзув бўлиб, унда тўрт юз йигирма бешинчи йил, ўн бешинчи муҳаррамда (1033 йил, декабр) бу ерда кучли зилзила бўлиб, кўп бинолар вайрон бўлгани-ю аммо одамларга зийн-заҳмат етмагани қайд этилган.

Бу шаҳарда мармар жуда кўп экан. Саройлар ва кўпчилик одамларнинг уйлари мармар билан зийнатланган ва унга нақшлар чизилган. Мармарни тишсиз арра билан кесадилар ва бунда мекки кумини ишлатишади. Бу ерда мармарнинг хилма-хил турини — ола-була, яшил, қизил, қора, оқ ва ҳар хил ранглиларини кўрдим.

Бир нав анжир бўлиб, бундан яхшироғи ҳеч қаерда бўлмайдиган ва уни барча атроф шаҳарларга элтишади. Рамла шаҳрини Шом вилоятида ва Мағрибда «Фаластин» деб аташади. Учинчи рамазонда биз Рамладан чиқиб Хотун қишлоғига, ундан эса Қариятулинаб қишлоғига бордик. Йўлда пасту баланд ерларда ёввойи ҳолда судоб¹ ўсиб ётарди. Қишлоқда бир қоя остида ширин сувли булоқни кўрдик, ёнида иморатлар қуриб, охурлар қилишган эди. У ердан чиқиб, тепаликка ўрлай бошладик. Назаримда, тоғдан ошиб, нариги тарафга тушсак, шаҳар кўринадигандек эди. Аммо биз бир оз тепалаганимиздан кейин кўз олдимизда баъзи жойлари қумлоқ, қолгани тошлоқ улкан водий пайдо бўлди. Тоғ тепасида Байтулмуқаддас² шаҳри жойлашган. Соҳилдаги Тароблисдан Байтулмуқаддасгача эллик олти фарсанг, Балхдан бу ергача эса саккиз юз етмиш олти фарсангдир.

¹. Сербарг доривор гиёҳ.

². Қуддуси шариф шаҳри.

Байтулмуқаддас таърифни

Турт юз ўттиз саккизинчи йил рамазон ойининг бешинчи куни (1046 йил, март) биз Байтулмуқаддасга кириб келдик. Уйдан чиққанимиздан бери бир шамсий йил ўтган, биз мудом сафарда бўлиб, бирон жойда дурустроқ ором ҳам олмаган эдик. Бу ерликлар ва Шом аҳолиси Байтулмуқаддасни «Қудс» деб аташади. Агар вилоят аҳлидан кимки ҳажга боролмаса, ўша мавсумда Қудсга бориб мақом тутади ва, одат қилинганидек, Қурбон байрамини ўтказади. Баъзи йиллари зулҳижжа ойининг бошларида бу ерга йигирма мингдан ортиқ одам йигилади. Одамлар болаларини ҳам олиб келиб, шу ерда суннат қилишади. Рум диёри ва бошқа ўлкалардан бу ердаги калисо ва куништ¹ зиёрати учун кўплаб тарсо ва жуҳудлар келишади. Катта калисонинг таърифини кейинроқ ўз жойида келтирамиз.

Байтулмуқаддас чекаси ва атрофлари тоғлиқдир. Бор ерлари экинзор, зайтунзор, анжирзор ва ҳоказолардан иборат. Сув йўқ, аммо ноз-неъматлар мўл-кўл ва арзондир. Шундай одамлар борки, махсус қудуқларни эллик мандан зиёдроқ зайтун мойига тўлатишади; улар бу мойни оламнинг турли жойларига элтишади. Айтишларича, Шом заминида ҳеч қаҳатчилик бўлмаган. Сўзи шоёни бовар бўлган одамлардан шуни эшитдимки, бир улуг зот Пайғамбар алайҳиссалоту вас-саломни тушида куриб, дебди: «Ё Расулulloҳ, турмушимизни фаровон қилгин!» Пайғамбар алайҳиссалом унга жавоб тариқасида дебдилар: «Шомнинг нону зайтунига мен кафил бўлурман».

Энди Байтулмуқаддас шаҳрининг таърифини баён қиламан. Шаҳар тоғ тепасида жойлашган. Ёмғир сувини ҳисобга олмаса, бошқа сув йўқ. Атроф қишлоқларда булоқ ва жилғалар бор-у, шаҳарда учрамайди. Тошлоқ ерда бино бўлган бу катта шаҳар, биз бўлган пайтимизда йигирма минг эркак аҳолига эга эди. Яхши бозорлари, гўзал бинолари бор. Бутун шаҳар заминига юзаси силлиқ тош бўлаклари ётқизилган. Қаердаки тоғлик ёки баландлик бўлса, тошни уйиб текислаганлар, шу сабабли ёмғир ёққанида кўчалар покиза ювилади. Шаҳарда хунармандлар жуда кўп ва уларнинг ҳар гуруҳи ўзининг алоҳида растасига эга. Жомеъ масжиди шарқ тарафда, шаҳарнинг шарқий девори айни пайтда масжид девори ҳамдир. Масжид орқасига ўтсангиз, Соҳира номли кенг ва текис дашт куринади ва қиёмат жойи шу ер бўлади, дейишади. Шу сабабли оламнинг турли бурчакларидан бу ерга минглаб одамлар келиб мақом тутушади. Шу шаҳарда вафот этиб, Ҳақ субҳонаху ва таоло иродаси билан қиёмат куни етганида миодгоҳда ҳозир бўлишни орзу қилишади.

¹ Яҳудийлар ибодатхонаси — синагог.

Худойим, ўша куни бандаларингга шафқат қил! Уларни афв этгин, омин, ё Роббал-олабийн.

Дашт чеккасида улкан мақбара бўлиб, унда кўплаб азиз-авлиёлар дафн этилган. Одамлар бу ерда намоз ўқиб, Оллоҳга илтижо этишади ва Ҳақ субҳонаҳу таоло уларнинг хожатларини раво қилади.

Худойим, илтижоларимизни қабул эт! Гуноҳ ва камчиликларимизни ўз раҳматинг юзасидан кечиргин, меҳрибон Парвардигор!

Масжид билан Соҳира дашти ўртасида жуда чуқур бир водий бор. Хандаққа ухшаган бу водийда қадимги замонларда қурилган улкан иморатлар бўлиб, бир уй тепасида яхлит тошни ўйиб ясалган гумбазни кўрдим. Уни жойидан қандай кўзгапти кўтарганларини тасаввур қилмоқнинг ўзи мушкул. Овозаларга қараганда, бу уй Фиръавннинг уйи ва водий жаҳаннам водийси экан. «Бу мавзеъга бунақа номни ким қўйган?» деб сўраганимда, менга: «Бир пайтлар ҳалифа Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу Соҳира даштида лашкаргоҳ қўрган ва водий томонга назар ташлаб, «Бу жаҳаннам водийсидир деган», деб жавоб беришди. Авом халқ яна шундай дейди: «Агар кимки бу водий адоғига борса, дузахда ётганлар овозини эшитида, чунки дузахдагилар фарёди бу ерга етиб келади». Мен ўша жойга бориб кўрдим, лекин ҳеч нарса эшитмадим.

Агар шаҳардан жанубга томон ярим фарсанг юриб, нишаблиқдан ластга тушилса, катта тош тагида Айни Салвон деган булоқ бор. Булоқ ёнида иморатлар кўп, унинг суви қишлоққа оқиб боради ва бу ерда ҳам иморатлар қуриб, боғу бўстонлар барпо этишган. Айтишларича, кимки бу сувга боши ва танини ювса, турли дардлар ва сурункали касалликлардан халос бўларкан. Бу чашма учун вақфлар ажратилган. Байтулмуқаддасда яхши бир шифохона бўлиб, унинг жуда кўп вақфлари бор. Шифохонада одамларга дори ва малҳамлар беришади ҳамда вақф ҳисобидан мояна оладиган табиблар бор.

Шарқий девор жанубда бурчак ҳосил қилган жойда (қибла ҳам жануб тарафда), шимолий девор қаршисида ерости масжиди жойлашган. Унга зинадан тушилади. Майдони йигирмага ўн беш газ, томи тошдан ва сутунлари мрамор. Исо алайҳиссаломнинг бешиги шу ерда сақланади. Бешик тошдан ясалган бўлиб, шу қадар каттаки, одамлар устига чиқиб намоз ўқишади. Фақир ҳам унда намоз ўқидим. Уни ерга пайвандлаб қўйишган, шу сабабли теб-ранмайди. Бу ўша Исо (а.с.) болалигида ётган ва одамлар билан сузлашган бешиқдир. Бешик бу масжидга меҳроб ўрнида қўйилган. Масжиднинг шарқ томонида Биби Марям меҳробини, унга яқинроқда Закарийё алайҳиссалом меҳробини бор. Бу меҳробларга Закарийё ва Марям ҳақидаги Куръон оятлари битилган. Айтишларича, Исо алайҳиссалом ушбу масжидда туғилган. Сутунлардан бирида, гўёки кимдир уни ушлагандек, икки бармоқ изи бор. Айтишларича, Марям

тўлғоқ тутганда шу сутунни чангаллаган экан. Бу масжид «Исо алайҳиссалом бешиги» номи билан машҳурдир. Шифтига жуда кўп жез ва нуқрадан ясалган қандиллар осиглиқ ва ҳар кеча ёниб туради.

Байтулмуқаддасдан сўнг мен Иброҳим Халил ар-Раҳмон алайҳиссаловоту вассалом мазорини зиёрат қилишга азм этдим. Тўрт юз ўттиз саккизинчи йил зулқайда ойи бошида, чоршанба куни (1047 йил апрел) мен у ерга жўнадим. Байтулмуқаддасдан ушбу машҳад жойлашган ергача олти фарсангдир. Йўл жанубга қараб кетади ва бог-роғларга бурканган қишлоқлардан ўтади. Кўп сув талаб этмайдиган узум ва зайтун, ёввойи ҳолда ўсиб ётган сумоқнинг¹ охири кўринмасди. Шаҳардан икки фарсанг масофада Чаҳордеҳ қишлоғи жойлашган. Булоқ бўлгани учун боғу бўстонлар кўп. Гузаллиги учун бу мавзеъни «Фародис» ҳам деб аташади.

Байтулмуқаддасдан бир фарсанг масофада тарсолар жуда азиз тутадиган бир жой бор. Бу ерда бир гуруҳ мужовирлар² бўлиб, зиёратчилар ҳам жуда кўп келишади. Мавзеъ «Байтуллаҳ» деб аталади. Тарсолар бу ерда қурбонлик қилишади ва Румдан ҳам жуда кўп одам келади. Байтулмуқаддасни тарк этган куним мен ўша ерда тунадим.

Халил салаватуллоғу алайҳ машҳаднинг мағрибиди

Шом ва Байтулмуқаддас аҳолиси бу машҳадни «Халил» деб аташади ва қишлоқ номини айтишмайди. Қишлоқнинг асл номи «Матлун» ва у бошқа кўплаб қишлоқлар қатори ушбу машҳаднинг вақфидир. Қоя остида кам сувли булоқ бор. Унинг ёнидан ариқ қазилиб, қишлоққа яқинлаштирилган. Булоқ суви исроф бўлмасдан, қишлоқ аҳолиси ва зиёратчилар эҳтиёжи учун етсин, деб қишлоқ чеккасида сув тўпланадиган усти ёпиқ ҳовуз қилинган. Машҳад қишлоқнинг жануби-шарқий чеккасидадир. У йўниланг тошдан тикланган тўрт девордан иборат. Узунлиги саксон, эни қирқ, баландлиги йигирма аршдир. Тепада деворнинг қалинлиги икки аршдир. Иморат ичида чиройли меҳроблар бор. Мақсурада икки гўр бўлиб, бошлари қибла тарафдадир. Ҳар иккала гўрга тарошланган тошлар териб, одам бўйидан юқори қилишган. Унг томондагиси Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳимуссалом ва униси унинг хотини қабридир. Қабрлар оралиги ўн аршдир. Бу машҳад замини ва деворларига қимматбаҳо гиламлар ва ипақдан ҳам чиройли мағрибий бўйралар тушалган ва осилган. Мен бу ерда Миср сўлтони саркардаси тортиқ қилган туқима жойнамозни кўрдим. Айтишларича, бу жойнамозни Мисрда ўттиз мағрибий олтин динорга харид қилишибди; шу миқдордаги рум ипаги-

1. Бир хил нордон мева.

2. Муқим яшайдиган одамлар.

нинг баҳоси бунча бўлмасди. Бунга ўхшаш жойнамозни мен ҳеч қаерда кўрмаганман. Мақсураддан чиққан жойда — машҳад ўртасида қиблага қараган икки уй бор. Унг томондагисида Иброҳим Халил салавотуллоҳи алайҳнинг қабри жойлашган. Бу уй катта бўлиб, ичида яна бошқа бир уй бор, аммо унинг ичига кириб бўлмади. Унинг тўрт деразаси бўлиб, зиёратчилар уй атрофида айланиб, қабрга деразалардан қарашади. Уйнинг замини ва деворларига ипак гиламлар қопланган. Тош қабр уч газ баландликда бўлиб, тепасига кўплаб қумуш қандил ва шамдонлар осиглиқ. Қиблага нисбатан чап тарафдаги бошқа уйда Иброҳим алайҳиссаломнинг аёли Соранинг қабри бор. Икки уй ўртасида даҳлизга ўхшаган йўлак бўлиб, ҳар иккала уй эшиги шу тарафга қараган. Бу ерда ҳам қандилу шамдонлар кўпдир. Бу икки уйдан ўтган бир-бирига яқин жойлашган яна икки гўр бор. Унг томондагиси Ёқуб алайҳиссалом, сўлдагиси унинг аёли қабридир. Улардан нарида Иброҳим алайҳиссаломнинг меҳмонхонаси бўлган уй. Шундай қилиб, бу машҳаддан олтига қабр жой олган.

Тўрт девор ташқарисида нишаблик бўлиб, унда Юсуф ибни Ёқуб алайҳимуссалом қабри бор. Тош қабр устига чиройли гумбаз қилишибди. Юсуф гумбази ва машҳад ўртасида катта қабристон бўлиб, жуда кўп жойлардан марҳумларни келтириб, бу ерда дафн қилишади. Машҳаддаги мақсура томида бу ерга келувчи меҳмонлар учун ҳужралар қурилган. Машҳаднинг вақфи жуда кўп: қатор қишлоқлар, Байтулмуқаддасдаги кўпгина экинзор ерлар унга қарашлидир. Бу ерда бугдоҳ кам ва кўпроқ арпа экишади. Зайтун ҳам кўп бўлади. Меҳмон, мусофир ва зиёратчиларни нон ва зайтун билан сийлашади. Бу ерда хаҷир ва ҳўкиз қўшилган тегирмонлар кўп бўлиб, ҳар куни ун қилишади. Чўрилар ҳар куни нон ёпишади ва ҳар бир ноннинг оғирлиги бир мандир. Мусофир келса, унга кунига битта нон ва зайтун ёғида пиширилган бир коса ясмиқ беришади. Шунингдек, майиз ҳам беришади. Бу одат Халилурраҳмон алайҳиссалом замонасидан то шу кунларгача бир қоида бўлиб қолган. Баъзи кунлари бу ерга беш юздан ортиқ одам келади ва ҳаммалари учун ушбу зиёфат ҳозирланади.

Айтишларича, олдин машҳадга эшик қилинмаган ва ичкарига кирмасдан ташқаридаги айвонда туриб зиёрат қилишган. Маҳди¹ Миср тахтига чиққанида эшик қилишни буюрган ва иморатлар қурдириб, уларга асбоб-анжомлар қўйдириб, гиламлар тўшаттирган. Машҳад эшиги шимолий девор ўртасидадир. Ердан тўрт газ баландликда бўлиб, икки томонига тош зинапоялар қилинган: бир томондан кўтарилиб, иккинчи томондан тушилади. Кириш жойида кичик темир эшик ўрнатилган.

Шундан сўнг мен Байтулмуқаддасга қайтдим ва у ердан

¹ Мисрдаги фотимийлар сулоласига асос солган султон. 909—934-йиллар ҳукмронлик қилган.

пиёда Хиждоз сафарига чиққан бир гуруҳ одамларга ҳамроҳ бўлдим. Йулбошловчимиз Абубакр Ҳамадоний деган киши пиёда тез юрадиган чаққон ва зийрак одам эди. Тўрт юз ўттиз саккизинчи йил зулқаъда ойининг уртасида (1047 йил, май) Байтулмуқаддасдан чиқдик ва уч кундан сўнг Аръаз деган жойга келдик. Бу ерда оқар сув ва дарахтзорлар кўп эди. Сўнгра Водийл Курро деган бошқа бир манзилга бордик. Йулдаги яна бир манзилдан сўнг ўн кун йул босиб Маккага етиб бордик. Бу йил ҳеч қаердан карвон келмагани сабабли озуқа тақчил эди. Мен Бобун Набий¹ алайҳиссалом қаршисидаги атторлар маҳалласида турдим. Душанба кунни Арафотга бордик. Халқ бадавийлар боскин ясашидан қаттиқ хавфсирарди. Арафотдан яна Байтулмуқаддас томон қайтдим. Тўрт юз ўттизинчи қамарий йилнинг бешинчи муҳаррамида (1047 йил, июл) мен Кудого етиб келдим. Макка ва ҳаж қилганим тўғрисида ҳозир сўзлаб ўтирмайман. Чунки охири марта ҳажга борганимни сўнгра батафсил баён қиламан.

Байтулмуқаддасда тарсоларнинг Байъатулқўмома деган калисоти бўлиб, уни жуда азиз тутишади. Ҳар йили Румдан жуда кўп халқ зиёратга келади. Ҳатто Рум маликининг ўзи биров таниб қолмаслиги учун бу ерга яширинча келган. Уша Рум қайсари келган йили Миср азизи ал-Ҳоким биамруллоҳ бўлган. Ҳоким Рум қайсарининг келганидан воқиф бўлгач, ўзининг бир жиловдорини Байтулмуқаддасга жўнатиб, шундай топшириқ берган: «Байтулмуқаддас ибодатхонасидаги зиёратчилар орасида бир одам бўлиб, унинг кийимлари ва қиёфасини сенга уқтираман. Сен бориб унга: «Мени Ҳоким сенинг ҳузурингга узатди», дегин ва менинг ушбу сўзларимни етказ: «Эй Рум қайсари! Сен яна, Ҳоким менинг келганимдан беҳабар, деб ўйламагин. Аммо хотиржам бул, сенга бирон ёмонлик қилмайман».

Уша Ҳокимнинг ўзи ушбу калисоти талаб вайрон қилишни буюрган. У бир неча йил хароб ҳолда ётган. Сўнгра қайсар элчилар орқали беҳисоб совға-саломлар узатиб, сулҳ истади ва калисоти қайта тиклаш учун ижозат сўради. Шундан сўнг уни қайта қурдилар. Калисо биноти катта бўлиб, саккиз минг одам унга сиғади. У тасвир ва нақшлар чизилган мраморлардан жуда зийнатли қилиб қурилган. Ичкариси Рум ипаги билан безалиб, деворларга тасвирлар чизилган ва зару тилла кўп ишлатилган. Исо алайҳиссаломнинг эшак миниб турган сурати бир неча жойга ишланган. Бошқа анбиёлар: Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб алайҳимуссалом ва унинг фарзандлари суратлари ҳам бор. Суратларга сандал мойи суриб, гарду гўбор қўнмаслиги учун ҳар бир сурат андозасида юпқа ойна ясатиб, улар юзасига қоплашган. Ойна шу қадар шаффофки, суратлар ҳеч хиралаш-

¹ Пайгамбар дарвозаси.

маган. Ходимлар ҳар куни ойналарни тозалашади. Ва яна бир қанча суратлар борки, уларнинг ҳам таърифини келтирсак, ҳикоямиз жуда чўзилиб кетади. Бу калисодаги суратлардан бири икки қисмдан иборат бўлиб, унда жаннат ва дўзах манзараси тасвирланган. Бир қисмида жаннат ва унга алоқадор нарсалар, иккинчи қисмида дўзах ва унга тааллуқли нарсалар тасвири бор. Хуллас, бу калисо шундай жойки, унга ўхшаши бўлмаса керак. Калисода руҳоний ва роҳиблар жуда кўп бўлиб, улар Инжил ўқишади ва кечаю кундуз ибодат қилишади.

Танис шаҳри таърифи

Байтулмақаддасдан сўнг мен денгиз йўли орқали кемада Мисрга етиб олиб, у ердан яна Маккага бормоқчи бўлдим. Аммо денгизда қарши шамол эсар, кемалар сузмоғи душвор эди. Шунда мен қуруқликдаги йўлдан юрдим ва Рамладан ўтиб, Аскулон деган шаҳарга келдим. Яхши бозори ва чиройли масжиди бор эди. Қадимий бир тоқини кўрдим, ўтмишдаги ибодатхона қолдиги экан. Тошдан қурилган бу тоқи шу қадар улканки, агар биров уни йиқитмоққа қасд қилса, бу иш учун гоят катта сарф-харажат қилмоғи муқаррар эди. У ердан чиққач, мен йўл бўйлаб кўплаб қишлоқ ва шаҳарларни кўрдим, лекин ҳикоямиз чўзилиб кетмаслиги учун уларнинг таърифини бу ерда келтирмадим. Тайва деб аталувчи бир жойга келдим ва бу ер Танисга борадиган кемалар учун бандар экан. Кемага тушиб, Танисга жўнадим. Танис оролда жойлашган чиройли шаҳардир. Қуруқликдан шунчалик узоқдаки, ҳатто шаҳардаги уйлар томидан ҳам соҳил кўринмайди. Шаҳар гавжум, яхши бозорлари ва иккита масжиди бор. Менинг ҳисобимда шаҳарда ўн мингга яқин дўкон бўлиб, шундан юзтаси атторлик дўкони эди. Ёзда бозорларда қуртава (қурт) сотишади. Шаҳар иссиқ минтақада жойлашгани учун турли касалликлар кўп учрайди. Салла, аёллар либоси учун қасаб (рангин мато) тўқишади. Рангин қасаб Танисдан бошқа ҳеч жойда тўқилмайди. Дамиётда оқ рангли қасаб тўқишади. Султонга қарашли корхоналарда тўқилган матоларни ҳеч кимга сотишмайди ва ҳадя ҳам қилишмайди. Эшитишимча, Форс малики ўзига бир кийимлик мато сотиб олиш учун йигирма минг динор билан Танисга одамларини узатибди. Улар бир неча йилни бу ерда ўтказиб ҳам мато сотиб олишолмабди.

Бу ерда махсус кийимликлар тўқийдиган моҳир тўқувчилар бор. Эшитишимча, Миср султони ўзига салла тўқиган тўқувчига беш юз мағриби олтин динор беришни буюрибди. Мен бу саллани кўрдим ва, айтишларича, унинг баҳоси тўрт минг мағриби динор экан.

Танис шаҳрида буқаламун деган мато тўқишади ва бутун оламда бунга ўхшаши бошқа ҳеч ерда йўқ. Бу заррин

мато бўлиб, куннинг ҳар вақтида рангини ўзгартириб жилоланади. Бу матони Танисдан мағриб ва машриққа элтишади. Эшитишимча, Рум қайсари Миср султониға вакил узатиб, Рум вилоятларидаги юзта шаҳарни олиб, эвазига Танисни унга беришини сўрабди. Миср султони бунга рози бўлмабди. Рум қайсарининг бу таклифдан кузда тутган мақсади қасаб ва буқаламун тўқиладиган шаҳарни қўлга кириштириб олиш эди.

Нил суви кўпайганда дарё суви Танис атрофидаги шўр денгиз сувини нари ҳайдайди ва шаҳардан ўн фарсанг масофагача денгиз суви чучуклашади. Пайтдан фойдаланиб қолиш учун орол ва шаҳарда улкан ва мустаҳкам ер ости сув омборлари бунёд этилган. Аҳоли уларни «масонё» деб атайди. Нил суви кўпайиб, шўр ва тахир сувни бу атрофдан суриб чиқаргач, сув омборларини тўлдиришади. Бу иш қўйидагича амалга оширилади: сув йўлини очишади ва денгиз суви ҳавзалар ва сув омборларига оқиб киради. Шаҳарнинг бор суви ана шу Нил суви кўпайганда тўлдириб олинадиган сув омборларидандир. То келаси йилгача шу сувни истеъмол қилишади. Кимки ошиқча сув ғамлаб олган бўлса, бошқаларга сотади. Вақф сув омборлари ҳам бўлиб, ғарибу гураболарни таъминлайди. Танис шаҳрининг эллик минг эркак аҳолиси бор ва шаҳар атрофида доимо савдогарлар ва султонга қарашли мингдан ортиқ кема боғлоглиқ туради. Бу шаҳарда ҳаёт кечириб учун зарур нарсалар бўлмагани учун ҳамма нарса олиб келиниши шарт. Бу ер орол бўлганидан борди-келди фақат кемалар орқали қилинади. Фаранг ёки Румдан оролга ҳужум қилишлари эҳтимоли бўлиб, эҳтиёт юзасидан бу ерда доимий равишда яхши қуролланган бутун бир лашкар туради.

Айтишларича, Миср султони хазинасига бу ердан ҳар куни бир минг мағрибий динол тушаркан. Бу маблағ муайян бир кунда берилади. Шаҳар аҳолиси солиқни тайинланган кунда солиқ йиғувчи кишига беришади, у эса хазинага олиб бориб топширади. Ҳеч ким тулашдан бош тортмайди ёки бировдан зўрлик билан ҳам олишмайди. Султон учун тўқиладиган қасаб ва буқаламун баҳоси хазинадан тўла берилади. Шу сабабли одамлар султон учун иштиёқ билан ишлашади. Бошқа вилоятлардагига ўхшаб ҳунармандлар девон ва султон томонидан қаттиқ сиқув қилинмайди. Султон учун махсус тайёрланадиган туя ва от ёпинчиқлари ҳам буқаламундан қилинади. Озиқ-овқат ва меваларни Миср қишлоқларидан келтиришади. Бу ерда темир асбоблар, чунончи қайчи, пичоқ ва ҳоказо ҳам ясашади. Мисрга олиб борилган бир қайчини кўрдим: унга беш мағрибий динол сўрашарди. Шунақа қайчи эдики, михини суғурса, очилар, қайта киритганда, кесар эди. Йилнинг маълум пайтида бу ерлик аёллар қуёнчиқ касалига ўхшаш бир касаллик билан оғришади. Икки-уч бор нола қилиб, яна ҳушларига келишади. Хуросонда «аёллари мушукка ўхшаб миёвлайдиган

орол» ҳақида эшитган эдим. Бу гаплар ва менинг айтганларим уртасида боғлиқлик бўлса керак.

Танисдан Қўстантаниягача кема йигирма кунда боради. Биз Миср томонга равона бўлдик. Денгизнинг Нил дарёси қўйиладиган соҳилига яқинлашган, кемамиз дарё бўйлаб кўтарила бошлади. Нил денгизга яқинлашганда шохобчаларга бўлиниб, турли жойда қўйилади. Биз кемада сузиб кирган шохобча «Румаш» деб аталарди. Яна сузиб Солиҳия деган шаҳарга келдик. Ноз-неъмат ва озиқ-овқат мўл-кўл бўлган бир жой экан. Бу ерда кўплаб кемалар қуришади ва ҳар бирига икки юз харвор мол юклашади. Мисрда мол элтган кемалар баққоллик дўконлари олдигача боради. Чунки кўчалар ғоят гавжум бўлганидан шаҳар эҳтиёжи учун зарур озуқани туя ва отларда ташиш қийин. Биз Солиҳияда кемадан тушдик ва шу кечаси ушбу шаҳарда бўлдик. Тўрт юз ўттиз тўққизинчи йил сафар ойининг еттисиди, яқшанба куни, эски тақвим бўйича эса шаҳривор ойида (1047 йил, август) биз Қоҳирага кириб келдик.

Миср мамлақати таърифи

Нил суви жануби-ғарб тарафдан оқиб келади ва Мисрдан ўтиб Рум денгизига қўйилади. Нил дарёси суви кўпайганда Термиз ёнидаги Жайхунга икки баробар келади. Унинг суви Мисрда Нуба вилоятидан оқиб келади. Нуба вилояти тоғлиқлардан иборат, текислик бошланган жойдан Миср вилоятидир. Нил суви дастлаб етиб келадиган шаҳар чегарадаги Ассувондир. Унгача уч юз фарсанг масофа бор. Дарё бўйида кета-кетгунча шаҳару қишлоқлар жойлашган. Ушбу вилоятни «Саидулаъло» деб аташади.

Кемалар то Ассувонгача қатнайди, ундан нарига ўтолмайди, чунки сув тор даралардан чиқиб жуда тез оқади. Ундан юқорида, жануб тарафда Нуба вилояти бўлиб, у жойнинг ўз подшоҳи бор. Одамлари қора танли, насроний динидадирлар. Савдогарлар у мамлакатга ойна, тароқ ва маржон элтишади ва у ердан қуллар келтиришади. Мисрда қуллар ё нубалик, ё румлик бўлади. Нубадан келтирилган буғдой ва тарикни кўрдим, униси ҳам, буниси ҳам қора тўсда эди.

Айтишларича, Нил дарёси бошланадиган жойни ҳеч қачон аниқ билишолмаган. Эшитишимча, Миср султони у ерга махсус одамлар жўнатган, улар Нил қирғоғи бўйлаб роса бир йил юриб текшириш ўтказишган, лекин ҳақиқий ҳолни тўла аниқлаш ҳеч кимга муяссар бўлмаган. «Нил дарёси жанубдаги Жабалулқамар деган тоғдан бошланади», дейиш билан чекланишган. Қуёш саратон буржиги кирганда Нил суви кўпая бошлайди ва қиш фаслидаги сатҳига нисбатан йигирма арш кўтарилади. Сув тадрижий равишда кунба-кун кўпайиб боради. Миср шаҳрида сувнинг кўпайиш суръати-

ни аниқлайдиган асбоблар қурилган ва махсус белгилар қўйилган. Минг динор маош оладиган махсус амалдор бўлиб, у сувнинг қай даража кўпайишини кузатиб боради. Сув кўпайишга бошлаганда у шаҳарга жарчилар узатади ва улар аҳолига маълум қилишади: «Бугун Аллоҳ субҳонаху ва таоло Нил сувини мана бунча миқдорда кўпайтирди». Дарё суви ҳар куни бир қаричдан ошиқроқ кўпаяди ва бир газ кўтарилганда ҳамма ёққа хушхабарлар тарқалиб шодланишади. Бу ҳол сув то ўн саккиз арш кўтарилгунча давом этади ва ўн саккиз арш етарли ҳисобланади. Яъни, ҳар вақт сув бундан кам бўлганида, «тошқин яхши бўлмади», деб садақалар беришади ва назр-ниёзлар қилишади. Одамлар андуҳга ботиб, ғам чекишади. Сув бу миқдордан ошганда шодлигу хурсандчилик қилишади. Агар сув ўн саккиз аршга кўтарилмаса, султон раиятга солиқ солмайди.

Нилдан ҳар томонга қарата кўпдан-кўп анҳорлар қазилган. Анҳорлар бўйдан катта-кичик ариқлар бошланиб, дарё сувини қишлоқ ва вилоятларга элтади. Ариқлар бўйига чигирлар ўрнатилган, уларнинг сон-саногии йўқ. Миср вилоятидаги барча қишлоқлар баландлик ва дўнгликларда жойлашган. Чунки Нил тошганда бутун вилоят сув тагида қолади ва қишлоқлар сувга ғарқ бўлмаслиги учун уларни тепаликларда қуришган. Бу пайтда қишлоқдан қишлоққа қайиқларда боришади. Миср вилоятининг у чеккасидан-бу чеккасигача Нил бўйлаб тупроқ кўтарма қилинган ва тошқин вақтида одамлар унинг устидан юришади. Ушбу иншоотни таъминлаб туриш учун ишончли бир амалдорга ҳар йили султон хазинасидан ўн минг мағриби динор узатилади.

Вилоят аҳолиси ерлари сув тагида қоладиган тўрт ой муддатга етадиган барча зарур нарсаларни ғамлаб олишади. Қишлоқларда одамлар тўрт ойга етадиган нон ёпиб, могорламаслиги учун қотириб қўйишади.

Дарё тошқини қуйидагича бўлади: биринчи кундан бошлаб то қирқинчи кунгача сув муттасил кўпаяди. Ўн саккиз арш кўтарилгач, яна қирқ кун барқарор туради: на кўпаяди ва на камаяди. Сўнгра яна тадрижий равишда камая бошлайди ва боз қирқ кундан кейин қиш фаслидаги сатҳига бориб қолади. Сув камайишга бошлаганда одамлар измаиз боришади ва қаердаки ер қуриса, ўзлари хоҳлаган экинни экишади. Ёзги ва қишки экинлар барчаси сувдан бўшган ерга экилади ва бошқа суғоришга эҳтиёж йўқ.

Миср шаҳри Нил ва денгиз ўртасида жойлашган. Нил жанубдан келади ва шимол тарафга оқиб денгизга бориб қўйилади. Мисрдан Искандариягача ўттиз фарсанг деб ҳисоблашади. Искандария ҳам Рум денгизи ва ҳам Нил дарёси соҳилида жойлашган. Ва у ердан кемаларда Мисрга жуда кўп мева келтиришади. Искандарияда маёқ бўлиб, мен кўрганимда бус-бутун эди. Маёқ тепасига ёндирувчи

ойна ўрнатилган. Агар Истанбулдан келган рум қемалари унинг таъсири доирасига етса, ойнадан кемага ўт тушиб ёниб кетарди. Румликлар бундан қутулиш учун ғоят жиддий-жаҳд қилдилар, турли ҳийлалар ўйлаб топдилар ва ниҳоят одам жўнатиб бу ойнани синдирдилар. Ҳоким биамруллоҳ Миср султони бўлганида бир одам унинг олдига келиб, агар ижозат берса ойнани созлаб, аввалги ҳолига келтиришини айтган. «Эндиликда бунга ҳожат йўқ, — дебди Ҳоким, — румликлар бизга ҳар йили зар ва мол узатишади, лашкаримиз уларнинг сарҳадига кирса ҳам, қаршилиқ қилишмайди, ҳуллас, вазият аъло даражада».

Искандарияда ёмғир сувини истеъмол қилишади. Шаҳар атрофидаги биёбонда мен олдин таърифлаганимга ўхшаш тош сутунлар сочилиб ётибди.

Денгизнинг бу қирғоғи Қайрувонгача чўзилган. Мисрдан Қайрувонгача бир юз эллик фарсангдир. Қайрувон вилоятининг энг йирик шаҳари Силжимоса бўлиб, у денгиздан тўрт фарсанг масофада жойлашган. Водийда қурилган мустаҳкам қўрғонли катта шаҳардир. Унинг ёнида Маҳдия жойлашган. Бу шаҳарга амир ал-муъминин Ҳусайн ибни Али розийаллоху таоло анҳумонинг фарзандларидан бири бўлмиш Маҳди Мағриб ва Андалусни фатҳ қилганида асос солган. Ушбу даврда Қайрувон Миср султони қўл остида эди. У ерда қор ёғади-ю, лекин узоқ турмайди. Андалусдан бошлаб денгиз соҳили ўнг тарафга — шимолга қараб бурилади. Миср ва Андалус ораси минг фарсанг бўлиб, бу ораликдаги барча вилоятлар мусулмонободдир. Андалус тоғликлардан иборат катта вилоят. Бу ерда қор ёғади ва сув музлайди. Одамлари оқ танли ва малласоч бўлиб, кўзлари худди сақлоблар (славянлар — Г. Карим.)никидек мушукнинг кўзига ўхшайди. Андалус Рум денгизининг чеккасида, шунинг учун у ерликларга денгиз шарқ тарафдадир. Агар Андалусдан ўнг қўл томонга — шимолга қараб муттасил денгиз соҳили бўйлаб юрилса, Румга борилади. Андалусдан Румга кўп боришади. Хоҳлаганлар Қўстантаняга кемада боришлари мумкин. Ишончли одамлардан эшитишимча, денгизнинг айланаси тўрт минг фарсанг экан.

Денгиздаги ороллардан бири Сақаллия бўлиб, Мисрдан чиққан кема унга йигирма кунда етади. Ундан бошқа яна кўплаб ороллар бор. Айтишларича, Сақаллия оролининг майдони саксонга саксон фарсанг бўлиб, у Миср султонига қарашлидир. Ҳар йили бу ерга кема келиб, ўлпонни Мисрга олиб боради. Бу ердан таърифи оламга машҳур бир хил нафис мато олиб боришади ва унинг баҳоси Мисрда ун мағриби динор туради.

Мисрдан машриқ сари юрилса, Қулзум денгизига борилади. Денгиз соҳилида Қулзум шаҳри жойлашган, Мисрдан унгача уттиз фарсангдир. Бу денгиз оқёнуснинг бир шохобчаси бўлиб, Адан ёнида қуруқликка ёриб кириб, шимолга қараб кетган. Қулзумга етганида у саёзлашиб тугайди.

Айтишларича, бу қўлтиқнинг эни икки юз фарсанг экан. Бу қўлтиқ ва Миср оралиғи сув ва ўсимликдан холи бўлган тоғу тош ва биёбондан иборат. Кимки Мисрдан Маккага боришни истаса, машриқ тарафга қараб юради. Қўлзумга етганида унинг олдида икки йўл пайдо бўлади: бири қуруқликдаги, иккинчиси эса сув йўлидир. Қуруқлик бўйлаб Маккага ўн беш кунда етиб олиш мумкин. Йўл мудом биёбондан ўтиб, узунлиги уч юз фарсангдир. Мисрдан келган қарвонлар кўпроқ шу йўлдан юришади. Агар денгиз йўли бўйлаб юрилса, йигирма кунда Жорга етиб борилади. Жор Ҳижознинг денгиз бўйидаги кичик шаҳарчасидир. Жордан то Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳри Мадинагача уч кунлик йўлдир. Мадинадан Маккага эса юз фарсанг масофадир. Агар кимки Жордан ўтиб яна денгиз бўйлаб юрса, Яман соҳилига, ундан Адан соҳилларига боради. Агар ундан ҳам нарига қараб юраверса, Ҳиндистонга, шунингдек, то Хитойгача етиб бориши мумкин. Агар Адандан жанубга қараб юриб, мағриб томон бурилиб йўлда давом этса, Зангибар ва Ҳабашистонга борилади. Буларнинг шарҳи ўз жойида айтилгусидир.

Агар Мисрдан жанубга қараб юриб, Нубадан ўтилса, Масомуда вилоятига борилади. Ерлари унумдор бир ўлка бўлиб, чорва моллари жуда кўпдир. Одамлари қора танли, суяклари йирик ва таналари бақувват бўлади.

Миср лашкарида бу қабилага мансуб аскарлар кўп, улар хунук ва баҳайбатдирлар: уларни «масомуда» деб аташади. Улар асосан шамшир ва найзалар билан пиёда жанг қилишади, бошқа қуролларни ишлатишолмайди.

Қоҳира шаҳри тағрифи

Шом тарафдан Мисрга келганда йўлдаги дастлабки йирик шаҳар Қоҳира бўлиб, Миср ундан жанубда жойлашган. Уни «Қоҳирайи Муиззийа» деб аташади. Сабаби шундаки, амир ал-муъминин Ҳусайн ибни Али салаватуллоҳи алайҳи фарзандларидан бири бўлмиш Ал-Муиззиддиналлоҳ Мағриб заминини то Андалусгача забт этгач, Миср сари лашкар узатибди. Лашкар Нил дарёсидан кечиб ўтмоғи лозим бўлган-у, бунга журъат қилишолмаган. Биринчидан, дарё гоят катта бўлса, иккинчидан, унда тимсоҳлар кўп, сувга тушган жонзотни дарё тубига тортиб кетади. Айтишларича, Миср шаҳри яқинидаги йўлда бир тилсим ўрнатилган ва шаҳардан бир ёй ўқи масофада сувга кирган одамлар ёки ҳайвонларга бирон заҳмат етмайди. Ал-Муиззиддиналлоҳ лашкарини узатганда, улар ҳозирги Қоҳира шаҳри жойлашган ерга келишибди. Амир фармон берибди: «Дарёга етганингизда бир қора ит сиздан олдин сувдан сузиб ўта бошлайди, ҳеч қўрқмасдан унинг изидан кечиб ўтаверинг». Лашкарда ўттиз минг отлиқ аскар бор экан. Чиндан ҳам

қора ит лашкардан олдин сувга тушиб суза бошлабди, аскарлар унинг изидан бориб, дарёдан кечиб ўтишибди. Бирон жонзотга захмат етмабди. Бундан олдин Нил дарёсидан отлиқлар кечиб ўтгани маълум эмасдир.

Бу воқеа уч юз олтмиш учинчи йил (973 йил) бўлган эди. Султон ўзи денгиз орқали кемада келибди. Султон ва аъёнлари тушган кемалар Қоҳира яқинига келгач, уларни юкдан бўшатиб, кераксиз матоҳдек сувдан судраб чиқариб ташлашибди. Ушбу қисса муаллифи ўша кемаларни кўрди: еттита кема бўлиб, ҳар бирининг узунлиги бир юз эллик, эни олтмиш арш ва бу ерда турганига саксон йилдан ошибди. Ушбу ҳикоят ровийси ўша ерда бўлганида тўрт юз қирқ биринчи йил (1046 йил) эди.

Ал-Муиззиддиналлоҳ Мисрга келганида бу юртни Бағдод халифаси саркардаси идора этарди. У Муизнинг олди-га келиб унга итоат этибди. Муиз ҳозирги Қоҳира жойлашган ерга лашкаргоҳ қурибди. Бу жой куч билан ишғол этилгани учун лашкаргоҳ «Қоҳира» деб аталибди.

Муиз аскарларига Миср шаҳрига кириш ва одамларнинг уйига жойлашишни тақиқлабди. Миср даштида саройлар ва бошқа иморатлар қуришни буюрибди. Шундай бир шаҳар бунёд этилганки, унга ўхшаши кам топилади. Менинг ҳисобимда Қоҳира шаҳридаги султонга қарашли дўконлар йигирма мингдан кам эмас эди. Жуда кўп дўконларни ойига ўн мағриби динор ҳақ эвазига ижарага беришади, энг арзони ҳам икки динордан кам эмас. Карвонсарой, ҳаммом ва бошқа иморатларнинг саногига етиб бўлмайди. Ҳаммаси султон мулкидир. Чунки бирон одам ўзи қурганидан бошқа иморатга эгаллик қилолмайди. Эшитишимча, Қоҳира ва Мисрда султонга қарашли саккиз минг ҳовли бўлиб, уларни ижарага беришади. Истаган одам ҳовлини ижарага олиб, яна ўзи хоҳлаган пайтда қайта топширади.

Султон қасри Қоҳира шаҳри ўртасида бўлиб, унинг барча тарафи очиқ ва унга ҳеч қандай иморат туташмаган. Муҳандислар унинг майдонини ўлчашганда Миёфориқин шаҳристонини майдонига баробарлиги маълум бўлди. Чор тарафи яланглик бўлган қасрни тунда мингта посбон: беш юз отлиқ ва беш юз пиёда аскар қуриқлайди. Намозшомдан бошлаб довул қоқиб, ноғора чалишади ва тонг отгунча қаср атрофини айланншади. Агар шаҳар ташқарисидан қаралса, иморатларнинг кўплиги ва маҳобатлилигидан султон қасри тоққа ўхшаб кўринади. Аммо шаҳар ичкарисида ҳеч кўриб бўлмайди, чунки қаср девори жуда баланд. Айтишларича, бу қасрда ўн икки минг ёлланма хизматкор бор; хотинлар ва канизаклар қанчалигини ким ҳам билсин? Фақат қасрда ўттиз минг одам истиқомат қилишини айтишади. Қасрда ўн иккита кўшк жойлашган. Ҳарамнинг ер устида қурилган ўнта дарвозаси бор. Ер ости дарвозаларидан бошқа шу ўн дарвозанинг номланиши қуйидагича-

дир: Бобуззаҳоб, Бобулбаҳр, Бобуссариж, Бобуззаҳума, Бобуссалом, Бобуззабаржад, Бобульид, Бобулфутух, Бобуззиллоқа, Бобуссурйа.

Ер остида ҳам дарвоза бўлиб, султон ундан отда чиқа олади. Шаҳар ташқарисида ҳам бир қаср қурилган, ер ости йўли ўшанга олиб боради. Лаҳм шифтини гоят мустаҳкам қилганлар. Кўшк девори йуниланган тошдан шу қадар силлиқ қилиб қурилганки, гўё яхлит бир бўлак тошни тарашлаб ясаганга ўхшайди. Қаср ичкарасида миноралар, серҳашам айвонлар, аркони давлат учун қабулхоналар бор. Хизматкорлар занжирлар ва румликлардир. Вазир зуҳд, сидқ, илм ва ақл жиҳатидан бошқалардан чанд даража устун одамдир. Бу ерда Ҳоким султонлик қилган даврда шароб ичиш ҳеч қачон расм бўлмаган. Хотинлар уйдан ташқари чиқишмаган. Шароб тайёрламасинлар, деб эҳтиёт юзасидан узумни майиз қилиш ҳам тақиқланган. Ҳеч ким май ичишга журъат қилолмаган. Фуқоъ¹ ҳам ичишмаган, чунки маст қиладиган ичимлик ҳисобланиб, ман қилинган.

Қоҳира шаҳрининг бешта дарвозаси бор: Бобуннаسر, Бобулфутух, Бобулқантара, Бобуззавайла, Бобулхалиж. Шаҳар атрофида девор йўқ, лекин бинолар шу қадар баландки, девордан афзал ва мустаҳкамроқдир. Ҳар сарой ва кўшк бир ҳисордир. Кўплаб бинолар беш ва олти қаватлидир.

Нил сувини ичишади ва уни мешкобчилар туяларда ташишади. Нилга яқин қудуқларнинг суви яхши-ю, ундан узоқлашган сари шўрлиги ортиб боради. Айтишларича, Миср ва Қоҳирада мешкобчилар сув ташийдиган эллик мингдан ортиқ туя бор экан. Сувни жез кўза ва кийик мешларига солиб елкаларида ташийдиган мешкобчилар эса туялар ўтолмайдиган тор кўчаларга элтишади.

Шаҳарда саройлар оралигида боғ ва дарахтзорлар бўлиб, уларни қудуқ суви билан сугоришади. Султон ҳарамии учун маҳсус боғлар бунёд этилган, улардан ҳам гўзалроқ маскан бўлмаса керак. Бу боғларни сугориш учун чигирлар ўрнатилган.

Хатто томларга ҳам дарахтлар ўтқазилиб, шийпонлар қилинган. Мен у ерда бўлган пайтимда майдони йигирмага ўн икки газ бўлган уй ўн беш мағриби динор эвазига бир ойга ижарага бериларди. Мен яшаган уй тўрт қаватли бўлиб, уч қавати ижарага берилган эди. Ойига беш мағриби динор тўлашларини айтиб, тўртинчи қаватни ҳам ижарага сўрашди, лекин уй хўжайини рози бўлмади. «Бу ерда баъзи пайтлар ўзим келиб туришим мумкин», деди. Аммо мен бир йил яшаган бўлсам, шу муддат ичида у ақалли икки марта ҳам бу уйда бўлмади. Уйлар шу қадар озода ва шинам эдики, гўё гишт, тош, ганчдан эмас, балки кимматбаҳо тошлардан қурилгандек. Қоҳирада барча ҳовлилар алоҳи-

¹ Ҳозирги пивога ўхшаш ичимлик. — Ф. К.

да-алоҳида жойлашган. Бирон кимсанинг дарахт ё иморати бошқа бировнинг деворига тегиб турмайди. Шунинг учун ким хоҳласа, уйини бузиб, бошқатдан янги уй қуриб олиши мумкин. Бундан ҳеч кимга зарар етмайди.

Агар Қоҳирадан чиқиб ғарб томонга юрсанг, Халиж номили катта анҳорга дуч келасан. Бу анҳорни султоннинг отаси қаздирган ва анҳор бўйида унга қарашли уч юз қишлоқ бор. Анҳор Миср ёнидан бошланади ва Қоҳирага етгач, бурилиб султон қасри олдидан ўтади. Анҳор бўйида иккита кўшқ қурилган, биттаси «Луълу», бошқаси «Жавҳара» деб аталади.

Қоҳирада тўртта жомеъ масжиди бўлиб, уларда жума кунлари намоз ўқишади. Булар — Азҳар, Нур, Ҳоким ва Муиз жомеларидир. Сўнггиси шаҳар ташқарисида, Нил бўйида жойлашган.

Мисрдан Қоҳирагача бир милдан ҳам камроқдир. Миср жанубда, Қоҳира шимолдадир. Нил Мисрдан ўтиб Қоҳирага келади. Икки шаҳар оралигида иморатлар ва боғу бўстонлар бир-бирига тутшиб кетган. Ёз фаслида бутун водий ва дашт денгизга ўхшаб қолади. Баландлик устида жойлашгани учун сув босмайдиган султон боғидан ташқари барча боғлар сув остида қолади.

Халиф анҳорининг обилиши маросими

Нил суви етарли даражада кўпайиб, қиш фаслидаги сатҳига нисбатан ўн саккиз газ кўтарилган пайтда, яъни, эски тақвим бўйича шаҳривор ойининг ўнинчи кунидан обонмоҳнинг йигирманчисигача бутун мамлакатдаги анҳор ва ариқлар, жумладан Миср шаҳри ёнидан бошланиб, Қоҳирадан ўтадиган ва султоннинг хос мулки бўлган Халиж анҳорининг ҳам боши ёпиқ бўлади. Ушбу анҳорнинг очилиш маросимида султоннинг ўзи ҳозир бўлади. Худди шу пайтда барча вилоятлардаги ариқ ва анҳорларнинг ҳам бошини очишади. Бу кунлар катта байрам кунлари бўлиб, уни «Анҳор очилишига ташриф» деб аташади. Ушбу мавсум яқинлашганда анҳор бўйига султон учун рум ипагидан зарбоф саропарда тикишади ва уни жавоҳирлар билан безатиб, барча зарур асбоб-анжомларни муҳайё қилишади. Саропарда шу қадар улканки, унинг соясида юзта отлиқ тура олади. Унинг олдида буқаламун матодан яна катта бир чодир тикилади.

Байрам бошланишидан уч кун бурун отларни шовқинга ўргатиш учун султон отхонасида ногора ва карнайлар чала бошлашади. Султон отланган куни тилла эгар урилган ва заррин анжомли ўн мингта арғумоқ от тайёр ҳолда туради. От ёпинқиқлари рум ипаги ва буқаламундан бўлиб, махсус шунга тўқилгани учун қирқилмаган ва тикилмаган. Ҳошиясига Миср султони мулки эканлиги қайд этилган. Ҳар бир

отга зирх ёки совут ёпилиб, эгар қошига дубулга ва бошқа қурооллар осилган. Жуда кўп туяларга кажавалар, хачирларга тахтиравонлар ўрнатилади, улар зару жавоҳир билан безатилади ва пардаларига марваридлар тикилади. Агар анҳор очиладиган куннинг бутун тантана ва дабдабасини баён қиламиз, десак ҳикоямиз жуда чўзилиб кетади.

Бу кун султоннинг бутун лашкари гуруҳ-гуруҳ бўлиб сафга тизилади. Ҳар бир бўлукнинг ўз номи ва лақаби бор. Каттолийлар бўлуки йигирма минг отлиқ аскардан иборат бўлиб, улар Қайрувондан Ал-Муиззиддиналлоҳ хизматига келишган экан. Яна бир гуруҳни ботилийлар деб аташади; улар мағриб аҳолисидан бўлиб, Мисрға султондан олдин келишган ва, айтишларича, ўн беш минг отлиқ эканлар. Масомуда деб аталувчи гуруҳда йигирма минг одам бўлиб, улар масомудийлар ўлкасидан келишган ва қора танлилардир. Мушорика¹ деб аталувчи гуруҳ турклар ва эронийлардан иборат. Гарчанд уларнинг кўплари Мисрда туғилган бўлишса ҳамки, араб бўлишмагани учун лақаблари асл юртларига мослаб қўйилган. Айтишларича, улар ўн минг одам бўлиб, баққуват ва забардастдирлар. Бир гуруҳни «Абидушшарроъ» деб аташади ва булар пулга сотиб олинган қуллардир, жами ўттиз минг кишидир. Бадавийлар гуруҳи Ҳижоз аҳолисидан бўлиб, эллик минг отлиқдан иборат ва ҳаммаси найза билан қуролланишган. Устодон деб аталувчи гуруҳда ўттиз минг қора ва оқ танли қуллар бор, улар турли хизматлар учун сотиб олинган. Саройилар деб аталувчи гуруҳ турли ўлкалардан йиғилган пиёдалардан иборат. Уларнинг саркардаси алоҳидадир. Бу гуруҳдаги ҳар бир элат жангчилари ўз юртига хоҳ қурол-яроғ билан жанг қилади ва улар ўн минг кишидир. Занжилар деб аталувчи гуруҳда ўттиз минг қиличбоз бор. Бутун лашкар султон қарамоғидадир. Ва ҳар бир аскарга мартабасига яраша озуқа ва маош тайинланган. Аскарларга на фуқаро ва на амалдорлар молидан бир динор ҳам олишга рухсат этилмайди. Балки ноиблар ҳар вилоят хирожини йиғиб, хазинага топширадилар ва муайян вақтда хазинадан аскарларга маош тўланади, шу туфайли раият ва амалдорлар лашкарнинг пул ё мол талаб қилишидан жабрланишмайди.

Бундан ташқари, шаҳзодалар ва оламнинг турли ўлкаларидан Мисрға йиғилган аслзодалардан иборат бир гуруҳ ҳам бўлиб, у лашкар ҳисобига кирмайди. Бунда Мағриб, Яман, Рум, Сақлаб, Нуба, Ҳабашистон зодагонлари, Деҳли шоҳининг оналари билан бу ерга келган ўғиллари, Гуржистон шаҳзодалари, Дайлам маликзодалари, Туркистон хоқонининг ўғиллари бор эди. Шунингдек, яна турли табақага мансуб одамлар: олиму фозиллар, адиблар, шоирлар, қонуншунослар — ҳаммаси султондан маош олишарди. Зодагонлардан ҳеч бири беш юз динордан кам олмас, баъзила-

¹ Машриқликлар.

ри икки минг мағрибий динор маош олишарди. Улар бирон иш қилишмас, фақат вазир кенгаш ўтказганида унинг қабулига бориб, сўнгра яна ўз уйларига қайтишар эди.

Энди анҳорнинг очилиш маросими баёнини давом эттирамиз.

Султон анҳор бошига ташриф буюрадиган кун тонг сажарда биз юқорида зикр қилиб ўтган отларни олиб бориш учун ўн минг одам ёллашади. Отларни юзтадан гуруҳларга бўлиб, етаклаб боришади. Олдинда ногора, карнай ва сурнайлар чалиб муғаннийлар, орқада эса бир тўп аскар боради. Султон ҳарами дарвозасидан то Халиж анҳори бошигача шу тарзда боришади ва шундоқ қайтиб келишади. Отларни етаклаб борган ҳар одамга уч дирҳамдан беришади. Отлар орқасидан кажавалар ўрнатилган туялар ва тахтиравонлар ўрнатилган хачирларни етаклаб боришади. Бу пайтда султон лашкар ва отлардан нарироқда, хачир миниб келарди. У ёш, чиройли ва хушқомат одам бўлиб, амир ал-муъминин Хусайн ибни Али ибни Абу Толиб солавотуллоҳи алайҳумо авлодидан эди.¹ У миниб олган хачирнинг эгар ва абзаллари ҳеч қандай безаксиз ва зару симдан холи эди. У оқ кўйлак ва унинг устидан узун ва кенг барли чопон кийиб олган эди. Бу хил чопон араб заминида расм бўлиб, ажамада уни «дурроя» деб аташади. Султон кийган кўйлакни «дебки» деб аташади ва, айтишларича, унинг баҳоси ўн минг динор экан. Худди шу рангдаги салла ўраб, кўлида катта ва қимматбаҳо қамчи ушлаб олган эди. Унинг олдида уч юз нафар пиёда дайламликлар боришар, ҳаммалари зарбоф румий матолар кийиб, белбоғ боғлашган, Миср одатига кўра, енглари кенг эди. Улар сих найзача ва ўқ-ёйлар кўтариб олишган. Султон шамсиясини кўтарувчи мулозим унга яқинроқ отда келарди. У бошига жавоҳирлар қадалган салла ўраган, эғнидаги чакмони ўн минг мағриби динор турарди. Кўлида ушлаб олган шамсия ниҳоятда нафис қилиб ишланган ва марваридлар билан безатилган эди. Султон яқинида бошқа отликлар йўқ, олдида ўша дайламликлар боришарди. Ўнг ва сўл томонда бир нечта қуллар юриб, мижмарларда анбар ва уд ёқишарди. Одатга кўра, султон яқинлашганда одамлар тиз чўкиб, унинг ҳақиға дуо ўқишарди. Султон изидан вазир, қозиул-қуззот ва аркони давлат ҳамда илм аҳлидан катта бир гуруҳи боришарди.

Шу тарзда султон чодир тикилган жойгача, яъни, анҳор бошига борди ва хачирдан тушмасдан тўхтади. Бир соатлардан сўнгра унинг кўлига найза тутқазишди ва султон найзани тўғонга санчди. Одамлар дарҳол куланг ва беллар билан ташланиб, бандни бузиб ташладилар. Сув кучли бир зарб билан емирилган бандни суриб, анҳорга оқа бошлади.

¹. Фотимийлар сулоласидан бўлган саккизинчи султон Тамим ал-Мустансирбиллоҳ 1036—1094 йиллар ҳукмронлик қилган.

Бу кун Миср ва Қоҳиранинг бутун аҳолиси анҳор очилишини томоша қилишга келишади. Турли ажойиб ўйин ва томошалар кўрсатилади. Анҳорга биринчи бўлиб туширилган кемага гунг одамларни миндиришади, чунки буни хайрли фол деб билишади. Бу кун султон уларга садақалар беради.

Султоннинг йигирма битта кемаси бор. Султон қасри ёнида кемалар учун махсус сув омбори қурилган. Ҳар бир кеманинг узунлиги эллик газ ва эни йигирма газ. Барчаси олтин-кумуш ва жавоҳирлар билан обдан безатилиб, ипак матолар қопланганким, агар таърифини батафсил келтирсам, бир неча варақни тўлдиришга тўғри келади. Отларни отхонада сақлаган каби, бу кемалар ҳам кўпинча сув омборида туради.

Шаҳардан икки фарсанг масофада султонга қарашли бир боғ бўлиб, уни «Айнушшамс» (Қуёш булоғи) деб аташади. У ерда суви ширин булоқ бўлиб, боғ номини шундан олган. Қадимда бу ерда Фиръавннинг боғи жойлашган экан. Боғ ёнида кўҳна бир иморат кўрдим: баландлиги ўттиз газ бўлган тўртта улкан тош булаги миноралардек юксалиб турар ва тепасидан томчилаб сув оқарди. Бунинг нималигини ҳеч ким билмасди.

Давоми келгуси сонда.



Мехр ижодори

Ўзбекнинг узига хос одоб тизими бор.

Буни бошқа бир ерда учратиш қийин.

Баҳодир Жалолов мендан бир неча ёш кичик. У киши менга ака, деб мурожаат қилади. Лекин мен ҳам Баҳодир ака, дейман.

Тошкентда, бошқа шаҳарларимизда Баҳодир аканинг улкан девортасвирлари куп. Санъат мухлислари рассомни яхши билишади. Лекин яқин қўшни мамлакатлардан тортиб Англия, дейсизми, Фарангистонми — узоқ мамлакатларда ҳам Баҳодир Жалоловни истеъдодли катта рассом сифатида танишади. Ҳурмат қилишади. Ўзбекистонда булгани сингари бу мамлакатларда ҳам ўзбек Рассомининг қатор кургазмалари ташкил этилган. Баҳодир ака Ўзбекистон шон-шухратини оламга таратаётган ва халқимиз қиёфасини дунё кузгусида акс эттириб, курсата олган санъаткорлардан биридир.

Баҳодир Жалолов бир қанча альбом-китоблар ҳам нашр эттирган. Булардан рассом ижоди кулами кенглиги, услуби нақадар рангинлиги, шунинг баробарида, фалсафий теран эканлигини билиб олишингиз мумкин.

Бизнинг «Шарқ юлдузи» журналимизда Баҳодир ака чизган буюк Машраб тасвири илк дафъа босилган эди! Бу тасвир кейинчалик бошқа нашрлардан ҳам урин олди.

Мен Урол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Абулҳақ Абдуллаев, Самиг Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қузибоев ва бошқа катта-кичик рассомларимиз ижоди билан озми, кўпми танишман. Улардан айримлари билан мулоқотда, суҳбатларда ҳам булганман. Ўзбекистонда тасвирий санъат юксалишида буларнинг ҳар бири узининг бетакрор ҳиссасини қўшган. Қўшиб келяпти! Ҳаётда давомийлик, янгиланиш, юксалиб боришдан гузал нарса йўқ... Бизнинг ёзувчиларимиз сунгги йилларда Шарқ ва Ғарб тажрибасини урганиб, ўз ижодида қўллаётган рамз, тимсол, умумлашма, ҳаёлий белгилар аслида, ўзбек рассомлари ижодида анча олдин кузга ташлана бошлаган эди! Рузи Чориев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков ва улардан ёш авлод рассомлар яратиб, муваффақият қозонган асарлар бундан далолат беради.

Мен рассом Баҳодир акага қанчалик ҳайрат билан қарасам, инсон Баҳодир акага кўнглимда шунчалик айрича меҳр сезаман.

У шу қадар содда, тўғри, камтар, узидан кўпроқ бошқаларни уйлайдиган, кимга нимадир яхшилик қилиш нияти билан яшайдиган ОДАМ! Гузалликни фақат тасвирда эмас, ҳаётда излайдиган, топадиган, курадиган ОДАМ!

Баҳодир ака! Сизга энг эзгу тилакларим.

Омон МУХТОР

222 бетда:

Умар Хайём тушлари

Мундарижа

ҚУТЛОВ

Матёқуб Қўшжонов. Адабий муҳит ва бадийят қисмати	3
Муҳаммад Али. Рухият парчалари	176

НАЗМ

Исмоил Тўхтамишев. Ноёб бўлди мен учун шафқат	9
Дадахон Ҳасан. Ўзингдирсан меним дунёда борим	11
Барно Эшпўлатов. Бағримдан сирғалган нозик хаёл гул	14
Мадамин Қўчқор. Умидлар жаранглаб кетди ҳарёна	35
Вафо Файзулло. Офтоб чалгин зангор кўнғироқ	36
Ҳабиб Саъдулла. Дўст қадри. <i>Достон</i>	132

НАСР

Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар (<i>Романга кирмай қолган лавҳалар</i>)	19
Бобомурод Даминов. Она тупроқ. <i>Қисса</i>	40

БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ

Фируза. Нафиса мунг бўлиб куйлайди юрак	61
Муҳаммад Умар. Гуллар қолсин изимиздан термилиб	64

САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

Аҳмад Лутфий. Кун ботар арафалари	67
---	----

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

Акбархўжа Одилхўжа ўғли. Вафо меҳри умидин истамақда билдим	142
---	-----

ЕДНОМА

Сайёр. Дунё иши галма-гал	146
Нуъмон Раҳимжонов. Бу куннинг шукронаси	168

САНЪАТ

Юсуф Файзулло. Қушиқ сеҳрида Ватан бор	182
Омон Мухтор. Меҳр изҳори	223

МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Носир Хисрав. Сафарнома	187
-----------------------------------	-----

Безовчи рассом Р. Қўнғирова.

Мусаҳҳиҳ М. Йўлдошев

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятта келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ● Обунага монеталик курсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 23.04.98 й. Босишга рухсат этилди 22.05.98 й. Қоғоз формати 84x108^{1/32}. Оффсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 9.895 нусха. Буюртма № 2327.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.